

ТЕОДОР РУЗВЕЛЬТ

821.512

p86

ЛИДЕРЛИК ҚОНУНЛАРИ

ЛИДЕРНИНГ ЙЎЛИ • АФСОНАВИЙ БЕСТСЕЛЛЕРЛАР

«УШБУ КИТОБ РУЗВЕЛЬТ ШАХСИГА БОШҚАЧА
НИГОҲ БИЛАН ҚАРАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.
БАРЧА КАТТА-КИЧИК РАҲБАРЛАР
ЎҚИШИ ШАРТ».

- THE WESTON REVIEW -

ЛИДЕРНИНГ ЙЎЛИ • АФСОНАВИЙ БЕСТСЕЛЛЕРЛАР



ТЕОДОР РУЗВЕЛЬТ

ЛИДЕРЛИК
ҚОНУНЛАРИ

Тўпловчи: Алан Аксельрод

«SHARQ-ZIYO ZAKOVAT»
нашриёт-матбаа уйи
ТОШКЕНТ – 2021

уЎК 821.111-31
КБК 84-44(7Англ)
Р – 91

Р – 91 Рузвельт, Теодор.

Лидерлик қонунлари [Матн]. *Адабий-бадиий нашр / Теодор Рузвельт*; – Тошкент: «Sharq-ziyo zakovat», 2021. – 288 б.

«Лидернинг йўли. Афсонавий бестселлерлар» силсиласи еттита бекиёс китобдан иборат бўлиб, уларда таъсир кўрсатиш, қатъият, ботиний куч, бойлик, чидам ҳақида сўз боради. Барча муаллифлар – тан олинган лидерлар ёки лидерликнинг асосий уқуви бўйича билимдонлардир. Ушбу бестселлерлар аллақачон ўз тарихига эга, улар миллионлаб кишиларга муваффақиятга эришишда кўмак беришди.

Теодор Рузвельт штат қонунчилик мажлиси депутатлигидан АҚШ президентигача бўлган йўлни босиб ўтган. У кўплаб дадил таклифларни олға сурди, федерал ҳукумат фаолиятида бир қатор мураккаб ислохотларни амалга оширди, шу билан бирга Қўшма Штатлар халқига хизмат қилишни ҳеч унутмади. Ҳозирги кунгача Теодор Рузвельт миллатнинг энг машҳур лидерларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу китобда Рузвельтнинг лидерлик бўйича етти қонуни ҳамда 136 бебаҳо сабоғини топасиз. Сабоқлар лидерлар учун фойдали бўлиб, уларни янгидан-янги муваффақиятларга илҳомлантиради.

уЎК 821.111-31
КБК 84-44(7Англ)

ISBN 978-9943-6747-6-9

© Теодор Рузвельт, 2021
© «Sharq-ziyo zakovat»
нашриёт-матбаа уйи, 2021

Анита ва Иэнга бағишланади



Қисқача мундарижа

Муқаддима. Қатъий лидер
31

1. Тўлақонли ҳаёт кечир
61

2. Яша ва ўрган
93

3. Яша ва ўргат
117

4. Новатор бўлиб яша
147

5. Раҳбар бўлиб яша
169

6. Сиёсатчи бўлиб яша
207

7. Халқ хизматкори бўлиб яша
249

Теодор Рузвельт ҳаёт солномаси
278

Мундарижа

МУҚАДДИМА. ҚАТЪИЙ ЛИДЕР 31

Президентлик давримда мамлакатни қатъий тарзда бошқарганман: ўзимга берилган ваколатнинг ҳар мисқолигача ишлатардим.

ТЎЛАҚОНЛИ ҲАЁТ КЕЧИР

1-САБОҚ. Ҳаётнинг бир қисми бўл 63

Жангларда қатнашган одамлар мих каби мустаҳкамдир. Улар калтак еганидаям кўзёши қилмайдилар. Бу ҳаётларининг бир бўлаги. Албатта, ушбу одамлар боксчи қўлқопидаям, уларсиз ҳам оёқда маҳкам туришлари лозим. Мен бошқаларнинг муваффақиятини жимгина кузатадиган спортда фойда кўрмайман.

2-САБОҚ. Қўлингга эшкак ол 64

Ҳамиша моторли қайиқларга эга кишилар кўп нарсаларни қўлдан чиқаришади, деб ҳисоблардим. Агар улар эшкакли қайиқ ёки каноэга ўтганларида ва қўлларига эшкакни олганларида... ўз ишини бензинли моторларга юклашганидан кўра кўпроқ нарсаларга эришган бўлардилар.

3-САБОҚ. Қаршиликларни енгиб ўт 66

Теодор яқинлашаётган тўлқинларни чинакам ҳис қилганча қўл ва елкасидаги зўриқишларга чанқоқ эди.

4-САБОҚ. Узоқроқ ва тезроқ ишла 67

... Унинг кам ухлашидан хавотирдаман...

- 5-САБОҚ.** Майда-чуйдаларгача аҳамият бер 69
Келгусида шаҳар ҳаётини яхшилашга қарор қилган одам курашга тайёр туриши, тер, қон, дўстлари ва душманларидан етадиган азиятлардан қўрқмаслиги лозим. Бундай одам четда чайналиб турмасдан, ҳамиша ҳаётнинг қайноқ жабҳасида бўлмоғи керак.
- 6-САБОҚ.** Ўз фикрингни ҳимоя қил 71
Менга ташланишса – муштлашаман!
- 7-САБОҚ.** Ташаббусни сийла 73
Одамга бериладиган энг ёмон маслаҳат: бошқаларга қўйиб бер, кейин эса улардан нолиб юр.
- 8-САБОҚ.** Қалбингга қулоқ сол 74
Агар жангга кетмасам, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзимни ҳеч кечира олмаган бўлардим...
- 9-САБОҚ.** Катъий бўл 76
Иложи борича жанжаллашма. Мумкин бўлса, тортишма. Аммо муштлашувдан қочишнинг имкони йўқ бўлса, рақибингни адабини бериб қўй.
- 10-САБОҚ.** Имкон даражасидан ташқарига чиқ 77
Мен иснодли бекорчилик доктринасимас, тўлақонли ҳаёт доктринасини тарғиб қиламан.
- 11-САБОҚ.** Юксак мақсад учун таваккал қил 80
Бутун умрини ғалаба ва мағлубиятлардан ҳоли туссиз ғира-шираликдан иборат ҳаётда ўтказадиган иродаси суствларга қўшилиб яшагандан кўра омадсизликдан ҳадиксирамай, юксак мақсадлар ва ҳақиқий зафарлар учун таваккал қилган аъло.
- 12-САБОҚ.** Характерни шакллантир 81
Ўғил бола учун ўн бир ёшида мактаб спорт жамоасига капитан бўлиш фойдали. Аммо орадан

йигирма йил ўтиб у ҳақда фақатгина ҳамон футболга, бейсболга ёки боксга қизиқиши ва қачонлардир капитан бўлганини бир умр ёдида сақлашни айтишса – жуда ёмон.

13-САБОҚ. Ишга борингни бер 82

Мен лос каби бақувватман, мендан тўлиғича фойдаланишингиз мумкин.

14-САБОҚ. Ўзингга ишон 83

Катта оломонни айтмаса, менга тансоқчи керак деб ўйламайман. Агар суиқасд қилмоқчи бўлган қотилга дуч келиш эҳтимоли мавжуду, кишининг ўзи қатъиятли ва жисмонан бақувват бўлса, тансоқчидан кўра ўзини яхшироқ ҳимоя қила олади.

15-САБОҚ. Қаттиқ меҳнат қил 85

Мен ҳеч қачон қаттиқ меҳнат қилмасдан, бор кучимни сарфламасдан, синчковлик билан режаламасдан ва олдиндан узоқ тайёргарлик ишларисиз ҳеч нарсани қўлга киритмаганман.

16-САБОҚ. Натижага интил 87

Ҳаёт – буюк саргузашт ва сизларга шуни айтмоқчиман: уни борича қабул қилинг. Ғалаба учун жон борича куч сарфланг. Ғалаба қўлдан чиқиб кетган тақдирдаям, шиква қилмасдан олға интилишида давом этишга, бор кучингиз билан ишлаш ва натижаларни қўлга киритишга тайёр туринг.

17-САБОҚ. Хатарларга шай тур 87

Мени отишларидан қўрқмайман. Бу касбий хатар, ҳар қандай машҳур киши учун табиий ва меъерий ҳолдир. Ўн бир йил мобайнида менга ўқ узишларига шай ҳолда яшадим.

18-САБОҚ. Ҳамкорлик учун шароит ярат 91

Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун – яхши шиор. Аммо ҳар киши бошқаларга юк бўлмасликка уриниб, бор кучи билан ишлаганидагина бу шиор ўзини оқлайди.

19-САБОҚ. Қадриятларни тўғри танла 91

Американи нима йўқ қилиши мумкин? Қандай бўлмасин фаровонликка, тинчликка эришиш, бурчни қадрлаш ўрнига беҳатар яшаш, осуда ҳаётни исташ ва тезроқ бойиб кетишга иштиёқ – мана шулар мамлакат кушандаларидир.

ЯША ВА ЎРГАН

20-САБОҚ. Болалардан ўрган 95

Болалар китобдан яхши.

21-САБОҚ. Фактларни ўз талқининг билан бузма 95

Толстой – буюк ёзувчи. У ўз қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини ҳеч қачон изоҳлаб ўтирмаслигини пайқаганмисан? У қаҳрамонларининг ўйлари ва ишларини ҳикоя қиларкан, булар яхши-ёмонлигини ўқувчига баён қилиб ўтирмайди. Фукидид ҳам тарихни шундай ёзган – унинг асарларини ёмондай кўрсатган нарса аслида ёмон фактларнинг ўзидир.

22-САБОҚ. Амалда ўрган 97

Жангда тезроқ ўрганасан.

23-САБОҚ. Дарсликдан ҳаёт китобига разм сол 98

Китоблар орқали ҳеч кимга давлатни самарали бошқаришни ўрганиш насиб қилмаган... Агар киши

- ҳаётда ҳеч нарса қилмай китоблардан бош кўтармаган бўлса, ундан давлат арбоби чиқмайди.*
- 24-САБОҚ.** Кўрқувни енг 100
Агар одам онгли равишда қўрқмасдан ҳаракат қилса, чинакам жасур кишига айланиши мумкин.
- 25-САБОҚ.** «Учқур чавандоз» бўл 101
Ўзгаларни қандай қилиш кераклигига мажбур қилиш учун уларни шахсан бошлаб кетиш лозим.
- 26-САБОҚ.** Имконни қўлдан берма 105
Одамлар тақдирин хожасиман мен!
- 27-САБОҚ.** Китобхонлик дардига чалин 107
Мутолаа, менимча, чинакам касаллик.
- 28-САБОҚ.** Фаол тингла 108
Менга сизнинг фикр ва маслаҳатларингиз зарур.
- 29-САБОҚ.** Дарслардан сабоқ ол 110
Ҳа, одам кўп жойларга борганимда.
- 30-САБОҚ.** Лидерлардан ўрган 111
Линкольн – менинг қаҳрамоним.
- 31-САБОҚ.** Теранроқ ковла 113
Кураш – худди теннисдаги каби шунчаки қоидалардан иборат спорт тури. Жиу-житсу усуллари эса рақибни ўлдириш ёки майиб қилишга қаратилган.
- 32-САБОҚ.** Ўнгача сана 114
Президентлик – феълингни тийишни ўрганиш учун айнан мос ўрин.
- 33-САБОҚ.** Курашдан қочма 115
Хатарга дуч келиб уни енгганлар, машаққатларга учраб уларни босиб ўтганлар миллат шарафини ташкил қилади. Йўллари чаманзорлардан ўтган, қийинчилик ва қўрқувни билмаганлар бундай шарафга лойиқ эмас.

ЯША ВА ЎРГАТ

- 34-САБОҚ.** Ўз ҳуқуқларингни ҳимоя қил 119
Сизга зўрлик қилиши учун ҳеч кимга йўл берманг. Жанжалларга сабабчи бўлманг, аммо ҳуқуқларингиз камситилишига йўл қўйманг. Муштлашишга тўғри келса, бор кучингиз билан муштлашинг!
- 35-САБОҚ.** Некбин бўлиб қол 121
Мен некбинман, аммо анчагина оқил некбинман дея умид қиламан.
- 36-САБОҚ.** Қонунларга риоя этилишини талаб қил 122
Сизнингча қонун яхши эмасдек туюлса-да, бунинг аҳамияти йўқ. Одамлар уларга риоя этишларига эришиш лозим.
- 37-САБОҚ.** Ҳеч қачон каттарма 124
Икки нарса устида бош қотиринг. Биринчидан, ҳар маҳал ҳаётингизни мароқли ва қизиқарли қилинг, зеро бужмайган афт ҳалигача ҳеч кимга фойда келтирмаган. Иккинчидан, арзирли бирор нарса қилмоқчи бўлсангиз, жон-жаҳдингиз билан ишланг ва зарур ишни бажаринг.
- 38-САБОҚ.** «Миллий ғоя»ни бунёд қил
Халқимиз икки ёни буюк уммонлар билан ўралган қитъада яшайди. Бу кишилар – кашшофлар авлоди ва ўзлари ҳам қайсидир маънода кашшофдирлар. Улар Эски Дунёнинг турли тарафларидан ўзлари билан қудрат ва жасорат олиб келишган, юракларида эса саргузаштларга нисбатан ўчмас муҳаббат алангаланиб турибди. Шундай жойда яшаган бундай халқ омаднинг қўлидан асл муваффақиятни тортиб ола билади.

39-САБОҚ. Ибрат бўл 128

Ибрат – энг самарали ишонтириш воситасидир.

40-САБОҚ. Салбийликка ботма 129

Жинойтларни очинг ва жиноятчиларни таъқиб қилинг. Аммо ёдингизда бўлсин, жиноятни очиб жараёни қўл учида олиб борилиб, фақат хўжакўрсинга амалга оширилса, унинг ўзи жиноятдан кўра жамиятга катта зарар келтиради.

41-САБОҚ. Айтганингни қил 132

Агар инсоннинг ўзи ўзгаларга қиладиган панд-насиҳатлари асосида яшамаслиги маълум бўлиб қолса, жуда ноқулай аҳволга тушади.

42-САБОҚ. Таассурот қолдир 133

Бирорта хорижий салтанат биз Буюк оқ флотимизни дунёни айланишга юборишимизни кутмаганди. Чунки ҳеч бир буюк денгиз салтанатлари бундай ишга ўзини қодир деб ҳисобламасди. Биз эса флотни юбориш билангина эмас, буни қандай уддалаганимиз билан ҳам улкан таассурот қолдирдик. Флот бир йилгача соҳилларимиздан олисда сузди. Бу вақт мобайнида у дунёни белгиланган муддатда ва худди кетган пайтмидагидек аъло ҳолда айланиб келди.

Бу таъриф кемаларга ҳам, кишиларга ҳам тааллуқли. Флотимизнинг дунёни айланиши ўз ҳалқимиздан ҳам кўра хориж давлат арбобларини кучлироқ қойил қолдирди.

43-САБОҚ. Беҳуда баҳслардан қоч 134

Мен ҳар бир тараф одамлари қўллайдимийўқлигидан қатъий назар маълум бир нуқтаи-назарни жон бориचा ҳимоя қиладиган баҳсли

конкурсларга қизиқиш билдирмайман...
Коллежларимиз битирувчилари ҳар қандай
тарафнинг фойдаси учун ўз манфаатларидан
келиб чиққан ҳолда асосли важларни топа оладиган
эмас, қатъий ва тўғри қарашларга эга ёшлардан
иборат бўлишлари керак.

44-САБОҚ. Ўз тажрибангга таян 136

Фанда ҳам диндаги каби ақидалар
мавжуд. Бу эса янада хатарли бўлиб, унга
чалинган ҳеч қандай ақидага ишонмаслигига
чуқур ишонади.

45-САБОҚ. Ўргатишни ўрган 137

Миллат ва инсоният нуқтаи назаридан олимлик
маҳсулдор бўлгандагина қадрлидир. Олим нафақат
олиши ёки қўлга киритиши, шу билан бирга бериши
ҳам керак.

**46-САБОҚ. Ҳукмронликни эмас, масъулиятни
тавсия қил 138**

Бу ерда, Америкада инсоният умиди, келажакнинг
тақдирини қўлимизда тутиб турибмиз. Агар
кўзларимиздаги олий қатъият хиралашса, агар
одамларнинг олтин умидларини топтаб чангга
қориштирсак, бошимизга уят ва иснод ёғилади.

47-САБОҚ. Ўтмишни рад этма 140

Реал ва бевосита фойда ҳурмати ўқувчилар ва
уларнинг ўқитувчиларига ўқитиладиган тарих –
демократик давлатдаги асосли таълимнинг энг
муҳим фанларидан биридир.

48-САБОҚ. Мавҳум сўзлардан қоч 141

Миллатимизнинг бир нуқсони бор – биз мавҳум

жумлалар билан гапиришга мойилмиз. Латча тухумни сўрган пайти унинг пўчоғигина қолади. Сиз мавҳум сўзлардан фойдаланганингизда, одамнинг эсида нутқингиздан ҳеч нарса сақланиб қолмайди.

49-САБОҚ. Манбага айлан 143

Дарё ўз манбасидан юқорига оқмайди.

50-САБОҚ. Илҳомлантир ва қўллаб-қувватла 144

Рузвельт сўзлари, хатти-ҳаракати орқали ўз интилишларини рўёбга чиқаришга тўлиқ ишонмаган ёки етарлича қувватга эга бўлмаган кишиларни аниқлар ва қўллаб-қувватларди. Одамлар ўзларининг олий «мен»ига эга бўлиш умидида унга талпинишарди.

НОВАТОР БЎЛИБ ЯША

51-САБОҚ. Адолатни амалда қил 149

Қандайдир чораларни тавсия қилар экан, уларнинг нафақат адолат, балки амалий эканини ҳам назарга олишимиз лозим.

52-САБОҚ. Оригинал бўл 150

Ҳамиша оригинал бўлиш тақлиддан кўра яхши.

53-САБОҚ. Буткул садоқат талаб эт 152

Ер юзидаги энг жирканч тушунчалардан бири – бу америкаликларнинг келиб чиқишини эслатиб туришдир: «немислардан чиққан америкалик», «таги ирландлардан чиққан америкалик» ёки «асл америкалик» каби. Шунчаки америкалик бўлинг – шунчаки америкалик!

54-САБОҚ. Нимани тўғри деб ҳисобласанг
ўшани қил **154**

*Коррупциялашган арбоблар ўз рақиблари меҳнати
натижаларига эга чиқиш учун барча эзгуликларни
ўзлариники қилиб олишларига изн беришни яхши
ўрганиб олишди.*

55-САБОҚ. Ўта фаол танлов қил **155**

*Агар зобитнинг инстинкти кризисга тайёргарлик,
кўришни шипшиётган бўлса... уруш пайтида унга
ишониш мумкин.*

55-САБОҚ. Салафинг соясидан чиқ **156**

*Эшли Уилкокс: «Сиз вазирлар маҳкамаси тавсия
қилганидек ҳаракат қилиш яхшироқ деб
ўйламайсизми?»*

Рузвельт: «Йўқ. Бу ундан бадтар.»

57-САБОҚ. Ўз йўлингдан юр **158**

*Жаноб Рузвельт ҳаммасини илкида тутиб
турибди ва буни вазмин, босим ўтказмай
амалга оширмоқда. У жуда кўп ва мутлоқ янги
ишларни қилди.*

58-САБОҚ. Эскини эплама – алмаштир **159**

*Ж.П. Морган: «Агар биз бирор нарсани нотўғри
қилган бўлсак, одамларингизни жўнатинг,
бизникилар биргаликда тузатишади».*

59-САБОҚ. Бизнесни ривожлантир, одамларни
ривожлантир **161**

*Кўрқоқнинг қўлига энг яхши қуролни бериб қўйсанг
ҳам калтак тутган ботирдан енгилади.*

60-САБОҚ. Орзу эт ва бажар **162**

Юлдузларга тикил, аммо оёғинг ерда маҳкам турсин.

- 61-САБОҚ.** Идеалларни воқеликда текшир 163
*Агар сизнинг идеалингиз уйда яхшию, ташқаридаги
ҳаётга тўғри келмаса, уни яхшилаб текширинг,
таҳлил қилинг ва ташлаб юборинг.*
- 62-САБОҚ.** Янги ечимлар топ 164
Нобель мукофоти мени анча ҳайратлантирди.
- 63-САБОҚ.** Ўз устингда ишла 166
*Оғир феълимни қаттиқ назоратда тутганча
соғлигимни яхши сақладим.*
- 64-САБОҚ.** Ўз ғояларингни олға сур 167
*Миллий самарадорлик... бу табиат муҳофазасини
кенг тарғиб қилишдир.*

РАҲБАР БЎЛИБ ЯША

- 65-САБОҚ.** Ўзингга эътибор бер 171
*Дафъатан кўзларимиз... хонага кирган ёш
йигитга михланиб қолди.*
- 66-САБОҚ.** Энг яхши жойни эгалла 172
*...Тедди отилиб кирди... худди уни биров орқасидан
итариб юборгандек эди.*
- 67-САБОҚ.** Ҳаяжонни енг 173
*Тез чонаётган чавандознинг ортидан омадсизликлар
етишолмайди.*
- 68-САБОҚ.** Шахсни эмас, ахлоқни баҳола 174
*Сен бир одамда кўрган сифатларни риёкорларча
қоралаб, буларни бошқа бировда кўриб жим қолишинг
нимаси? Ё ахлоқни танла, ё шахсни.*
- 69-САБОҚ.** Энг яхши замонларда яша 175
*Жаҳон тарихида қувонч ва завқланиш учун
имкониятлар бунчалар кўп ва мароқли давр бўлмаган.*

- 70-САБОҚ.** Тўрачиликни рад қил 176
Менга ҳат ёзиб ўтирманг. Уларни ўқишга вақтим йўқ.
- 71-САБОҚ.** Омадсизликни имкониятдек қабул қил 177
Омадсизлик оғир. Аммо муваффақиятга эришишга сираям уринмаслик яна-да даҳшатлироқ!
- 72-САБОҚ.** Характерни ҳаммасидан юксак қадрла 178
Жисмоний куч – яхши, интеллект кучи – янада яхши, аммо ҳаммасидан ҳам қадрлиси характер кучидир.
- 73-САБОҚ.** Жангга кириш 180
Жангга кириш, ҳаракат қил, оқиллик билан иш кўр.
- 74-САБОҚ.** Тараддуд чизиғини белгила 181
Мамлакатимизнинг намунали фуқаросининг бош фазилати – унинг ўз ишини бошлаш ва бажаришга бўлган лаёқатидир.
- 75-САБОҚ.** Вазиятдан фойдалан 182
Менинг баҳолашим бўйича, вазият сиздан жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда умумий тил топишишингизни қатъий талаб қилмоқда.
- 76-САБОҚ.** Қоғозга эмас, одамларга хизмат қил 184
Конституция одамларга хизмат қилиши керак, одамлар конституцияга эмас.
- 77-САБОҚ.** Қоидаларга амал қил 185
Ҳеч ким қонундан устун ёки паст туриши мумкин эмас. Биз кишидан қонунга бўйсинишини талаб қилаётган пайти, ундан қонунга риоя қилишни сўрамаймиз.
- 78-САБОҚ.** Ҳокимиятни ишга сол 186
Етти ярим йил номигагина етакчи бўлиб юргандан, уч ярим йил чинакам президент бўлган афзал.

79-САБОҚ. Одамларни тўғрилашга уринма –
муаммоларни ҳал эт **188**

*Ёмонлик билан кураш, аммо уни қилган одамга
ёмонлик қилма. Уни нотўғри ҳаракат қилиш
кучларидан ҳоли қил.*

80-САБОҚ. Оқилона иш кўр **190**

*Совун Испанияда ишлаб чиқарилмагани учун ҳам
кишига ўз совунини «кастилча» деб аташига
изн бермаслик аҳмоқлик бўларди.*

81-САБОҚ. Мукамалликка интил **191**

*Муваффақият – чинакам муваффақият – сен қандай
мавқега эга эканингга боғлиқ эмас. Муҳими бу
вазиятда ўзингни қандай тутишинг.*

82-САБОҚ. Барчага адолатли бўл **192**

*Мен адолатли йўл ҳақида гапирганимда фақат мавжуд
қоидалар билан ўйин олиб боришинигина назарда
тутмайман. Мен тенг имконларни амалда таъминлаш
ҳамда бир хил сифатдаги ишни бирдай мукофотлаш
учун бу қоидаларни ўзгартириш тарафдориман.*

83-САБОҚ. «Бўлар иш бўлди» кучидан фойдалан **193**

*Мен ҳудудни (Панама каналини) қўлга киритдим,
канал қурилишини бошладим, кейин эса канални эмас,
мени муҳокама қилишлари учун конгрессга мурожаат
қилдим. Муҳокамалар ўз маромида борар, каналда
ҳам қурилиш ишлари тўхтамай давом этарди.*

84-САБОҚ. Ҳокимият обрўсини кўтар **195**

*Президентлик амалий ҳокимият, президент эса бу
ҳокимиятни қўллай оладиган кучли инсон бўлиши керак.*

85-САБОҚ. Ноҳақ кўпчиликка қарши тур **197**

*Кўпчиликнинг мустабидлиги пайдо бўлса,
мен бунга қарши курашаман.*

**86-САБОҚ. Ўзини ўзи идора қилиш
тизимини ярат 198**

Ҳаммамиз ўзимизни ўзимиз бошқаришни хоҳлаймиз, бошқа биров эмас. Озод ҳукуматнинг маъноси ҳам айнан мана шунда.

87-САБОҚ. Йирик фикрла 200

Халқаро ахлоқ жиҳатидан Россияни Германиядан кўра жиддийроқ дея ҳисоблашга асос кўрмайман. Ғарб тамаддунига ҳурмати ва муносабатига қарамай, Япония ҳам хавф бўлмаса истаганини олиш учун имкон туғилди дегунча бирор ғарб давлатига ҳамла қилишдан ўзини тиёлмайди. Агар Германия мағлуб бўлса, кейинроқ унга Россияни ғарб мамлакатларидан ажратиб турувчи девор сифатида тикланишида кўмаклашиш керак.

88-САБОҚ. Бизнес тилида гапир 202

Оқил ва сахий юракка эга ҳар қандай киши фақат долларда ўлчанадиган муваффақият билан қаноатланиб қолмайди. Бундай ёндошувни қўллаган одам ўзи ва бошқаларни ачинарли омадсизликлар қаърига тортиб кетади.

89-САБОҚ. Фикрни ҳаракатга айлантир 203

Миям аъло даражада эмас, аммо ҳаракат кўрсатиш лаёқатига эгаман дея ўйлайман.

90-САБОҚ. Оқилона бошқарув йўлини танла 204

Бошқарувнинг моҳияти қонунчилик эмас, маъмуриятчилик.

91-САБОҚ. Айни дамга эътиборингни қарат 205

Дунё тамоман ғойиб бўлди... Ўша дамда уни қизиқтирган ва хавотирга солган мендан бўлак ҳеч нарса йўқ эканини ҳис қилдим.

СИЁСАТЧИ БЎЛИБ ЯША

92-САБОҚ. Мулоқотдан лаззатлан 209

*У ҳамма нарса ҳақида шунақа кўп билардики...
чунки қаяққа бормасин, ҳамиша одамлар билан
мулоқотда бўларди.*

93-САБОҚ. Ўзингни ҳеч нарсадан қўрқмайдигандек тут 210

*Дастлаб мен қўрқадиган нарсалар кўп эди дунёда
– гризли айиқларидан тортиб «қутурган» отлар,
бандитларгача. Аммо ўзимни ҳеч нарсадан
қўрқмайдигандек тута бошлагач, қўрқув
туйғусини аста-секин сусайтиришни уддаладим.*

94-САБОҚ. Ҳамкорлик алоқаларини ўрнат 211

*Мен оддий, ҳалол республикачиман... Бирорта тўда
ёки гуруҳ тугул, бирор одам менга нима қилишим
кераклигини ўргатолмайди.*

95-САБОҚ. Мағлубиятдан фойда чиқар 212

*Якка ҳолда, ҳеч қандай қўлловларсиз, қатъий
ва самарали курашганим... менинг фракция лидери
сифатидаги ҳолатимни мустаҳкамлади.*

*Мағлубиятлар охир-оқибат анчагина
нарсаларни қўлга киритишимга ёрдам берди.*

Буларни спикер лавозимида кўришим гумон эди.

96-САБОҚ. Оптимал курсни танла 214

*Ҳозир ҳам, аввал ҳам инсон маълум бир тамойилни
мурасасиз ҳимоя қилиши ва одамларни бўйсинишга
мажбур қилиши мумкин эди. Албатта, бу жуда
жозибадор йўл. Аммо жиддий бўҳрон шароитида
бундай йўл хато бўлиши мумкин.*

97-САБОҚ. Оломондан баланд тур 216

Сиёсат билан шуғулланадиган одамга ҳеч қачон, ҳеч

қачон ва яна ҳеч қачон у президент бўлиши ҳақида эслата кўрманг. Бу уни сиёсий маънода ўлдиради. У тинчлигини йўқотади, ишини яхши бажаролмай қолади, унга бу имкониятни очувчи сифатлардан воз кечади.

98-САБОҚ. Бирликка эриш 217

Уларга «Америка» сўзини қўллашингиз учун қаршилик қилишларига изн берманг. Ўзингизни Америка элчиси деб атанг, «Кўшма Штатлар» ўрнига ҳамиша «Америка» денг.

99-САБОҚ. Олдинги сафда юр 219

Баъзан ўз давридан ўзиб кетганлар экстремистга айланадилар. Аммо кўпинча улар буюк ҳаракатнинг қайдадир ёнида, ҳатто энг орқада имиллайдилар ёки бошқаларни нотўғри йўлга солиб юборишга уринадилар.

100-САБОҚ. Катта тўқмоқни ҳозирлаб қўй 220

Шундай ибора бор: «Вазмин сўзла, аммо катта тўқмоғингни ҳозирлаб ҳам қўй – шунда ҳаммаси сен айтгандай бўлади». Агар миллат вазмин гапирса ва шу билан бирга ўзининг ҳарбий-денгиз флотини кучайтириб, унинг энг юқори самарадорлигини ушлаб турса, Монро доктринаси ҳаётга тўлиқ татбиқ этилади.

101-САБОҚ. Яхшилик кўрсат 222

Менга дўстлигингиз керак.

102-САБОҚ. Тўғри сўзларни сўзла 224

Ушбу оғир, теран миллий йўқотиш онларида мақсадим – президент Мак-Кинли сиёсатини мутлоқ оғишмай давом эттиришдир.

103-САБОҚ. Ҳар кишининг лидери бўл 225

Биз трестлар деб атайдиган йирик корпорациялар аслида давлатнинг зурриёдларидир ва у трестларни назорат қилиш ҳуқуқиғагина эга эмас. Давлат йирик корпорацияларни керак пайти назорат ҳам қилади... Айни дамда сувереннинг зурриёди, унга бўйсиниши шарт ҳамда буйруқларини сўзсиз бажариши лозим бўлган трестларни номиғагина эмас, реал назоратга олишнинг долзарб зарурати туғилди... Менимча, миллий ҳукумат ана шундай суверен бўлиши шарт.

104-САБОҚ. Кучларнинг идеал мувозанатини ярат 230

Калондимоғлик, бадгумонлик, омадлиларга қаттиқ ҳасад, омадсизларга қаттиқ лоқайдлик, ўзгалар ҳуқуқини ҳисобга олишни сурбетларча истамаслик, фойдали ҳаракатларни чеклашни тушунишни аҳмоқларча рад этиши, бадавлатларни талон-тарож қилиш ёки қашшоқларни эзиш шаклидаги худбинона очкўзликка оммавий равишда интилиш – шу ва шу каби иллатлардан қутилибгина миллатимиз жамики башарият ичида ўзининг юксак ўрнини сақлаб қолиши мумкин.

105-САБОҚ. Жабрдийдалиқдан воз кеч 232

Агар у мени отганида, осонгина қутилиб кетолмасди... Ўзим уни ушлаб олардим.

106-САБОҚ. Лидерликни сиёсатдан устун қўй 234

Бор ҳаёти ва бахти сиёсий салмоқни сақлаб қолишга боғлиқ бўлиши – одам учун улкан фожиадир.

107-САБОҚ. Зарурат туғилганида ультиматум қўй 235

Биз учун Пердикарис тирик бўлиши ёки Райсули ўлдирилиши лозим.

108-САБОҚ. Ҳаракатларинг орқали ўзингни намоён қил 238

Кун келиб у президент бўлади. Уни на сотиб олиш, на авраш, на қўрқитиш мумкин.

109-САБОҚ. Адолатли қарорлар қабул қил 239

Бош мақсадимиз – ҳар кимни адолат билан таъминлаш ва ҳар кишини қилган хизматига яраша баҳолашдир.

110-САБОҚ. Кучингни намоёиш эт ва дўстлик таклиф қил 240

Тинчлик йўлидаги энг катта ишим – жанговар флотимизни дунё бўйлаб саёҳатга чиқарганимдир.

111-САБОҚ. Ғояларингни тушунарли қил 242

Халқ учун ўзимизнинг улкан табиий захираларимизг узоқни кўзлаган ҳолда муносабатда бўлиш пайти келди. Ҳар қандай тежамкор киши ўзи ва фарзандларининг фаровонлиги гарови бўлган мулкни асраб-авайлаб оқилона фойдалангани каби иш кўришимиз керак.

112-САБОҚ. Холислик сарҳадлари билан келиш 244

Ҳар гал улар (судялар) шартномалар, мулк ҳуқуқи ва инвестицияларни талқин қилаётганларида... ижтимоий фалсафа тизимининг қонуний унсурларидан фойдаланишларига тўғри келади... Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича суд қарорлари уларнинг иқтисодий ва ижтимоий фалсафасига боғлиқ бўлади.

113-САБОҚ. Одамларни эмас, ишни баҳола 245

Касаба уюшмалари бошқа ҳар қандай ташкилотлағ ҳатто капиталистик ташкилотлар сингаридир. Баъзан улар яхши ҳаракатланишади, баъзан

эса – жуда ёмон. Уларнинг тўғри ишларини юксак баҳолашимиз керак, аммо қинғир ишларига қатъий қарши турмоғимиз шарт.

114-САБОҚ. Тушун, қарорларни одамлар чиқаради 246
Сайлов худди қуролга ўхшайди. Унинг фойдаси ким ишлатишига боғлиқ.

115-САБОҚ. Фақат «катта тўқмоққа» ишониб қолма 248
Агар одам ҳамиша мақтанса, ўзини бетарбия тутса, уни кўнгилсизликдан «катта тўқмоғи» ҳимоя қилолмайди. Аммо, агар куч ва ҳокимият билан қўллаб-қувватланмаган бўлса, салмоқли гаплар ҳам фойда келтирмайди.

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ БЎЛИБ ЯША

116-САБОҚ. Омаддан оқилона фойдалан 251
Мавжуд бойликларимиз эмас, улардан қандай фойдаланишимиз бизни буюк миллатга айлантиради.

117-САБОҚ. Самарали меҳнат шароитларини ярат 252
Бизга ҳалоллик, оқиллик ва оқилона жасорат зарур. Шаҳримиз намунали бўлиши учун бизга энг анъанавий, камтарин, оддий ва фойдали фазилатлар керак. Бу фазилатларсиз ҳеч қандай ақл бу вазифани ечишимизда кўмак бермайди.

118-САБОҚ. Воқеалар ривожига шай тур 253
Давлат то шунга мажбур қилинмагунича урушга кирмаслиги лозим. Бироқ доим урушга шай туриши шарт.

119-САБОҚ. Сарҳадларни аниқ ўтказ 254
Мен қаттиқ чораларга эҳтиёж туғилганида уларга ишонаман. Ҳақиқий мақсад йўлида керагича одамни киприк қоқмай ўлдираман, аммо...

120-САБОҚ. Шаънинг бўлсин 256

Бажармаслигини билиб туриб ваъда берувчи киши ҳақли равишда таънага лойиқдир. У ҳар қандай одамнинг бебаҳо бойлиги – шаъндан маҳрум бўлади.

121-САБОҚ. Адолатли йўналиш тамойилларига амал қил 258

Ўз ватани учун қон тўкканида яхши бўлган одам урушдан кейин ҳам яхши яшаш учун арзийдиган кишидир. Ҳеч ким ортиғини талаб қилмайди, аммо камига ҳам кўнмаслиги зарур.

122-САБОҚ. Йўриқномаларни чекланмаган кутишларга алмаштир 259

Агар биз уйда ва уйдан ташқарида ўз Бурчини ҳалол бажарган кишига уни қадрлашлари ва ҳурмат қилишларини англата олганимизда эди, миллатимиз беқиёс улкан тараққиётга эришган бўларди.

123-САБОҚ. Ўз подангни ҳимоя қил 260

Кўмир бозоридаги вазият уч тарафнинг: кон эгалари, кончилар ва аҳоли манфаатига дахл қилишига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мен кон эгалари томонидан эмас, кончилар томонидан ҳам эмас, аҳоли томонидан қатнашаман.

124-САБОҚ. Беҳуда хатарлардан қоч 262

Агар кураш муносиб бўлса, адабингни ейишингга қарши эмасман. Масалан, Гронтон футбол жамоаси ёки Гарварддаги курсинг жамоаси ўйинларида. Аммо иккинчи ёки учинчи таркибда ўйнаб, ўзингни бирор жиддий жароҳат олишдек хатарга қўйишинг, менимча, тентакликдан бошқа нарса эмас.

125-САБОҚ. Масъулиятни зиммангга ол 264

Бизга кўп имкониятлар берилган ва асосли тарзда

биздан кўп нарса кутишади. Атрофимиздагилар ҳамда ўз олдимизда бурчларимиз бор, уларга бепарволик қилишга ҳаққимиз йўқ. Буюк халқ бўлдик ва бу нарса ер юзидаги бошқа халқларга муносабати-мизни белгилайди. Ўз масъулиятини ҳис қиладиган инсонлардек иш кўришимиз зарур.

126-САБОҚ. Сўзларни ҳаракатга айлантир 265

Кимдир ахлоқий тамойиллар ҳақида сўзлайди, аммо уларга мос келишга уринмайди. Бошқаси тинглайди ва қарсак чалади, аммо ахлоқ масалалари уни ҳам сира ўйлантирмайди. Уларнинг иккисиям айтган ва эшитганларидан хулоса чиқармай, боз устига яна ўз қалбларидаги ожизгина виждон манбасини бадтар кучсизлантирганча ўз-ўзларига сезиларли зарар етказадилар.

127-САБОҚ. Аълонинг яхшига душман бўлишига имкон берма 266

Ҳаётда биз қаршилик қилишга ожиз бўлган адолатсизликлар борлиги маълум. Шу билан бирга, тўғрилаш мумкин бўлган адолатсизлик борлигини ҳам биламиз.

128-САБОҚ. Ҳокимият сарҳадини кенгайтир 267
Президентлик пайтим мутлоқ президент эдим.

129-САБОҚ. Самарадорликни назорат қил 269

Агар инсоннинг самарадорлиги ахлоқ мезонлари билан йўналтирилмаса ва тартибга солинмаса, у самарали бўлгани сари... давлатга шунчалар хавф солаверади.

130-САБОҚ. Ахлоқан иш тут 270

Самарасиз қўлланганда ҳеч қандай яхши натижа бермайдиган ахлоқда маъно кўрмайман.

- 131-САБОҚ.** Ҳуқуқлар иерархиясини ўрнат 270
Инсон ҳуқуқлари даромадларидан кейинги ўринда туради, дея ҳисоблайдиган фуқаро адашади. Шубҳасиз, шахсий фаровонликни ошириш зурур, аммо ҳар қандай мулк жамият фаровонлиги талаб қилган даражада тартибга солинади.
- 132-САБОҚ.** Бош ролни ўйна 271
Америка Қўшма Штатлари жаҳон саҳнасида муҳим роль ўйнай олмайди ёки ўйнамайди. У бош ролни ўйнаши зарур.
- 133-САБОҚ.** Кучни куч билан созла 272
Ишчилар ташкилоти мавжуд бўлиши жуда муҳим... Капитал ташкилланади – шунга биноан, меҳнат ҳам ташкилланиши шарт.
- 134-САБОҚ.** Ҳалол битимлар туз 273
Ҳар қандай бизнес одамлар билан ҳалол битимлар тузмоғи шарт. Шунда у ўзига нисбатан адолатли муносабатга умид қилиши мумкин.
- 135-САБОҚ.** Чинакам консерватор бўл 275
Ким онгли равишда келажакка интилса, ўшани ҳақиқий консерватив деб аташ мумкин.
- 136-САБОҚ.** Ютуқларингни муҳим натижаларга кўра баҳола 276
Етти ярим йиллик давлат бошқарувидан кейин президентлик лавозимини тарк этдим. Ушбу йиллар мобайнида ташқи босқинчига бирортаям ўқ узилмади. Мутлоқ тинчликда яшадик. Ер юзиде бирорта давлатга... ҳамла қилмадик ва ўзимиз ҳам бирортасидан ҳадиксирамадик.
- Теодор Рузвельт ҳаёт солномаси 278**

МУҚАДДИМА

Қатъий лидер

Президентлик даврида мамлакатни қатъий тарзда бошқарганман: ўзимга берилган ваколатнинг ҳар мисқолигача ишлатардим.

Теодор Рузвельт

Теодор Рузвельт 1858 йилнинг 27 октябрида Манхеттеннинг 20-Шарқий кўчасида жойлашган 28-ҳовлили катта уйда туғилган. Бола туғилганидан бошлаб турли қийинчиликларни бошдан кечирди. У гўдакликдан бошлаб нафас қисиши – астмадан қийналар ва дард хуружига олганида буғилиб қоларди. Тедди чалқанча ётолмасди, унинг орқасига доим бир неча ёстиқларни тираб қўйишарди. Туғма сурункали гастроэнтерит туфайли у жудаям рангпар, пакана ва нимжон эди. Кўкйўтал хуружи ва безгак тутишидан аҳвол янада оғирлашарди.

Шифокорлар Теодор Рузвельтни тўрт ёшга етмасаям керак деб ҳисоблашарди. Аммо болакай ҳаётга маҳкам ёпишганди. Бошида у бардош билан, кейинчалик эса қатъиятли тарзда яшаш учун кураша бошлади.

Теодор Рузвельт кўп мутоалаа қилар ва тез ўқирди. У ўн икки ёшга тўлганида отаси шундай деди: «Теодор, сен жуда фаҳмли боласан, аммо вужудинг ғоятта нимжон. Вужуд кучисиз ақл ўз ишларини бажара олмайди. Жисмонан ҳам ривожанишинг керак. Бу қийин бўлсаям, кўлингдан келишига ишонаман».

Теодор буни қила олиши учун отаси ва ўзига ваъда бергач, жисмоний машқларга киришиб кетди. У кўп пиёда юрар, югурар, юк кўтарар ва гимнастика билан шуғулланарди. У бамисоли ҳаёт-мамот жангига киришганди. Болакай ҳар куни ўзини жисмоний қийноқларга соларди. Вояга етгач, буни у «тўлақонли ҳаёт» деб атади ва ҳаётда катта ютуқларга эришиш ниятида бўлганларга буни тавсия қиладиган бўлди. Ғоя жуда оддий эди: ҳамиша бирор нарса билан машғул бўлганда, гарчи бу ҳаёт учун хавфли бўлса ҳам, бор кучингни бахшида эт!

Орадан кўп йиллар ўтиб, Рузвельт дўсти Сесиль Спринг-Райсга шундай деб ёзганди: «Ўлим – ҳамиша ва ҳар қандай шароитда фожеадир. Агар шундай бўлмаганида, ҳаётнинг ўлимдан фарқи қолмасди». У таваккалчиликка қўл урмасдан ҳақиқий сийловга эга чиқиб бўлмайди, дея ҳисобларди.

Тедди Рузвельтнинг номи афсоналарга буркалган. Айтишларича, барча жисмоний ва руҳий қудратини ишга солиш билан у касалманд болакайдан бақувват ўсмирга айланганмиш. Гарчи, бундай эврилиш секин ва машаққатли кечган бўлса-да, бу афсона воқеликка жуда яқин. Жисмоний машқлар уни чиниқтирган эса-да, астма ва гастроэнтерит хуружи тез-тез қайталаниб турарди. Европага оилавий саёҳат чоғида Тидини (яқинлари уни мана шундай эркалаб чақиришарди) кўкйўтал тутиб, товуши хириллаб қолган пайти онаси миссис Рузвельт оилага ҳамроҳлик қиладиган гувернант ва муаллима Анна Минковицга алам билан деди: «Теддигинамдан бирор ишга яроқли киши чиқишига

қўзим етмай қолди». Ёш муаллима аёл эса хотиржам жавоб қайтарди: «Ундан хавотир олманг. Кун келиб у, албатта профессор бўлиб етишади. Яна ким билсин, балки Қўшма Штатлар президенти бўлар».

Гувернант аёл ўз оталиғидаги болани қандай тақдир кутаётганини биринчи бўлиб англаган бўлса-да, охиргиси эмасди. Бутун атрофдагилар хасталик забтига олган боланинг балоғат ёшигача етолмаслигини башорат қилиб туришганидаям, уни олий тақдир зиёси қуршаб турарди. У тақдирини ўз қўллари билан ярата олиши яққол сезиларди. Агар бу бола шунча хасталиклардан кейин ҳам яшаб кета олдимиз, демак у яна-да кучли бўла олади ва ҳар қандай йўлни, ҳатто Америка президенти йўлини ҳам танлай олади.

* * *

1876 йилда Тиди Гарвард университетига кириб, 1880 йилгача ўқиди. Талабалик йиллари у бокс билан фаол шуғулланганига қарамай, бу машғулот унинг аъло баҳолар билан тугаллаши ва илк – «Нью-Йорк штати, Франклин округи Адирондак тоғларидаги кўчманчи қушлар» китобини ёзишига ҳалал бермади. Бу китоб Теодор иккинчи курсда ўқиб юрганида нашр этилди. Бу китоб нашр этилиши арафасида у бутунлай бошқа бир мавзуга бағишланган: «1812 йилдаги денгиз жанглари» китоби устида ишлай бошлади. Рузвельт қунт билан ўқирди. Бокс билан ҳам жиддий шуғулланарди.

1878 йил, 9 февралда отаси ошқозон саратонидан вафот этди. Бу айрилиқ ёш йигит учун катта зарба эди, аммо у барибир қаттиқ меҳнат қилишдан қайтмади.

Битирувдан кейин Теодор гўзал Элис Хэтуэй Ли билан турмуш қурди, кейин эса Колумбия университетига хужжат топширди (аммо орадан икки йил ўтиб, курсни тугатмасидан тарк этди). Бу пайтга келиб Рузвельт сиёсат билан фаол шуғуллана бошлаганди. У Республикачилар партиясига аъзо бўлди ва 1881 йилда Нью-Йорк Қонунчилик мажлисига энг ёш аъзо сифатида сайланди.

Теодор Рузвельт Нью-Йорк штати маркази бўлмиш Олбанияда Қонунчилик мажлисидан кўра кўпроқ опера театри учун мос келадиган пўрим костюми билан ҳаммани ўзига қаратди. Қонунчилик мажлисига йиғилганлар уни «нью-йорклик олифта» дея номлашди. Ёш ҳуқуқшунос ҳамманинг диққатини маърузасига қарата олса-да, унинг устидан кулишарди. Рузвельт биринчи кунданок муҳокамаларга қизғин қатнаша бошлади. У қонунлар яратишга қизиқиб кетди ва бир қонун лойиҳаси ортидан бошқасини таклиф қилиб чиқа бошлади. Шу билан бир вақтда: «1812 йилдаги денгиз жанглари» китоби устида ҳам ишлашни давом эттирди. Бу китоб нашр қилингани заҳоти АҚШ Ҳарбий-денгиз флоти академияси диққатига тушди. Китобни курсантлар учун дарслик сифатида фойдалана бошлашди.

1883 йилда Рузвельт Қонунчилик мажлисига ҳаммадан кўп овоз олган ҳолда қайта сайланди. У камчилик тарафнинг лидерига айланди. Касаба уюшма фаоли Самюэль Гомперс билан бирга Рузвельт Нью-Йорк харобаларига боришди, кейин эса ижтимоий таъминот масалаларига оид бир неча қонун лойиҳаларини ишлаб чиқди ва муҳокамалардан муваффақият билан олиб

ўтди. Қонунчилик мажлисида Рузвельтнинг ҳар икки партиёга тааллуқли бўлган мавқеи юксак душманлари пайдо бўлди. Улар дарз кетаётган мавжуд қонунчилик деворларига тиргак бўлишга интилишарди.

Мажлис тарқатилганидан кейин Рузвельт Фарбга, Дакота штатига йўл олди. Иккита чорвачилик ран-чосини харид қилди ва бошқа ковбой-чўпонлар билан тенгма-тенг ишлай бошлади. Вақти-вақти билан даштлардаги бизон – ёввойи қорамоллар ва гризли – қўнғир айиқлар овига чиқиб турарди. Баъзан талончилар билан юзма-юз курашишига тўғри келарди. У бамисоли ҳаёт таъмини тотиб кўриш учун атайин, ҳам сиёсий, ҳам жисмоний ўлимини излаб юргандек эди. Иш қанчалар мураккаб, рақиби қанчалар маккор бўлса, Рузвельт учун ғалаба ҳам шунчалар қувончли татирди.

Уни яхши биладиганлар Тедни худди табиатдек чекинмас дердилар. Ёки тўхтатиб бўлмайдиган машина дейиш ҳам мумкин эди. Буюк америка врачлари, япон маданияти бўйича мутахассис Уильям Стержес Бигелоу кейинчалик «уникидай катта бошли одамни бошқа» кўрмаганини айтганди. Бошқа бир таниши эса Рузвельтдек «тўла қувват билан ишловчи одам двигатели киши ақлини танг қолдиради», – дея ҳайратланганди. Аммо бу двигател 1884 йил, 14 февраль куни бир пайтнинг ўзида онаси ва хотинидан жудо бўлганида ишдан чиқиб қолди. Марта Буллок Рузвельт терламадан вафот этди. Ёшгина Элис Хэтуэй Ли Рузвельт буйрак етишмовчилигидан вафот этиб, икки кун бурун туғилган қизчаси – Элис Ли Рузвельтни эрига қолдирди. Ҳаёт завқи билан тўла ёш ҳурлиқонинг Брайт (ўтқир нефрит)

хасталигига чалингани ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, бу касаллик белгиларини хомиладорлик ҳолсизлиги ўрнида кўришганди.

Бир неча китоблар ва кўплаб қонун лойиҳалари муаллифи бўлган Теодор Рузвельт ўз кундалигини очди ва 1884 йилнинг 14 февраль кунига каттакон қора Х чизди. Тагига эса ушбу даҳшатли сўзларни битиб қўйди: «Ҳаётимдан ёруғлик кетди».

Бу қайғу уни сира тарк этмади ва янада қизгин сиёсий фаолиятига туртки берди. «Агар чавандоз қанчалар илдам бўлса, омадсизликлар унга ета олмайди», – дерди у.

* * *

Рузвельт Нью-Йоркдаги Лонг-Айленднинг Ойстер-Бэй даҳасида ўз оиласи билан келиб яшаши учун каттакон уй қурдирганди. Бошида бу уйни рафиқаси шарафига «Ли-хилл» дея номлади. (Инглизча удумга кўра уйларга рақамлармас, номлар бериш одатга айланган.) Элис вафот этганидан кейин уни бир замонлар бу заминда яшаган ҳиндулар қабиласи номи билан «Сагамор-Хилл» дея ўзгартирди.

Теодор ишга боши билан шўнғиди. Одам двигатели яна ишга тушиб кетди. 1884 йил июнида нью-йорклик республикачилар уни миллий конвентга вакил сифатида жўнатишди. Орадан бир йил ўтиб у «Ранчо талончилари» деган китобини нашр қилди ва бу китоби бестселлерга айланди. 1885 йили Рузвельт Қонунчилик мажлисини тарк этди. 1886 йилда эса Нью-Йорк мэри лавозимига номзодини қўйди ва

қақшатқич мағлубиятга учради. Бу жуда оғриқли зарба эди, аммо Тедди Рузвельтнинг ҳаёти тўхтаб қолгани йўқ. Сайловлардаги мағлубиятдан сўнг, 2 ойлар ўтиб у Эдит Кермит Кэроуга уйланди, 1887 йилда эса «Томас Харт Бентон ҳаёти» китобини нашр қилдирди. Айни ўша пайти унинг ўғли Теодор туғилди. Рузвельт ҳамон заҳа еган сиёсий ҳамиятига даво тополмаётган, оиласи кўпайиб қолгани учун тирикчилик ташвишлари исканжага олганди. Ҳозирча у яхшигина қаламҳақи тўланаётган ёзувчилик билан қаноатланиб туришга қарор қилди. 1888 йилда унинг яна учта: «Губернатор Моррис ҳаёти», «Ранчодаги ҳаёт ва овчи сўқмоқлари» ва «Амалий сиёсат ҳақида очерклар» китоблари нашр қилинди. Бундан ташқари, Рузвельт журналларда фаол иштирок этарди.

У шаҳар ва штат даражасидаги сиёсий майдондан вақтинча четда туриш ва анчагина юксак миллий минбарга кўтарилишга аҳд қилди. 1889 йилда у фуқаро хизмати бўйича комиссияга тайинланади. Бу лавозим тизимнинг ичидан туриб тайинловлардаги коррупцияни яқка ҳолда йўқ қилишга имкон бериши билан уни жалб қилганди. Рузвельт лаёқатли ва асл хизматларига кўра маъмурий тайинловлар тизимини бунёд қилиш учун ҳақиқий жангга киришди. Бу иш билан у кейинги олти йил мобайнида кундуз кунлари машғул бўлди. Кечаларини эса ёзувчилик ишига бахшида қилди. 1889 йилда «Ғарб истилоси» деб аталган кўламдор асарнинг дастлабки икки томини нашр эттирди (1894–1896 йилларда учинчи ва тўртинчи томлари дунё юзини кўрди). Бу китоб унинг тарихий асарлари орасида энг

машҳури бўлиб қолди. 1891 йилда Рузвельт «Нью-Йорк тарихи», икки йил ўтиб эса – «Америка тарихининг қахрамонлик қиссалари»ни эълон қилди. 1891 йилда иккинчи қизи Этиль Кэроу Рузвельт, 1894 йилда эса иккинчи ўғли Арчибалд Буллок Рузвельт таваллуд топди. Ўша йили Теодорнинг акаси Эллиот Рузвельт ўз жонига қасд қилди. У ароқхўр эди ва оиласидагилар уни ёқтиришмасди.

Комиссиядаги фуқаролар бўйича ишлари қониқиш ҳиссини берса-да, кўпинча умидларини алдаб қўярди. 1885 йилнинг 5 майида Рузвельт ишдан истеъфо берди ва эртаси кунёқ Нью-Йорк полиция комиссарлари кенгаши президенти этиб тайинланди. Тедди бу ерда ўзи истаган ислохотларни амалга оширишга киришди. Бу иш маҳаллий аҳамиятга эга бўлса-да, Нью-Йорк полицияси коррупцияга ботиб кетгани билан донг таратганди. Рузвельт ишдаги ижобий силжишлар шаҳаргинамас, бутун мамлакат учун аҳамият касб этади, деб ҳисобларди.

Нью-Йоркда янги комиссар Вашингтонда ҳам қила олишмаган ишларни амалга оширди. У кундузлари кабинетда маъмурий ишларни бажарарди. Тунлари эса шаҳарнинг қонунбузарлик гуллаб-яшнаган ҳудудларида шахсан айланиб юрар, оддий полиция ходимлари билан хибсга олишларни амалга оширар, кимнидир мақтар, кимнидир тергар, айримларни эса шафқатсиз ишдан бўшатарди. Тунлари у ўз ҳаётини ҳақиқатан ҳам хавфга қўярди. Ҳар куни унинг номига сиёсий таҳдидлар янграрди. Аммо Рузвельтни тўхтатишнинг иложи йўқ эди. У полиция де-

партаментини қатъий ислоҳотдан ўтказди ва шаҳар аҳлининг ҳурматига сазовор бўлди. Рузвельт кўплаб тараққийпарвар ёзувчи ва журналистлар билан яқин алоқа ўрнатди ва уларни «жамият фаррошлари» дея атади. Масалан, Линкольн Стеффенс ўзининг «Шармандалик шахри» китобида шаҳар бошқарувида илдиз отган коррупция муаммосини кўтариб чиқди. Ида Тарбелл эса АҚШдаги машҳур монополиянинг ваҳший табиати ҳақида ҳикоя қиладиган «Standard Oil компанияси тарихи» китобини ёзди. Жейкоб Рииснинг Нью-Йорк харобалари аҳли ҳақида ҳикоя қилувчи фототасвирлар ва мақолалардан иборат «Шаҳарнинг ярмидаги ҳаёт» китоби эса ҳукуматга қаттиқ таъсир кўрсатди ва ижтимоий таъминот бўйича қатор қонунлар қабул қилинишига туртки берди.

Рузвельт юксак қадрлайдиган муаллифлардан бири на журналист, на ислоҳотчи ва на америкалик эди. Ирландиялик ёзувчи Брем Стокер 1895 йилда АҚШ бўйлаб сафар қилди. Рузвельт билан учрашув унда чуқур таассурот қолдирди: «Кун келиб у президент бўлади – дейди Стокер. – Бу одамни на авраб, на қўрқитиб, на сотиб олиш мумкин».

Полиция комиссари билан учрашувдан икки йил ўтиб, Брем Стокер ўзига жаҳоншумул машҳурлик келтирган «Қонхўр» («Дракула») романини нашр эттирди. Унинг Рузвельт шахсига берган баҳосидан кенг жамоатчилик хабар топди ва ёш ислоҳотчининг келажагидан кўп нарсалар кута бошлади.

* * *

Нью-Йорк полициясини миллий шармандалик тим-солидан АҚШнинг барча катта шаҳарлари учун ибрат мактабига айлантирган Рузвельт 1897 йилда истеъфода чиқди ва бошқа ишга тайинланди. 19 апрелда президент Уильям Мак-Кинли уни Ҳарбий-денгиз флоти вазири ўринбосари лавозимига тайинлади. Рузвельт янги ишга ҳар доимгидек катта жонбозлик билан киришди. У АҚШ ва Испания орасида Кубага алоқадор муаммолар туфайли уруш бошланиши эҳтимолини яхши англари. Рузвельт АҚШ ҳарбий-денгиз флотини ислоҳ қилиш учун янги кемалар қуриш ва бир қанча савдо кемаларини сотиб олиб, уларни ҳарбий хизматга мослаштиришга бел боғлади. Қонунга кўра у ўзидан ёши анча катта ва эҳтиёткор вазир Жон Дэвис Лонгга бўйсунарди. Лонг олтин оралиқни танлади – флот ислоҳоти учун керак бўладиган барча ваколатларни Рузвельтга тақдим қилди. Табиий равишда, вазир ўринбосари лавозими худди шаҳар полиция комиссари каби аҳолининг кўзига кўринмайдиган оддий мансаб эди. Аммо Рузвельт оддий полиция комиссари эмасди. Худди ўшандагидай, у ғаройиб вазир ўринбосарига айланди. Фаолиятнинг оммавий ва сиёсий қирралари тобора президентлик сифатини касб этиб борарди.

Ҳамиятли Рузвельт ўзининг қирқ ёшида ҳамманинг эътибори қаратилган юксак мавқели ва сиёсий жиҳатдан хавфсиз лавозимга маҳкам ўрнашиб олиши учун барча керакли асослар мавжуд эди. Бу унинг кенгайиб бораётган оиласи учун ҳам катта аҳамият касб этарди: 1897 йил 19 ноябрда ўғли Квентин дунёга келди. 1898

Йилда Испания АҚШга уруш эълон қилди, икки кун ўтиб конгресс жавоб қадамини қўйди. Орадан икки ҳафта ўтмасидан Рузвельт ҳарбий-флот вазири ўринбосари ишидан истеъфо берди ва Биринчи кўнгилли отликлар полки подполковниги сифатида урушга отланди. Кўринишидан, у яна ўлим билан ўйнаша бошлади. Унинг Нью-Йорк миллий гвардиясида ўтган озгина хизмат муддатидан бўлак ҳарбий тажрибаси йўқ эди. Шунга қарамай у полкка ўз ранчоси атрофидаги ковбойлардан иборат кўнгиллиларни муваффақият билан йиға олди. Бундан ташқари, у «Буффало аскарлари» (тарқатиб юборилган армия бўлинмаларидаги афроамерикалик кавалерлар), америка ҳиндулари ва жуда ғайритабиий туюладиган Чирмовиқ лигаси талабаларини ҳам жалб қила олди. Тедди кўнгиллиларнинг ҳарбий машғулотларини кузатибгина қолмай, ўзи ҳам улар билан бирга, ҳатто бир неча қадам олдинда машқ бажарарди. Полк кўмондони Леонард Вуд бригада бошлиқлигига кўтарилгач, унинг ўрнини эгаллади ва полковник унвонига ноил бўлди. Энди Биринчи отлик полкини газеталарда «Учқур чавандозлар» дея таърифлай бошлашди. Бу эса янги полковник ва унинг аскарларига мойдай ёқа бошлади.

Рузвельт ўз полкини Кубага уруш учун олиб борди. 1898 йил 24 июнда у Лас-Гуазимас ёнидаги жангга ўточар қуролларини душманга қарши биринчи марта қўллади. Кейин унинг юлдузли онлари бошланди. Ўз ташаббусига кўра «Учқур чавандозлар»и билан ҳаракат қилганча у 1 июлда Сан-Хуан тепаликлари – Кеттл-Хилл ва Сан-Хуан-Хиллни ишғол қилди. Бу қонли жанглар тарихга Сан-Хуан учун олиб борилган уруш номи

билан кирди ва ҳал қилувчи аҳамият касб этди. «Учқур чавандозлар» ва бригаданинг яна икки полки бу тепаликларни ишғол қилганларида Кубадаги қуруқлик жанглари амалда ғалаба билан яқун топди.

Шуниси қизиқки, Отлиқ полкда биттагина от бўлиб, уни Рузвельт минарди. Қолган отларнинг бари қитъада қолганди – ҳарбий муассаса уларни Кубага олиб ўтилиши учун кемалар тополмаганди. Техас лақабли отида Рузвельт энг хавфли жойларда пайдо бўларди. У 1899 йилда ёзилган «Учқур чавандозлар» китобида бу урушни камтарона ифодалаб ўтганди:

«Биз пиёда равишда олға интилаётганимизда ғаройиб ҳол юзага келди. Қандайдир вақтгача пана жойларда биқинган аскарлар ҳужумга ўтиш керак бўлганида сусткашлик юз берар, улар кимдир аввал олға бошлашини кутиб қолишарди. Мен қаторлар олдида от чоптириб борганча кўнгиллиларни ҳужумга даъват қилардим, капитанлар ва лейтинантларга қисқа буйруқлар берардим. Ана шу пайти бир бутанинг панасида ётган аскарга кўзим тушди. Мен унга ўрнидан туришга буйруқ бердим. Менимча у ҳужумга ўтганимизни англамаганга ўхшарди. У бир муддат ҳаракат қилмасдан менга тикилиб қолди. Мен унга яна ўрнидан туришга буйруқ бердим ва кулдим: «Бошингни кўрсатишга қўрқяпсанми, ахир мен отдаман-ку!»

Гапимни тугатиб бўлмасимдан у бошини экканча ерга йиқилди. Аслида ўқ менга атаб узилган, эгарда ўтирган одамдан кўра осон нишон бўлиши мумкинмасди. Шунга қарамай, мен омон қолдим, бута панасида ўтирган аскар эса ўлиб ётарди».

Сан-Хуандаги жангдан кейин уруш ҳаракатлари

тўхтаган бўлса-да, полковник Рузвельт яна бир мунча вақт ҳарбий муассасадаги тўрачилик билан жанг олиб боришига тўғри келди. Дастлаб тўраларча сансалорлик оқибатида «учқур чавандозлар» отсиз жанг қилишларига тўғри келди. Энди эса америкалик аскарлар турли касалликлар урчиган Куба чангалзорларида беҳуда вақт ўтказиб юрарди. Жанглардан омон чиққан аскарлар хасталикларга чалинар, безгак ва бошқа тропик касалликлардан ўла бошлаганди. Рузвельт бошқа зобитлар билан бирга ҳарбий вазир Рассель А. Элжерга мактуб ёзди. Улар қўшинни юртга қайтаришни талаб қилишди. Бу хат журналистларга маълум бўлиб қолди. Аскарларни ортга қайтаришда сусткашлик қилган вазир ноқулай аҳволга тушди. Аскарлар уйларига қайтишди, аммо Рузвельтга Ҳурмат ордени берилмади (2001 йилга келибгина (юз йилдан кейин) орден эгасини топди). Рузвельтни бундай адолатсизлик заррача қайғуга солмади. Чунки, испан-америка уруши матбуотда кенг ёритилган, Теодор Рузвельт эса Қўшма Штатларга чинакам миллий қаҳрамон сифатида қайтиб келганди.

* * *

Қаҳрамонлар йирик сиёсий ўйинлар учун жуда мос келади. 1898 йил 27 сентябрда Республикачилар партиясини Рузвельтни Нью-Йорк губернаторлиги сайловига тақдим қилди. 8 ноябрда у демократ Огатес Ван Викдан унчалар кўп овоз олмаса-да, ғалаба қозонди.

Миллат ҳам, Теодор Рузвельт ҳам губернаторлик биносини ўз ортидан Оқ уйга йўл очувчи навбатдаги тепалик

эканини яхши англарди. Республикачилар партияси ҳам буни тушунарди. Улар Рузвельтни ардоқлайдиган сайловчиларнинг кўнглини қолдирмай, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам тарзида, «радикал» полковникни сиёсий юксалишига ҳалал беришнинг йўлини излашарди. Шунинг учун унга ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган «олий» лавозимни таклиф қилишди. Уни 1900 йилда қайта сайланган президент Уильям Мак-Кинлининг «вице-президенти» лавозимига номзод сифатида олға суришди.

Рузвельт бу лавозимга кўпам жазман эмасди. 1896 йилдаёқ у навбатдаги мақолаларидан бирида президентлик мамлакат учун «хаёт-мамот» аҳамият касб этишини, вице-президентлик лавозими эса бир чақага қиммат бўлиб, кимки президентликни мақсад қилган бўлса, бу лавозимдан эҳтиёт бўлишини ёзиб чиққанди. Рузвельт ўз дўсти, муҳаррир ва ёзувчи Лоуренс Фрейзер Эбботга бу лавозимда ишлаган пайти унинг «нақадар бекорчи ва бемаъни экани» равшан бўлганини айтади. 1900 йилда у рақибларининг шум ниятини англаган ҳолда бу таклифни рад қилишни жиддий ўйлай бошладди. Бу бекорчи лавозим унинг учун сиёсий ўлим билан тенг эди. «Мен вице-президент бўлишдан кўра сиёсатдан четга чиқишни афзал кўрардим», – деди у. Аммо, охир-оқибат бу гал *сиёсат* тўнини кийган ўлим билан у яна яккама-якка курашиш учун бу ишга рози бўлди.

Вице-президент лавозимини Рузвельт олти ярим ой эгаллаб турди. Турган гапки, бу муддат унинг сиёсий фаолиятида кечган ҳодисаларга энг қашшоқ давр эди. 1901 йил сентябрида у оиласи билан Адирондак тоғларига дам олгани кетади. Айнан ўша ерда, Тезавус

тоғларида у 6 сентябрь куни президент Мак-Кинли Буфаллодаги Панамерикан фестивалида телба анархист отган ўқдан ярадор бўлгани ҳақида хабар топди. Рузвельт жароҳат унчалар хавфли эмас, президент тезда оёққа туриб кетади, дея ишонганидан дам олишни бекор қилмади. Унинг ишга шошилинич қайтиши омма орасидаги ваҳимани авж олдиради, деб ўйларди.

13 сентябрда вице-президент тўрт дўсти ва икки аскар билан Булутлар Кўзёши кўлидан беш юз фут баландликдаги тоғда сокингина тамадди қилиб ўтиришарди. Кундузги икки яримларда миллий боғнинг аскари «Вестерн Юнион»нинг сариқ тусли телеграмма-сини кўлида силкиганча келаётганини кўради.

Кейинчалик Рузвельт айтганди: «Бу шумхабар эканини дарҳол ҳис қилдим. Президент бўлишни истардим, аммо бу тарзда эмас». Телеграммада Мак-Кинлининг аҳволи оғирлиги маълум қилинганди. Шу кеча иккинчи телеграмма етиб келиб, президент кўз юмгани хабар қилинганди.

* * *

Шу кечадаёқ бу хабарни Уильям Мак-Кинлининг эскидан дўсти ва тарафдори, Республикачилар лидери сенатор Марк Ханна ҳам олганди. Бир йилча олдин Рузвельтни шундай бир лавозимга қўйиш керакки, бу чапани полковник ўша ерда ўралашиб қолиши билан ўзининг партия етакчиси мавқеига дахл қилолмаслигини кўзлаганди. Аммо ўшанда Ханна Рузвельтни вице-президентликка суриш учун қатъий қаршилиқ кўрсатганди. 1900 йилда партиявий маслак-

дошларига қарата хитоб қилди: «Наҳотки, бу телбани президентлик лавозимидан биттагина одам ажратиб турганини англамасанглар?!»

1901 йил 14 сентябрда «ўша биттагина одамнинг» умрига нуқта қўйилди. «Кўриб қўйинглар! – бақирди даҳшатга тушган Ханна. – Бу шайтонвачча ковбой барибир Кўшма Штатлар президенти бўлди!»

Шунга қарамай, айнан мана шу сенаторга Рузвельт ёрдам сўраб мурожаат қилди. Америка халқига, шу билан бирга билвосита Республикачилар партияси раҳбариятига у марҳум президентнинг бир маромдаги сиёсатига амал қилиш учун ваъда берди.

Бундай олганда, бу ваъда ғирт ёлғон бўлмаса-да, мутлоқ ҳақиқат ҳам эмасди. Сенатор Ханна Рузвельтни «шайтонвачча» деб атаганида тамомила ҳақ эди. Аммо барибир Теодор Рузвельтга ва унинг қандай президент бўлиб чиққанига мос сўзни топиш жуда қийин. Рузвельтнинг дунёқараши жуда серқирра эди. Ижтимоий ва сиёсий масалаларда у ҳамиша тараққийпарварлик тарафида турарди. Мак-Кинли бундай эмасди. Бироқ ўз салафи (шунингдек, Марк Ханна) сингари Рузвельт ҳам капитализмга чинакам ишонарди. Табдиркорлик ва йирик бизнес руҳида у фақат иқтисодни эмас, бутун Американинг гуллаб-яшнашига кафолатни кўрарди. Шу билан бирга Мак-Кинли ва Ханнадан фарқли равишда омма ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ўйламайдиган бизнес ва партиянинг маслакдошлигини жимгина кўзатмоқчи ҳам эмасди. Бундай ҳамкорлик демократияга хавф соларди. Капитализм? Шубҳасиз. Аммо капитализм яхши ҳукумат томонидан назорат-

га олинмоғи керак. Рузвельт даврида ҳукумат фаоллашди, президентнинг ўзи эса Оқ уйда «Қария Гикори» – Эндрю Жексондан кейин ўтган барча салафларга қараганда серғайрат ва ҳаракатчан эди.

Оқ уйдаги Овал кабинетда Рузвельт тасодифан пайдо бўлиб қолди. Аммо у мана шу тасодифдан унумли фойдаланиш азму-қарорига тўлиб-тошганди. Рузвельт демократияни аста-секин йирик корпорациялар ва уларнинг хўжайинлари катта мавқега эга бўладиган олигархияга айланишини кўриб турарди. Бойвачча капиталистлар конгресс аъзолари, ҳатто президентни ҳам пора эвазига сотиб олиб, ўзларига катта фойда келтирадиган қонун ва фармонлар чиқартиришга уста бўлиб кетишганди. Рузвельт бу жараённи ҳовуридан тушириш, яъни ижро ҳукмронлигини чеклаб, қонунчилик ҳукмронлигини кўтаришни истарди. Жексон ўн тўққизинчи асрда қилгани каби, йигирманчи асрдаги Рузвельт президент вазифасини «раҳнамо» ёки «ғазначи» дея белгилади. Бундай қилишга конгресс жамиятни эмас, айрим йирик монополиялар манфаатини ҳимоя қилаётгани сабаб бўлганди. Агар конгресс аъзолари Америка сайловчиларига хизмат қилишмас экан, бу хизматни президент бажаради ва демократияни товламачилардан асраб қолади.

Рузвельт президентлик даврида кейинчалик ўзи «янги миллатчилик» деб атаган йўналишни урфга киритди. У ҳокимиятнинг ижро тармоғини жамият фаровонлигининг тараққиётига камарбаста ва ҳимоя қиладиган янги механизмлар билан тўлдирди. Бу айниқса 1906 йилда маҳсулотлар ва дори-дармонлар

софлиги, шунингдек гўшт сифати назорати ҳақида қонунларни амалга татбиқ қилганча истеъмолчилар соғлигини мамлакат бўйича муҳофаза қилинишини таъминлаганида президентнинг янгича фикрлаши яққол намоён бўлди. Хукумат халққа Рузвельт хоҳлаганидек хизмат кўрсатиши учун штатлар даражасидан юқорироқ кучли ҳокимиятга эга бўлиши керак эди. Штатларнинг ўзи «давлат ичидаги давлат» бўлиб олишига йўл қўймаслик шарт. Бунинг устига федераль ҳокимият раҳбари халқ номзоди сифатида конгресс бирор корпорация манфаатини кўзлаганча сайловчилар манфаатидан устун қўйган хатоларини тўғрилаб қўйиши керак эди. Бир сўз билан айтганда, президент ва унинг жамоаси штатлар ва конгресс билан бир пайтда кураш олиб бормоғи керак.

Ҳа, Жексон Рузвельт учун кучли раҳбар намунаси эди. Аммо у яна-да кўпроққа, Нью-Йорк аҳлидан бўлмиш Александр Гамилтондан ҳам иш ўрганишга қўл урди. Гамилтон конституция президент ҳокимиятининг *аниқ чекловларини* ўзида акс эттирса-да ижро ҳокимиятининг *ижобий* қирраларини кўрсатмаслигини таъкидлаганди. Рузвельт Гамилтоннинг президент тўғридан-тўғри таъқиқланмаган ҳар қандай бошқариш воситасидан фойдаланиши мумкин деган ғоясига ёпишиб олди. Янги президент бошқарувнинг автократ тизимини бунёд қиляпти, деганларга қарши Рузвельт ҳақиқий хатар Оқ уйдаги *нақд автократданмас*, товламачиларнинг конгрессга ўтириб олган *асл* кўмакчиларидан чиқишини таъкидларди. У президентлик ҳокимиятининг кенгайиши демократияни чекламай, уни озод қилади, дея ҳисобларди.

Теодор Рузвельт ўз президентлигини америка халқи билан тўғридан-тўғри, бевосита шахсан алоқа ўрнатишга бахшида қилди. Бу шунчаки сайловчиларнинг манфаатларини намоён қилишгина эмасди. Худди халқ раҳнамоси ва хизматкори каби Рузвельт халқ иродасини ҳокимият обрўсининг пойдевори дея атади. Аммо ўз бурчини мана шу иродани илҳомлантириш ва шакллантиришда кўрарди. Президентлик мобайнида у жамият фикрига эргашмасдан, уни етаклашга ҳаракат қиларди. Айнан Рузвельт минбар орқали президент халқ эътиборини тортиши ва йўналтириши учун ҳам «олий минбар» атамасини қўллади. У ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг юксак минбаридан фойдаланарди. Рузвельт ўзининг қонунчилик ташаббусларида халқнинг қўллашини истаган ҳар қандай вазиятда унга «кўтариларди». Унинг учун қулай бўладиган залнинг кераги ҳам йўқ эди. Рузвельт учун учрашувларда сал баландроқ жой бўлса етарли эди, унга чиқиб йиғилганларга ўз режаларини баланд товушда баён қилаверарди. Одамлар уни жон қулоғи билан тингларди. У ҳар доим миллатнинг ахлоқий, ижтимоий ва сиёсий қадриятларига таъсир кўрсатишга ҳаракат қиларди. У мамлакат аҳлининг табиий бойликларни асраш ва табиат муҳофазасини давлатнинг олий манфаатларидан бири ҳақидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашига эришди.

Юксак минбардан фойдаланаркан, Рузвельт халққа бевосита мурожаат қиладиган ўзининг президентлик обрўсига таянибгина қолмади. У матбуотдан усталик билан фойдаланди. Рузвельт тез-тез журналистлар

билан учрашар, обрўли нашрларга ўзи ҳам мақолалар ёзарди. Унгача бирор бир президент журналистлар билан бунчалар самарали ҳамкорлик ўрнатмаганди. Ундан кейин ҳам бу бошқаларга насиб этмади.

Президент Рузвельт ўз сиёсатини юритишда энг самарали усулларни ички туйғуси билан топарди. У юксак минбар ва матбуотдангина фойдаланмасди. У ички сиёсат бўйича ўз таклифини чиройли қутичага солганча ва сиртига ҳар қандай одамни ўзига ром қиладиган «Адолатли йўналиш» ёрлиғи билан безаб қўярди. Концепция жуда оддий эди. Рузвельт шундай сиёсий ва ҳуқуқий тизимни бунёд қилишни таклиф қилдики, оқибатда капиталнинг ваҳший интилишини жиловласин ва шу билан бирга бизнесни ишчилар синфининг радикал талабларидан ҳимоя қилсин.

«Адолатли йўналиш» концепцияси Рузвельт президентлиги пайтидагина мавжуд бўлмади. У жуда кўплаб ёрқин сиёсатчилар учун намуна вазифасини бажарди. Вудро Вильсон – «Янги озодлик», Франклин Рузвельт – «Янги йўналиш», Гарри Трумэн – ўз «Адолатли йўналиш»и, Жон Кеннеди – «Янги сарҳадлар», Лондон Жонсон эса – «Буюк жамият» каби концепцияларини таклиф қилишди. Бироқ «Адолатли йўналиш» капитал ва ишчи кучи орасида тенгликни кўзлаган бўлса-да, Рузвельт трестларга қарши ҳаракатлари (бу концепция 1902 йилда «Шимолий акционерлик компанияси»га қарши курашдан бошланганди) ва меҳнат муносабатларида янги тизимни яратишга фаол иштироки билан машҳур бўлди. У меҳнаткашларнинг бир қатор ҳуқуқларини қонунийлаштирган илк америкалик пре-

зидентга айланди. 1902 йилда кўмирчиларнинг қиш арафасида иш ташлаши юз берганида миллатга совуқ ва очлик хавф солган пайти у орага тушиб, низони муваффақиятли тарзда ҳал қилди ва бўлғуси президентларга ўрнак кўрсатди.

Аммо Рузвельтнинг теварак-атрофни муҳофаза қилиш масаласига катта куч ва ғайрат сарфлаши ўз замонаси учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса эди. Инсон ернинг хўжайини деган тушунчага рад этиб бўлмас ҳақиқатдек қаралаётган бир пайтда, одамзоднинг келажаги она-табиатга боғлиқ экани янгича дунёқараш эди. Рузвельт америкаликларни уларнинг ўрмонлари ва даштлари аслида миллий ифтихор, жамият мулки бўлиб, у ҳар қандай хусусий мулк тушунчасидан юксак туришига ишонтирди. Хусусий мулкни муқаддасликда Яратгандан кейин иккинчи ўринда кўрадиган америка халқига табиатни келажак авлодга соф ҳолида етказишни уқдириш бу вазифалардан бири эди. Рузвельтнинг раҳбарлиги даврида миллий парклар ва бир қатор қўриқхоналар ташкил қилинди. 43 миллион акрдан ошиқ майдондаги миллий ўрмонлар на қисман, на тўлиғича хусусий мулк ва коммерцияда фойдаланиш объекти бўлмаслиги таъминланди.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишлар Рузвельтни яна бир маъмурий янгилик яратишга илҳомлантирди: у конгресснинг қонуний ҳужжатларининг ўрнини босувчи президент фармонларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйди. Масалан, 1908 йилда конгресс президент томонидан бир неча ғарбий штатларда миллий ўрмонларни ташкил қилиш ҳуқуқини

бекор қилишга қарор қилди. Рузвельт бу пайтда йирик қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқарувчилар назорати остидан тоза ичимлик суви манбаларини чиқариб олишга ҳаракат қилаётганди. Тоза сувлар ифлосланиши натижасида табиатга катта зарар етаётган, иш ўз ҳолига ташлаб қўйилса бир неча йилдан кейин аҳвол бундан ҳам бадтарлашиб кетиши шубҳасиз эди. Бунга қарши Рузвельт бир қатор фармонлар ишлаб чиқди ва президентлик обрўсини тиклади ҳамда юксакка кўтариб олди. Президентлик фармонларини у қонунчилиكنинг бошқа соҳаларида ҳам қўллади. Етти ярим йиллик иш мобайнида у 1009 та фармон эълон қилди. Қиёслаш учун: унгача ўтган йигирма беш президент биргаликда 1259 та фармон эълон қилган экан.

* * *

Президент Рузвельт ички сиёсат бобида ҳам ташаббусни конгрессдан тортиб олди. Ташқи сиёсат бўйича эса конгресснинг таъсири ундан ҳам кам эди. Амалда на сенат ва на конгресс билан маслаҳатлашиб ҳам ўтирмай Рузвельт АҚШни дунёнинг қудратли салтанатига айлантирди. Миллатнинг ижрочи ҳокимияти раҳбари сифатида у дунё сиёсатининг шакллантиришда фаол иштирок этишга ҳаракат қилди.

Панама каналининг қурилиши – энг дадил халқаро чора-тадбир бўлиб, Рузвельтнинг геополитик стратегиясини чўққига олиб чиқди. Бу ундан олдин ўтган президентлар фаолиятида учрамаган буюк ҳодиса эди. Бу ишни назорат қилишга бош қўшган британ ҳукуматини ўз ниятидан воз кечтирган Рузвельт икки

– Атлантика ва Тинч уммонни бир-биридан ажратиб турган энсизгина бўйинчада канал қазिश ишини ўз тасарруфида қолдирди. Рузвельт конгрессни Хей-Эрран ва Колумбия орасидаги (бу пайтда Панама Колумбиянинг бир қисми эди) шартномани тасдиқлашга мажбур қилди. Натижада АҚШ олти мил масофадаги икки уммонни бир-бирига боғловчи канал қурилиши ва назоратини қўлга киритди. Бунинг эвазига АҚШ ҳукумати Колумбияга ўн миллион доллар нақд пул ва ернинг ижара пулини тўлаб туришни таклиф қилди. Колумбия давлат сенати бу шартномани рад қилганида, Рузвельт Панамада мустақиллик учун курашётган исёнчиларга ёрдамга келди ва исён катта офатга айланди. Бир ярим соат ичида Панама деярли қон тўкмаган ҳолда Колумбиядан ажаралиб чиқди ва президент Кўшма Штатлар янги давлатнинг мустақиллигини тан олишини эълон қилди. Янги бунёд бўлган Панама ҳукумати канал бўйича шартномани маъқуллади. Колумбия икки ўртада бармоғини бурнига тикиб қолаверди. Теодор Рузвельт якка ўзи дунёнинг сиёсий, иқтисодий ва жуғрофий харитасини қайтадан бичиб чиқди.

Деярли барча америкаликлар Панама канали қурилишини буюк ва шак-шубҳасиз ғалаба ўрнида кўришди. Бироқ, рузвельтона сиёсатнинг бошқа бир қатъий қадами – 1823 йилда қабул қилинган Монро доктринасини кенгайтириш қарори қарама-қарши фикрларга сабаб бўлди.*

Венесуэла давлати Британия ва Германия олдидаги

* Доктрина асосида америка қитъасини европаликлар аралашувисиз ҳудудга айлантириш ғояси ётарди.

қарзларини тўлашга қурби йўқлигини эълон қилганида, европаликлар денгиз қамалини амалга ошириш ва мамлакатга бостириб киришни режалаштираётганда, ҳамма, шу ҳисобда Венесуэла ҳукумати ҳам Рузвельт томонидан Монро доктринаси ишга солинишини кутаётганди. Ўз вақтида президент Жеймс Монро европа давлатларини Ғарбий яримшар давлатлари ишига аралаштиришларига жим қараб турмаслиги билан таҳдид қилганди. Гарчи президент денгиз қамалини назорат қилиш ва давлатга босқин уюштирилганда ҳаракат қилиш учун ҳарбий-денгиз кучларини жўнатган бўлса-да, Венесуэлани Европа билан курашида қўлламади. 1904 йил 6 декабрда у «Рузвельт тузатмаси»ни эълон қилиб, унга мувофиқ Қўшма Штатлар ўз ташқи қарзларидан қутилишга қурби етмайдиган ёки хоҳламайдиган ҳар қандай лотин америкаси давлатининг иқтисодий ишларига аралаша олиш ҳуқуқига эга чиқди. Айримлар бунда Қўшма Штатларнинг Ғарбий яримшарда йўлбошчилик ҳолатини мустаҳкамлашга бўлган уринишни кўришади. Бошқалар эса Рузвельт тузатмасини империалистик интилишнинг намоён бўлиши дея ҳисоблади. Нима бўлганида ҳам, ўшандан бери бу тузатма ҳамда Монро доктринасини АҚШнинг Марказий ва Жанубий Америка ҳамда Кариб хавзасида олиб борадиган хатти-ҳаракатлари учун оқловчи ваз ўрнида кўришади.

Теодор Рузвельт Қўшма Штатларнинг буюк дунё салтанати мавқеини Венесуэлани англо-герман қамалига қарши юборилган «канонеркалар дипломатияси», Панамадаги инқилобни қўллаши ва баъзан эса тўғридан-

тўғри америкача ҳарбий таҳдид билан (масалан, 1908 йилда дунё халқларига америка ҳарбий-денгиз флоти қудратини намойиш қилиш учун Рузвельт АҚШнинг Буюк оқ флотини дунёни айланиб келиш сафарига жўнатган эди) таъминлашини кўплар ҳаддан зиёд урушқоқлик деб ҳисоблашади. Аммо бу айбловларга Теодор Рузвельт 1913 йилда эълон қилган «Автобиография» асарида шундай жавоб беради: «Президентлик лавозимимдан истеъфо бераркан, етти ярим йиллик тинимсиз меҳнатимни ташлаб кетяпман. Бу йиллар мобайнида ташқи душманга бирортаям ўқ отилгани йўқ. Биз мутлоқ тинчликда яшадик. Биз камситган ёки биз ҳадиксираган бирорта халқ бўлмади». Аксинча, бошқа давлатлар президент Рузвельтга сулҳ тузишда ёрдам сўраб мурожаат қилишарди. 1905 йилда у Япония ва Россия вакилларига Нью-Хемпшир штатининг кичкина Портсмут шаҳарчасида учрашиш ва қонли Рус-япон урушига нуқта қўйишни таклиф қилди. Бир ойлик музокаралардан сўнг 5 сентябрда америка президенти воситачилигида Россия ва Япония Портсмут шартномасини имзолади. Кейинги йили «урушқоқ» Рузвельт тинчлик бўйича Нобель мукофотига лойиқ топилди. Ушбу шарафга лойиқ кўрилган биринчи америкалик ва биринчи амалдаги америка президенти (иккинчиси эса Барак Обама) бўлди. Бу мукофот 1906 йилда, Рузвельт Альхесиресда Марокаш масаласи бўйича Франция ва Германия орасидаги музокараларни муваффақият билан амалга ошираётган пайти тақдим қилинганди. У Марокаш мустақиллигини муваффақият билан сақлаб қолишгагина эмас, Европада кучлар мувозанатини тенглаштиришга ҳам эришди.

* * *

Призидент Мак-Кинли ишининг давомчиси сифатида уч ярим йил юксак лавозимни эгаллаган Теодор Рузвельт 1904 йилда президентлик сайловларида осонлик билан ғалабага эришди. Бу пайтга келиб уни ҳамма исми-шарифи билан эмас, қисқагина «Тедди» лақаби билан аташарди. Теодор Рузвельт қисқача инициал билан – TR дея аташадиган дастлабки президент бўлди. Ундан кейин жуда камдан-кам мавқеи юксак сиёсатчилар шундай шарафга нойил бўлишди: Франклин Рузвельт (ФДР), Жон Кеннеди (ЖФК) ва Линдон Жонсон (ЛБД). Лақаб ва инициаллардан кўриниб турибдики, Теодор Рузвельт шунчаки президент эмас, ҳақиқий президентлик брендига, юксак давлат ҳокимияти тимсолига айлана олган. У 1908 йилдаги сайловга осонгина ўз номзодини кўйиши мумкин эди, аммо Жорж Вашингтон томонидан ўрнатилган икки президентлик муддати тамойилини бузмоқчи эмаслигини таъкидлади. (Бу тамойилни қонунан мустаҳкамлаган йигирма иккинчи тузатма 1951 йилдагина қабул қилинди.) У ўзи учун издоши бўлмиш Уильям Говард Тафтни қўллаб-қувватлаш етарли деб ҳисоблади. Тафт унинг тараққийпарвар сиёсатини давом эттиради ва қўллаб-қувватлайди, дея ишонарди.

Бироқ 1909 йил 4 мартдаги Тафтнинг инагурациясидан кейин Рузвельт издошига асоссиз ишонганлиги маълум бўлди. Тафт сусткаш, ювош президент бўлиб чиқди. У тараққийпарвар сиёсатни қўллади, аммо уни юритиш учун ҳеч қандай иш қилмади. Натижада, Рузвельтнинг назарида, миллат яна унинг президентлигига гача яшаган турмуш тарзига қайтишга мажбур бўлди.

Рузвельтнинг ўзи эса Африкага овчилик сафари учун йўл олди. Сафари – даштлардаги овчилик 1909 йил мартдан 1910 йил июнигача давом этди. Рузвельт Смитсонлар институти учун коллекция тўплаб жўнатди. Кейин у Европа бўйлаб катта сафар қилди. Теодор Рузвельт қаерда пайдо бўлмасин, уни қучоқ очиб кутиб олишди. Қўшма Штатларга қайтиб келганидан сўнг «Африка ов сўқмоқлари» китобини нашр қилдирди. 31 августда эса сиёсатга қайтди – Канзас штатининг Осаватоми шаҳрида «Янги миллатчилик» нутқини ирод этди. 1911 йилда Теодор Рузвельт Outlook magazine журнали бош муҳаррири сифатида диққат марказида бўлди, 1912 йилда «Қўл етгулик орзулар» китобини чоп қилдирди. Шу йилнинг бошида унинг энг эса қоладиган жумласи: «Шляпамни рингга ташлайман», – янгради ва Республикачилар партияси номидан президентлик сайлов пойгасига қўшилди. Теодор Рузвельт ўзи бир пайтлар сайлаган омадсиз Говард Тафтни алмаштиришга аҳд қилди.

Республикачи сайловчилар завққа тўлиб-тошганди. ТР дастлабки барча сайловларда ғалабага эришди. Шунга қарамай, Республикачилар партияси конвенци ундан кўра амалдаги презитдент Тафт номзодини афзал кўришди. Бу 22 июнда рўй берди. Шу ёзнинг августида Чикагонинг колизейида янги «Миллий тараққийпарвар партия»нинг конвенци бўлиб ўтди. Бу партияни кўпинча «Лослар партияси» деб ҳам аташарди. (Эсингизда бўлса: қолган икки патияни лақаби эшаклар ва филлар эди). Қандай аталишидан қатъий назар, айнан мана шу партия Рузвельтни ўз номзоди сифатида тавсия қилди.

Рузвельт рақиблари Тафт ҳамда Демократик партия вакили бўлмиш анчагина тараққийпарвар Вудро Вильсонга танқидий ваъзлари билан ҳужумга ўтди. Унинг учинчи партия номидан Оқ уйга кўчиб ўтиш эҳтимоли биринчи маротаба жуда катта эди. Аммо сайловолди компанияси тезда қонли тус олди. 1912 йил 14 октябрда Теодор Рузвельт Милуокига етиб келди. У меҳмонхонадан чиқиб, уни олиб кетишга келган машина сари бораётган пайти Жон Шранк деган киши яқинлашди. Собиқ салун хўжайинининг тушига Уильям Мак-Кинлининг арвоҳи кирган ва Теодор Рузвельтни отиб ташлашни буюрганмиш. Арвоҳнинг буйруғига қарши бора олмаган Шранк номзоднинг кўксига қарата ўқ узди.

Ўқ Рузвельтни ўлдириши керак эди. Аммо бундай бўлмади. Шранк қўл етгулик жойдан отган бўлсада, ўқ Рузвельт кўкрак чўнтагида олиб юрадиган кўзойнагининг пўлат ғилофини тешиб ўтгач, унинг тезлигини икки қават қилиб букланган номзоднинг узундан-узоқ нутқ матни секинлатган ва кўкрак пайига қадалиб қолган эди. Ўқ ўпкасига зарар етказмагани, кўкрак мушакларига тикилиб қолганини англаган Рузвельт ўз нутқини ирод этишга аҳд қилди. У сўзининг аввалида костюм барини очиб, кўйлагининг ўқ тешган қонли жойини тингловчиларга намоиш қилди ва бир ярим соат ваъз ўқиди!

«Лосни йиқитиш учун битта ўқ камлик қилади!» – хитоб қилди у.

Вильсон ва Тафт ўз ихтиёрлари билан сайловолди компанияларини то Рузвельт тўлиқ тузалиб кетгуни-

ча тўхтатиб турдилар. Сайлов куни «Лослар партияси» номзоди 27,4% овоз тўплади ва Тафтдан ўзиб кетди. Аммо Вильсонга ютқазиб қўйди. Рузвельт ғалаба қозонолмаса-да, бу сайловни мағлубият деб аташ қийин эди.

1913 йилда Рузвельт «Автобиография»сини ва тарихий очеркларни эълон қилдирди. Октябрда у Жанубий Америка бўйлаб маърузалар ўқиш учун сафарга жўнаб кетди. Бразилияда эса Америка Табиат тарихи музейи ва Бразилия ҳукумати ҳомийлигида ташкил қилинган чангалзорлар бўйлаб экспедицияга чиқиб кетди. Экспедициянинг мақсади сирли дарё – Рио-да-Дувида (Шубҳалар дарёси) табиатини тадқиқ қилиш эди. Рузвельтни безгак ва оёғидаги газаклаб кетган яра нариги дунёга олиб кетишига бир баҳя қолди. Аммо бу гал ҳам Рузвельт ажалга чап берди. Шубҳалар дарёсини Рио-Рузвельт деб номлашган бўлишса-да, кўпчилик уни яна бошқача тарзда Рио-Теодоро деб ҳам аташади.

Штатларга қайтиб келгач, эрта кексайган Рузвельт ёзувчилик билан шуғулланиб кучини тиклаб олди. У ўзининг Бразилия чангалзорларидаги саёҳати ҳақида китоб ёзди, Африка жонворлари ҳақидаги бошқа китобга эса ҳаммуаллифлик қилди. 1914 йил ёзида Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Рузвельт «Америка ва жаҳон уруши» китобини ёзди ва АҚШни зудлик билан урушда иштирок этишга чақирди. Рузвельт бу урушни демократиянинг автократияга қарши жанги, деб атади. У икки йил давомида Вильсон ҳукуматини сусткашликда тинимсиз айблаб келди. Аммо 1916 йилда тараққийпарвар партиянинг номидан президент-

лик лавозими учун сайловларда қатнашишдан воз кечди. У республикачи Чарльз Эванс Хьюз номзодини қўллашни афзал кўрди. Сайловларда Вильсон ғалаба қозонди ва Рузвельт урушни ёқлаган компаниясини давом эттирди. Охир-оқибат демократ-президент конгрессга Германия ва унинг иттифоқчиларига қарши уруш эълон қилиш таклифини киритди, 1917 йил мартада худди шундай бўлди ҳам. Рузвельт ўзи бошчилигида кўнгиллилар бўлинмаси тузиб урушга киришни таклиф қилди. Аммо Вильсон буни рад этди.

* * *

1917 йилдаги Теодор Рузвельт 1898 йилдагисидан катта фарқ қиларди. Икки ўн йиллик «тинимсиз ҳаёт» ўзини кўрсатганди. 1918 йилда у «Буюк саргузашт» китобини сарлавҳа остида «Америка миллатчилигини замонавий тадқиқи» жумласи билан чоп қилдирди. У республикачиларнинг Нью-Йорк губернаторлиги лавозимига сайланиш учун қилган таклифларини рад этди. 1918 йил июлда у Францияда жанг қилаётган ўғли Квентиннинг самолёти уриб туширилганини билди. Ўғлининг ўлими ҳали безгак асоратларидан тамомла қутилмаган отани буткул йиқитди. У 1919 йил 6 январь кечаси ухлашга ётиб бир неча соатдан сўнг томирига тикилган қон лахтаги туфайли жон берди. Тақдир Теодор Рузвельтга уйқу ичра ўлишдек енгилликни туҳфа қилганди.

**ТЎЛАҚОНЛИ
ҲАЁТ
КЕЧИР**



1-САБОҚ Ҳаётнинг бир қисми бўл

Жангларда қатнашган одамлар мих каби мустаҳкамдир. Улар калтак еганидаям кўзёши қилмайдилар. Бу ҳаётларининг бир бўлаги. Албатта, ушбу одамлар боксчи қўлқопидаям, уларсиз ҳам оёқда маҳкам туришлари лозим. Мен бошқаларнинг муваффақиятини жимгина кузатадиган спортда фойда кўрмайман.

«Автобиография», 1913 йил

1872 йилда Рузвельт ўн уч ёшда эди ва уни болаликдан қийнаб келган дамқисма (астма)нинг кучли хуружи юз берди.

Кейинчалик у бу ҳақда шундай ёзган эди: «Тоза ҳаво – танга даво дея, мени Мусхед кўлига жўнатишди. Дилижон-аравада яна мен тенги икки бола ҳам бўлиб, улар анчагина бақувват ва шумтака эди... Улар мени табиат атайин қурбонлик учун яратган дея қарорга келишди ва иложи борича ҳаётимни дўзахга айлантириш пайида бўлишди. Энг ёмони ўзим уларга қаршилик кўрсатишга киришганимда, ҳар бири мени осонлик билан мижғилаб ташлашини англаганим бўлди. Шу билан бирга улар менга унчалар қаттиқ азоб беришмас, аммо қаршилик кўрсатишимга имкон қолдиришмасди.» Ўзини камситилган ҳис қилган ёш Рузвельт ўзгаришга ва «ҳаракатчан одамлар биродарлиги»га аъзо бўлишга қарор қилди. Унинг илк қадами бокс дарслари бўлди.

Рузвельт спортни ҳам томошабин, ҳам иштирокчи сифатида севарди. У спортни Оқ уйда яшаб юрганида

ҳам унутмади. Спарринг жангларидан бирида президент қақшатқич зарба олди ва бир кўзи кўрмай қолди, аммо бу ҳолни узоқ вақт сир сақлаб юрди.

Сизнинг машғулотингиз қанақа бўлмасин, унда кўлингиз узун бўлиши, уни бошқариш ёки кўзга кўринган шахс бўлишни истасангиз таваккалчиликка кўл уриш лозим. Рузвельт ҳеч қачон айланма йўллардан юрмасди. Бирор нарсага эришмоқ истасанг, жасур ва қатъиятли бўлмоқ шарт. Сийловни ҳис қилганча таваккалчиликка кўл уриш керак. Қувончни кутганча оғриққа бардош бериш лозим. Ғалабага умид қилиш ва зафарга интилиш билан бирга мағлубиятга ҳам тайёр туриш керак. «Ҳаракатчан одамлар биродарлиги»га кўшилмай туриб муваффақият қозониш мумкинмас. Чинакам лидер ҳеч қачон шунчаки томошабин бўлиб туролмайди.

2-САБОҚ

Кўлингга эшкак ол

Ҳамиша моторли қайиқларга эга кишилар кўп нарсаларни қўлдан чиқаришади, деб ҳисоблардим. Агар улар эшкакли қайиқ ёки каноэга ўтганларида ва қўлларига эшкакни олганларида... ўз ишини бензинли моторларга юклашганидан кўра кўпроқ нарсаларга эришган бўлардилар.

«Автобиография», 1913 йил

Агар ТРнинг «тўлақонли ҳаёт» чақириғига юзаки назар солиш билан чекланганда ҳам – бу машқлар орқали жисмоний қувват ва ҳаётни мустаҳкамлашдан

бошқа нарса эмас. У мана шундай ёндошувнинг мукамал намунаси эди: қатъий интизом ва «эркакча» машғулотлар орқали у оғир сурункали хасталиклар ҳамда нимжонликни енгиб ўтишни уддалаганди. Теодор Рузвельт болалиқда гимнастика, футбол, бокс, от спорти, альпинизм билан шуғулланди, узоқ сафарларга чиқди, овчилик қилди ва даштлардаги хусусий ранчо-сини бошқарди.

Аммо «тўлақонли ҳаёт» – бу анча кенг маънодаги тушунча. Бу ҳар бир майда-чуйдасигача синчковлик билан зеҳн солиш баробарида ўз манфаатларинг йўлида ҳаракат қилганча яшай билишдир. ТРнинг фикрича бошқаларни эргаштира олиш учун одамнинг ўзи ўрناق бўлиши лозим. Бунинг учун эса ҳаётини сабоқларни ўзлаштириш мақсадида ҳар бир имкониятдан фойдаланиш ва ҳаракат қилишни ўрганиш керак. Ибрат ҳар қандай сўздан кўра аниқ ва янгроқдир. Моторли қайиқ эшкаклидан кўра замонавийлигини тараққийпарвар Рузвельт яхши англари. Аммо тезликка осонгина, ҳеч қандай куч сарфламасдан эришиш туфайли одам ҳақиқий лидерни тоблайдиган «тўлақонли ҳаёт» тажрибасини йўқотади. Қўлда эшкакни ҳис қилиш, кафтдаги қадоқлар, чайир мушаклар ва елка пайлари, сув қаршилигини енгиш ҳиссиёти, сувда ўтказилган узун кун охиридаги ёқимли хорғинлик, қайиқни айнан сиз хоҳлаган йўналишда сузишини бошқариш уқуви... Буларнинг бари одамга «керакли сифатлар тўпламини» (Рузвельтнинг яна бир севимли жумласи) тутқзади. Бу эса чинакам лидернинг қўлидаги кучли қурол – бошқаларга шахсий ибрат бўла олишни самарали эгаллашига имкон беради.

Чинакам лидер учун энг муҳими – ҳаракатчан воқелик билан яқин ва тўғридан-тўғри алоқада бўлишдир. Сўзда эмас, амалда яша ва лидер бўл.

3-САБОҚ

Қаршиликларни енгиб ўт

Теодор яқинлашаётган тўлқинларни чинакам ҳис қилганча қўл ва елкасидаги зўриқишларга чанқоқ эди.

Корина Рузвельт укаси билан қайиқда сузганлари ҳақида, «Менинг укам Теодор Рузвельт», 1921 йил

Теодор Рузвельт ўзининг «тўлақонли ҳаёт» доктринаси билан яшаркан, ҳеч қачон ўз кучини синаб кўриш имконини қўлдан чиқармасди. Ҳар қандай зўриқишни қувонч ва қониқиш билан қарши оларди. Бу дунёда из қолдириш учун қаршиликларни енгиш керак. Рузвельтни бу ўйга толдирмас, аксинча қувонтирарди.

Қаршилиқни енгиб ўтишни ҳис қилиш худди эш-как эшаётганда «яқинлашаётган тўлқинларни чинакам ҳис қилганча қўл ва елкадаги зўриқишларга чанқоқлик» – унинг учун олдинга қўйган мақсадга эришишдек катта мукофот эди. Эҳтимол, бундан ҳам ортиқроқ.

Қаршилиқларнинг ҳар қандайини – норозилик, шикоятлар, хавотир, тушунмовчиликларни енгиб ўт. Бундай енгиб ўтиш жараёнида ўзингнинг энг яхши фазилатларинг намоён бўлишига шукрона қил. Зўриқишларингни намоён қилавер.

4-САБОҚ Узоқроқ ва тезроқ ишла

... Унинг кам ухлашидан хавотирдаман...

Рузвельтнинг опаси Коринанинг акаси
Эллиотга мактубидан, 1884 йил 4 март

Нью-Йорк қонунчилик мажлиси аъзоси Рузвельтнинг кундаликларидаги 1884 йилнинг февраль охиридан мартнинг бошигача бўлган кўчирмаларни ўқишнинг ўзи билангина унинг ҳаёти қанчалар тарангликдан, босимдан иборат эканини англаш мумкин.

- 25 февраль, душанба: Нью-Йорк қамоқхонаси зобитини маҳбусларни ташиш учун ноқонуний тарзда пул йиғишлар бўйича сўроқ қилиш.

- 26 февраль, сешанба: муниципал қарздорлик ҳақида қонун лойиҳасини тайёрлаш.

- 27 феврал, чоршанба: рангли етимлар ҳуқуқи ҳақидаги қонун лойиҳаси тузатмалари устида ишлаш: шаҳар қўмитасига тўртта қонун лойиҳасини тақдим қилиш.

- 28 февраль, пайшанба: Қонунчилик мажлисига етти янги қонун лойиҳасини тақдим қилиш.

- 29 февраль, жума: Олбаниядан Нью-Йоркка мерос ва васийлик масаласида суддаги канцелярия жараёни устидан текширувни амалга ошириш, қарздорлик бюроси фаолияти учун маблағ ўтказиш мақсадида бориш.

- 1 март, шанба: Нью-Йорк қамоқларида пиёнис-талиқ ва секс бўйича маълумотларни тинглаш.

- 3 март, душанба: Нью-Йоркда навбатдаги терговга раислик қилиш.

- 4 март, сешанба: Олбанияга қайтиш, банк фаолияти ҳақидаги қонунни киритиш, спиртли ичимликларни лицензиялаш ҳақидаги хусусий қонун лойиҳамни қўллаб сўзга чиқиш.
- 5 март, чоршанба: Шаҳар қўмитаси тайёрлаган ўнлаб янги қонун лойиҳаларини киритиш.
- 6 март, пайшанба: Шаҳар қўмитаси тайёрлаган еттита янги қонун лойиҳаларини киритиш.
- 7 март, жума: Нью-Йоркда тингланадиган суд ишларида ҳордиқ кунлари бошланиши.

13 март куни шаҳар қўмитасининг ҳуқуқий кенгаши Рузвельтга улар ўтказган тингловларнинг қораласини тақдим қилди. Рузвельт столга ўтирди ва ҳисоботни бошдан-охиригача ўқиб чиқди.

Ушбу ҳужжат уни сираям қониқтирмади, 1054 саҳифадан иборат бу ҳисоботни Олбаниядаги кабинетига элтиб бутунлай янги ҳисобот тайёрлади ва ўрин алмашиб турган стенографист аёлларга айтиб туриб ёздирди. Жума куни у барча йиғилишларда қатнашди, аммо муҳокамалар пайтидаям ҳисобот устида ишлашни давом эттирди (муҳокамаларда сўзгаям чиқди!). Бирор саҳифани тугаллаганидан сўнг, уни чопарнинг қўлига тутқазиб, машинкалаш бюросига жўнатарди. Жума куни кундузи Рузвельт ўн беш минг сўздан иборат ҳисоботни охирига етказди. Матн машинкаланди, китобчадек тикилиб Қонунчилик мажлиси аъзоларига тарқатилди. Бу ҳужжат Рузвельт таклиф қилган тўққизта янги қонун лойиҳаси учун асос бўлиб хизмат қилди.

Минг афсуски, зўриқиб ишлашнинг муқобили йўқ. Агар сенинг мақсадинг – компаниянг учун алмаш-

тириб бўлмас ходимга айланиш бўлса, бошқалардан кўра кўпроқ, тезроқ ва зўриқиброқ ишлашинг шарт.

5-САБОҚ

Майда-чуйдаларгача аҳамият бер

Келгусида шаҳар ҳаётини яхшилашга қарор қилган одам курашга тайёр туриши, тер, қон, дўстлари ва душманларидан етадиган азиятлардан қўрқмаслиги лозим. Бундай одам четда чайналиб турмасдан, ҳамиша ҳаётнинг қайноқ жабҳасида бўлмоғи керак.

The Outlook, 1895 йил 21 декабрь

Теодор Рузвельт 1881 йилда сиёсий фаолиятини Нью-Йоркдаги Қонунчилик мажлисидан бошлади. 1888 йилдан 1895 йилгача миллий фуқаро комиссиясида иш олиб борди, 1895 дан то 1897 йилгача шаҳар полиция департаментининг фуқаро комиссари сифатида Нью-Йорк полицияси кенгашини бошқарди.

Ўша пайтларда Нью-Йорк полицияси Америкадаги энг бешафқат, коррупция ботқоғига ботиб кетган муассаса ҳисобланарди. Теодор Рузвельт бу ердаги лавозимидан кетаётган пайти эса бундай полиция департаментига ҳар қандай йирик шаҳар ҳавас қиладиган даражага етганди.

А нуқтадан Б нуқтага ҳаракатланаркан, Рузвельт Манхеттен харобаларидаги тунги кўчаларни шахсан кезиб чиқарди. Тунги навбатчилик соат иккиларда бошланарди. Рузвельт баъзан бир ўзи, баъзан журналист (масалан, ўз дўсти Жейкоб Риис билан) ёки бошқа бир комиссар билан полиция патруллари ишини назорат қилиш учун отланарди.

Бундай рейдлар пайтида, дея гувоҳлик беради Рузвельтнинг биографи Эдмунд Моррис, у «Нью-Йоркда ростгўй полициячи анқонинг уруғидай камёб экани»ни таъкидлаганди. Икки патрулнинг шароб дўкони олдида бекор ўтирганларини пайқаб қолгач, уларнинг олдига бориб жиддий сўради: «Нега қоидага кўра кўчаларни кезиб чиқмаяпсизлар?» Полициячилар уни танимасдан қўпол жавоб қайтаришди. Рузвельт ўзини таништирганидан кейин улар думини қисган итдек ўз ишлари сари жўнаб қолишди.

Рузвельт ҳамиша ходимлари номи ва кўкрак нишонлари рақамини яхши эслаб қоларди. Маҳаллий газеталардан бирида Учинчи авенюдаги емакхоналардан биридаги ана шундай тўқнашув худди сахна асаридек тўлиқ келтириб ўтилганди:

Рузвельт (кираркан): Зобит, нимага ўз постингизда эмассиз?

Патруль Рат (шоша-пиша оғзидагини чайнарган):

Сени нима ишинг бор?

Бармен: Ўҳў, полиция зобитига шунақа савол берсанг, юрагинг иккита экан.

Рузвельт: Мен – комиссар Рузвельтман!

Рат (сирка шишасига қўл узатиб): Ҳа, ҳа, ишондим. Сен шаҳар ҳокимиямдирсан?! Қани, туёғингни шиқиллатиб қол-чи!

Бармен (қўрққанча шивирлаб): Жим бўл, Билл! Бу ҳақиқатанам комиссар – ойнакларини пайқамардингми?

Рузвельт (қатъий): Постингизга жўнанг!
(Зобит шошганча жўнаб қолади.)

Мана шу ҳолда кўчаларни кезаркан, муаммони пайдо бўлган жойнинг ўзида ҳал қилар, қонун бузилишини зудлик билан бартараф этар ва бундай текширишларни ойда бир, икки эмас, деярли ҳар тун олиб бориши билан Рузвельт Нью-Йорк полициясини ботқоқдан, ҳақиқий маънода, суғириб олди ва намунали даражага келтирди.

Ҳамма ишдан хабардор бўлиш мақсадида у кундузлари барча маъмурий ва қонунчилик ишлари билан машғул бўларкан, ўзининг амалий тажрибасини интизомий чоралар, қоидалар, ўрнатмалар ва қонунларга кўчирарди. Тунлари эса кўчаларга чиқарди ва ходимлари ишлайдиган шароитларни баҳоларди. Полициячилар унинг доимо «ёнларида» эканини ҳис қилишарди.

Ҳар қандай раҳбар маъмурий иш билан кўп шуғулланади. Ишнинг бу қисмига бепарво қараш, албатта ярамайди. Аммо яхши маъмур – бу ҳали яхши лидер дегани эмас. Ишлар қандай бажарилаётганини кузат. Унга аҳамият бер, унинг миридан-сиригача тушуниб ол. Одамлар сенинг ёнларида эканингни ҳис қилишсин. Аниқ буйруқлар бер, энг муҳими – ёрдам таклиф қил. Ҳаммасига улгуриш албатта қийин. Комиссар Рузвельт мақсадга эришиш учун уйқусидан ҳам воз кечарди.

6-САБОҚ

Ўз фикрингни ҳимоя қил

Менга ташланишса – муштлашаман!

Нью-Йорк ратушасидаги нутқ,
1896 йил 5 май

Нью-Йорк полициясини бошқариш мобайнида Руз-

вельт бошқармада чуқур илдиз отиб кетган коррупцияга қарши кенг миқёсда кураш компаниясини бошлаб юборди. Айниқса, полициячилар маълум қонунларнинг, масалан, салунлар иш тартибини белгиловчи қоидалар бажарилишини назорат қилишга панжа орасидан қарашларини йўқ қилишга қаттиқ бел боғлади. 1896 йил 5 майида комиссар Рузвельт шаҳардаги ноқонуний салунлар ва уларда гуллаб-яшанаётган жинойтчиликка қарши кураш учун қўшимча маблағ ажратиш ҳақидаги илтимосномаси шаҳар назоратчиси Эшбел П. Фитч томонидан рад этилганида ўз талабида оёқ тираб олди.

«Агар биз буларга индамай қараб турсак, – деди Рузвельт муштини қисганча, – агар уларга енгилсак, бунинг айбдори сиз бўласиз!»

Фитч менсимаган оҳангда Рузвельтдан шаҳар ҳокимиятини тинч қўйишни, пул керак бўлса, уни суддан ундиришни талаб қилди. Рузвельт тутатиб кетди: «Буни барига сиз айбдорсиз!»

«Жим! Жим! – жавоб берди Фитч. – Мен масалани бунақа оҳангда муҳокама қилмоқчимасман. Сиз доим жанжал қўзғайсиз!»

«Менга ташланишса – муштлашаман!» – бақирди Рузвельт.

Гарчи у маблағни ололмаган бўлса ҳам унинг аҳоли орасида машҳурлиги ортиб кетди. Кишилар унинг ўз ҳақлигига ишонса, фикрида собит қолишга тайёрлигини юксак баҳолашди.

Жанжалга сабабчи бўлиш – музокаранинг яхши усули эмас. Аммо баъзан шундай бўладики, ўз фикрингни ўтказиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланишга тўғри келади. Шундай ҳам қил. Эҳтимол,

айни дамда ҳеч нарсага эриша олмассан, аммо сенинг обрўйинг – бебаҳо бойликларингдан биридир.

7-САБОҚ Ташаббусни сийла

Одамга бериладиган энг ёмон маслаҳат: бошқаларга қўйиб бер, кейин эса улардан нолиб юр.

The Reviews of Reviwes, 1897 йил, январь

«Ўзи шундоғам оғир аҳволдаги кишига, – деб ёзганди Рузвельт, – унинг барча ғам-ташивишининг сабабчиси унинг ўзи эканини айтиш – аҳмоқлик ва жиноятдир. Ўз тадбиркорлиги, ақл-идроки билан уларни тўғрилаш имкони йўқ дейиш – катта хато».

Либертарианликнинг* кучли таъсири уфуриб турган бу сўзлар «Тўлақонли ҳаёт» тарафдорининг оғзидан чиқаётганига ҳайрон бўлиш керакмас. Бу бошқарувга рузвельтона ёндашувнинг қирраларидан бири. У демократия ҳар бир кишидан ўзини бахшида этишини талаб қилади дея ишонарди. Бироқ ҳар бир фуқарони ҳимоя қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган бошқарув тизимига ҳам умид боғларди.

Кейинчалик Рузвельт таклиф қилган «Адолатли йўл»нинг моҳияти шунга асосланган. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси бор кучи билан ишлаши ва давлат фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиши керак. Эвазига эса ўз жонбозлигининг меваларидан баҳраманд бўлиши учун им-

*Асосида «босимли таҳдид»ни таъқиқлаш ётадиган сиёсий ғоя бўлиб, унга кўра кишининг истагисиз унга ва мулкига куч ишлатиш мумкин эмас.

кон берадиган федераль қонунлар ва қоидаларга таяна олиши лозим.

Теодор Рузвельтнинг яхши бошқарув режасида бир томонлама ҳаракатланадиган кўчалар йўқ эди. Қарс икки қўлдан чиқади. Фуқаро ва давлат орасидаги муносабатлар ҳамма вақт ўзароликни талаб қилади.

Ходимларнинг мустақиллиги, ташаббуси ва жонбозлигини сийла, аммо ҳеч кимни ҳеч қачон орқада қолиб кетишига йўл қўйма ва эътиборингиз қолдирма. Қўллаб-қувватлаш, асосли танқид ва кўмак кишилар самарали ишлайдиган ва фаол ҳаёт кечирадиган шароитни яратади.

8-САБОҚ Қалбингга қулоқ сол

Агар жангга кетмасам, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзимни ҳеч кечира олмаган бўлардим...

Генри Кэбот Ложга мактуб, 1898 йил 19 июль

Рузвельтни президент Мак-Кинли маъмуриятдан кетиши ва испан-америка урушида қатнашиб, ҳаётини хавф остига қўйиш истагини турлича изоҳлаш мумкин. Унинг ўзи ватан чақириғи, бурч, ватанпарварлик, кубаликларга испан зулмидан ҳалос бўлишда кўмак беришга кучли иштиёқи, Монро доктринасини қўллаб-қувватлаш зарурати ва Ғарбий яримшарни Европа мустамлакасининг сўнгги таянчидан тозалаш мақсади бўлганини сўзлаши мумкин эди. У яна саргузаштлар ва жангларга иштиёқи кучли эканини ҳам айтган бўларди. (1926 йилда «Теодор Рузвельт ишлари» китоби Герман Хейгдорн таҳрири остида босилиб чиқди. Унда одамни

гангитиб қўядиган мана бундай жумлалар бор: «Жанглар қувончи жалб қиладиган ҳар бир кишига қалбида уйғонаётган қашқирлик туйғуси таниш бўлса керак».)

Бу пайтда у президент Мак-Кинли маъмуриятида ҳарбий-денгиз флоти вазирининг ўринбосаридек мавқеи ва маоши юқори лавозимда ўз юртида тинчгина ишлаши мумкин эди, бунинг ўрнига хавф-хатарга тўла урушга отланиши соғлом фикрлайдиган инсонга хос бўлмаган ҳаракат, шундай эмасми?

Рузвельт ўз яқин дўсти, сенатор Генри Кэбот Ложга нима учун қўлига милтиқ тутиб «Учқур чавандозлар»га бошлиқ бўлганини баён қилмаган. Ўша пайтда у «агар жангга кетмаса, ўзини ҳеч қачон кечира олмаслигини» англаган.

Бундай иштиёқ худбинлигидан келиб чиққанми?

Эҳтимол. Аммо бу муҳим эмас. Худбинликми, бошқами, аммо иштиёқнинг ўзи самимий, теран ва бениҳоят жозибали эди.

Бу ўз табиати ҳақида аниқ тасаввурга асосланган инстинктив қадам эди. Теодор Рузвельт ҳаётининг кўплаб вазиятларида худди шундай ҳаракат қилган. «Мен Қўшма Штатлар сенатида уч муддат хизмат қилишдан кўра, – деб ёзганди у 1898 йилнинг 27 июлида қайноғаси Теодор Дуглас Робинсонга, – полкни бошқариш ва полковник унвонига арзирли хизмат кўрсатишни афзал билдим. Энди фарзандларим олдида ҳаётда бекор яшамаганимни оқлайдиган нарсалар бор».

Агар сени бошқаришга (раҳбарликка) ўргатишса, фактларни совуққонлик билан таҳлил қилиб қарор қабул қилишни ўрганишинг керак. Шу билан бирга қалбингда яшайдиган самимий, теран ва ғаройиб

тарзда жозибали иштиёқ манбасидан алоқани уз-маслигинг шарт.

Мураккаб қарорларга дуч келганингда эса, у ёки бу йўлни танлаб нималарни ҳис қилишингни тасаввур қил. Шундан кейингина кераклисини танла.

9-САБОҚ Қатъий бўл

Иложи борича жанжаллашма. Мумкин бўлса, тортишма. Аммо муштлашувдан қочишинг имкони йўқ бўлса, рақибингни адабини бериб қўй.

Миллий матбуот-клубидаги нутқ,
Вашингтон, Колумбия округи,
1918 йил 24 январь

«Ўйлаб кўринглар-а! – хитоб қилди Огайо штатидан сенатор бўлган Марк Ханна бир ҳафта олдин суиқасд туфайли ярадор бўлган президент Мак-Кинли вафот этганини эшитгач. – Бу шайтон ковбой Қўшма Штатлар президенти бўлди!»

Тақдир тақозоси билан мамлакат президенти бўлган вице-президент Теодор Рузвельт охир-оқибат қаттиққўл ва жиззаки етакчи бўлиб чиқишидан фақат сенатор Ханнагина ҳадиксирамаётган эди. Ханна каби бошқа кўпчилик ҳам Рузвельтнинг фаол ҳаётий позицияси, чексиз ғайрати, амрона товуши ва ўзига қаттиқ ишониши туфайли охиригача ўйланмаган қарорлар чиқариши ва кўнгилсиз хатти-ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлади, дея хато ўйлардилар.

Булар хато тасаввурлар эди. Рузвельт ҳар бир қарорини ҳар тамонлама ўйлаб оларди. У атрофига малакали маслаҳатчилар тўплаган бўлиб, улар президент би-

лан баҳслаша олардилар, ҳақ фикрларини ўтказа олишарди. Бироқ Рузвельт қарор чиқаришда имилламас, шубҳаланиб ўтирмас ва тез ҳаракат қиларди. Рузвельт зарба берганида, бунинг бари нокаут билан тугарди.

Ҳар бир қарор камида икки босқичдан иборат бўлиб, уларни англаш ва ажратиш олиш лозим. Биринчиси – шакллантириш.

Энг яхши қарор – ҳамиша ўрганиш, таҳлил қилиш, қатъият ва баҳслар мевасидир. Бу босқичда фикрнинг йўналиши кўплаб марта ўзгариши билан худди саросимага ўхшаб кетади. Бу шунчаки меърий ҳолатмас. Бу ҳақиқатанам оқилона қарор ишлаб чиқиладигани белгисидир.

Иккинчи босқич – ҳаётга татбиқ қилиш. Буни фақат биринчи босқич якунлангач амалга ошириш мумкин. Бу бир ёқлама ҳаракатдир. Энди орқага йўл йўқ. Қалам билан ёзганни болта билан ўчиролмайсан. Қарор ҳаётга татбиқ қилинаркан, то унинг натижаси кўринмагунича баҳсларга ўрин йўқ.

Собит бўл. Хужум режасини таҳлил қил ва қайта кўриб чиқ. Ортиқча ҳаракатлардан тийил. Аммо қарорни ҳаётга татбиқ қиларкан, камига қаноат қилма – фақат нокаутга учрат!

10-САБОҚ

Имкон даражасидан ташқарига чиқ

Мен иснодли бекорчилик доктринасимас, тўлақонли ҳаёт доктринасини тарғиб қиламан.

Гамилтон-клубдаги нутқ, Чикаго,
1899 йил 10 апрель

Теодор Рузвельт давридан олтмиш йил ўтиб, чавандоз, боксёр, альпинист, ковбой ва АҚШ вице-президенти «тўлақонли ҳаёт доктринаси»ни шахсан тарғиб қилмоқчилигини эълон қилди. Бу 1961 йил 12 апрель куни, ТР замонасидан бери Қўшма Штатларда уч ойлар бурун сайланган энг ёш президент Жон Ф. Кеннеди томонидан айтилганди. Шу куни Совет Иттифоқи космосни ўзлаштиришда Американи ортда қолдирганди – тўрт йил бурун сунъий Ер йўлдошини фазога олиб чиққан иттифоқ энди инсонни самога парвоз қилдирганди. Биринчи космонавт Юрий Гагарин эди.

Америкаликлар буюк иқтисод барпо қилишди, иккала жаҳон урушида муҳим вазифани бажардилар, бироқ космик пойгада омадсизликка юз тутишди, коммунистик жамият эса демократиядан устун келди.

Кеннеди маъмуриятида одам бошқарадиган космик парвозларни йиғиштириб, илмий маълумотлар йиғиш, ҳарбий мақсадлар ва коммуникация тараққиёти учун фойдаланиладиган сунъий автоматик йўлдошларга эътиборни қаратиш ҳақида талаблар янграй бошлади. Амалий жиҳатдан олиб қаралганда бу маслаҳатлар оқилона эди. Шунга қарамай, Кеннеди буларни рад қилди. У дунё аҳли Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқини айнан ютуқларини қиёслаш орқали баҳолашини айтди. Илмий, тижорий ва ҳарбий жиҳатдан махсус йўлдошлар жуда аҳамиятли ютуқдир. Аммо улар қалбларни ром, ақлларни эса танг қила олмайди. Инсонни самога учуриш эса бутун дунёни жунбушга соладиган воқелик бўлади.

Президент советларнинг космос пойгасида улоқни олиб кетгани, уларга ҳали-бери етиш ва ўзиб кетиш

қийинлигини яхши англарди. Шунинг учун у маррани жуда узоққа – Ойни забт этишга қўйди.

1961 йил 25 майда у конгрессга мурожаат қилди: «Ишонаман, миллатимиз буюк мақсад – Ойга одамни қўндириш ва уни ерга хавфсиз қайтариш вазифасини мана шу ўн йилликда амалга оширишни ўз гарданига олади. Бирор бир бошқа космик лойиҳа бу яқин-орада бу қадар инсоният ақлини лол қила олмайди ва бирортаси бу қадар мушкул ва амалга оширилиши ўта қиммат бўла олмайди». Бу пайтда Америка астронавт Алан Б. Шепардни суборбитал фазога чиқарган ва бу парвоз 15 дақиқа давом этганди. Албатта, бу ютуқ Гагариннинг бир соатлик парвози ва ерни бир неча бор тўлиқ айланиб қайтиши олдида анчагина хира эди.

1962 йил 12 сентябрда Кеннеди «мушкул» ва «ўта қиммат» сўзлари маъносини яхши тушунишни кўрсатиб берди. Райс университети талабалари ҳузурида нутқ сўзларкан, у яна бир бор таъкидлади: «Ҳа, бизлар мана шу ўн йилликда Ойни забт қилишга қарор қилдик. Мақсад осон эмас: бундай синов имкониятимиз сарҳадларидан чиқиб бўлса-да нималарга қодирлигимизни кўрсатиб қўйиш имконини беради. Бу чақириқни шу ерда ва ҳозир қабул қилишга тайёرمىз. Бизлар фақат ғалабага дов тикканмиз!»

Мақсаднинг аҳамияти унинг мушкуллигига уйқаш эди. Вице-президент Рузвельтнинг Чикагода сўзлаган нутқидан олтмиш икки йил ўтиб Жон Кеннеди «тўлақонли ҳаёт» аҳамиятини тасдиқлади ва унга халқаро кўлам бахш этди.

«Инсон имкон сарҳадларин ошмоғи керак»,
– деб ёзганди шоир Роберт Браунинг. Теодор...

Рузвельт «тўлақонли ҳаёт» доктринасини тавсия қиларкан, ана шулар ҳақида сўзлаган эди. Жон Ф. Кеннеди америкаликларни Ойга жўнатишда ўша доктринанинг шахсий вариантыни қўллади. Агар сен ишнинг оддийлигиданмас, оғирлиги туфайли уни амалга оширсанг, нималарга эришишни бир тасаввур қил?

11-САБОҚ Юксак мақсад учун таваккал қил

Бутун умрини ғалаба ва мағлубиятлардан ҳоли тусиз ғира-шираликдан иборат ҳаётда ўтказадиган иродаси сустларга қўшилиб яшагандан кўра омадсизликдан ҳадиксирамай, юксак мақсадлар ва ҳақиқий зафарлар учун таваккал қилган аъло.

Гамилтон-клубдаги нутқ, Чикаго,
1899 йил 10 апрель

Америкадан буюкликни талаб қиларкан, Рузвельтнинг ўзи халқни илҳомлантириш учун намуна бўлиш истагига тўлиб-тошганди. У юксак мақсадларга ишонарди. Ҳар қандай таваккалчилик – руҳга кўтаринкилик баҳшида қилгани туфайли унда камчиликдан кўра устунликлар мўл. Рузвельт учун жараённинг ўзи натижадан кўра муҳимроқ эди.

У жисмоний тарзда сезиладиган реал ютуқларгагина интилмасди. У миллатнинг маънавий ва маърифий юксаклигини пайдо қилиш ва уни буюк ишларга йўналтиришни истарди. Рузвельт машаққатли меҳнат натижаларидан кўра интилишларга кўпроқ урғу берарди. Агар кураш юксак мақсадга қаратилган бўлса, унинг ўзи

ғалабали натижасидан кўра муҳимроқдир. Агар юксак мақсадни кўзлаган кураш мағлубият билан якунланса ҳам, у кўрилган зарардан кўра қимматлироқдир. Рузвельтни Қўшма Штатларнинг тараққиётидан кўра америка халқининг тараққий этиши кўпроқ қизиқтирарди.

Ходимларга далда бер, кўндир, иштиёқлантир ва талаб қил. Бошида булар омадсизликларга олиб келиши, сен ва жамоанга зарар келтириши мумкин. Аммо келгусида юксак интилишлар ҳар қандай компанияга чинакам буюкликка етакловчи моддий ва маънавий устунликлар баҳш этади. Бу эса келажакда моддий муваффақиятларга эришиш имкониятини сезиларли даражада оширади. Бу муваффақият ўртамиёналикнинг ғира-ширалигида қўлга киртилганидан кўра оламшумулроқ бўлади.

12-САБОҚ

Характерни шакллантир

Ўғил бола учун ўн бир ёшида мактаб спорт жамоасига капитан бўлиш фойдали. Аммо орадан йигирма йил ўтиб у ҳақда фақатгина ҳамон футболга, бейсболга ёки боксга қизиқиши ва қачонлардир капитан бўлганини бир умр ёдида сақлашни айтишса – жуда ёмон.

«Характер ва муваффақият»
The Outlook, 1900 йил 31 март

Гарчи Рузвельт ҳамisha «тўлақонли ҳаёт» фойдасини тарғиб қилса-да, унинг қадриятлар жавонида жисмоний куч биринчи ўринда турмасди. «Спорт – яхши, – деди у 1907 йилнинг 23 февralида Гарвард иттифоқида сўзлаган нутқида. – Аммо ўқиш анчайин муҳимроқдир.

Энг муҳими эса – характерни шакллантиришдир. Бусиз инсонга ҳам, бутун миллатга ҳам на ақл чироғи-ю, на тана қуввати ёрдам бера олади».

Теодор Рузвельт Оқ уйда ҳам бокс билан шуғулланарди. Президентлик лавозимини тарк этганидан кейин у сафари-дашт овчилиги учун Африкага жўнаб кетди. У ҳеч қачон «тўлақонли ҳаёт»ни тўхтатиб қўймади. У ёшликни фаоллик асраб қолишига ишонарди. Унинг дўсти, Сесиль Спринг-Райс таъкидлаганди: «Президент олтидан кейин тўшакда ётмаслигини ёдда тутинг». Рузвельт спорт ва спорт ютуқларини болалик ва ёшликка бежиз боғламасди. У катталар учун жисмоний тарбия муҳимлигини рад қилмасди, аммо маълум бир ёшдан кейин реал ютуқларга умид боғлаш мумкин эмас. Мактаб футбол жамоасига капитан бўлиш – ажойиб. Аммо бу битирув кечасидан кейин ўтадиган йилларни на тўлдиради, на оқлайди.

Теодор Рузвельтнинг кадриятлар иерархиясини англаш учун авлиё Павелнинг коринфликларга му-рожаатидан парчани келтириш мумкин: «Энди эса ушбу уч нарсга сизга келади: тўлақонли ҳаёт, ўқиш, характер; аммо характер уларнинг энг муҳими». Характерингни шакллантир ва намоён қил.

13-САБОҚ **Ишга борингни бер**

Мен лос каби бақувватман, мендан тўлиғича фойдаланишингиз мумкин.

Рузвельтнинг Огайода 1900 йил 17 июнда Республикачилар партияси етакчиси Марк Ханнага берган жавоби. Ханна Рузвельтдан Уильям Мак-Кинлига

президентлик сайловларида ҳамкор бўлишга тайёрми-йўқлигини сўраганди.

«Тўлақонли ҳаёт» фақат жисмоний зўриқишни назарда тутмайди. Теодор Рузвельт учун бу ҳаракатлар ва бурчлар фалсафаси эди. У чала ҳаракат ва ясама самимиятни тан олмасди. Унинг учун қарор қабул қилиш қарор қабул қилишнинг ўзи эди. Мураккаб ҳисоб-китоблар унга хос эмас. Ҳар қандай топшириқ ё бажарилади ёки йўқ. Агар у ҳаракат қилишга қарор қилса – бор кучини сарфларди. Агар бирор иш қўлидан келмаслигини билса, унга қўл урмасди.

Бу Рузвельт шошма-шошарлик билан қарор қабул қилганини билдирмайди. Аксинча. Унга вице-президент бўлишни таклиф қилишганида у узоқ ўйланди, барчасини ақл элагидан ўтказди. Қарор қабул қилганидан кейин эса ўйланишни бас қилиб, енг шимарганча ишга киришди.

Қарор қабул қилиш жараёнини соддалаштир.

Ўзинга рузвельтона: «Мен бунга рози бўлсам, бор кучим билан ишлашга тайёрманми?» – дея савол бераётганда, жавоб фақат «ҳа» ёки «йўқ» бўлсин.

Одамлар сенинг «ҳа» деган жавобингдан кейин ишга бор кучингни бахш этишингга ишонишса сенинг бутунлигинг, қалбинг ва кучингга ишонадилар. Сенга ҳам шундай жавоб қайтаришади.

14-САБОҚ Ўзингга ишон

Катта оломонни айтмаса, менга тансоқчи керак деб ўйламайман. Агар суиқасд қилмоқчи бўлган қотилга дуч келиш эҳтимоли мавжуду, кишининг ўзи қатъиятли

ва жисмонан бақувват бўлса, тансоқчидан кўра ўзини яхшироқ ҳимоя қила олади.

Рузвельтнинг қўл остида хизмат қилган собиқ «учқур чавандоз» Уильям Г. Г. Льюэллинга мактуби,
1901 йил 19 октябрь

Вице-президент Теодор Рузвельт 1901 йил 14 сентябрда Кўшма Штатларнинг йигирма олтинчи президенти бўлди. Йигирма бешинчи президент Уильям Мак-Кинли саккиз кун бурун Леон Чолгош узган ўқлардан жароҳатланиб вафот этганди. Ишидан айрилган завод ишчиси радикал кайфиятдаги Эмми Голдманнинг нутқидан таъсирланиб анархистга айланди.

1901 йил 6 сентябрда Чолгош ўнг қўлидаги револьверни оқ мато билан ўраб, Буффалонинг Панамерикан музейидаги Мусиқа қасрига йўл олди. У Президент кун шарофати билан кўрғазмада қабул уюштирган Мак-Кинлининг қўлини сиқиб кўришишни истайдиганлар ўтирадиган биринчи қаторга жойлашди. Соат 16:06 да Чолгош президентга бинтланган қўлини узатди, президент ҳам кўришиш учун қўл чўзди. Қотил икки марта ўқ узишга улгурди.

Битта ўқ қовурғага қадалди, аммо иккинчиси қоринга кириб, буйрак, ошқозонности безини жароҳатлади ва елка мушагига қадалиб қолди. Докторлар ўқни олишга уринган пайти ярага инфекция тушди ва мана шу Мак-Кинлини ҳалок қилди.

Янги президент Рузвельт полиция ва тансоқчилар ҳаракати бўйича ҳеч қандай махсус тергов ўтказиб ётмади. Бу ишда Чолгош ва Мак-Кинлининг ўзидан бошқа айбдорларни кўрмаётганди. Рузвельт тақдир-пешонага ишонарди. Ҳеч нарса ўз-ўзидан юз бермайди.

ЯША ВА ЎРҒАН



20-САБОҚ Болалардан ўрган

Болалар китобдан яхши.

«Автобиография», 1913 йил

Рузвельт болаларни яхши кўрарди, ўз навбатида улар ҳам Теддига талпинишарди. Улар Теддининг жозибасига дош бера олмасдилар. Рузвельт улар билан ғаройиб тарздаги жозибали ва ғоятда фойдали бўлмиш содда жонбозлик билан мулоқотда бўларди. Бундай мулоқот катталар ҳаётидан муқим ўрин олган барча ижтимоий шартлилик, ясамалик ва очик ёлғонни йўқотиб ташларди. Теддида инсоний муносабатларнинг соф ҳақиқати сақланиб қолганди. Болалар билан мулоқот мароқли ва сабоқли. Улар бизга кўп нарсаларни китоблардан кўра яхшироқ ўргатишади.

Энг муқим бизнес – бу одамлардир; уларни ишонтир, кўнглини ол, иштиёқлантир. Ҳар қандай инсон билан учрашишдан сабоқ ол ва болаларга алоҳида эътибор қарат.

21-САБОҚ Фактларни ўз талқининг билан бузма

Толстой – буюк ёзувчи. У ўз қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини ҳеч қачон изоҳлаб ўтирмаслигини пайқаганмисан? У қаҳрамонларининг ўйлари ва ишларини ҳикоя қиларкан, булар яхши-ёмонлигини ўқувчига баён қилиб ўтирмайди. Фукидид ҳам тарихни шундай ёзган – унинг асарларини ёмондай кўрсатган нарса аслида ёмон фактларнинг ўзидир.

Опаси Коринага мактубидан, 1884 йил

Дакота штатининг Дикинсондаги ранчосида яшган ёш Рузвельт ҳар маҳалгидан ҳам кўпроқ ўқиган. У мутолаа қилган китоблари орасида Лев Толстойнинг асл аҳамиятли қадриятлардан мосуво бўлган жамиятдаги эҳтирослар, лоқайдлик ва оилавий хиёнатларнинг буюк тадқиқоти бўлмиш «Анна Каренина» романи ҳам бор эди.

Муаллиф томонидан қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларига маълум ахлоқий хулосалар берилмагани аввалига Рузвельтда ғижиниш уйғотди. Аммо тезда қаҳрамонлари иши ва фикрлашига муносабат билдирмаслик Толстойни буюк ёзувчига айлантирганини англади.

Толстой «худди Фукидид тарихни дарж этганидек», қаҳрамонлари хаёли ва ишларини совуққон тасвирлаш орқали романларини ёзган. У қаҳрамонларини баҳолаш, керак бўлганида эса худди тирик одамлардек уларга таъна тоши отишни китобхоннинг ўзига қўйиб берган.

Толстой ҳеч қачон китобхонга ўз қаҳрамонлари ижобий ёки салбийлигини шипшимади.

Теодор Рузвельт Викториаан замонасига хос америка жамиятида вояга етган бўлиб, бу даврда жуда қатъий ва тўғри ахлоқ қоидалари устувор эди.

Шунга қарамай, Рузвельт фактларга нисбатан ўз қарашларини китобхонга *тиқиштирмай*, уларни бори-бора *кўрсатганча* шартлилик доирасидан чиқа олган Толстойнинг буюклигини тан олди. Бу эса Теодор Рузвельтнинг қанчалар зиёли, рус ёзувчисининг қанчалар даҳолигидан гувоҳлик беради.

Лев Толстой ва Теодор Рузвельт ғоят турфа кишилар бўлса-да, улар қандайдир умумий жиҳатларга ҳам эга. Иккиси ҳам фактларни ҳурмат қилар ва уларни хусусий

қарашлари билан талқин қилмасдан англашга уринишарди. Агар бу факт ёқмаса ва кўнгилга ўтиришмаса, уни рад этиш, бепарво қолдириш ёки уни ёлғондан мақташ керак эмас.

Уни англаш ва зарур бўлганида уни хаёлда эмас, ҳаётда ўзгартириш лозим.

Ҳақиқатни ахтар. Ҳақиқатни бил. Агар яланғоч ҳақиқат ёқмаса, уни ўраб-чирмаганинг билан барибир моҳиятини ўзгартиролмайсан. Мавжуд воқеликни қабул қил. Ҳақиқий лидер воқеликдан кўз юммайди.

22-САБОҚ Амалда ўрган

Жангда тезроқ ўрганасан.

«Автобиография», 1913 йил

Теодор Рузвельт жамиятга хизмат қилиш учун бир умр ўрганиш керак дея ҳисобларди. У олим ҳамда эҳтиросли китобхон эди (ҳатто ишга энг банд кунлари ҳам кунига камида битта китобни ўқиб ташларди), ўз даврининг энг маърифатли кишилари билан суҳбатлашарди.

«Университет дипломига эга киши, – деб ёзганди у Atlantic Montly журналида, – сиёсий ҳаётга фаол аралашшиши лозим...»

Бироқ Рузвельт таълимнинг энг смарали усули – амалиётдаги сабоқ дея ҳисобларди.

Жангда тез ўрганасан.

Мукофот қанчалар юксак бўлса, хатар шунчалар катта. Дов қанчалар баланд бўлса, босим ҳам шунчалар кучли – шунга яраша зарур сабоқлар тез ўзлаштирилади.

Амалдаги таълим анъанага кўра ёрдамчи вариант ҳисобланиб, энг зарур ҳоллардагина қўлланилади. Рузвельт тоифасидаги раҳбарлар эса унда зарур уқувларни орттириш жараёнини тезлаштирувчи жуда ижобий омилни кўришади. Амалдаги таълимни ёрдамчи восита деб билма. Уни ўз компаниянда онгли тарзда қўлла ва «жангга» ташлаган ҳар кимга далда бўл.

23-САБОҚ

Дарсликдан ҳаёт китобига разм сол

Китоблар орқали давлатни самарали бошқаришни ўрганиш ҳеч кимга насиб қилмаган... Агар киши ҳаётда ҳеч нарса қилмаса китоблардан бош кўтармаган бўлса, ундан давлат арбоби чиқмайди.

Atlantic Monthly журналидаги мақола,
1894 йил

Теодор Рузвельт китобларни жуда яхши кўрарди. У кўлига тушган нарсани ўқиб кетаверарди. Унинг қизиқиш доираси сиёсатни, овни, саёҳат, давлат бошқаруви, табиатни асраш каби хилма-хил мавзуларни қамраб олганди.

Шу билан бирга у ҳақиқий ёзувчи ҳам бўлиб етишди. Унинг адабий мероси ҳар қандай ёзувчини ҳавасини кўзғайди: ўттиз еттита катта китоб ҳамда саноксиз мақолалар.

Китобга нисбатан муҳаббатига қарамай, Рузвельт уларнинг имконияти чекланганини англарди. У китоб мутолааси амалдаги фаолият ўрнини босмаслиги керак дея ҳисобларди. Қўлланма-китоб кишини давлат

бошқарувига ўргата олмайди. Уларни ўқиб лидерга айлана олмайсан.

Ўз ортидан бошқаларни эргаштира олишни истаганларга у дарсликлардан ҳаёт китобига ўтишни маслаҳат берарди: одамларни кузатиш, улар билан ишлаш, улардан ўрганиш лозим.

Аммо бу ҳам етарли эмас. Рузвельт бўлғуси етакчиларга ўз эътиборларини қуруқ қўлланмалар, йўриқномалар ва маслаҳатларга эмас, буюк ёзувчилар асарларига қаратишни тавсия қиларди. У асл доҳиёна адабиётлар фойдасини юксак баҳоларди: «Давлат арбоби... публицист, ислохотчи, барча янги ва кўхна эзгуликлар тарғиботчиси учун... инсон табиатини, инсон қалби эҳтиёжларини англаш жуда муҳимдир. Буларни эса буюк ёзувчиларнинг насрий ёки назмий асарларидан бўлак бошқа манбадан топиш мушкул». Бу китоблар ҳаётнинг асл кўзгусидир.

Теодор Рузвельт ҳаракат ва билим кишиси эди. У ҳеч қачон уларнинг бирини бошқасидан устун қўймаган. Аксинча, у ҳар иккиси бир-бирини бойитишини таъкидларди. Рузвельт бошқалар учун ибрат бўлишдан ҳеч қачон орланмасди.

Самарали лидер ҳамиша маҳсулли ишга интилади. Буларни у инсон табиати ва эҳтиёжларини тегран англаши орқали амалга ошириши шарт. Бундай англаш буюк ёзувчилар кашфиёти билан бойитилган шахсий кузатувлари ва тажрибасининг омухтасидир.

Улар энг оқил, энг самарали ва энг маҳсулдор ишларнинг асоси бўла оладиган фикрларни уйғотиб юбориш қудратига эга.

24-САБОҚ Қўрқувни енг

Агар одам онгли равишда қўрқмасдан ҳаракат қилса, чинакам жасур кишига айланиши мумкин.

Atlantic Montly журналидаги мақола, 1894 йил

Теодор Рузвельтнинг ҳаёти турфа афсоналар билан йўғрилган. Аммо улардан энг кўп тилга олинадигани ҳақиқатан бўлиб ўтган. Болакай жуда кўп хасталиклар билан туғилган эди. Уни бешафқат дамқисма – астма ва кучли ич кетишларга сабаб бўладиган сурункали гастроэнтерит тинимсиз қийнади. У беҳол ва рамақижон бўлиб улғайди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида бундай ирсий мойилликка кўниккан бўларди. Рузвельт ўзига тўқ оилада туғилганини назарда тутсак, касалманд кишиларга мос парваришлар оғушида кун кечирса ҳам бировга оғирлиги тушмасди. Аммо у тақдир чизган йўлдан юрмай, уни ўзгартиришга қарор қилди. У вужудини мустаҳкамлаш баробарида табиатан насиб қилмаган бақувват танага эга бўлишни истади. У оғир жисмоний машқлар ва ҳаракатчан машғулотлардан иборат йўлни танлади, бундай ҳаётни кейинчалик «тўлақонли» дея атади.

Унинг дастуридаги бош мақсад мушакларни бўрттириш, жисмоний қувват орттириш, серғайрат ва тетик кишига айланиш эди. Аммо режа булар билангина чегараланмасди. Жисмоний кучсизлик болакайни ҳар нарсадан қўрқишга мажбур қиларди. Қўрқиб яшаш эса унга ёқмасди. Шунинг учун ҳам у жисмоний қувват ва мустаҳкам соғлик билан бир қаторда жасоратни ҳам тарбиялай бошлади. Табиатан қўрқоқ Рузвельт «онгли

равишда кўрқмай ҳаракат қилиш» орқали жасур бўлиб етишди.

Теодор Рузвельт – ўз даврининг фарзанди. У барча америкаликдан ҳам кўра америкаликроқ бўлиб чиқди – у чин маънода ўзини ўзи бунёд қилди. Кўпинча бу тушунчани қашшоқликдан чиққан бадавлатларга нисбатан ишлатишади. Теодор Рузвельт буни энг кўламли, теран ва асл маънода уддалади. У қанчалар нимжон туғилганини англарди. Унга нисбатан табиат хасислик қилганини биларди. Аммо жулдур қисмат билан келиша олмади, уни ўзгартириш учун астойдил ҳаракат қилди. У ўзини ўзгартирди ва истаган одамига айланди.

Жасурлик – лидернинг муҳим сифатидир. Агар сенда жасурлик етишмаса, уни тарбияла. Сени кўрқитган вазиятлардан четга қочма. Кўрқувни ҳис қил, аммо онгли тарзда жасур ҳаракат қил. Тез-тез ва тўлақонли кўрқинчли вазиятларни енгиб ўт – жасур одамга айланасан.

Ҳаётингдан қониқиш ҳосил қилмайсанми? Ўзингни ўзгартир! Ўзинг ўзгармасанг – олам ўзгармас!

Теодор Рузвельт буни англади ва шундай қила олиш мумкинлигини исботлади ҳам – фақат собитқадам бўлсанг бас.

25-САБОҚ

«Учқур чавандоз» бўл

Ўзгаларни қандай қилиш кераклигига мажбур қилиш учун уларни шахсан бошлаб кетиш лозим.

Опаси Коринага мактуби, 1884 йил 19 июль

Теодор Рузвельт ҳамиша Кўба мустақиллиги учун

Испанияга уруш эълон қилиш кераклигини талаб қилиб чиқарди. Президент Уильям Мак-Кинли 1898 йилда конгрессга мурожаат қилганида Рузвельт ҳарбий-денгиз флоти вазири ўринбосари лавозимида ишларди. Аммо у зудлик билан истеъфога чиқди ва АҚШ полковниги Леонард Вуд билан бирга 1250 кишидан иборат Биринчи кўнгиллилар отлиқ полкини тузди. Унинг маъмурий ишдан бўлак ҳеч қандай ҳарбий тажрибаси йўқ эди. У ҳеч қачон ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаганди. Аммо у эҳтирос билан хавфли саргузаштлар истарди. Дакотадаги ранчода ўтказган йиллари у Ғарб ковбойларидаги жанговар сифатларни кўрганди. Шунинг учун у полкига ковбойлар, овчилар, ўйинчилар, олтин сараловчилар, ҳиндулар ва собиқ «Буффало аскарлари» – авроамерикалик отлиқларни йиғди. Бундан ташқари, полкда Чирмовиқ лигасига кирувчи обрўли олий таълим муассасалари талабалари ҳам кўпчиликни ташкил қиларди.

Рузвельт бу кишиларни намунали кавалеристларга айлантириш иштиёқи билан тўлиб-тошганди. Журналистлар қалбини ром қилиб олган ва матбуотда унинг полкини «Учқур чавандозлар» дея атаганларини Рузвельт ва унинг отлиқлари юксак қадрлашди.

Вуд ўзига қараганда ҳарбий соҳа билимдони эканини яхши англаган Рузвельт қўмондонликни унга қўйиб берди ва ўзи подполковник бўлди. «Учқур чавандозлар» расман таркибида 106-кавалерия полкини жамлаган бригадага кирарди. Бригадани генерал бошқарарди. Генерал сариқ безгакка чалинганида Вуд қўмондонликни ўзига олди. Рузвельт эса «Учқур чавандозлар»ни бошқара бошлади.

Вуд ҳам, Рузвельт ҳам бу полкнинг мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. Куроқ жамоадан иборатлигига қарамай, аскарлар сафда юриш ва ҳарбий ахлоқдан тортиб қолган барча тайёргарликдан ўтишганди. Рузвельтнинг қарорига кўра «Учқур чавандозлар» одатдаги америка отлик қўшинидан фарқли равишда қиличбозлик билан шуғулланмас, улар ўзлари яхши ишлата оладиган карабин ва револьверлар билан қуролланишганди. Рузвельт, гарчи полковник бўлсаям, ҳам ўзи ўрганиши, ҳам ибрат кўрсатиши зарур бўлгани учун қўшиндагилар билан бирга машқ қиларди. Қўли бўшаган заҳоти Рузвельт тактика ва стратегия ҳақидаги китобларни ўқир, Вест-Пойнтнинг тўрт йиллик курсини бир неча ҳафтада хатм қилганди.

Ҳақиқатан ҳам у қисқа фурсатда қўмондонлик тажрибасини орттирди. У отлик қўшин жанги усуллариини ўзига сингдирди ва амалда қўллади, урушни олиб бориш санъатини эгаллади. Энг муҳими – у ўрганди ва бошқаларни ўз мисолида ўргатди.

Рузвельт барча ўрганганларини амалда қўллай олиш имконига эга бўлмади. Кубада уруш ҳаракатлари бошланиб, 1898 йил 1 июлда Кеттл-Хилл ва Сан-Хуан-Хилл учун жанглар олиб борилганида битта Рузвельтгина от миниб юрарди. Янглишмовчилик ва улов кемалар етишмаслиги оқибатида қўшин барча отларни материкда қолдириб келишга мажбур бўлганди. Аскарлар кавалеристлар каби эмас, пиёдалар каби йўл босишар, жанг қилишарди («Вуднинг эзилган пиёдалари» деган ибора шундан қолган).

Кутилганидек жанг қилишга тўғри келмагани учун Рузвельт ўзича шарт-шароитлардан келиб чиққан

ҳолда жанг санъатларини ишлаб чиқишига тўғри келди. Ўз аскарларини ҳам шундай йўлга бошлади. Кеттл-Хилл ва Сан-Хуан-Хилл ёнидаги жанглар ғоятда қонли, оғир кечса-да, тўлиқ ғалаба билан якунланди.

Испанларни муҳим тепаликлардан маҳрум қилгач, Рузвельт ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритди. Бу испан-америка урушининг энг қонли жанглари эди: 205 аскар ҳалок бўлган ва 1180 аскар яраланганди. Испанлар эса мағлубиятга учраган бўлишса-да, бор-йўғи 59 аскардан ажралишди, 170 киши ярадор бўлди. Бунинг сабаби равшан: очиқ ҳужум қилганлар панада ҳимояланаётганлардан кўра кўпроқ қурбон бўлишади.

Полковник Рузвельт ҳамиша ғалаба унинг аскарлариники деб айтарди. Бироқ Рузвельтсиз ғалаба қўлга кирмасди. Қаҳрамонлик тўла бу жанглар юқори қўмондонлик буйруқларисиз, унинг ташаббуси билан амалга оширилганди. Бунинг устига унинг қўли остида хизмат қиладиганларнинг барчаси полковникнинг қаҳрамонларча ибрати аскарларнинг жангга иштиёқини оширганини таъкидлашарди.

Америкада Рузвельтни ҳақиқий қаҳрамон дея ҳисоблашарди. У Ҳурмат орденига муносиб кўрилди. Рузвельт бундай юксак мукофотни олмагани унинг ўз аскарларига яқинлигини исботлайди. Буюк Британиядаги АҚШ элчисининг таърифига кўра «кичкина зафарли уруш»нинг энг ачинарли томони шунда эдики, асосий катта йўқотишлар уруш тугаганидан сўнг юз берди. Безгак ва бошқа тропик касалликлар жангдаги ўқлардан кўра кўпроқ аскарлар ҳаётига зомин бўлди.

Рузвельт бошқа зобитлар билан биргаликда аскарларни зудлик билан уйларига қайтаришни талаб

қилишди. У мудофаа вазирлигини самарали ҳаракат қилмаганлик ва ўз аскарларини тропик хасталиклардан ҳимоя этолмаганликда аёвсиз танқид қилди. Унинг захар-заққум мактублари журналистлар қўлига тушди ва улар матбуотда эълон қилинди.

Бу эса аскарларнинг тезроқ уйларига қайтарилишига сабаб бўлди, аммо мудофаа вазири Рассель Элжернинг ғазабини кўзғатди. Айтишларча, айнан Элжер Рузвельтнинг тақдирланишини пайсалга солган экан.

Қаҳрамоннинг ордени унинг ўлиmidан сўнг – 2001 йилда, орадан олтмиш йил ўтиб соҳибини топди. Аммо полковник Рузвельтга нишонлар керак эмасди. У президент бўлган пайтлари ҳам ўзига етиб келмаган орденининг тақдири билан қизиқмаганлиги сўзимиз исботидир. Унга ўзи намуна бўлган кишиларнинг муҳаббати ва садоқати энг катта мукофот эди.

Ўз ходимларингга кабинетингга ўтирмаган ҳолда ўргат. Одамлар олдига чиқ, улар билан юзма-юз учраш. Ўргата туриб ўрган. Бизнесни уларнинг нигоҳи билан кўришга уриниб кўр. Улар билан бирлаш. Ишда намуна бўл.

26-САБОҚ

Имконни қўлдан берма

Одамлар тақдирин хожасиман мен!

Рузвельтнинг севимли «Имкон» шеъридан.

Бу шеър унинг иш столи тепасида осиеглик эди.

Шоир ва сиёсатчи Жон Жеймс Инголс 1833 йилда Массачусетс штатидаги Миддлтонда туғилган. 1855 йилда ушбу штатнинг Уильямс коллежини тамомлади. Фуқаролар уруши арафасида Канзасга кўчиб келди ва

ушбу ҳудудни мустақил штатга айлантириш учун бор кучини сарфлади. 1873 йилда у сенатга сайланди, шу ерда 1891 йилгача ишлади.

Инголлс Канзас ва Қўшма Штатлар халқига хизмат қилибгина қолмай, шу билан бирга шеърлар ҳам ёзарди. Унинг бир шеърини Теодор Рузвельт ғоятда севарди. Президент уни ҳатто чорчўпга солганча иш столи тепасига осиб ҳам қўйганди.

И М К О Н

Одамлар тақдирин хожасиман мен!

Шухрат, севги ва омад ётар пойимда.

Шаҳарлару далалар, олис чўлу-ёбонлар,

Сарҳадсиз денгизлару, тоғлар қолар изимда.

Бозорларни оралаб, харобаларни кезиб,

Эртами-кечми демай эшикларни қоқаман!

Эй, ғафлат бандалари, эй, бекорчи тўралар,

Уйғонинглар, қўзғолинг –

мен кетиб қолмасимдан.

Тақдир бонг ураётир!

Кимки менга ишониб,

Этагимни тутганни сахийларча сийлайман.

У енгар ёвларини

Ва ҳатто ўлимни ҳам.

Кимки шубҳага банда, имилласа атайин

Қуруқ қўл-ла қолгайдир.

Қашшоқлигу ночорлик

ичра энди минг изла –

бошқа қайтиб келмасман!

**Теодор Рузвельт омадни ахён-ахёнда тилга ол-
маса, асосан имкониятлар ҳақида кўп гапирарди.
У агар имкониятни керакли вақтида илғамаса**

қайтмас бўлиб кетишини яхши биларди. Ўз имкониятларини қўлдан чиқарганларнинг кўпчилиги яхшиям буни пайқамайдилар. Буни пайқаб қолганлар эса бир умр афсус-надоматлар чекишади. Ўз компаниянг ва ўзинг учун ҳам Теодор Рузвельт тамойили билан яша: атрофингга алангла, синчиклаб қара, оёқ учида тур, ИМКОН пайдо бўлиши билан ушлаб қолиш ва қўйиб юбормаслик учун юрагинг, онгинг ҳамда қўлингни ҳозирла.

27-САБОҚ

Китобхонлик дардига чалин

Мутолаа, менимча, чинакам касаллик.

Ушбу кўчирма Ж. А. Зам томонидан «Теодор Рузвельт – овчи-табиатшунос» китобида келтирилади, 1919 йил

Теодор Рузвельт қанчалар банд бўлмасин, ҳар куни биттадан китоб ўқирди. Ундан нималарни ўқиётгани ҳақида сўрашганида китоб мазмунини бафуржа айтиб берар, ҳатто унча-мунча кўчирмаларни ҳам тилга оларди. Бир куни унинг дўсти, романнавис Оуэн Уистер Оқ уйдаги кечки расмий зиёфат арафасида ўз китобини унга тақдим қилади. Уистер меҳмонларга мўлжалланган бинода тунаб, тонг чоғида нонушта учун чиқади. Нонушта пайти президент у билан китоб бўйича чуқур мулоҳазали суҳбат олиб боради. «Кечки соат олтидан то тонгги саккиз яримларгача, – деб ёзганди Уистер, – кечки расмий зиёфатда меҳмонлар билан суҳбатлар орасида ва уйқуга кетгунча уч юз саҳифадан ошиқ китобни ўқиб чиқибди ва мазмундаги бирор аҳамиятли жойни эътиборсиз қолдирмабди».

Рузвельт фақат эҳтиросли китобхонгина эмасди. У бирор бир жанр ёки билим соҳасини устун қўймасдан, бир текис мутолаа қилиб кетаверарди. Рузвельтнинг солномачиси Эдмунд Морриснинг таъкидлашича, у ҳамма нарсани – болаларга бағишланган эртақлардан тортиб Фукидид тарихий асарларини ҳам ўқиб кетаверар ва «унинг идрокида турли ғоялар бир-бирларини чанглатиб, янги фикрлар дунёга келарди».

Рузвельтнинг таъкидлашича, Қўшма Штатларнинг президенти қомусий билимларга эга бўлмоғи шарт эди. Шунингдек, у билим – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун муҳим, деб ҳисобларди. Ўз компаниянинг етакчиси сифатида нафақат компанияндаги ишлар аҳволини, шу билан бирга бутун саноат, сен молингни ўтказадиган бозор ва бу бозор иш олиб бораётган дунёдаги ҳолат ҳақида ҳам хабардор бўлмоғинг шарт. Бундан ташқари, барча ходимларинг ҳам огоҳ бўлмоқлари лозим. Билим орттиришда фарқлаб ўтирма. Мутолаа дардига чалинишнинг ҳар қандай имконидан унумли фойдалан.

28-САБОҚ Фаол тингла

Менга сизнинг фикр ва маслаҳатларингиз зарур.

Вазирлар маҳкамасининг биринчи йиғилишида,
1901 йил 20 сентябрь

Уильям Мак-Кинли ўлимидан сўнг, 1901 йил 14 сентябрда Рузвельт президентга айланди. Орадан олти кун ўтиб, у вазирлар маҳкамасини йиғди ва очикчасига гап бошлаб, уларни ишдан бўшатиши ҳамда яна рас-

мий тарзда ишга тайинлашини тушунтирди. Рузвельт уларни кабинетда қолишларини *сўрамади*, улар нима қилишлари *кераклигини* айтди: «Мен ҳеч кимнинг истеъфосини қабул қилмайман». Кейин эса қатъий ва камтарона тарзда қўшиб қўйди: «Менга сизларнинг фикрларингиз ва маслаҳатларингиз зарур».

Ҳар бир вазир президент сўраган нарсасини айтди. Улар орасида президентни дарсда диктант ёзаётгандек фақат эшитиб-ёзиб ўтиради дея кутганлар адашганларини тезда тушунишди. Теодор Рузвельт ҳамма нарсада, шу жумладан тинглашда ҳам фаол эди. У кўп савол берар, ҳар бир мажлисдан иложи борича кўпроқ фойдани сиқиб чиқарарди. Унинг саволлари ахборот оқимига ҳалал бермас, қайтага унинг самарадорлигини оширарди. Вазирлар Рузвельтнинг масала моҳиятини тез илғаб олиши ва унга айтилган ҳамма нарса ҳақида ўз шахсий фикрини тузиб чиқаришидан хайратга тушардилар.

Бизни болалиқдан «жимгина эшитиш»га ўргатишади. Биз эса бундай буйруқни онгостимизга «фақат эшитиб ўтириш» дея сақлаб қўямиз. Бу ғоят катта хато! Пассив тинглаш мулоқот жараёни самарадорлигини пасайтириб ташлайди. Икки киши қандайдир муҳим нарса – хатар ва мукофот, хавф ва имконият ҳақида гаплашганида фақат ахборот алмашинуви юз бермайди. Ахборотни қайта ишлаш билан фикр алмашиш юзага келади ва янги маълумот пайдо бўлади. Кўп гапираётган одам (дейлик, ҳисобот бераётган киши) айнан фаоллик кўрсатмоқда. Аммо сен етакчи сифатида уни тинглай билишинг лозим. Гапираётган кишидек фаол бўл. Унинг гаплари маъносини англа.

Сўзларга ғоянгни аланга олдиришига изн бер. Савол-

лар пайдо бўлиши билан суҳбатдошингга ташла. Сен учун зарур бўлган маълумотни олиш учун нотикни мажбурлашга шай тур. Ўзинг ва корхонанг учун муҳим ахборотни олишга ҳаракат қил. Бўшашиш пайтимас. Агар сенга чиндан «фикр ва маслаҳатлар» зарур бўлса, кишида уларни бериш имкони пайдо бўладиган тарзда тингла.

29-САБОҚ Дарслардан сабоқ ол

Ҳа, одам кўп жойларга борганимда.

Рузвельтдан ёнида қурол олиб юриши ҳақида сўраганларида шундай жавоб берган, 1902 йил

Теодор Рузвельт президент Мак-Кинли анархист томонидан ўлдирилгач унинг ўрнига президентлик вазифасини бажара бошлаганди. Бу ҳол унга қўриқчилик хизматини кучайтириши учун яхшигина имкон эса-да, аммо бундай қилмади. Шунга қарамай, махфий хизмат имилламай, мустақил равишда президентга билдириб ҳам ўтирмай унинг қўриқчилари сонини оширди. Янги президент янги ва эски қўриқчилардан қочиб, яширишиб юрар, бу ўзига хос бекинмачоқ ўйини ёки ҳақиқий спорт турига айланиб қолганди.

Аслида, Рузвельт ўз ҳаётини ҳеч кимга ишонмасди. У ҳатто қўриқчилар ва тансоқчилар унга ўзини ҳимоя қилишида ҳалал беришади, дея ҳисобларди.

У фаталист бўлиб, тақдир ёзиғига ишонар, эгаси минг пойлаши, ўғрининг бир пойлашига тенг келмайди, орқадан бериладиган зарбадан ҳеч ким кафолатланмаган дея ҳисобларди. Аммо шу билан бирга кўринмас қотил ҳақида ҳамма вақт ҳам ўйлаб, хавотирланиб юриш беҳуда дерди. Чумчуқдан қўрққан тарик эмас.

Рузвельт қотил билан (Мак-Кинли каби) юзма-юз келиб қолса, иродаси, жасорати ва ички сезгилари жамлигида бемалол ҳимоялана олишига мутлоқ ишонарди.

Бунинг учун яхши тўппонча керак ва бу нарса Рузвельтда бор эди.

Теодор Рузвельтнинг ўз-ўзини ҳимоя қила олишига бўлган мутлоқ ишончини баъзилар аҳмоқлик ҳамда мақтанчоқлик дея қабул қиларди. Агар у ёнида қурол олиб юрмаганида ва уни қандай ишлатишни билмаганида шундай дея ҳисоблаш ҳам мумкин эди. Зеро, сўзингни исботлашга лойиқ воситаларга эга бўлмасдан туриб мақтаниш ноўрин. Ҳимояланишга имкониятинг бўлмасидан ва куч нисбати сенинг томонда эканига тўлиқ ишонмасдан туриб таваккал қилма.

30-САБОҚ **Лидерлардан ўрган**

Линкольн – менинг қаҳрамоним.

Сэр Жорж Отто Тревельянга хат, 1905 йил 9 март

«Линкольн – менинг қаҳрамоним! – дея ёзганди Рузвельт ўз дўсти, британиялик тарихчи ва давлат арбоби Жорж Отто Тревельянга. – У одамларни севарди, ҳис қиларди ва улар учун ишларди. Аммо унда бир томчиям сафсатабозлик йўқ эди». Президент ўз салафи бўлмиш Линкольннинг «мутлоқ қатъийлиги, сокин ҳамда букилмас жасорати, чексиз сабри ва юмшоқлиги, унинг ўз манфаатларини унутишга мажбур қилган оғир вазиятларда ҳайратлантирадиган даражада беғаразлик намоён қила олгани»га қойил қоларди. Рузвельт Линкольнга лидер бўлиш ва Қўшма Штатлардек демокра-

тик республикада ўзини тўлақонли намён қила олишига ёрдам берган «узоқни кўра олиши ва амалий соғлом ақлини» юксак баҳолаган.

Бу мактуб бизга икки муҳим сабоқни беради.

Биринчидан, Рузвельт Линкольннинг фазилатларини жуда аниқ санаб ўтганди. Бу фазилатлар аниқтаниқлиги ва хира бўлмагани туфайли у ҳар бирини муфассал таърифлай олган. Рузвельтнинг фикрига кўра, айнан мана шулар «демократик республикада муваффақият билан ишлай олиш» учун зарур. Келинг, уларни батафсил кўриб чиқамиз.

1. Линкольн ҳамдардлик фазилатига эга эди, аммо шу билан бирга сафсатабозликка берилиб кетмасди. Тревельянга мактубида президент Рузвельт Кўшма Штатлар бошқарув тизимини шунчаки «демократия» демасдан, «демократик ресублика» дея аниқ таърифлаган. Демократия – бу халқ иродасига таянган бошқарув тизимидир. Демократик республикани эса раҳбарлар халқ иродасини назарда тутиб, аммо уни тўлиқ қўлламаган ҳолда бошқарадилар. Бунинг учун хушёр ақл, ҳамдардликка лаёқат ва кўпчилик (ёки бақироқ камчилик)нинг талабидан келиб чиқиб ҳаракат қилишни рад эта олиш укуви зарур. Демагог-сафсатабоз халққа ҳамиша хоҳлаганини беради. Асл лидер эса халққа керакли нарсани беради.

2. Линкольн қатъий, сокин ва букилмас тарзда жасур, сабрли ва юмшоқ эди. Булар ҳар қандай лидер учун ажойиб сифатлар рўйхати.

3. Линкольн беғараз эди ва вазият тақозосига кўра ўз манфаатларидан кўз юма оларди. Асл лидерлар имкониятлардан фойдаланиб муаммоларни ҳал

қилишади. Улар одамлардан фойдаланиш ва уларни тўғрилашга уринишмайди. Улар ўз «мени»ни бошқа одамлар «мени»дан устун қўймайди.

4. Линкольн бир пайтнинг ўзида амалий ва узоқни кўра оладиган соғлом ақлга эга эди. Муваффақиятли лидер бугунни келажак билан, амалийликни узоқни кўра билиш билан уйғунлаштириши, бирини бошқасига қурбон қилмаслиги лозим.

Иккинчи сабоқ қуйидагича: Теодор Рузвельтнинг қаҳрамони бор эди. Унинг ўзи бўйлашадиган, ўшанга ўхшашга интиладиган лидер тимсоли мавжуд эди, президент бу тимсолни таҳлил қилар ва мана шу намунага мос равишда яшарди. «Мен ҳамиша Линкольн ҳақида ўйлайман, унинг букчайган, кўзга ташланмас, маъюс, ажин босган юзлари кўз олдимга келади, – дея ёзганди у бир танишига. – Мен уни Оқ уйнинг турли хоналари ва залларида кўраман... Ҳар қандай киши ҳамиша буюкликка эришганлардан ўрнак олгани каби, мен ҳам Линкольн очган йўлдан юришга ҳаракат қиламан».

Турли соҳалар, турли корхоналар, турли вазиятлар ва турли замоналар лидерларидан ўрган. Сенинг битта, иккита, учта ва ҳатто ундан кўп ҳақиқий қаҳрамонинг бўлиши керак. Уларда мавжуд энг яхши фазилатларга тақлид қил.

31-САБОҚ

Теранроқ ковла

Кураш – худди теннисдаги каби шунчаки қоидалардан иборат спорт тури. Жиу-житсу усуллари эса рақибни ўлдириш ёки майиб қилишга қаратилган.

Ўғли Кермитга мактубидан, 1905 йил 24 февраль

Президент Рузвельт Оқ уйда яшаганида нафақат бокс билан шуғулланар, шу билан бирга кўплаб америкаликлар экзотик ва тушуниб бўлмас спорт тури дея хисоблайдиган жиу-житсу курашидан дарслар оларди. Айнан мана шу туфайли у Рузвельтни ўзига жалб қилганди.

Ўғли Кермитга ёзган мактубида бу жанг курашида уни нима қизиқтириб қўйгани ҳақида ёзади. Агар кураш анъанавий қоидаларга эга шунчаки оддий спорт тури бўлса, жиу-житсу – анча жиддий иш. Бу ҳақиқий жанг.

Бу ердаги қоидалар ўйин учун эмас, ҳаёт-мамот даражасида. Бу санъатнинг вазифаси – рақибни шунчаки енгиб қолмасдан, уни майиб қилиш ёки ҳатто ўлдиришдан иборатдир. Бундан кўра жангарирок бошқа кураш тизими шунчаки мавжуд эмас.

Теодор Рузвельтни кўпинча спортга кўр-кўрона кўнгил қўйган деб ўйлашарди, аммо бу унчалар тўғри эмас. У ҳамиша чуқурроқ ковлашни, шартлилик доирасидан чиқиш, спортни ҳаётдан ажратиб турадиган сарҳаддан ўтишни хоҳларди. Идеалист бўлгани ҳолда у жисмоний воқелик билан узвий алоқада қолиш, уни ўзига бўйсиндиришга ҳаракат қиларди. Унинг ҳаёти ҳақиқий йўлбошчига айланишни истайдиган етакчилар учун сабоқ бера олади. Чуқурроқ ковла!

32-САБОҚ **Ўнгача сана**

Президентлик – феълнинг тийишни ўрганиш учун айнан мос ўрин.

Ўғли Кермитга мактубидан, 1906 йил 17 июнь

Рузвельт Оқ уйга келгунича бошқаларда жиззаки

ва феълдор деган таассурот уйғотиб улгурганди. Аммо улкан мамлакатни бошқаришга киришаркан, унинг дарғазаб феъли на ўзига, на мамлакатга фойда келтиришини англади.

У ўзини қўлга олиш учун икки усулни кашф қилди.

Биринчидан, Рузвельт ҳамиша президент эканлиги, бутун халқни ўзида намоён қилиши ва ҳеч кимдан узилиб қолмаслиги шартлигини ёдида сақларди.

Иккинчидан, давлат бошлиғи сифатида биринчи навбатда муаммоларга ечим топиши ва имкониятлардан фойдаланиши лозимлигини аъло даражада тушунарди. Демак, унга боғлиқ кишиларга эмас, муаммоларга эътиборини қаратиши зарур. Буни тушунган Рузвельт анча вазминлик касб этди.

Обрў ва ҳукмронлик кишига улкан ғурур бахш этиши мумкин. Ҳар қандай етакчида ўз ҳиссиётларига эрк бериш истаги пайдо бўлади. Бу истакка қарши курашгин. Сенинг ўрнинг қанчалар юксак бўлса, шунчалар вазмин бўлишинг керак. Сени гижгижлашмоқдами? Ўнгача сана. Унут. Эътиборингни тўлиғича ишга қарат.

33-САБОҚ

Курашдан қочма

Хатарга дуч келиб уни енгганлар, миллат шарафини машаққатларга учраб уларни босиб ўтганлар ташкил қилади. Йўллари чаманзорлардан ўтган, қийинчиликлар ва қўрқувни билмаганлар бундай шарафга лойиқ эмас.

Галендаги нутқ, Иллинойс, 1900 йил 27 апрель

Теодор Рузвельт муҳим сабоқни ўзлаштирганди. У ҳаётдаги ҳамма нарсани қадрларди – шу жумладан, ҳар қандай қаршилиқни ҳам. Унинг назари-

да, олам – юксак ахлоқий жой бўлиб, ундаги ҳамма нарса, ҳатто хатар ва машаққатлар ҳам қандайдир мақсад учун хизмат қилади. Таҳдидлар, дард ва омадсизликлар кишида юксак мақсад сари уларни енгиб ўтишга илҳомлантиради. Қаршиликларсиз буюкликда ҳақиқий ютуқлар йўқ. Омадсизлик бўлмаганида, муваффақиятнинг ҳам қадри билинмасди.

Ҳар қандай муваффақиятнинг кўламини Рузвельт машаққатлар, хатарлар, таваккалчилик ва қаршиликлар даражасига кўра баҳоларди. Агар довга ҳаётнинг ўзи тикилган бўлса, бундай муваффақият баҳосига ўлчов бормикин? Рузвельт ўз дўсти Сесиль Спринг-Райсга 1900 йил 12 мартда шундай ёзганди: «Ўлим ҳамиша ва ҳар қандай шароитда фожеадир. Агар шундай бўлмаганида, ҳаётнинг ўзи фожеага айланган бўларди». Ўлимнинг ҳақлигида Рузвельт ҳам фожеани, ҳам фожеанинг муқобили бўлган – тўлақонли яшалган ва буюк қадриятга эга ҳаётни кўрарди.

Лидер учун энг муҳими ва энг мушқули – одамларни хатарнинг зарур эканига ишонтира олишдир. Сен вазиятни тўғри баҳолашинг ва хатарни ошириб-камайтирмай аслича тасвирлашинг шарт. Хатар ҳақида эҳтимолий омадсизлик нуқтаи-назаридан эмас, қўлга киритиладиган муваффақият мезонига таянган ҳолда сўзлашни ўрган. Хатар – бу шунчаки мукофот эмас. Хатар – мукофотнинг асоси ва белгиловчисидир. Жамоа оғир дамларни бошдан кечираётган пайти муаммоларнинг машаққатли экани ҳақидамас, улар ҳам бебаҳо бойлик, синов учун имконлиги ҳақида сўзла. Корхона учун хатар – ҳафа бўлиш учун эмас, хурсандлик учун сабабдир.

**ЯША ВА
ЎРГАТ**



34-САБОҚ

Ўз ҳуқуқларингни ҳимоя қил

Сизга зўрлик қилиши учун ҳеч кимга йўл берманг. Жанжалларга сабабчи бўлманг, аммо ҳуқуқларингиз камситилишига йўл қўйманг. Муштлашишга тўғри келса, бор кучингиз билан муштлашинг!

Рождествода ўқувчиларга сўзланган нутқ,
Ойстер-Бэй, Нью-Йорк, 1898 йил

Теодор Рузвельт, хоҳ ёввойи табиатда, хоҳ инсоният деб аталадиган жамиятда бўлсин, кун кўриш жангу-жадалдан иборат дунёда вояга етди. Бундай дунёни Дарвин жуда аниқ таърифлаганди.

Дарвиннинг ғоясини ўзлаштирган инглиз шоири Альфред Теннисон шундай ёзганди: «Табиатнинг тиш-тирноғи қон». Инглиз файласуфи Герберт Спенсер эса Дарвин ғояларини жамиятнинг ижтимоий қурилмасига кўчираркан, табиатдаги ва жамиятдаги ривожланиш жараёнларини қисқача – «кучлиларгина яшаб қолади», дея таърифлаганди. Рузвельт олдинда кутиб турган курашлар ва жанглардан жаҳли чиқиш у ёқда турсин, қайтага улардан завққа тўларди. У жангчи эди ва курашлар уни илҳомлантирарди.

Ҳозирги анча хотиржам тортган дунёмизда Рузвельтнинг 1898 йилда болаларга берган маслаҳатини қабул қилолмаслик мумкин. Аммо биз бу сўзлар кишини ҳар қандай ташкилотда шаклланиш жараёнини изоҳлаши устида ўйлаб кўришимиз керак.

Сизга зўрлик қилиши учун ҳеч кимга йўл берманг.
Кичкина тингловчилар Теодор Рузвельт бу билан нима демоқчи эканини англаб олишдимикин? Буни биз бу-

гунги кунда англаганимиз каби қабул қилдиларми? Рузвельт ёзувчи эди, сўзларни синчковлик билан танларди. У айнан ўйлаганини гапирарди.

У ҳар қандай, айниқса жамият фаровонлиги учун қўйилган оқилона талабларга эътироз билдирмасди, аммо ўз сўзини ўтказишга бўлган уринишда у жанжал учун асосли важни кўрарди. Ўзимизни қандайдир ташқи кучга тобеъ қиларкан, биз озодлик, демократия ва ахлоқ идеалларига хиёнат қилаётгандек бўламиз.

Жанжалларга сабабчи бўлманг, аммо ҳуқуқларингиз камситилишига ҳам йўл қўйманг. Рузвельт низони кўзғовчи бўлмаслик, шу билан бирга ҳеч қачон ўз ҳуқуқларингиздан чекинмасликни маслаҳат беради. Агар буни қилмасангиз, ҳуқуқингизни йўқотиб қўясиз.

Муштлашишга тўғри келса, бор кучингиз билан муштлашинг! Бу ерда Рузвельт ғалаба ҳақидамас, бор куч билан муштлашиш ҳақида гапиришига эътибор бериш керак. *Ғалаба* – бу натижа. *Куч борича муштлашиш* – бу ҳаракат, куч сарфлаш. Рузвельт учун натижа эмас, унга эришиш йўлида кечган жараён қадрлироқ эди. Унинг ҳисобича, ҳар ким ўз ҳаракатлари учун маъсул, бу ҳаракатлар натижаси эса иккинчи даражали.

Бугунги кундаги менежмент дастурида «муштлашув» сўзини учратиб бўлмаса керак. Бугун биз низолардан «қочиш»ни, иложи бўлмаган тақдирда эса можарони тез ва тинч «ҳал этиш»ни қадрлаймиз.

Рузвельт АҚШ президенти лавозимида икки муддат ишлади ва бу давр мамалакат учун тинчлик ва фаровонлик йиллари бўлди.

1906 йили Рузвельт Рус-япон урушига нуқта қўйган

музокараларни уюштиргани учун Нобел номидаги тинчлик мукофоти билан тақдирланди. Аммо бирорта бошқа Америка президентини Рузвельтчалик жанговар дея асосли тарзда аташмаган.

Рузвельт маслаҳатларига амал қил. Сенга нисбатан зўравонлик қилиши учун ҳеч кимга имкон берма. Сарҳадларни аниқ белгила, аммо муомала қилиш, келишиб яшашни ҳам ўрган.

Натижалар, уларга эришиш учун нималар дейишинг ва қилишингчалик муҳим эмас.

35-САБОҚ Некбин бўлиб қол

Мен некбинман, аммо анчагина оқил некбинман дея умид қиламан.

Оуэн Уистерга мактубдан,
1895 йил 27 февраль

Рузвельт болалиқдан чинакам некбин ва некбинлик тарғиботчиси эди. Атрофдаги шароитни ақл тарозисида ўлчаш бунга асос бўлди. Уистерга шундай ёзганди: «Дунёда кўп душман кучлар ҳаракатланишини билман ва айрим жойларда улар яхшилик устидан устунлик ҳам қилади».

Шу билан бирга Рузвельт «охир-оқибат яхшилик ғалаба қозонади» дея ишонарди ҳам. У келажакда шундай бўлишига амин эди.

Рузвельтнинг некбинлиги тасодифий эмас, яхшилаб ўйлаб топилган эди. У бошқача хулосага келиши ҳам мумкинмиди? Эҳтимол. Аммо бошқача хулосадан фойда бўлмасди.

Бадбинлик – бу тормоз, ҳаракатлантирувчи эмас. Некбин бўлиш, шундай яшаш ва қолиш учун ишончли услубни ахтар. Бу ҳақиқий лидер учун ягона ишончли йўлдир.

36-САБОҚ

Қонунларга риоя этилишини талаб қил

Сизнингча қонун яхши эмасдек туюлса-да, бунинг аҳамияти йўқ. Одамлар уларга риоя этишларига эришиш лозим.

Полиция кенгаши президенти Рузвельтнинг зобитларга нутқидан, 1895 йил 10 июнь

Нью-Йоркда якшанба кунлари емакхоналарда спиртли ичимликлар савдосини таъқиқловчи қонун мавжуд эди. Теодор Рузвельт 1895 йили полиция кенгаши президенти бўлган маҳал ушбу қонун чиққанига ўттиз саккиз йил тўлганди. Шунча пайтдан бери бу қонун ишламасдан келарди.

Гарчи янги полиция комиссари Рузвельт якшанба кунлари спиртли ичимлик сотилишига шахсан қарши бўлмаса-да, аммо барибир бу қонуннинг бажарилишига қатъий эришмоқчи бўлди ва буни муҳим мақсадга айлантирди. Йўқ, у одамларнинг якшанба кунлари ичишларини таъқиқламоқчи эмасди. Рузвельт нью-йорклик оддий аҳоли ва полициячиларни, гарчи унчалар ёқимсиз бўлса ҳам, қонунларга ҳурмат билан қарашни ўргатмоқчи бўлди. Бу тадбир қаттиқ танқидга, қаршиликларга учрашини биларди. Журналистларга шундай деди: «Жамоат туйғуси билан ишим йўқ. Менинг мақсадим – қонунни бажариш».

Емакхоналар ҳақидаги қонун ёқимли эмасди. У ёмон ҳам бўлгандир. Аммо барибир у қонун эди. «Қонунчи сифатида мен ўз билганимча ишлашим мумкин. Мен фойдали ва оқилона деб билган қонунларни тавсия қиламан. Аммо ижро ҳокимиятининг вакили сифатида қабул қилинган қонунлар аниқ бажарилишини назорат қилмоғим даркор», – таъкидлади у.

Икки йилдан кейин Рузвельт Нью-Йорк полицияси бошлиғи лавозимини тарк этиб, президент Мак-Кинли маъмуриятида ҳарбий-денгиз флоти вазири ўринбосари бўлганда кўплаб нью-йоркликлар бундан хурсанд бўлишганди. Бироқ New York Times газетаси жамоат фикрини аниқроқ ифодалади ва Теодор Рузвельтга «ҳалокат ёқасига келиб қолган шаҳарга қилган хизматлари» учун миннатдорчилик билдирди.

Рузвельт Нью-Йорк полициясини миллий шармандалиқдан қутилиб, ҳар қандай катта шаҳар учун намунага айланишига сабаб бўлган кўплаб ислоҳотларни ўтказди.

Аммо ҳаммага ҳар қандай қонунни ҳурмат қилиш ва уни сўзсиз бажариш зарурлигини кўрсатган унинг дастлабки оғир ва ёқимсиз қарори муҳим сабоқ бўлди.

Нью-Йорк полициясини Рузвельт 1895–1897 йиллар бошқарди. У ўзини мавжуд қонунлар ижросини назорат қиладиган ижрочи-рахбар ҳисобларди. Бу лавозим янги қонунлар чиқариш ва эскиларини кўриб чиқишни назарда тутмасди. Шунга қарамай, у маъмурийлик доирасидан чиқиш ва мураббийлик қилишга қарор қилди. Қонунларни самарали ва ҳушёр ижро этиш учун

одамларга қонунни ҳурмат қилиш сабоғини бериш керак. Бу сабоқ на осон, на ёқимли, на оммабоп эса-да, Рузвельт шунга эришди ҳам.

Лидерлик мобайнида сен фақатгина маъмурий қарорлар қабул қилмасдан, сиёсат, режалар ва дастурлар ҳам тузиб чиқишинг керак. Кўпинча дастур, режа ва сиёсатнинг муваффақияти ёки барбод бўлиши боғлиқ бўлган кишиларни ўқитиш энг самарали усул бўлиб чиқади. Ходимларингга компания ривожланиши учун ёрдам берадиган сабоқларни бер. Айримлари қийин ва ёқимсиз бўлиши ҳам мумкин. Аммо айнан ўшалар энг муҳими бўлиб чиқади.

37-САБОҚ

Ҳеч қачон каттарма

Икки нарса устида бош қотиринг. Биринчидан, ҳар маҳал ҳаётингизни мароқли ва қизиқарли қилинг, зеро бужмайган афт ҳалигача ҳеч кимга фойда келтирмаган. Иккинчидан, арзирли бирор нарса қилмоқчи бўлсангиз, жон-жаҳдингиз билан ишланг ва зарур ишни бажаринг.

Рождествода ўқувчиларга сўзланган нутқ,
Ойстер-Бэй, Нью-Йорк, 1898 йил

Ўзининг Ойстер-Бэй шаҳарчасида болаларга нутқ сўзлаганида у нафақат болаларга, шу билан бирга ўзига ҳам мурожаат қилди. Унинг яқин дўсти Сесил Спринг-Райс айтганди: «Президентингиз олти ёшдан каттай-маслигини ҳамиша ёдда тутинг».

Рузвельт болаларга қандай қилиб катта бўлишлари ҳақида гапираркан, уларга *ҳеч қачон* каттармасликни

маслаҳат берди! Ҳеч бўлмаганда, улғайиш мобайнида болаликнинг яхши томонларини унутмаслик лозимлигини айтди.

Боланинг энг катта машғулоти – мароқли ва қизиқарли яшаш. Тедди Рузвельт буни бутун умрининг мақсадига айлантирди. Рузвельтнинг энг яхши замондош солномачиси Эдмунд Моррис президентнинг юқумли кулгуси ҳақида ҳикоя қилади: «Бу ич-ичдан келадиган, кейин эса портлаб кетадиган кулгу эди ва ҳеч ким бунга жўр бўлишдан ўзини тиёлмасди». Яшашни билган бундай мангу навқирон кишининг кулгуси табиий, мутлоқ болаларча намоёнлиги эди.

Рузвельт худди болалар ўйинга бошлари билан шўнғиганлари каби ўз ишига бутун диққатини қарата оларди. У болаларга ўз ҳаётларини мароқли ва қизиқарли қилишни, керакли нарса устида берилиб ишлашни маслаҳат берганди.

Теодор Рузвельт туғилган Америка жуда қаттиққўл мамлакат бўлиб, у ерда ҳамма «енг шимариши», «ҳаётга ҳушёр боқиши», «оёқ остида ўралашмаслиги» ва чарчоқ билмай ишлаши керак эди. Жуда қаҳрли воқелик. Рузвельт кўп жиҳатлари билан ўз даврининг фарзанди эди – қаттиққўл ахлоқ ва юксак идеалларга эга киши. Аммо унинг замондошларидан фарқли томони – нимагаки қўл урмасин унинг қувончли томонларини топарди. Меҳнат унга ўйин қатори татирди. У серғайрат ва ҳаётсевар лидер бўлиб, одамларни ортидан эргаштириб кета оларди. Корхонангни худди болалар ўйинидек бошқаришни ўрган.

38-САБОҚ

«Миллий ғоя»ни бунёд қил

Халқимиз икки ёни буюк уммонлар билан ўралган қитъада яшайди. Бу кишилар – кашшофлар авлоди ва ўзлари ҳам қайсидир маънода кашшофдирлар. Улар Эски Дунёнинг турли тарафларидан ўзлари билан қудрат ва жасорат келтиришган, юракларида эса саргузаштларга нисбатан ўчмас муҳаббат алангаланиб турибди. Шундай жойда яшаган бундай халқ омаднинг қўлидан асл муваффақиятни тортиб ола билади.

Оқ уйдаги нутқ, 1902 йил 2 декабрь

Сермахсул ёзувчи ва нотик Теодор Рузвельт унинг китобларини ўқиганлар, унинг нутқларини тинглаган ва сайловларда унга ўз овозини берганларнинг ҳақиқий мураббийи ва устози бўлиб етишди. У турли вазиятларда ва турли шароитларда қайта ва қайта берадиган сабоғи ўзлик ҳақида бўларди. У ҳамма вақт америкаликларга улар аслида кимлигини айтиб турарди.

Президент Рузвельт жиддий хизматлар ва юксак обрўга эга буюк тарихчи эди. Аммо унинг учун тарих хужжатлаштирилган саналардангина иборат эмасди.

У тарихда буюк қиссаларни, синчковлик билан қайд этилган афсоналарни кўрарди. Америка тарихининг ўша пайтдаги энг катта афсонаси эса улкан миллий ўзликни бунёд қилишда кашшофларнинг аҳамиятини буюклаштиришга боғлиқ эди.

Президент Рузвельтда бу афсонага тарихий қараш мавжуд эди. У замонавий америкаликларга ўтмишдаги кашшофлар қандай қилиб бой мерос бунёд қилганликлари ҳамда келажак учун ҳам мерос яратиш кераклигини тушунтирарди.

Теодор Рузвельт даврида АҚШ мусофирлар мамлакати эди. Улар илк кашшофлар зурриёди эмасдилар. Аммо уларнинг ўзи кашшоф эдилар.

Америкага келишга қарор қилишлари уларнинг юрагида яшаётган «ғайрат, жасорат ва саргузаштларга бўлган муҳаббат»дан дарак бериб турарди. Булар уч юз йил олдинги бўладими, ҳозиргисими, асл кашшофларнинг сифатларидир. Президент Рузвельт барча америкаликларни бирлаштириш учун уларни кашшофлик ўзлиги билан эмлаш мақсадига тўлиб-тошганди. Уларнинг аждоди «Мэйфлуэр»да* келганми ёки шу бугун Американинг Эллис оролига оёқ қўйганми, бунинг аҳамияти йўқ эди.

Умумий америкача ўзликни англаш нафақат миллий бирликни, шу билан бирга бу бирликнинг буюклигини намойиш қилди. Ҳар бир америкалик бошқа дунёдан узилган, бироқ барча бошқа дунё вакиллари ни ўзида жамлаган миллатга мансуб. Рузвельт англаган ҳамда тарғиб қилган бирлик беқарор омаднинг қўлидан тортиб олинган муваффақият манбаи бўлди.

Бугун раҳбарлигинг мобайнида компаниянгни турли мақсадлар сари бошлаб боришингга тўғри келади. Энг муҳими сен ўзингни қандай мутахассис ва шахс сифатида ўзлигингни аниқ, ишонарли ҳамда илҳомлантирадиган даражада англашинг ва буни ходимларингга ҳам юқтира олишинг лозим.

Ўз ташкилотинг учун самарали, таъсирли ўзликни барпо қил.

*Бу инглиз савдо кемаси бўлиб, унда инглизлар 1620 йилда Атлантика океанини сузиб ўтиб, Шимолий Америкада биринчи британ аҳоли яшаш жойини ташкил қилишган.

39-САБОҚ **Ибрат бўл**

Ибрат – энг самарали ишонтириш воситасидир.

Муқаддас исм жамияти олдидаги нутқ,
Ойстер-Бэй, Нью-Йорк, 1903 йил 16 август

Теодор Рузвельт профессионал ёзувчи эди. У сиёсий ва расмий нутқларини ўзи ёзарди ва бундан жуда фахрланарди.

Бироқ у қанчалар серғайрат, эҳтиросли нотик бўлса-да, унга Авраам Линкольн ёки Жон Кеннедига хос нотиклик чўққисига чиқиш насиб қилмади. Шунга қарамай, унинг нутқлари тингловчиларда кутилган таассурот қолдирганини инкор қилиб бўлмайди.

Рузвельт нутқ сўзлашни яхши кўрарди, аммо миллатни бошқариш учун у коммуникациянинг бошқа бир қуроли – ўздан унумли фойдалана оларди. У ўзини атрофдагилар учун ишонарли ва тирик намуна қилиб кўрсата олди.

У президент шунчаки маъмур эмас дея ҳисобларди. Президентнинг олий бурчи – миллат учун ахлоқ андозаси бўлишдир. Теодор Рузвельт ўз бурчини идеал америкалик бўлишда кўрарди.

Қадимда қабила бошлиғи ёки қирол ўзида қабила ёки қироликнинг моҳиятини жамлаган руҳий вужуд ҳисобланган.

Бошқача айтганда, у бутунни ўзида акс эттирган қисм, ўз жамиятининг ҳақиқий вакилидир.

Американинг замонавий лидерларидан Теодор Рузвельт бундай қадимий парадигмага яқинлаша олди.

У ўзини америкалик, деб ҳисоблар ва америка халқи

ўзлигини у билан белгилаб олишини истарди. У ўзини ёрқин, кучли, ҳатто экстремал тарзда намунага айлантира олди.

«Домланинг қилганинимас, айтгани қил»
мақоли Теодор Рузвельт учун ҳам абсурд ва ҳар қандай дашномга тенг эди.

Муросасиз лидерлик муросасиз ҳаракатланишни талаб қиларди. У одамларни шахсий ишлари ва ўз ҳаёти билан илҳомлантириш мумкин, дея ҳисобларди. Шахсий ибрат – мана шу чинакам соф, бутун ва тўғри лидерликдир.

40-САБОҚ

Салбийликка ботма

Жинойтларни очинг ва жинойтчиларни таъқиб қилинг. Аммо ёдингизда бўлсин, жинойтни очиш жараёни қўл учуда олиб борилиб, фақат хўжакўрсинга амалга оширилса, шунинг ўзи жинойтдан кўра жамиятга катта зарар келтиради.

Вашингтондаги нутқ, 1906 йил 14 апрель

Теодор Рузвельт ўз сиёсий фаолияти сарчашмасидаёқ ислохотчи эди. Биринчи бор уни Нью-Йорк Қонунчилик мажлисига сайлаган пайтлари сиёсат билан шуғуллана бошлади. Бу ислохотлар даври бошланишида юз берганди. Рузвельт нью-йорклик журналист ва фотограф Жейкоб Риис билан дўстлашиб қолди. У «Шаҳарнинг ярми қандай яшайди» китобида миллатнинг кўзини Нью-Йорк харобалари томонга қаратганди. Рузвельт жамиятнинг барча соҳаларидаги адолатсизлик ва коррупцияни фош қилишга интилган

журналист ва ёзувчиларни қўллаб-қувватлай бошлади. Рузвельт Риис ва унга ўхшаган ёзувчи-ислохотчиларга «жамият фаррошлари» дея ном қўйганди. Бу шунчаки гап эмасди.

Линкольн Стеффенс ўзининг 1904 йилда ёзган «Шаҳарлар шармандаси» китобида Американинг йирик шаҳарларида урчиган телбавор сиёсий коррупция ҳақида ҳикоя қилди. Ида Тарбелл 1904 йилда АҚШнинг йирик компанияси ҳақида «Standard Oil тарихи» китобини ёзди. Эптон Синклер 1906 йилда гўшт саноатининг қўрқинчли воқелигини «Чангалзор» романида жамиятга кўрсатиб берди.

Президент Рузвельт коррупция ва жамиятдаги бошқа иллатларга қарши уруш эълон қилган журналистларга қойил қоларди. Уларни ўзи бошлаган тараққийпарвар ҳаракатнинг энг керакли аскарлари сифатида қадрларди.

Шу билан бирга у мақсади Американи тозалашга қаратилган бўлса-да, тинимсиз равишда «ахлат билан курашиш» америка идеализми учун зарар келтириши мумкинлигидан хавфсирарди ҳам. «Ахлат тозалаш» ишлари эса «сариқ матбуот»нинг арзон ва ифлос шов-шувлари даражасигача тушиб кетиши ҳам мумкин эди. Президент бу анъана жуда хавфли эканини англларди. 1904 йилда у журналистлар «барча уйдирма, шов-шув ва бўм-бўшликка сиғинишни пайдо қилади», «жамият таъбини бачкана ва тубанлаштириб, халқ характерини кучсизлантиришади ва жамият онги андозаларини пасайтириб юборишади» дея ёзганди. Рузвельт булар зарар келтиради деб ҳисобларди.

Унинг ўзи «ахлат тозаловчи» образини Жон Бе-

ньян томонидан ўн саккизинчи асрда ёзилган «Зиёратчи йили» христиан достонидан олганди. Рузвельт даврида Беньян асарларини уйда, мактабда ва якшанбалик мактабларда ўқишарди. Беньяннинг мажозий қахрамонларидан бири «ахлоқий ахлатларни тозалаш»га шу қадар берилиб кетадики, оқибатда осмон гўзаллигини ҳам пайқамай қолади. Рузвельт «жамият фаррошлари» деб атаган ёзувчилар Олтин аср Америкасида гуллаб-яшнаган коррупция ҳамда эксплуатациялар ҳақида ёзишар, болалар меҳнати даҳшатлари, ирқий тенгсизлик, харобалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилишарди.

Буларнинг бари, Рузвельтнинг фикрича, ҳақиқатнинг бир қисми эди. Журналистлар ва ёзувчилар буюк мамлакат ва буюк халқнинг кенг контекстида жароҳатларни очиб ташлаш ўрнига ўлиб бораётган миллатнинг даҳшатли сувратини бунёд қилишарди.

«Ахлатни тозалай оладиган кишилар жамият фаровонлиги учун кўпинча алмаштириб бўлмас аҳамиятга эга бўлишади, – деди Рузвельт 1906 йил 14 апрелда, – аммо, улар вақти-вақти билан тўхтаб, осмонга ҳам қараб қўйишлари керак... Агар улар аста-секин оламда ахлатдан бошқа нарса йўқ дея ишониб қолишса, уларнинг жамиятга фойдалари шубҳалига айланади ва ғойиб бўлади»

Ўз ташкилотингдаги иллатларни таҳлил қил, аммо уларнинг ўзигина кўриниб қоладиган даражада шишириб юборма. Сенинг вазифанг – ўз корхонангни лаънатлаш ва топташ эмас, яхшилаш, олға ҳаракатлантириш юксалтириш учун меҳнат қилишдир.

41-САБОҚ Айтганингни қил

Агар инсоннинг ўзи ўзгаларга қиладиган панд-насиҳатлари асосида яшамаслиги маълум бўлиб қолса, жуда ноқулай аҳволга тушади.

«Амалий этика», Уильям Белден Ноблнинг Гарвард университетигаги маърузаси, 1910 йил

Муҳтарам Уильям Белден Нобл маърузаларини Гарварддаги тингловчилари олдида сўзга чиқаркан, Рузвельт нималар ҳақида ўйлаган бўлса, ўшаларни сўзларди. Тингловчиларга ўз маслаҳатларига биноан яшашни таклиф қиларкан, Ноблнинг насиҳатини айнан такрорлади. Аммо бу унинг аҳамиятини пасайтирмайди.

Сўзлар ёзувчи ва нотик Теодор Рузвельт учун катта аҳамиятга эга эди. Аммо улар инсоннинг асл характерини очиб беришда барибир ишга ютқазиб қўядилар. Инсоннинг кимлигини билишнинг энг самарали усули – унинг иши ва сўзини қиёслашдир. Сўзи ва иши бир инсонлар мақтовга сазовор ва улар оммани ортидан эргаштириб кета олади.

Кечиримлилик – яхши. Жуда кўп кишилар кўп нарсаларни кечириб юбора олишади. Аммо кўпчиликка риёкорлик ҳам хосдир. Бирор бир гуноҳ, ҳатто жинойт ҳам лидерга иши билан сўзи бир хил келмаганчалик зарар етказа олмайди. Гапинг ва ишинг орасида уйғунлик бўлишига интил.

42-САБОҚ Таассурот қолдир

Бирорта хорижий салтанат биз Буюк оқ флотимизни дунёни айланишга юборишимизни кутмаганди. Чунки ҳеч бир буюк денгиз салтанатлари бундай ишга ўзини қодир деб ҳисобламасди. Биз эса флотни юбориш билангина эмас, буни қандай уддалаганимиз билан ҳам улкан таассурот қолдирдик. Флот бир йилгача соҳилларимиздан олисда сузди. Бу вақт мобайнида дунёни белгиланган муддатда ва худди кетган пайтидагидек аъло ҳолда айланиб келди. Бу таъриф кемаларга ҳам, кишиларга ҳам тааллуқли. Флотимизнинг дунёни айланиши ўз халқимиздан ҳам кўра хориж давлат арбобларини кучлироқ қойил қолдирди.

Гарвард университетигади нутқ,
1910 йил 14 декабрь

Президент Рузвельт 1907 йил 16 декабрда америка Атлантика флотининг ўн олти кемасини дунёни айланиб келиш сафарига йўллади ва бу жамият билан алоқалар муваффақиятли ўрнатилганидан далолат берарди. Журналистлар бу кемаларнинг сирти тинчлик рамзи сифатида оққа бўялгани учун Буюк оқ флот дея аташди. Президент Кўшма Штатлар Атлантикадан то Тинч океанигача бўлган дунёнинг ҳар қандай бурчагида ўз қудрати ва таъсирини кўрсата олиши ва хоҳлашини намоиш қилишни истади. Рузвельт бу икки уммонни «Американинг худудий сувлари» деб атарди.

Теодор Рузвельт ўз умри мобайнида ўттиз етти китоб ва саноксиз мақолалар эълон қилганди. Бундан ташқари у бир қанча китобларга ҳаммуаллиф эди. Шу

билан бирга у, албатта, уста нотик ҳам эди. Ёзувчининг онгини китоблар озиқлантирарди – у ғоятда кўп ўқирди.

Бирор кун йўқ эдики, у битта китобни тўлиқ ўқиб чиқмасин. У тилни ҳурмат қиларди ва ундан унумли фойдаланарди.

Шунга қарамай, у ишонч уйғотишда сўзлардан кўра ҳаракатларга кўпроқ аҳамият берарди. Энг кучли таъсирни эса – йирик ва аъло даражада уддаланган хатти-ҳаракатлар кўрсатишга қодир. Жамият ва халқаро дипломатияда ақл, мушаклар ва пўлатни намойиш қилиш унинг учун энг яхши алоқа ўрнатиш шакли эди.

Бизнес ўз брендини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш учун катта маблағ сарфлайди. Бу жуда муҳим. Аммо бирорта реклама агентлиги ёки жамият билан алоқалар компанияси брендни сенинг ва компаниянгни ишичалик яхши оммалаштиролмайди.

Сен таассурот қолдириш ва кутганларидан зиёда бўлишга ҳаракат қилишинг лозим. Бу мақсадга қайта-қайта интилиш шарт.

43-САБОҚ

Беҳуда баҳслардан қоч

Мен ҳар бир тараф одамлар қўллайдими-йўқлигидан қатъий назар маълум бир нуқтаи-назарни жон бори-ча ҳимоя қиладиган баҳсли конкурсларга қизиқиш билдирмайман... Коллежларимизнинг битирувчилари ҳар қандай тарафнинг файдаси учун ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда асосли вазларни топа оладиган

эмас, қатъий ва тўғри қарашларга эга ёшлардан иборат бўлишлари керак.

«Автобиография», 1913 йил

Гарвардни тугатгач, Теодор Рузвельт Колубия университетининг юридик факультетига ўқишга кирди, аммо диплом ҳимоя қилмасдан ташлаб кетди. Бу, эҳтимол, яхшиликка бўлгандир. Мижознинг манфатларини ҳимоя қилиш учун адвокатлар тез-тез мажбур бўлгани каби унинг ҳам ўз қарашларига қарши боришига тўғри келган бўларди. Рузвельт қарашларсиз интеллект худди интеллектсиз кучга ўхшайди дея ҳисобларди. Бу эса шафқатсиз ва ахлоққа зид. Агар муносиб ишга йўналтирилмаса, иқтидор, салоҳият ва билим бефойдадир.

Рузвельт фақат мунозара учунгина ўтказиладиган баҳсларда фойда кўрмасди. Агар бирор томонни ҳимоя қилмоқчи бўлсанг, унга самимий ишонишинг керак. Бу осон эмас, аммо Рузвельт ўзининг теран ва ҳақиқий қарашларингга хизмат қилмайдиган нарсаларга куч сарфлашни нотўғри, ҳатто жиноят деб ҳисобларди.

Теодор Рузвельт фақат ҳақ ишнинг ҳимояси учун куч, ақл ва билимни сарфлашни ахлоқан, дея қабул қиларди. У нимага ишониши ҳақида эса шу қадар эҳтирос билан гапирардики, тингловчилар жон қулоғи билан тингларди.

Агар аниқ, теран, анланган қарашларинг бўлса, уларни компанияни бошқариш асоси қилиб ол ва бу сенинг обрўйингни қанчалар оширганидан ҳайрон қоласан. Сен одамларни бунчалар самарали бошқара олишингни тахмин ҳам қилмаган эдинг.

44-САБОҚ

Ўз тажрибангга таян

Фанда ҳам диндаги каби ақидалар мавжуд. Бу эса янада хатарли бўлиб, унга чалинган ҳеч қандай ақидага ишонмаслигига чуқур ишонади.

The Outlook, 1911 йил 2 декабрь

Рузвельт идрокига кўра олим киши эди. У табиатан қизиқувчан инсон бўлиб, уни ҳамиша табиат қизиқтирар, ҳақиқат ва воқелик ҳақидаги тасаввурлари ҳамиша шахсий кузатувлари ва тажрибасига асосланарди. Унинг биринчи китоби кузатувларга асосланган илмий иш бўлди – «Адирондак тоғлари кўчманчи қушлари». Китоб 1877 йилда нашр этилганида муаллиф ҳали ўн тўққиз ёшга ям тўлмаганди.

Рузвельт бир умр олимлик ақлини намоён қилиб келди. У абадий ҳақиқатларга ишонар, аммо уларни ўз кузатувлари билан текширарди. Ҳақиқат ўзгармас ва мангудир. Аммо ҳақиқатнинг табиати ҳаракатчан, у ахлоққа таянган ақл ва ташқи олам орасидаги ўзаро таъсир натижасидир. Бундай муҳим ҳаракатчанликни унутиб, ҳар қандай англаш жараёни ёки қарашлар тўпламини ишонч ўрнида қабул қилиш бу жараён ва бу қарашларни «фан», «дин» ва бошқача номланадиган фетишга айлантириб қўяди.

Дунёни қабул қилиш учун Рузвельтга таянч нуқтаси бўлиб ўзининг яхшилиқни ёмонлиқдан, ҳақиқатни ёлғондан, қадрлини бефойда ва ноқерақдан ажрата билиш лаёқати хизмат қиларди. Унда кузатиш ва текшириб кўришга имкон бермайдиган ташқи бирор нарсага ҳеч қачон мутлоқ ишончи йўқ эди.

Етакчи жуда кўп ролларни ўйнайди.

Ҳаммасидан кўра у арбитр-ҳакамдир ва ташкилот унинг ҳақиқатга, тўғрилиқка ва таваккалчиликка, хатарга ва муҳимликка билдирган баҳолари бўйича иш кўради. Ўз англаминг ва мулоҳазаларингга таян. Қандай деб аталмасин ва қандай ҳақиқатларни ҳимоя қилмасин, ташқи томондан тикиштирилган тизимга бўйсинма. Бундай бўйсиниш фетишизмга олиб боради, ундан эса ҳеч ким фойда кўрмаган.

45-САБОҚ

Ўргатишни ўрган

Миллат ва инсоният нуқтаи назаридан олимлик маҳсулдор бўлгандагина қадрлидир. Олим нафақат олиши ёки қўлга киритиши, шу билан бирга бериши ҳам керак.

The Outlook, 1912 йил 13 январь

Теодор Рузвельт тинчимас ва толмас киши эди. У ўзининг таъкидалашича «зўриқиш тўла ҳаёт» кечирарди. Рузвельт нафақат сиёсатчи, шу билан бирга олим ва илмий асарлар муаллифи ҳам эди. Унинг «1812 йилдаги денгиз жанглари» китобидан бошланган илмий ишлари айни дамда қўлланадиган ва китобхонни келажакка тайёрлайдиган сабоқларни берарди. «1812 йилдаги денгиз жанглари» АҚШ Ҳарбий-денгиз академиясида дарслик сифатида ўқитилди, зеро унда Рузвельт мамлакатда қудратли ҳарбий-денгиз флоти мавжудлигининг муҳимлиги ва унинг мамлакат учун қулай ташқи сиёсатни шакллантиришдаги аҳамиятини таъкидлаб ўтганди. Президент Уильям Мак-Кинли бежиз Рузвельтни ҳарбий-денгиз флоти вазири ўринбосари қилиб тайинламаганди. Рузвельт ҳарбий-денгиз фло-

ти тарихига доир билимларига таянган ҳолда АҚШ ҳарбий-денгиз флотини мисли кўрилмаган даражада модернизациялаш ва кенгайтириш қарори қабул қилинишига эришди ҳамда уни ҳаётга татбиқ этди. Унинг шарофати билан флот АҚШнинг икки уммонда сиёсатини ўтказиш қуролига айланди.

Рузвельт билимларни кадрлар ва олимларга ҳурмат билан муносабатда бўларди. Аммо инсониятга чинакам фойда бермайдиган илм унинг учун ўз эҳтиёжларини қондириш учунгина йўналтирилган диллентантизмлигича қоларди. Илмнинг сабоқлари қудратли, ишонтирарли ва оммабоп, олимлар эса – миллат ва тараққиёт ижодкорлари бўлиши керак эди. Бу уларнинг бурчи. Мана шу ҳолдагина улар америка жамияти ва тараққиётидаги ўринларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Лидер – бу устоз, зеро у билимларни ташналик билан ўзига сингдиради ва ўзгаларга ўргатади. Ўз ташкилотинг маҳсулоти ва хизматларини яхшилаш учун тадқиқотлардан тўхтама. Унинг маълум тарқатиш тармоғи ва йиллик баланسدан ташқарига таъсирини кенгайтириш учун усулларни ахтар. Ўз соҳангдаги қимматли маълумотларни ҳамкасбларинг ва ҳамкорларинг билан баҳам кўр. Бу сенга ва дунёга фойда келтиради.

46-САБОҚ **Ҳукмронликни эмас, масъулиятни** **тавсия қил**

Бу ерда, Америкада инсоният умиди, келажакнинг тақдирини қўлимизда тутиб турибмиз. Агар кўзлари-

миздаги олий қатъият хиралашса, агар одамларнинг олтин умидларини топтаб чангга қориштираш, бошимизга уят ва иснод ёғилади.

Нью-Йоркдаги нутқ, 1912 йил 20 март

Теодор Рузвельт улкан миқёсда фикрлар, катта гапирар, кўп ҳаракат қиларди. Унинг «катта» концепцияси ҳам йирик ва кўпўлчамли бўлиб, у табиий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий, руҳий оламлар ва идеалларни қамраб олганди. Рузвельт Қўшма Штатларда, Авраам Линькольн таъсири тарзда «ернинг охириги олий умиди» деб таърифлаган нарсани кўра олган биринчи Америка президенти эди. Бундан ташқари, унгача ва ундан кейинги президентлар орасида бу ҳақда оммавий тарзда энг кўп гапирарди. Ҳамиша «инсоният умиди, келажакнинг тақдирини қўлимизда тутиб турибмиз» билан бу вазифани бажара олмасликнинг даҳшатли оқибатлари бўлмиш: «Агар одамларнинг олтин умидларини топтаб чангга қориштираш, бошимизга уят ва иснод ёғилади», – орасида мувозанатга эришишга интиларди. Бу ҳақда у аввалроқ ҳам, 1905 йилдаги президентлик қасамёди пайти янада аниқроқ ва жиддий тарзда айтганди: «Агар биз мағлубиятга учрасак, дунёдаги барча эркин ўз-ўзини бошқарув таг-томиригача яксон бўлади».

Теодор Рузвельт Қўшма Штатларни буюк ва қудратли қилишни орзуларди. Аммо буюклик ва қудратни қолган дунё ҳисобига эмас, ўзининг бойиши эвазига қўлга киритилишини хоҳларди. Унинг назаридаги Американинг вазифаси жуда залворли эди ва уни АҚШ аҳли бажонидил зиммасига олди. Рузвельт инсоният-

ни маърифатли қилишда Американинг аҳамияти катта бўлишини таъкидларди.

Рузвельт буюк салтанат ўз таъсирини ерларга эмас, онгларга, қалбларга ва руҳларга тарқатиши керак, деб ҳисобларди. Бунинг учун сийловнинг баҳоси йўқ, аммо мағлубликнинг оқибатлари ҳалокатли бўлиб чиқиши ҳам мумкин эди.

Ҳукмронлик қанчалар қатта бўлса, маъсулият ҳам шунга ярашади. Кўплаб раҳбарлар ходимларни ҳукмронлик билан боғлиқ имтиёзлар билан иштиёқлантиришга уриниб хатога йўл қўядилар. Теодор Рузвельт бундай хатога йўл қўймаганди. У ҳамиша ҳукмронликка боғлиқ маъсулият ҳақида гапирарди. Буни у бурч деб атарди. Рузвельт ҳукмронлик билан бирга келадиган масъулиятдан қочишнинг ҳиссий оқибатларни таъкидлаб турарди. Ҳукмронлик ўйинларида тикилган довнинг юксаклигини ахлоқан англашдан кўра кучли иштиёқлантириш мавжуд эмас.

47-САБОҚ

Ўтмишни рад этма

Реал ва бевосита фойда ҳурмати ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига ўқитиладиган тарих – демократик давлатдаги асосли таълимнинг энг муҳим фанларидан биридир.

«Адабиётдаги тарих ва бошқа эсселар», 1913 йил

Гарвард битирувчиси Теодор Рузвельт таълим фойдасига қаттиқ ишонарди. У тарихга алоҳида жонбозлик билан муносабатда бўлар ва ўзи ҳам бир неча тарихий

китоблар ёзганди. Унинг «1812 йилдаги денгиз жанглари» китоби узоқ йиллар Мэриленд штатидаги Аннаполис Ҳарбий-денгиз академиясида дарслик сифатида ўқитилган.

Рузвельтдан на буюк ёзувчи (аммо, уни жуда яхши дейиш мумкин), на тарих билимдони чиқиши даргумон эди. У тарихни ўрганишда асосан «реал ва бевоҳида фойда чиқарса» бўладиган ибратли намуналар ва сабоқларни изларди. Унинг учун тарих бошқа одамларнинг тажрибаси йиғилган ҳазина эди. Унинг ўзи ва китобхонлар топган маълумотнинг ҳар бир заррасидан фойдаланиш азму-қарорига тўлиб-тошганди.

Тарихга тўғри ёндашилса, уни аниқ ва батафсил таҳлил қилинса, ўқувчилар энг зарур «сабоқлар»ни ажратиб оладиган буюк дарслик бўлиши мумкин.

Бизнеснинг кўплаб етакчилари бошқаларнинг кўзига келажакка интилаётгандек кўриниш учун ўтмишни унутиб қўйишади. «Янги босс» кўпинча ўз изини қолдириш учун, аввалги тажриба ва салафларининг ишини рад этади. Ҳаммасини янги супирги билан супириб ташлаш иштиёқи мутлоқо тушунарли ва унга қаршилиқ қилиш мушкул. Аммо ўтмишни рад этиш билан сен кўп нарсаларни йўқотасан. Ўтмишни ортиқчадек қабул қилиш ярамайди. Буям бебаҳо тажриба ва уни ташлаб юбориш керак эмас.

48-САБОҚ

Мавҳум сўзлардан қоч

Миллатимизнинг бир нуқсони бор – биз мавҳум жумлалар билан гапиришга мойилмиз. Латча тухумни сўрган

пайти унинг пўчоғигина қолади. Сиз мавҳум сўзлардан фойдаланганингизда, одамнинг эсида нутқингиздан ҳеч нарса сақланиб қолмайди.

Сент-Луисдаги нутқ, 1916 йил 31 май

Теодор Рузвельт сўзларни юксак кадрларди, аммо уларга тўлиқ ишонмасди. Унинг 1915 йил 7 июлда Оуэн Уистерга ёзган мактубида «иш билан исботланмаган сўзлардан ўлардек даҳшат» ҳис қилишини ёзганди. Гап шундаки, улар баъзан шу қадар силлиқ бўлиб қолишади ва оқибатда тамомила маъноси-ни йўқотишади. Рузвельтнинг фикрича, маънонинг ейилиб кетиши кўплаб машҳур одамларнинг миллий хасталигига айланиб қолган. Мавҳум сўзларнинг тарқалиши юқумли касалликка ўхшайди. Бир қанча муғомбир жумлалар пайдо бўлади: улар бир қарашда маънилига ўхшайди, аммо яхшилаб ўрганилса, маънодан асар ҳам йўқ, худди латча сўрган тухумдек – пўчоғи бору, ичи бўм-бўш.

Мавҳум жумлалар қаторига чап берадиган йўналтиришларни («аксарият кишилар», «кўпчилик», «машҳур мутахассислар»); эфемизмлар ва олджумлалар (ҳар қандай сиёсатчи «мен алдагандим» ўрнига «менинг таъкидларим энди долзарб эмас»), маъсулиятдан халос қилувчи пассив таъкидлар («мен хато қилибман» ўрнига одамлар «хатоларга йўл қўйилганди» дейишди) келтириш мумкин. Мавҳум жумлалар маънодан ҳоли бўлибгина қолмай, ўзидан кейин келадиган барчасини ҳам маъносини йўққа чиқаради. Улар маъноси бор кўпсўзлиликни пайдо қилишади, аммо аслида ҳеч қандай маънога эга бўлишмайди. Бундай шакл-

даги мулоқот асл пул билан қалбакисини қиёслашга ўхшайди.

Рузвельт одамларга фактлар ва туйғуларни етказиш учун сўзлардан фойдаланган. Мавхум сўзлар фактлар ва туйғулардан ҳоли. Бу бемаъни мулоқот шакли ва Рузвельтда у ижирғаниш кўзитарди.

Асл лидер маънони яшириш учунмас, уни очиш учун сўзлардан фойдаланади. Мавхум сўзларни ишлатмасликка урин. Аниқ баён қил, от ва феълларни кўпроқ ишлат, олмош ва равишлардан камроқ фойдалан.

Аниқ манбаларга мурожаат қил, пассивликдан қоч ва ҳаракат учун бўйнингга маъсулият ол («қарор қилинди» эмас, «мен қарор қилдим»). Энг муҳими – буни хоҳламасанг ҳам ҳақиқатни айт.

49-САБОҚ Манбага айлан

Дарё ўз манбасидан юқорига оқмайди.

Рузвельтнинг севимли жумласи.
Оуэн Уистернинг «Рузвельт: Дўстлик тарихи»
китобидан, 1930 йил

Рузвельт лидерлик табиати ҳақида кўп ва тез-тез мулоҳаза юритарди. Ўз дўсти Оуэн Уистерга «орқасидан эргашадиган киши бўлмаса, одамлар ҳеч нарса қила олишмайди» деганди. Асл лидер англаши лозим: хоҳ компания учунми, хоҳ миллат учунми у – тақлид қилинадиган ва ҳамма интиладиган манбадир. Шунинг учун лидер ўз-ўзича буюк бўлиши шарт. «Одатда, юз-

лаб майдалар битта буюкнинг ўрнини боса олади, дея ҳисоблашади, – деб ёзганди у 1917 йилда Ladies Home Journal журналида. – Аммо аслида бундай эмас».

Теодор Рузвельт ҳамиша ўзини кўтаринки идеаллар ва буюк интилишлар билан қуршаган ҳолда жуда баяландда тутарди.

Лидер ўз компаниясини юксакка кўтариши ёки ерга уриши мумкин. Охиргисидан қочиш учун – мақсадларни қўлга киритиладигандек туюлганидан ҳам юксакроқ қўйиш керак. Бунинг учун уларга эришишга қаратилган кучларни сўзсиз қўллаб-қувватлаш лозим. Ходимларинг кутганингдан ҳам ортиғига қодирликларини тез-тез кўришдан хайратга тушасан ҳам.

50-САБОҚ

Илҳомлантир ва қўллаб-қувватла

Рузвельт сўзи, хатти-ҳаракати орқали ўз интилишларини рўёбга чиқаришга тўлиқ ишонмаган ёки етарлича қувватга эга бўлмаган кишиларни аниқлар ва қўллаб-қувватларди. Одамлар ўзларининг олий «мен»ига эга бўлиш умидида унга талпинишарди.

Элтинг И. Морисон, «Теодор Рузвельт хатлари»
китоби муҳаррирининг кириш сўзи.
1951–1954 йиллар

Ҳатто танқидчилар ҳам Теодор Рузвельт одамларни илҳомлантирганини инкор қила олишмасди. Бироқ дунёда, мисол учун, Бетховен «мусиқа даҳоси эди»

ёки Рузвельт – «илҳомлантирувчи лидер» кабилардан кўра тушунарсиз сўз бирикмалари мавжуд эмас. У ҳам, бу ҳам ҳақиқат, аммо бу аниқловчилар ўша даражагача кўтарилишимизга ёрдам берадими? Даҳолик. Бошқаларни илҳомлантирувчи инсон бўлиш. Бундай маслаҳатлар ҳали ҳеч кимга ёрдам бермаган.

Манá шунинг учун ҳам гарвард тарихчиси, машхур ҳарбий лашкарбошилар солномачиси Элтинг И. Морисоннинг изоҳлари биз учун қадрли. У Рузвельтнинг хатларини нашрга тайёрлаб, муҳаррирлик қилган. Гарчи бу изоҳлар ўта қисқа бўлса-да, уларда «илҳомлантирувчи лидер бўлиш» нимани англатиши ҳақида чуқур таҳлил мавжуд. Мана, Морисон нималарни баён қилади.

1. Рузвельт одамлар ҳис қилган, аммо аниқ тасаввур қилолмаган сўзлар ва ҳаракатлардан фойдаланарди.

2. Рузвельтнинг аниқлаши – бу ҳали интилишларини англамаган ва ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватловчи «қолип».

3. Рузвельт айнан мана шу нарса етишмаётган кишиларни қўллаб-қувватларди ва бу билан америкаликларга «барча яхшиси»ни ўзидан излаш ва топишга ёрдам кўрсатарди.

4. Рузвельт американча интилишларга садоқатли эди, бунинг эвазига Америка уни севиб қолди.

Илҳомлантира олиш – бу қандайдир туғма харизмаям, оташин сўзларни топиш ва керакли пайтда айтиш ҳам эмас. Бу ўз интилишларингни аниқлаб, уларни корхона интилишлари билан вобасталаш ва

ҳали ходимлар онгида мудраб ётган муносиб, фойдали туйғулар ва ғояларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун улардан фойдаланишдир. Буни қандай уддалаш мумкин? Ҳамдардлик кўрсатиш, далда бериш, мақташ, баҳам кўриш, қўллаб-қувватлаш орқали. Бу феъл-сўзларни маълум от-сўзлар – ғоялар, орзулар, мақсадлар ва интилишлар билан уйғунлаштириш лозим.

**НОВАТОР
БЎЛИБ ЯША**



51-САБОҚ

Адолатни амалда қил

Қандайдир чораларни тавсия қилар экан, уларнинг нафақат адолатли, балки амалий эканини ҳам назарга олишимиз лозим.

Рузвельтнинг Гарвард коллежидаги
диплом иши, 1880 йил

Теодор Рузвельт ўз диплом ишида аёллар ҳуқуқи бўйича анчайин қарама-қарши масалани ўзига хос новаторона тарзда қаламга олади. У азалий йўлдан юриб аёллар ҳуқуқи масаласида ҳа/йўқни тарғиб қилиш ўрнига бошқача ёндошувни танлади – адолатни қонун нуқтаи-назаридан аниқлади: «Оқсоқ ва сил касали қонун кўзи олдида кучли спортчи ва буюк файласуф билан мутлоқ тенг қўйилади. Худди шундай адолатни аёлларга нисбатан ҳам қўллаш керак. Улар эркакларга тенгми-йўқлиги муҳим эмас».

Оқсоқ ва ночорларнинг ёнма-ён қўйилиши бизга Рузвельт ёшлигида аёлларни эркакларга очиқчасига тенг эмас дея ҳисоблагани ҳақида хабар бермоқда. Аммо амалий нуқтаи назардан унинг фикри ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасди, зеро қонунан оқсоқлар, сил касаллар ва аёллар кучли спортчи-эркаклар ҳамда буюк файласуф-эркаклар билан тенг эдилар.

Гоявий жиҳатдан ёш Рузвельтни феминист деб аташ қийин. Аммо қонунчиликка жо қилинган тенгликни аниқлаштириш уни аёллар ҳуқуқи учун оташин курашчи қаламига мансуб бўлишга лойиқ хулосага олиб келади. «Никоҳ ҳақидаги қонунларни оладиган бўлсак, – деб ёзади у. – бунда иккала жинсга ҳам мутлоқ тенглик ўрнатилиши шарт. Мен аёл эрининг фамилиясига ўтиши

шарт деб ҳисобламайман... Назаримда «бўйсиниш» ата-маси иккисига ҳам бирдай қўлланилиши керак».

Теодор Рузвельт ўз сиёсий фаолияти бошидаёқ адолатнинг новаторона концепциясини худди олисдаги орзудек эмас, худди қўл узатса етадиган амалий воқелик сифатида қабул қилганди. Аёлларни эркакларга тенглигини қабул қилиш адолати идеаллар ва назариягамас, қонунга таянади. Адлия жиҳатидан аёллар эркакларники каби ҳуқуқларга эга. 1880 йилдаёқ Рузвельт бундай тенглик фақат мана шундай амалий даражада мавжуд бўлишини таъкидлаганди. Агар кимдир адолатни қонун доирасидан ташқарида татбиқ қилишга ҳаракат қилса, унда аёл эркакка, худди оқсоқ эркак – кучли спортчи-эркакка тенглиги даражасида тенг бўла олмасди.

Адолат ва ҳалоллик мавҳум тамойиллар сингари ҳар қандай компаниянинг етакчиси учун эътиборга арзимаиди. Сенинг қарорингни, агар у реал ишлар билан мустаҳкамланмаган бўлса, ҳеч ким объектив ҳамда тенгликка асосланган дея қабул қилмайди. Ўз адолатинг ва ҳалоллигингни «амалий» қилиш усуллари ахтар. Бу тушунчалар қуруқ интилишлар эмас, ҳаётга татбиқ қилса бўладиган қарорлар ва мулоҳазалар бўлиши шарт.

52-САБОҚ Оригинал бўл

Ҳамиша оригинал бўлиш тақлиддан кўра яхши.
Форумдаги лўқма, 1894 йил, апрель

Теодор Рузвельт афоризмлар даврида вояга етди. Америка сиёсатчилари, давлат арбоблари, ўқитувчилар, пасторлар ва ота-оналар асрлар сарҳадида айтил-

ган сўзларга мос тарзда яшашлари керак эди. Худди мана шундай ахлоқий, фалсафий ва адабий иқлимда Теодор Рузвельтнинг коммуникацион салоҳияти ривожланиб борганди. Айнан шунинг учун ҳам унинг кўплаб айтганлари ёки жамият фойдаланиши учун ёзганлари онгли тарзда эпиграммалаштирилган ёки ҳатто атайин иқтибос олишлари учун мослаб ёзилганди. Рузвельтнинг барча жумлалари ҳозирги китобхонга иқтибос учун муносиб эмасдек кўринади, биз уларни осонлик билан баландпарвоз ва жўн деб ҳисоблашимиз мумкин.

Мисол учун: «*Ҳамиша оригинал бўлиш тақлиддан кўра яхши*» жумласини олайлик.

Ким ҳам баҳслашарди? Жўнгина-ку! Аммо савол туғилади: Рузвельт нима учун уни ёзган? Ҳа, у буни қилишдан эринмаган. Агар биз ҳам унинг маъноси-ни уқишга эринмасак, унинг асл сабаби бизга унчалар жўнмасдек ва, айниқса, Рузвельтнинг ўз ҳаёти нуқтаи-назаридан олиб қаралганда, анча теран бўлиб кўринади.

У: «*Ҳамиша оригиналчилик қилиш тақлиддан кўра яхши*», – деб ёзиши ҳам мумкин эди. Аммо у «оригинал» сўзини от-сўз туркуми шаклида, яъни одамни назарда тутган ҳолда қўллаган, ҳолатни эмас. Бу жиҳатдан сўз мураккабгина эмас, ҳатто эзувчидек бўлиб қолади. «Оригиналдек бўлиш»нинг ўзи қийин бир пайтда яна қандай қилиб «оригинал» бўла олиш мумкин? Шундай бўлиб туғилиш керакми? Ё буни ўрганиш мумкинми? Агар ўрганиш мумкин бўлса, ўрганиш жараёнининг ўзи тақлид бўлиб қолмайдими?

Бу саволларнинг жавоби содда эмас. Аммо Теодор Рузвельтнинг ўзи ҳаётини узун ва ғоятда мураккаб жавобга айлантириб юборди. У «оригинал» от-сўзини атайин қўллади ва бир умр ўз ҳаракатларида оригинал бўлиб

қолди. У феълни от билан мустаҳкам алмашлади. Оригинал – нима (ким?) ўзи? Бу яратувчи ва пайдо қилувчи одам.

Рузвельт бола ёшидан ўзининг лидерлик салоҳиятини англаган эди. Лидер издоши учун – оригинал тақлид учундек гап. Лидер ижод қилади, яратади. Издош эса тақлид қилади. Рузвельт буюк лидер эди. У манба, корхона учун зарур бўлган ҳаммасининг яратувчиси эди. У ҳамма учун интеллектуал, ахлоқий ва табиий намуна – оригинал бўлиб, ундан хоҳлаганча нусха кўчириш мумкин эди.

Шуни тушуниб олгинки, корхонанг ва унинг нималар қилаётганию, бундан кейин нималар қилишини сен пайдо қилгансан. Лидер бўлиш – оригинал бўлиш деганидир.

53-САБОҚ

Буткул садоқат талаб эт

Ер юзидаги энг жирқанч тушунчалардан бири – бу америкаликларнинг келиб чиқишини эслатиб туришдир: «немислардан чиққан америкалик», «таги ирланд америкалик» ёки «асл америкалик» каби. Шунчаки америкалик бўлинг – шунчаки америкалик!

Буффалодаги нутқ, Нью-Йорк
1895 йил 10 сентябрь

Президент Эйзенхауэр маъмуриятининг ажойиб даври бўлмиш 1956 йилда Fortune журнали муҳаррири Уильям Г. Уайт «Ташкилот одами» китобини ёзади. Ушбу китобда у Америкада юз бераётган инсон ўз шахсидан кўра корпоротив иш берувчининг ўзлиги томонга тўлиқ ўтиши, яъни одам ўзлигини ташкилотнинг жамоавий

ўзлигига тўлиқ бўйсиндиришини тадқиқ қилганди. Уайтни «ташкилот одами» пайдо бўлиши ташвишлан-тирарди. Ёзувчи бу жумлани қўллаган даврдан бошлаб у салбий тус олди.

Гарчи Уайт бу жумлани қўллаган ҳамда оммалаштирган бўлса-да, унинг кашфиётчиси эмасди. Унинг китоби пайдо бўлмасидан анча олдин бу жумла катта бизнесда салбий эмас, ижобий тарзда қўлланарди. Энг яхши, самарали ва хайрихоҳ ходимларни «ташкилот одами» дея аташарди. Улар ўз муваффақиятларини қувонч билан ўзлари ишлайдиган компания ютуғига бирлаштирардилар.

Теодор Рузвельт шахсий ташаббусни рағбатлантириш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланарди ва америкаликлар «ташкилот одамлари»га айланишлари ва бутун қалби билан миллатга сингиб кетишларини орзу қиларди. У «эски ватан» меросини уйда қолдириш, келиб чиқишга боғлиқ атамаларни («ирланддан чиққан, полякдан чиққан америкалик», ҳатто «асл америкалик») унутишни ва шунчаки америкалик бўлишни маслаҳат берарди. Ҳа, бу чақириқ жуда зиддиятли эди ва шундайлигича қолди. Аммо Рузвельтни бу хавотирга солмасди. У миллий бирлик учун ўзликнинг бир қисмини қурбон қилишга тайёр эди. Инсон ўзини америкалик дея атаркан, барча америкаликлар каби ўйлаши, ҳаракат қилиши керак эди. Ўйлар ва ишлар фақат ўзининг эмас, миллат ва умумий корхона фаровонлиги учун қаратилиши керак эди.

«Агар ҳамма бир хил ўйласа, демак ҳеч нарсани ўйлашмаяпти», – деб такрорлашни яхши кўрарди генерал Жорж С. Паттон. Теодор Рузвельт бундай сўзларга, албатта, ўзининг машхур табассуми билан қўшиб қўйган бўларди: «Агар ташкилот фаровонли-

ги ҳақида ўйламаётган бўлишса». Яримта садоқатга тоқат қилма. Компания учун тўлиқ садоқат талаб қил ва ҳар ким садоқатини ўзидан келиб чиққан ҳолда намоён қилишга ҳақли эканини таъкидла. Мақсадлар муштарақлиги новаторликка қарши бўлмайди.

54-САБОҚ Нимани тўғри деб ҳисобласанг ўшани қил

Коррупциялашган арбоблар ўз рақиблари меҳнати натижаларига эга чиқиш учун барча эзгуликларни ўзлариники қилиб олишларига изн беришни яхши ўрганиб олишди.

The Outlook, 1895 йил 21 декабрь

Теодор Рузвельт Нью-Йорк полициясини бошқарган пайтлари ўтказилаётган тараққийпарвар новаторлик ислохотларини баён қилган мақоласини эълон қилди. Бу ислохотлар ниманинг тўғри-нотўғрилигини аниқлашни мақсад қилмаганди. Тўғри-нотўғрилик – новаторлик усуллари эмас. Комиссар Рузвельт янги қоидаларни ўрнатмоқчи ҳам эмасди. У қонун ва қоидалар шундоғам тиқилиб ётибди, дея ҳисобларди. У бошқа нарсани қилди. Рузвельт тўғрини қўллайдиган ва нотўғрини босиб турадиган қонунларга қатъий риоя қилинишига эришди. Шаҳар бошқаруви муассасаларида коррупция шу қадар чуқур илдиз отиб кетгандики, улар табиийдек туюла бошлаганди.

Рузвельт худди «коррупциялашган тўралар» ўз кирдикорларига қанчалар берилиб кетишгани каби ўзи ҳам эзгулик йўлидаги ишларига ана шундай ғайрат билан киришди. Тўғри ва нотўғри – то кимдир уларга ўз қарори

ва ҳаракатлари билан куч бағишламас экан, шунчаки қуруқ сўзлар бўлиб қолаверади.

Ахлоқ – бу бизнеснинг, у кинетикка айлангунича уни ҳар қандай қабул қилаётган қароринг ва ҳар қандай таклиф қилинаётган ташаббусга қўлай бошлаган пайтингдаги потенциал сиёсатидир. Агар ахлоқий бизнесни киритмоқчи бўлсанг, нимани тўғри деб ҳисобласанг ўшани қил. Ахлоқни самарали қил.

55-САБОҚ Ўта фаол танлов қил

Агар зобитнинг инстинкти кризисга тайёргарлик кўришни шипшиётган бўлса... уруш пайтида унга ишониш мумкин.

Рузвельтнинг командор Жорж Дьюига берган баҳоси ҳақида, «Теодор Рузвельтнинг юксалиши»,
1979 йил

Теодор Рузвельт 1897 йилда ҳарбий-денгиз флоти вазири ёрдамчиси бўлди, яъни вазирга бўйсинувчи ходимга айланди. Аммо бу лавозимдаги Жон Д. Лонг тез орада ўз ёрдамчисининг интеллекти ва чексиз ғайратини англаб, унга кўпроқ эркинлик берди.

Айнан Рузвельт кутилаётган низо – испан-америка урушига флотни тайёрлаш бўйича қарорларнинг кўпини қабул қилди.

У флотнинг катта зобитлари рўйхатини ўрганди ва командор Жорж Дьюини ажратиб олди. 1891 йили Чилида бўҳрон юз бериши кутилаётган пайти нархлар кўтарилишини олдиндан сезган Дьюи флот штабидан тегишли кўрсатма келишини кутиб ўтирмай кемаси учун ўз ҳисобидан кўмир сотиб олганди. Командорнинг

Ўта фаол ички сезгиси вазир ёрдамчисида таассурот уйғотди ва бошқа катта зобитлар қолиб, айнан уни Испания билан уруш арафасида америка флотига қўмондонликка қўйилишини талаб қилди.

Ўта фаол лидерлик новаторона қарорлар қабул қилишни талаб қилади. Воқеаларни олдиндан сез ва то булар катта эҳтиёжга айланмасидан бурун ҳаракат қил. Инновациялар (маблағ жойлаштириш) учун кризислар ёки янги имкониятлар пайдо бўлиши арафасидан кўра қулай пайтлар бўлмайди.

55-САБОҚ Салафинг соясидан чиқ

Эшли Уилкокс: «Сиз вазирлар маҳкамаси тавсия қилганидек ҳаракат қилиш яхшироқ деб ўйламайсизми?»

Рузвельт: «Йўқ. Бу ундан бадтар».

Суҳбатдан, 1901 йил 14 сентябрь

Вице-президент Рузвельт бир неча кун бурун анархист-қотил томонидан ярадор қилинган президент Уильям Мак-Кинли вафот этганини эшитгач, таътилини ўтказаяётган Марси тоғларидан тушиб, поездга ўтирганча Буффало штатини бор бўйига кесиб ўтди. Вокзалда уни кадрдон дўсти Эшли Уилкокс кутиб олди. У Рузвельтни Дэлавэр-авенюдаги 641-уйига тушликка таклиф қилди. Рузвельт у ердан Мак-Кинли жасади сақланаётган Милберн-Хаусга ўтиши керак эди.

Тушлик пайти суҳбат Рузвельтнинг қасамёд қабул қилиши устида борди. Вице-президент «Шу ерда!» – дея катъий туриб олди.

Уилкокснинг айтишича, вазирлар маҳкамаси қасамёдни Милберн-Хаусда, Мак-Кинли жасади жой-

лаштирилган хона остидаги залда ўтказишга қарор қилганди. Уилкокс одатий саволни берди: «Сиз вазирлар маҳкамаси тавсия қилганидек ҳаракат қилиш яхшироқ деб ўйламайсизми?» Меҳмон кесиб ташлади: «Йўқ. Бу унданам бадтарроқ».

Бу суҳбатда икки ўрин диққатга сазовор.

Биринчидан, Рузвельт аллақачон бошқаришни руҳан қабул қилиб бўлганди. У вазирлар маҳкамасининг марҳум президент васият қилганидек қабул қилган қарорини рад этиб, ўзининг букилмас иродасини намойиш қилди.

Иккинчидан, иродасини бундай ўтказиш шунчаки нафсоният талашидан келиб чиқмаганди. Тантанани бошқа жойда ўтказиш учун Рузвельтнинг бир қатор асослари бўлган. Булар ҳақида у айтмаган бўлсаям, уларни англаб олиш қийин эмас. Унга мамлакатнинг янги президенти айнан аввалгисининг жасади остида қасамёд қилиши ёқмаётганди.

Бундай тантана кўнгилсизлик ёки ҳатто ёмонлик аломати бўлиши ҳам мумкин. Рамзий маънода эса бундай қасамёд янги президентни марҳум салафининг таъсирида қолишини англатишиям мумкин эди. Рузвельт бутун миллат қотилликдан гангиб қолган бир пайтда ворислик жуда муҳимлигини тушунарди. Аммо лидер ўзини марҳумнинг соясида қолиб кетишига изн берса, чинакам лидерга айлана олмайди. Албатта, тантана Рузвельт истаган жойда бўлиб ўтди.

Ўз лидерлик майдонингни сақлаб қол. Бунинг учун ҳамма нарсани тубдан ўзгартириш шартмас. Кўпинча бошқарув бир қўлдан бошқасига ўтар экан, ворислик туйғуси сақланиб қолади. Аммо бу туйғу сенинг фойдали янгиланишларга бўлган интилишларингни чеклаб қўймаслиги керак. Ушбу ўзгаришлар

фақатгина ўзгаришлар қилиниши кераклиги учунгина эмаслигини ходимларга уқтир. Бироқ ўзингни ўлик ўтмишга ботиб қолишга мажбур эмаслигингни унутма.

Қадам қўяркан, олға интил. Ўтмиш сенга раҳнамолик қилади, аммо сен зудлик билан марҳумнинг соясидан чиқиб ол.

57-САБОҚ Ўз йўлингдан юр

Жаноб Рузвельт ҳаммасини илкида тутиб турибди, бунини вазмин ва босим ўтказмай амалга оширмақда. У жуда кўп ва мутлоқ янги ишларни қилди.

Лондоннинг Times идан олинган иқтибос,
1902 йил 17 октябрь

Ҳамма президент Рузвельтнинг 1902 йилда кончилар иш ташлашига аралашганини юксак баҳолади (қаранг: 123-сабоқ «Ўз подангни ҳамоя қил»). Унинг шарофати билан аёзли қишда «кўмир очлиги» хавфи олди олинди ва ишчилар ҳамда кон эгалари орасида муносиб мурасага келинди. Энг кўп кўмир ишлатадиган темир йўл компанияси Жорж Баэр (кўмир нархи озгина кўтарилгани сабабли) Рузвельтни эркин бозор механизмига аралашуви ижтимоий можаро келтириб чиқаргани учун танқид қилди. Жорж Баэр президентнинг қадрдон дўсти Оуэн Уистердан сўради: «Дўстинг калласи билан ўйлайдими?» Уистер бироз жим қолди, кейин эса вазмин жавоб қайтарди: «Одатда у калласи билан ҳаракат қилади».

Аслида, Рузвельт ҳал қилиб бўлмайдиган ва ҳалокатли хавфли меҳнат низосини новаторона фикрлар ҳамда

ҳаракатлар билан муваффақиятли тарзда ҳал қилишни уддалади. У мамлакатнинг собиқ лидеридан қолган эски фикрлар ва ҳаракатлар меҳнат ва капитал орасидаги муносабатлар доирасига тўғри келмаслиги, муаммони муваффақиятли ҳал қилолмаслигини англади. «Жуда катта ва мутлоқ янгича иш» – англиялик журналистлар президентнинг воситачилик ишини мана шундай баҳолашди. Мақолада қуйидагилар ёзилганди: «Биз фақат кончилар иш ташлаши тугагини эмас, шу билан бирга самарали ҳукуматнинг ўзи учун янгича бўлган фаолият соҳасида қатъий аралашувини ҳам кўрдик».

Теодор Рузвельт вақт синовидан ўтган корхона эгалари ва ишчилар қарама-қаршилиги тизимида бирортаси томонида бўлмади. У учинчи тараф – халқ манфаатларини ҳимоя қилишни афзал кўрди.

Кимдир сени ўйлашга, бошқаси эса ҳаракатга ундаса, сен ўз йўлингни – новаторлик йўлини танла.

58-САБОҚ

Эскини эплама – алмаштир

Ж. П. Морган: «Агар биз бирор нарсани нотўғри қилган бўлсак, одамларингизни жўнатинг, бизникилар биргаликда тузатишади».

Рузвельт: «Бун тўғрилашнинг иложи йўқ».

Ж. П. Морган, бош прокурор Фландер Нокс ва президент Теодор Рузвельт учрашуви,
1902 йил 22 февраль

1902 йил бошида темир йўл магнатлари Эдвард Г. Гарриман, Жеймс Ж. Хилл ва нефть магнати Жон.Ж. Рокфеллер молиячи Жон Пирпонт Морган билан бирлашишди ва Northern Securities Company компаниясини тузишди.

Бу улкан трест (ўша пайтларда савдо монополияларини бундай аташарди) назорати остида Тинч океани темир йўллари, Катта шимол темир йўллари, Берлингтон темир йўллари ва бир қатор майда темир йўл компаниялари мавжуд эди.

Теодор Рузвельт рақобатни бартараф этувчи бундай монополия жамият манфаатларига зарар келтиради, дея қарор қилди. У бош прокурор Филандер Ноксга шу пайтгача амалда қўлланмаган 1890 йилги трестларга қарши Шерман қонуни бўйича даъво кўзғашни буюрди.

Рузвельт ишни ютиб чиқишни кўзлабгина қолмай, келгусида янги трестлар вужудга келмаслиги, мавжудларини йўқ қилишга сабаб бўладиган прецедент пайдо қилишни ният қилганди.

У истеъмолчилар, ходимларга нисбатан адолатсиз трестларнинг мавжудлигини олигархияга оид ва капиталистик демократия тамойилларига мос келмайди, дея ҳисобларди. Бундай трестлар маҳаллий ва марказий ҳокимият вакиллари пора билан сотиб олиш эвазига билганича иш юритиб, халқни қийин аҳволга соларди.

1902 йил феврида Ж.П. Морган президент ва бош прокурор билан учрашганида, президент унинг йўл қўйилган хатони «тузатиш»га доир таклифини қатъий рад қилганидан ғоят ҳайратга тушди.

Морган Рузвельтдан нима учун имкониятдан фойдаланиш ва Шимолий компания низомидаги «хатоларни» тўғрилашни хоҳламаслигини сўради.

«Айнан мана шуни қилмоқчи эмасмиз», – жавоб берди президент.

«Биз тўғрилашни истамаймиз, – тушунтирди Нокс. – Биз бунга нуқта қўймоқчимиз».

Кейинчалик, ҳоли қолишганида, Рузвельт Ноксга

шунчаки Морган ўзи тузган трест демократик жамиятга ётлигини ва моҳиятига кўра ноқонуний эканини тushунмаган, деб айтди. Рузвельтнинг таъбирича, Морган Қўшма Штатлар президентини шунчаки келишиб олса бўладиган «рақобатчи» ўрнида кўрган.

Агар Рузвельт салгина бўлсаям ён берганида Морган кўзлаган ниятини қўлдан чиқармаган бўларди. Рузвельт ва Нокс Шимолий компания низомини «тўғрилаш» таклифини рад этиш борасида мутлоқ ҳақ эдилар. Президент буюк ғалабани қўлга киритди – бунинг учун Шимолий компанияни йўқ қилишга тўғри келди.

Бизнес ҳам сиёсат каби муроса санъатидир. Аммо муроса бир қанча мақсадлар ва интилишларга зомин бўлиши ҳам мумкин.

Агар таклиф, ғоя, дастур ёки тизим алмаштиришга муҳтож бўлса, уни таъмирлашга уринма. Йирик, ҳақиқатан зарур ўзгаришларни амалга ошир.

Нақд натижани қўлдан чиқармаслик учун кичик, оддий ва қулай нарсалар билан қаноатланма.

Керак бўлса муросага бор. Керак жойида эса қатъият кўрсат.

59-САБОҚ

Бизнесни ривожлантир, одамларни ривожлантир

Кўрқоқнинг қўлига энг яхши қуролни бериб қўйсанг ҳам калтак тутган ботирдан енгилади.

Канзас-Ситидаги нутқ, Миссури,
1903 йил 1 май

Теодор Рузвельт тарихчилар «америка асри» дея атаган аср тонггида президент бўлди. Бу аср америка таъ-

сири ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, айниқса – технологияларда ишонарли устунлик қилгани билан эсда қолган.

Теодор Рузвельт ҳамisha техник ривожланиш тарафдори эди. Аммо саноат ютуқларининг ақлга сиғмайдиган даражада ошиб боришига қарамасдан, у ҳар қандай аҳамиятли корхона учун темир машина кучи одам машинаси кучининг олдида ҳеч нарса эмас, дея ҳисобларди.

Агар инсоннинг жасур онги бошқармаса, энг қудратли технология ҳам бемаънидир. Рузвельт замонасидаги Америкада «одамнинг машина билан беллашуви» ҳақида кўп гапиришарди. Президент эса буни сираям беллашув демасди. Инсониятга, у қатнашишга муносиб ҳар қандай пойгада музаффар бўлиш азалдан тақдиридан белгиланган.

Ўз корxonангни энг яхши технологиялар билан таъминла. Бу жуда муҳим. Аммо ҳар қандай технологиянинг имконияти уни ишлатаётган одамнинг компетенцияси билан чеклангани ёдингда турсин.

60-САБОҚ

Орзу эт ва бажар

Юлдузларга тикил, аммо оёғинг ерда маҳкам турсин.

Гронтон мактабидаги нутқ, Гронтон, Массачусетс
1904 йил 24 май

Лидерликка мансуб кенг тарқалган янглишишлардан бири – амбиционизм ва идеализмнинг амалиётда бири-бирига мослашолмаслигидир. Теодор Рузвельтнинг ўзи ҳатто ички ислохотлар ва Американинг ташқи сиёсат борасидаги *тасаввурлари* қаршиликларга учраганида ҳам жон борича *ҳаракат қиларкан*, бундай ёлғон дихотомияни рад этарди. Гронтон ўқувчиларига у буюклик

ҳақида орзуга берилиш билан бирга амалий воқеликни ҳам унутмасликни маслаҳат берди. Шунақа бўлиши мумкинми? Ёзувчилар, рассомлар ва мусиқачилар буни ҳар куни қиладилар. Уларнинг келажак тасаввурлари сўзлар ва маънолар, бўёқлар ва пигментлар, оҳанглар ва жанрларни теран билишга асосланади. Меъмор физика, ашёшунослик ва муҳандислик ишларига доир билимларига таяниб орзусидаги уйларни барпо этади. Олимлар мўъжизадек нарсаларни ихтиро қилишади – бунда уларга табиат ва математик қонунлар ёрдам беради. Рузвельт буюкликка йўл ердан бошланиб юлдузларга интилади, дея ҳисобларди. «Буюк миллатлар ҳамда буюк инсонлар, – деган эди у 1905 йили Массачусетсдаги Вустерда сўзлаган нутқида, – фақат ишларидамас, орзуларида ҳам буюк бўлишлари шарт.»

Инсоният яралганидан бери дунёда пайдо бўлган барча нарса фикрлардан, тасаввур ва орзулардан бошланган.

Гарчи орзулар моддий бўлмаса-да, барча моддий ва қадрли нарсалар улардан бошланади.

61-САБОҚ

Идеалларни воқеликда текшир

Агар сизнинг идеалингиз уйда яхшию, ташқаридаги ҳаётга тўғри келмаса, уни яхшилаб текширинг, таҳлил қилинг ва ташлаб юборинг.

Гронтон мактабидаги нутқ, Гронтон, Массачусетс
1904 йил 24 май

«Агар одамда идеалига садоқат бўлмаса, – деб ёзди Рузвельт 1900 йил 24 майда The Outlook журна-лига, – бундай кишидан фойда йўқ. Аммо бу одам ўз

идеалини амалга оширишга интилмаसा ҳам фойдасиздир». Орадан тўрт йил ўтиб, бу фикрини Гронтон мактаби ўқувчиларига янада ёрқинроқ таъкидлаб ўтади. У ўқувчиларни идеализмдан воз кечишга чақирмади, ўз идеалларини амалда синаб кўришни таклиф қилди. Идеаллар ўз-ўзича бефойда. Уларнинг қадрини жамият фаровонлигига қаратилган ҳаракатлар билан исботлаш мумкин.

Биринчидан, идеалист бўлиш керак. Иккинчидан, идеализмни воқелик билан, воқеликни эса идеализм билан тўлдириш керак. Сен ўзинг бошқараётган компаниядан, бўлимдан, гуруҳдан бошла.

62-САБОҚ Янги ечимлар топ

Нобель мукофоти мени анча ҳайратлантирди.

Ўғли Кермитга мактубидан,
1906 йил 5 декабрь

1904 йилнинг бошида Россия ва Япония орасида Манжурия ва Курияда устунликка эга бўлиш учун уруш бошланди. Бу қонли жанглардан дунё ларзага тушди – уруш ва касалликлар оқибатида 130 минг рус ва япон аскарлари ҳамда 20 мингга яқин хитойлик аҳоли ҳалок бўлди. Президент Рузвельт икки миллат бир-бирини қираётган пайти тинчгина ухлай олмади. 1905 йил ёзида у ҳар икки томон вакилларини Американинг Нью-Хэмпширидаги кичкина Портсмут шаҳарчасида учрашишга кўндирди. Америка президенти воситачилиги шарофати билан 1905 йил 5 августда бошланган музокоралар бир ойдан кейин шафқатсиз урушга нуқта қўйган Портсмут шартномаси билан ниҳоясига етди. Кейинги йили Нобель

мукофоти қўмитаси Америка президентини тинчлик бўйича Нобель мукофотига лойиқ топди.

Бу ҳақда билгач, Рузвельт ўғли Кермитга бундан «бироз ҳайратга тушгани» ва «бундай катта – қирқ минг долларлик пулни» қандай сарфлашни билмай тургани ҳақида ёзди. У, шунингдек, «болаларга керакли бу пулдан воз кечишни истамаслигини» ҳам ёзганди. Аммо шунга қарамай, президент бўлгани туфайли «икки давлат орасида тинчликка эришишда иштирок этолгани учун ҳам» бу пулни «ололмаслигини» баён қилганди. Рузвельт давом этади: «Тинчликка эришилгани учун пулни олиш худди чўкаётган одамни қутқаргани ёки урушда жасорат кўрсатгани учун пул талаб қилишга ўхшаб қолади».

Рузвельтга бу мукофотнинг асл табиати очилмагунча танлаш борасида мулоҳазалардан тўхтамади. У новаторона ечим топди ва ахлоқий тамойилларни рад этмаган ҳолда мукофотни қабул қилди.

1906 йил 10 декабрда у Норвегия ташқи ишлар вазири – Нобель қўмитаси раисига телеграмма йўллади: «Мен президенти бўлган давлатнинг вакили сифатидагина муваффақият қозондим. Узоқ мулоҳазалардан кейин мукофот маблағининг сарф этилишига доир энг яхши қарорга келдим – бу Вашингтонда доимий Тинчлик қўмитаси таъсис этишдир» Рузвельтнинг янгилиги Нобель мукофотининг моҳиятида ётган халқлар орасида тинчликка эришиш мақсади билан ўзининг «саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар ва капиталистлардан иборат америка халқи орасида яхши ва бир мунча адолатли муносабатлар ўрнатиш» мақсадларининг ўхшашлигида эди. Рузвельт мана шу ҳолда «мукофот асосчисининг мақсадини рўёбга чиқара олади; зеро айна дамда нафақат миллатлар оламида, шу

билан бирга ишлаб чиқариш дунёсида ҳам адолатли ва эзгу тинчликка эришиш жуда муҳимдир».

Имконият бебаҳодир. Ҳеч қачон уни қўллаш усулларини, уларни ўйлаб топишга тўғри келганида ҳам излашдан тўхтама.

63-САБОҚ

Ўз устингда ишла

Оғир феълимни қаттиқ назоратда тутганча соғлигимни яхши сақладим.

1917 йилда дўстига айтган. Герман Хайгдорннинг «Рузвельтнинг Сагамор-Хиллдаги оиласи» китобидан келтирилмоқда, 1954 йил

Теодор Рузвельт жуда қизиқувчан одам эди ва кўпинча ўзини ушлаб тура олмасди. У тез-тез қиш мавсумида Рок-Крик хиёбонидаги ховузда яланғоч чўмиларди. Уни кўпинча Оқ уйдаги дарахтларга тармашиб чиқаётганини кўриш мумкин эди. (Буни у яхши гимнастика, дея ҳисобларди.) Оқ уйда профессионал боксчи билан шуғулланарди. Кейин эса жиу-житсу устасини таклиф қилиб, бу кураш турини эгаллашга киришди.

Бунчалар жонбозлик ва серғайратлик билан бирга у жиззаки феълга ҳам эга эди. Дўстлари уни доим жанжалларга дучор бўлишига ишонишарди.

Рузвельтнинг ўзи ҳам бундай феълени тан олар, аммо ўзини қўлда тутишга ҳаракат қиларди. У ўзини яхши билар ва агар феълени тизгинлаб турмаса, ҳеч нарсага эриша олмаслигини англади. Рузвельт доимий равишда ўз-ўзи билан курашиб келди ва феълдан худди паровоз кўмири, сув ва оловдан фойдалангани каби фойдаланиш-

га ҳаракат қиларди. Тинчимас феълени у олға ҳаракат қилишида қувватли двигатель сифатида ишлатарди.

Қандай фазилатлар, қизиқишлар ва иқтидорлар билан туғилишингни танлай олмайсан. Аммо Тедди Рузвельт ибратидан ўрганишинг мумкин.

Ўз сифатларингни таҳлил қил. Кейин уларни қандай қилиб самарали ишлатиш устида бош қотир.

64-САБОҚ

Ўз ғояларингни олға сур

Миллий самарадорлик... бу табиат муҳофазасини кенг тарғиб қилишдир.

«Янги миллатчилик», Осаватомидаги нутқ
Канзас, 1910 йил 31 август

Рузвельт даврида табиатни асраш масалаларини ечиш хозиргига қараганда анча қийин эди. XX аср бошларида табиатни асраш концепцияси Америка фуқароларига унча таниш эмасди ва у кундалик эҳтиёжлар ҳамда истаклардан жуда олисдаги нарсадек туюларди. Рузвельт бу ғояни ҳар хил усулда «сотарди». Канзасдаги қишлоқ аҳлига бунинг самарадорлигини айттарди – бу тушунарли эди, тўғри дейишарди ва оммавий тарзда завқланишарди. У табиат захираларини ҳимоялаш уларни беҳуда сарфлардан асрашига урғу берарди. Шундан келиб чиққан ҳолда табиатни асраш – самарали бўлишни истаган ҳар қандай иқтисоднинг асосий компоненти-дир.

Ҳа, Рузвельт анчагина орзуманд инсон эди. Аммо шу билан бирга уста сиёсатчи ҳам бўлиб, ўз ғояларини атрофдагиларга етказа оларди. У шундай тарзда гапирардики, тингловчилар тушунибгина қолмай, унинг ғояларини ўз

манфаатлари йўлида қўллашни истаб қолишарди. У нотаниш концепцияларни қизиқмайдиган фуқароларга тиқиштиришни истамасди. Теодор Рузвельт ўз новаторлик ғояларини таниқли, истаб қолинадиган ҳамда жалб қилувчи ҳолга келтирарди. У хайр-эҳсонгарчиликка эмас, соғлом ақлга ва шахсий манфаатларга мурожаат қиларди.

Ўз ғояларингни, худди маҳсулот сингари олға сур.
Ўзингни жалб қилмайдиган нарсани сотма. Харидорни жалб қиладиган устунликларни сот. Ишонтирадиган сўзларни топ, нотанишни танишга, ноаённи аёнликка айлантир.

**РАҲБАР
БЎЛИБ ЯША**



65-САБОҚ Ўзингга эътибор бер

Дафъатан кўзларимиз... хонага кирган ёш йигитга михланиб қолди.

Нью-Йорк Қонунчилик мажлиси аъзоси Жон Уолшнинг Рузвельт йиғин залида пайдо бўлишига оид хотиралари, 1882 йил

Солномачи Эдмунд Моррис Олбаниядаги Конунчилик мажлиси залида ҳозиргина сайланган Теодор Рузвельтнинг пайдо бўлганини эслайдиган кишилар билан суҳбатлашди. Уларнинг бари «хонага қатъийлик билан кирган ва ўзини кўриб олишлари учун бир дақиқага тўхтаган – бундай актёрларга хос усул тезда одатга айланди – ёш йигитга ҳамма кўз тикиб қолди». Ҳар қандай актёр каби, ёш Рузвельт ўз костюмига жиддий эътибор берарди. «У қулоғининг ортига ўтиб кетган тилла занжирчали монокль тақар, – хотирлайди Қонунчилик мажлиси аъзоси Уолш, – унинг эгнида энг тепасида битта тугмали, этаги ботинкасигача тушиб турадиган плаш бор эди. Бир қўлида тилла тутқичли ҳасса, бошқа қўлида эса – цилиндр-қалпоқ. У ўша даврдаги барча ёшлар қатори сал олдинга энгашиб юрарди».

Тажрибали актёрлар ва туғма лидерларнинг умумий тарафи кўп. Улар эътиборни ўзига қаратишни билишади. Уларни тез пайқайдилар. Уларнинг мавжудлиги ҳис қиларли бўлади. Улар вазиятни ўзларига бўйсиндириб олишади. Кириш ва бошқалар диққатини ўзига михлаб олиш – катта ютуқ, аммо катта маъсулият ҳам. Агар бунга эриша олсанг, сени эшитишларига имкон туғилади. Агар айтишга арзирли гапинг бўлса – бу жуда ажойиб.

66-САБОҚ Энг яхши жойни эгалла

...Тедди отилиб кирди... худди уни биров орқасидан итариб юборгандек эди.

Нью-Йорк Қонунчилик мажлиси аъзоси Айзек Хантнинг кундалигидаги қайд, Эдмунд Морриснинг «Теодор Рузвельтнинг юксалиши» китобидан, 1979 йил

Қонунчилик мажлисига ҳозиргина сайланган Теодор Рузвельт биринчи республика сайловларига худди жангларда кўзи пишиб кетган фахрийлар орасига тушиб қолган думбул аскардек эмас, қамал қилинган қалъага ирғитилган оғир тошдек отилиб кирди.

Залга отилиб кирганидан кейин у камтарона тарзда бир четга ўтмасдан, залдаги энг яхши жой – мажлис расисининг рўпарасидаги ўринга бориб шундай ўтирдикки, ҳамма унинг бенуқсон кечки костюмини кўра оларди.

Хант кундалигида бундай «нью-йорклик олифта» пайдо бўлгани залда кулги қўзғганини қайд этади. Аммо Рузвельт нутқ учун кўтарилганидан кейин «унинг сўзлари диққатимизни ўзига миҳлаб олди, зеро бу жумлалардан катта қудрат ёғиларди».

Ўзига хос нозик услубнинг аҳамиятини камситиш керакмас. Услуб оломоннинг диққатини ўзига тортади. Аммо кўздан кейин қулоққа ҳам навбат келади ва улар сендан кийимингга яраша гап кутишади.

Агар айтадиган арзирли гапинг бўлмаса, дўкондаги қўғирчоқдан фарқинг қолмайди ва оломоннинг ҳафсаласи пир бўлади.

67-САБОҚ Ҳаяжонни енг

Тез чопаётган чавандознинг ортидан омадсизликлар этишолмайди.

«Ранчодаги ҳаёт ва овчи сўқмоқлари»,
1899 йил

Теодор Рузвельт тушкунлик, хавотир ва нотинчликдан кафолатланмаганди. 1884 йил 15 февралда қизи Элис туғилганидан икки кун ўтиб, унинг биринчи рафиқаси Элис Хэтуэй вафот этди. Онаси ҳам шу куни ҳаётдан кўз юмди. Ўша куни у кундалигига иккита катта қора чизиқ тортди ва тагига шундай ёзди: «Менинг ҳаётимдан ёруғлик кетди».

Вақт ўтиши билан Теодор қайғуни енга олди ва бунга улкан оғир меҳнат ўз хиссасини қўшди. У ҳамиша отни шундай чоптириш керакки, омадсизликлар чангингда қолиб кетсин, дея таъкидларди.

Қонунчилик қарорлари ҳар қандай одамнинг юрагига хавотир ва нотинчлик солиши мумкин. Аммо Теодор Рузвельт бу туйғуларга худди ўзининг шахсий аламзадалигига қарагандек қарарди. У ҳаракат қилишдан олдин обдон ўйлаб оларди. Қарор қабул қилиб бўлгач эса шу заҳоти ижрочи отларга қамчи босарди. Рузвельт қабул қилинган қарорни ўйламасди. Уни бажарарди.

Қарор ижросини қабул қилиш жараёнидан аниқ ва қатъий ажратиб ташла. Жиддий муаммонинг ечими машаққатлар, эҳтимол қийналишлар ва номаълумликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қарор қабул қилиш босқичларининг алмашуви худди маятник тебранишига ўхшайди. Аммо қарорнинг ижро жараёни – бу навбатли жараён бўлиб, ҳеч нарса

ҳаракатнинг кинетик қувватини ютиб юбормаслиги шарт. Одамлар қатъийлик деб атайдиган нарса аслида ижро самарадорлиги ҳисобланади.

68-САБОҚ Шахснимас, ахлоқни баҳола

Сен бир одамда кўрган сифатларни риёкорларча қоралаб, буларни бошқа бировда кўриб жим қолишинг нимаси? Ё ахлоқни танла, ё шахсни.

Кембриждаги нутқ, Массачусетс
1899 йил 11 март

Тедди Рузвельт ўзини қандай кишилар қойил қолдиришини сир тутмасди. Унга ҳаётсевар, очиқ кўнгилли ёрқин шахслар ёқарди. У оқилликни, эътиборлиликни, қизиқишлар ранг-баранглигини, кузатувчанликни, одамохунликни кадрларди. Рузвельтни истараси иссиқлиги ва садоқатли дўст эканини эслашар, ўзининг ҳам дўстлари кўп эди.

Бироқ қатъий ҳаракатланиш они келганида, у шахсий хайрихоҳлиги, иштиёқи ёки уларнинг йўқлигига қараб ўтирмасди. У ҳамиша шахсни эмас, тамойиллар ҳаракатини ўзида жамлаган ахлоқни кадрларди. Бу эса уни риёкорлик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликдан сақлаб қоларди. У ғоятда совуққондек кўриниши мумкин эди, аммо уни доим адолатли, дея ҳисоблашарди.

Шахсларни эмас, ахлоқни баҳола. Холис бўл. Натижаларга қара, иштиёқларгамас. Дўстлик ва ёвликни унутиб ҳаракатлар ва уларнинг оқибатларини ҳалол баҳола.

69-САБОҚ

Энг яхши замонларда яша

Жаҳон тарихида қувонч ва завқланиш учун имкониятлар бунчалар кўп ва мароқли давр бўлмаган.

«Миллий ҳаёт ва характер», Sewanee Review II,
1893–1894 йиллар

Британиялик тарихчи Чарльз Г. Пирсоннинг «Миллий ҳаёт ва характер: башорат» китоби 1894 йилда нашр этилганди. Муаллифнинг эҳтиёткорона, аммо ишончли бадбинлиги Теодор Рузвельтни мулоҳазакор, вазмин ва батафсил жавоб ёзишга мажбур қилди. Ўн минг сўзли мақола Sewanee Review журналида босилиб чиқди. Пирсон билан баҳслашаркан, Рузвельт айти замонни бахтиёр ва фаровон дея ҳисобламади. У ҳеч қачон саноксиз муаммолардан кўз юммаганди. Аксинча, уларни бошқалардан кўра яхшироқ кўрарди. Аммо шу билан бирга уларни ҳал қилиш кераклиги туфайли ўзи ҳис қиладиган «дахшатли шодлик» ҳақида ёзди.

Унинг фикрича, миллат «қувонч ва завқланиш учун имкониятлар кўп ва мароқли даврда» яшамоқда.

Президент бундай замонда тўлақонли яшаш қарорига тўлиб-тошганди. Вольтернинг «Кандид» асаригаги ўлар даражада некбин Панглосдан фарқли ўлароқ, Рузвельт «бу олам энг яхшиси» дея исботлар келтириб ётмайди. У шунчаки айти дам яшаш учун энг қулайлигини баён қилади.

Қизиқиш, завқ, шодлиқ маълум бир давр ёки жой билан эмас, чекига тушган *айни* дам ва жойда тўлақонли яшашга шай турган инсон онги ва қалби билан боғлиқ.

«Миллий ҳаёт ва характер» муаллифи Чарльз Г. Пирсон ва унинг ҳаракатчан танқидчиси Теодор

Рузвельт орасидаги фарқ шундаки, Пирсон яхшироқ даврда туғилмаганидан афсусланса, Рузвельт энг яхши даврда яшаётганини айтади.

Ҳар қандай вақт ва жой, ҳатто ҳар қандай шарт-шароитлар инсонга шодлик ва завқ, даромад олиш ҳамда қизиқарли ҳаёт учун сабаблар беради.

Фақат бу сабабларни топиш ва тадқиқ қилишга тайёр туриш керак. Аввало айнан сен саноксиз имкониятлар мавжуд энг яхши давр ва жойда яшаётганингни англаб ол.

70-САБОҚ

Тўрачиликни рад қил

Менга ҳат ёзиб ўтирманг. Уларни ўқишга вақтим йўқ.

Испан-америка уруши арафасида ҳарбий денгиз флоти вазирининг ўринбосари бўлмиш Рузвельт кема қурувчисига шундай дейди.

Қўшма Штатлар Испания билан Куба мустақиллиги учун урушга шайланаётганида ҳарбий-денгиз флоти вазири ўринбосари Рузвельт тезда ҳарбий крейсерларга айлантиришга мос келадиган савдо кемаларини харид қилиш билан банд эди. Кема қурувчи Чарльз Р. Флинт Рузвельтга қўнғироқ қилиб, Бразилия кемаси бўлмиш «Никтерой»ни сотиб олишни таклиф қилди. Флинт энди гапга оғиз очаётганда, Рузвельт уни бўлиб ташлади. Рузвельт бу кемани билиши ва масалани ўрганиб чиққанини айтди. Кейин Флинтга битта савол берди: «Нархи қанча?» У жавоб қайтарди: «Беш юз минг доллар». Рузвельт шу ондаёқ деди: «Сотиб оламан». Флинт битим шартлари бўйича хат ёзишини айтди. Аммо Рузвельтга хат эмас, кемалар керак эди.

Битимни эса Рузвельт иш охирига етказилганида ёзди. Флинт бу шартномани ҳаётидаги «энг қисқа ҳамда энг оқилона тузилган» дея таъкидлади: «Кема кўрсатилган жой ва вақтда ўз ҳаракати билан етказиб келиниши шарт.» Шу, тамом.

Флинт ёзади: «У биттагина жумла билан бир неча вараққа жо бўладиган изоҳлар ва баёнларни четга суриб қўйди. Керакли жой ва вақтга етиб келиши, кеманинг ҳолати яхши бўлиши шарт».

Рузвельт тўрачилик сансалорлигини қисқартирибгина қолмай, улар билан ишлашни йиғиштириб қўя қолди. Қатъий ва тўғри ҳаракат қилиб бунга эришди ҳам. У савдо жараёнини битта жумлагача сиқиб қўйди.

У шартнома ҳимоясини сўзда эмас, барча керакли кафолатларни келтирганча таъминлади. У мураккаб ваъдалар ва шартларни ёзиб ўтирмади – кеманинг ҳолатини аниқлаш учун етказиб келиш вақтини белгилади. Рузвельтга ваъдалар эмас, натижа керак эди.

Америкалик тарихчи ва дипломат Генри Адамс президент Рузвельтга баҳо бераркан, «ҳаракатдан иборат» дея атайди. Бу энг аниқ, соф таъриф. Теодор Рузвельт иш ва сўз орасидаги одатдаги жарликни йўқотди. У оралиқ қадамлар ва бўшлиқлардан ҳоли, фикрни тўғридан-тўғри ҳаракатга айлантирувчи ажойиб усулларни топди. Маъмур сифатида у бугунги кунда ҳам ўрганишга арзийдиган самарадорлик намунасини яратди.

71-САБОҚ

Омадсизликни имкониятдек қабул қил

*Омадсизлик оғир. Аммо муваффақиятга эришишга
сираям уринмаслик яна-да даҳшатлироқ!*

Чикагодаги нутқ, 1899 йил 10 апрель

Бутун умр бўйи, шу қаторда президентлик давридаям Теодор Рузвельт аниқ мақсадлар қўяр, кейин эса уларга эришиш учун бор кучини сарфларди. Аммо у ҳамиша натижалардан кўра интилишларга кўпроқ урғу берарди.

Мақсадни ҳаётга татбиқ қилиш биринчи ва охириги маротаба тасдиқланган ютуқ эди. Интилиш эса – ҳаёт тимсоли. Интилишнинг ниҳояси йўқ, шунинг учун бениҳоя бебаҳо.

Баъзи одамларга мақсад зарур, айримларни эса у қўрқитади. Кимдир мақсадни муваффақият ваъдасидек кўради, кимдир эса омадсизлик имконидек. Биринчи ҳолатда ходимлар натижа учун курашга иштиёқли. Иккинчисида – компания ривожланиши секинлашади. Мутлоқо аниқ, қизил чизик билан мақсадни, унга эришиш шартларини белгилаб қўй. Бу йўлда машаққатлар борлигидан ходимлар хабардорлигини текшириб тур. Улар машаққатларни енгиб ўтишлари учун қўлингдан келганини қил. Омадсизликни ҳалокатдек кўрма. Мақсадга етишдан кўра унга барчанинг – ҳар бир одамнинг интилиши муҳимроқ. Бу интилиш – компаниянинг двигателидир. Усиз иш ўлади.

72-САБОҚ

Характерни ҳаммасидан юксак қадрла

Жисмоний куч – яхши, интеллект кучи – янада яхши, аммо ҳаммасидан ҳам қадрлиси характер кучидир.

«Характер ва муваффақият», The Outlook,
1900 йил 31 март

Иллинойс штати, Гален шаҳрида 1900 йил 27 апрелда нутқ сўзлаётиб, Рузвельт пулдан, жисмоний кучдан

ва ҳатто интеллект кучидан ҳам муҳимроқ нарса ҳақида гапирди. «Миллат учун ҳам, киши учун ҳам, – таъкидлади у. – баридан муҳими характер кучидир».

Бир ойлар бурун у The Outlook журналида характер ҳақидаги машҳур мақоласини эълон қилганди. Бу сўзларни у умр бўйи қайта-қайта такрорлади. Аммо характер нима ўзи? Бошқа кўплаб асосий концепциялар каби унинг ҳам аниқ таърифи йўқ. Шунга қарамай, Теодор Рузвельт доимий тарзда ўз мазмунида интеллект, беғаразлик, жасорат, одамийлик ва қаноатни бирлаштирган ушбу тушунчага қайтаверарди.

The Outlook журналида у ёзади: «Буюк ҳаёт жангида на ёрқин интеллект, на чиниққан вужуд бизлар «характер» деб атайдиган, фаол ва сусткаш эзгуликлар ҳамда ахлоқий фазилатлар жамланмасидан иборат тушунчага тенг келолмайди».

Характер. Бу сўз Рузвельтни оҳанрабодек ўзига тортарди. Бу сўзда у кўплаб бошқа сўзларнинг уйғунлигини кўрарди. Рузвельт учун унда ҳалоллик, одамийлик, адолат ва оқиллик уйғунлашганди, буларни у 1903 йил 7 сентябрдаги Нью-Йорк кўрғазмасидаги нутқида яна тилга олди. У яна 1890 йилда North American Review журналида улар сирасига «ҳалоллик ва ростгўйликдан ташқари яна жасорат, қатъият ва мустақилликни» ҳам қўшганди.

Рузвельт йилдан-йилга характерни аниқловчиларни чархлаб борди. Унинг учун бу ҳаётга татбиқ қилиш керак бўлган асосий идеаллардан бири эди. «Агар одамда идеал бўлмаса ва бунга мос тарзда яшашга уринмаса, – деб ёзганди у 1915 йилда ўғли Кермитга (хатни Жозеф Баклин Бишоп «Теодор Рузвельт ва унинг даври» китобида келтиради), – у қандай муваффақиятларга эришган бўлмасин, қаҳрли, тубан ва жирканч мавжудотга айланиб қолади».

«Характер» – мураккаб ва кўпмаъноли тушунча. 1917 йилнинг январида Рузвельт Ladies Home Journal да характер инсонга ўз қалбининг хўжайини бўлишга имкон беради, «инсон то ўз қалбининг хўжайини бўлмас экан, унинг бошқа фазилатлари аҳамият касб этмайди», – дея ёзади.

Кўпинча бизнесда муваффақият қозониш учун оммабоп тил – пул тилида гаплашиш керак дейишади. Бундан бошқа тилларнинг фойдаси йўқ деган маъно келиб чиқади. Теодор Рузвельт бошқача фикрда эди. У айтардики, ягона аҳамиятли тил – пулга боғлиқ бўлмаган ва мезони йўқ бўлмиш характер ҳамда унинг таркибидаги номоддий фазилатлар ва қадриятлардир. Бир қарашда – бизнес шунчаки маҳсулотлар, хизматлар ва маблағларнинг мураккаб оқимидан бошқа нарса эмас. Аммо бу оқимни инсон, фақатгина инсон бошқаради.

Бизнес бизнес билан иш олиб бормайди. Одамларгина бир-бирлари билан мулоқот қилишади ва шартлашишади. Ҳар қандай ҳаракатнинг тагида эса характер ётади: унинг мавжудлиги, унинг йўқлиги, унинг мўллиги ёки унинг етишмаслиги.

73-САБОҚ **Жангга кириш**

Жангга кириш, ҳаракат қил, оқиллик билан иш кўр.

Собиқ «учқур чавандоз»га мурожаат,
1902 йил. Эдмунд Морриснинг «Теодор Рекс»
китобида келтирилади, 2001 йил.

Янги қонунларни қабул қилиш бўйича президент дастурини бажаришни истамаган 57-конгресснинг суст-

кашлигидан дарғазаб бўлган Рузвельт ўз норозилигини собиқ полкдошига тўкиб солди. «Жангга кириш, ҳаракат қил, оқиллик билан иш кўр, – деди у тутаққанча. – Ўз вақтингни беҳудага сарфлама. Бошқача бўл. Босавер!»

Ўша суҳбатда гап нима ҳақида борганини аниқ билмаймиз. Рузвельтнинг маслаҳати ўша фаҳрий учун фойдали бўлганми-йўқлигидан ҳам хабаримиз йўқ. Аммо шуниси аниқки, Рузвельт учун ҳамма вақт муҳими ҳаракат эди. Бирор ҳаракатга қўзғамайдиган мулоқотни у вақтни беҳуда сарфлаш, дея ҳисобларди ва бундай суҳбатдош унда қизиқиш уйғотмасди.

Бизнесдаги ҳар бир сўзинг сезиларли натижа беришга қаратилиши керак. Лидернинг ягона оқилона тадбири – ҳаракат ва ишлаб чиқаришни иштиёқлантиришга қаратилган суҳбатдир.

74-САБОҚ

Тараддуд чизиғини белгила

Мамлакатимизнинг намунали фуқаросининг бош фазилати – унинг ўз ишини бошлаш ва бажаришга бўлган лаёқатидир.

Нью-Йоркдаги нутқ, 1902 йил 11 ноябрь

Ўзининг қасамёд қабул қилиш нутқида президент Жон Ф. Кеннеди ҳар бир америкаликдан нималарни кутишини ҳайратлантирарли даражада аниқ айтди. «Мамлакатингиз, – деди у, – сиз учун нималар қилишини сўраманг. Сиз унинг учун нима қилиб бера олишингизни сўранг». Жумла қамчин зарбасидай эсда қоларли, шу билан бирга бамисоли президент оддий одамлардан кўп нарсани талаб қилаётгандек ҳадиксиратадиган. Эллик тўққиз йиллар олдин Теодор Рузвельт худди шу фикрни анчайин сокин, юпатувчан сўзларга ўраб айтганди. У

«ҳар бир фуқароси ўз ишини қилишга тайёр ва лаёқатли» бўлишини айтганди. Шу холос. Кўп ҳам, кам ҳам эмас.

Кўплаб раҳбарлар ва менежерлар ўз ташкилотлари аъзоларини иштиёқлантириш, ишонтириш ва «илҳомлантириш» устида бош қотиришади. Албатта, булар ҳар қандай лидер учун муҳим ишлардир. Аммо ҳар қандай кўтаринки иш ўртасидан ёки энг охиридан эмас, энг бошланғич нуқтасидан бошланиши лозим. Юксак сўзларни айтиш ва кутилмаган ютуқларни таклиф қилишдан олдин ҳар кимга тушунарли бўладиган старт чизигини ўтказиб олиш лозим. Ҳар бир ходим умум ишига ўз ҳиссасини кам-кўп демай қўшиши керак. Ҳар қандай пойга старт чизигидан бошланади. Уни чизиб қўй.

75-САБОҚ Вазиятдан фойдалан

Менинг баҳолашим бўйича, вазият сиздан жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда умумий тил топишишин-гизни қатъий талаб қилмоқда.

Оқ уйда кончилар иш ташлашига бағишланган мажлисдаги нутқ,
1902 йил 3 октябрь

Кончиларнинг 1902 йилдаги улкан иш ташлаши мамлакатга совуқ ва очлик хавфини соларди. Миллионлаб оилалар қиш кунда иссиқликсиз қолиши мумкин эди. Бундай вазиятда Рузвельт кутилмаган қадам қўйди. У федерал ҳукумат меҳнат баҳсида холис ҳакам бўлиб қатнашишини таклиф қилди (қаранг: 123-сабоқ «Ўз подангни химоя қил»).

На кончилар ва уларнинг касаба уюшмалари, на кон

эгалари тарафини олмасдан, президент усталик билан уларни қарорга мажбурлаш заруратидан ҳалос бўлди. У бошқарувни «вазият»га қўйиб берди.

Икки тамон ва халққа деди: «Биз қиш остонасида турибмиз, кўмир эса борган сари етишмаяпти. Кутилаётган даҳшатларни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Сизларнинг низоларингиз оқибатлари шу қадар узоққа борадиган ва шу қадар жирканчли бўладики, менинг назаримда ўзларингиз мурасага келиш ва ораларингиздаги мавжуд баҳсларга ечим топишга мажбур ҳам бўласиз». Бу ерда «сизларни мажбур қиламан» ўрнига «ўзларингиз мажбур бўласиз» *пассив гап шаклига эътибор беринг.* Президент Рузвельт мажбурлаш ва таҳдидлардан ўзини четга олди. У яна фаол нутққа ўтганида эса талабни у эмас «вазият» қўяётганини кўрсатди. «Менинг фикримча, – деди Рузвельт, – вазият сиздан жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда умумий тил топишишингизни қатъий талаб қилмоқда».

Урғуни «мен»га эмас, муаммога бер – мана шу лидерликнинг муҳим тамойилидир. Сенинг вазифанг – вазиятни ўнглаш, одамларни тўғрилаш эмас. Муаммолар, имкониятлар, машаққатларнинг на қитиқлайдиган ёки на ҳимоя қиладиган «мени» йўқ. Уларнинг ошкор ва яширин иштиёқлари ҳам йўқ. Улар бирор нарса орттиришмайди, йўқотишмайди. Шунинг учун уларни ҳал қилиш одамларни тўғрилашдан кўра осонроқ. Ҳар қандай ҳолда ҳам низо, имконият ва машаққатда – қисқаси, зарур ҳаракатни иштиёқлантириш ёки талаб қилиш учун вазиятдан фойдаланиб қол. Орадаги тингловчиликдан ўз «мен»ингни олиб қўй. Вазиятни баҳола – сен эмас, унинг ўзи соф, холис, аммо зарурий талаб билан ҳаракатлантирувчи кучга айлана қолсин.

76-САБОҚ

Қоғозга эмас, одамларга хизмат қил

Конституция одамларга хизмат қилиши керак, одамлар конституцияга эмас.

Рузвельтнинг конгрессмен Жеймс У. Уотсонга 1902 йилда кончиларнинг иш ташлаши чоғида айтган гапи

Кўплаб замондошлари каби Теодор Рузвельт ҳам Инжилдан тарбия топганди ҳамда авлиё Павелнинг коринфликларга мурожаатини яхши биларди. Авлиё Павел қоғозда ёзилган ибодатларга ёпишиб олмасдан, асосий эътиборни эътиқод руҳига қаратишни таъкидлаганди: «Харфхўрлик ўлдиради, руҳ эса жонлантиради». Конгрессмен Жеймс У. Уотсон кончилар билан низога армияни жалб қилишга қарши чиққанида президент айнан шунга яқин гапни айтди. Агар иш ташлашлар вақтида тўхтамаганида америкаликлар қиш мавсумида уйини иситишга кўмир етишмаслиги олдини олиш учун Пенсильваниядаги конлар назоратини армия ўз назоратига олиши керак эди. «Ҳеч кимга бўйсинмасликни, судядан ордер ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилмаслигингизни буюраман, – буйруқ берди Рузвельт генерал Жон М. Шофилдга. – Сиз фақат менинг буйруқларимни бажарингиз керак».

Бундай қатъийлик Уотсонни даҳшатга солди ва президентга мурожаат қилди: «Унда Кўшма Штатлар конституциясини нима қиламиз?»

Рузвельт қўлини Республика партияси бўйича сафдошининг кифтига қўйиб, сокин, аммо қатъий деди: «Конституция одамларга хизмат қилиши керак, одамлар конституцияга эмас».

Агар бирорта компания фақат компания сиёса-

тига қатъий ёпишиб олса, муваффақиятга эриша олмайди. Сиёсат компания манфаатларига мувофиқ келмай қолса, уни кишилар эҳтиёжига мослаган ҳолда таҳрирлаш лозим. Буни эса сен қилишинг керак.

77-САБОҚ

Қоидаларга амал қил

Ҳеч ким қонундан устун ёки паст туриши мумкин эмас. Биз кишидан қонунга бўйсинишини талаб қилаётган пайти, ундан қонунга риоя қилишни сўрамаймиз.

Конгрессга ҳар йиллик мурожаат,
1903 йил 7 декабрь

Вазият янги муаммолар, таҳдидлар ёки имкониятлар яратаётган бир пайтда оқилона фикр юритиш ўрнига «компания сиёсати» қулига айланиш жуда хавфли. Рузвельт «озодликсиз тартиб» бузғунчилик эканини таъкидларди. У «Буюк саргузашт» (1918) китобида шундай ёзганди: «Озодликсиз тартиб ва тартибсиз озодлик бирдай бузғунчиликдир».

Лидерлик сираям йўл-йўлакай тўқиб кетиладиган ашуламас. Қоидалар, шу жумладан «компания сиёсати» ҳам, агар уларни бекор қилиш ёки ўзгартиришга асосли сабаб бўлмаса, бажарилиши лозим. Қоидаларнинг бажарилишида танлаб ёки тасодифий равишда бажаришга йўл қўйиб бўлмайди. Бош тамойил эса – тенгликдир. Қоидаларга ҳамма, шу жумладан раҳбар ҳам риоя қилиши лозим. Уларга бўйин товламасдан риоя қилишни талаб қил ва баҳоналарни қабул қилма.

78-САБОҚ Ҳокимиятни ишга сол

Етти ярим йил номигагина етакчи бўлиб юргандан, уч ярим йил чинакам президент бўлган афзал.

Рузвельтнинг британиялик тарихчи ва давлат арбоби сэр Жорж Отто Тревельянга айтганлари, 1904 йил, май

1902 йили Венесуэла президенти Сиприано Кастро Буюк Британия ва Германияга давлат қарзини тўлаш, бу ва бошқа Европа давлатлари фуқароларига ўз мамлакатада бўлиб ўтган фуқаролар уруши туфайли етказилган моддий зарарларни қоплашдан бош тортди. Бунга жавобан Буюк Британия ҳамда Германия 1902 йил 7 декабрда Венесуэлага ультиматум эълон қилишди, орадан икки кун ўтиб денгиз қамалини амалга оширдилар. Гарчи қамал очик бостириб киришнинг дарағи бўлса-да, Спирано Кастро Европа талабларини инкор этишда давом этаверди. У президент Рузвельт Монро доктринасини қўллаганча ёрдамга келади деган умидда эди. Бу доктринани 1823 йилда президент Жеймс Монро таклиф қилганди. Унга кўра, Қўшма Штатлар қитъага ҳар қандай ҳорижий босқиндан ёки мустамлака қилишдан ҳимоя қилиш мажбуриятини олганди. Аммо президент Рузвельт Венесуэла ўз қарзлари учун жавоб бериши кераклигини таъкидларди. Британия ва Германия Рузвельтни қамал шунчаки халқаро қонунчиликнинг ижросини таъминлаш учунгина экани, ҳудудни босиб олишга тараддуд эмаслигига ишонтиришди. Рузвельт қамал ўрнатилишига розилик берди. АҚШ то европаликлар икки Венесуэла кемасини чўктириб, Сипирано Кастро уларнинг талабларига кўнганига қарамай соҳилларни ўққа тутмагунича аралашмади. Шундан кейин Рузвельт

Америка флотига худудни назорат қилиш учун буйруқ берди. Европалик кредиторлар Венесуэла билан 1903 йили 13 февралда битим имзолашди. Унга кўра, Венесуэла божхона тўловлари билан қарзнинг бир қисмини қайтарди, европаликлар эса қамални очишди.

Шу ҳолда Америка кучини – «катта тўқмоқ дипломатияси»ни намоиш қилиш эвазига Венесуэла бўҳрони ечим топди. Орадан йил ўтиб Рузвельт Монро доктринасига қўшимча киритди ва конгрессни бу ҳақда ўзининг ҳар йиллик мурожаатида ҳабардор қилди:

«АҚШ бир нарсани – қўшни давлатларни барқарор, осуда ва фаровонликда кўришни истайди. Аҳолиси хуррамликда яшайдиган ҳар қандай давлат бизнинг самимий дўстлигимизга таяниши мумкин. Агар миллат ижтимоий ва сиёсий доирада муносиб ва самарали ҳаракат қилишини, агар у тартибни таъминласа ва ўз мажбуриятларини бажарса Қўшма Штатлар аралашувидан хавфсирамаса ҳам бўлади. Тараққий топган жамият ришталарини бўшаштиришга олиб келадиган сурункали хатолар ва ўз бурчларини бажаришга лаёқатсизлик юз берганида миллат – хоҳ у Америкада бўладими ёки дунёнинг исталган бурчагида, тараққий этган миллат аралашувини талаб қилишга ҳақли. Агар бундай хатолар ва лаёқатсизлик Ғарбий яримшарда юз берса, Монро доктринасига амал қиладиган Қўшма Штатлар дарҳол халқаро полиция вазифасини ўташга киришади».

Бир қанчалар Кариб денгизи хавзаси ва Марказий Америкадаги давлатлар халқаро қарзларини тўлай олмайдиган бўлса, бу давлатлардаги иқтисодий сиёсатни «стабилизациялаш» учун АҚШнинг аралашини фактини қутлашди. Президент сўзларида улар Европа давлатларини Ғарбий яримшардаги вазиятга аралашувини бартараф қилиш мақсадидаги Монро доктринасини қўллаш

ва ривожлантиришни кўрдилар. Бошқалар Рузвельтнинг сўзларида ошқора империализмни пайқашди. Теодор Рузвельтнинг 1904 йил декабридаги нутқиғача унинг сиёсати ривожланиб боришини англаб турганлар, унга бу қадам президентлик лавозимидан кетишгача олиб бориши ҳақида огоҳлантиришганди. Рузвельт уларга ҳам худди Тревельянга айтганидек жавоб берди: «Етти ярим йил номигагина етакчи бўлиб юргандан, уч ярим йил чинакам президент бўлган афзал».

Агар ҳокимият қўлланилмаса, у назарий бўлиб қолади. Ҳокимият ишлатилганида реаллашади.

Амалиёт ҳамиша назариядан кўра хатарлироқ, аммо назария ҳеч қандай имкониятни кашф қилмайди. Асл лидер ўз ҳокимиятидан чинакам фойдаланади.

79-САБОҚ

Одамларни тўғрилашга уринма – муаммоларни ҳал эт

Ёмонлик билан кураш, аммо уни қилган одамга ёмонлик қилма. Уни нотўғри ҳаракат қилиш кучларидан ҳоли қил.

Ойстер-Бэйдаги нутқ, Нью-Йорк,
1906 йил 4 июль

Теодор Рузвельт қонун ва тартиб кишиси эди. У Нью-Йорк полицияси бошлиғи лавозимини эгаллагач, бу муассани намунали ҳолга келтирди ва ўз обрўсини янада мустаҳкамлади. Тараққийпарвар президент йирик бизнеснинг йиртқичларга хос қилиқлари билан қонунлар ёрдамида кураш олиб борди. Унинг мустақилликка бўлган метин ишончи индивидуализмнинг йиртқичона ноқонунийлик ва анархияга айланиб бораётганида поёнига етарди. Рузвельт Оқ уйдаги бошқа салафларига қараганда ҳамиша федерал давлатнинг миллат

хаётидаги аҳамиятини кучайтириш борасида иш олиб борарди.

Теодор Рузвельт ўзини ёвузликка қарши курашчи дея аташи ажабланарли эмас. Бу курашнинг стратегияси жиноятчиларни жазолашга эмас, жамият фаровонлиги туйғуси сингдирилган давлат бошқаруви ва қонун тизимини ташкил қилишда эди. Бундай тизимда кимки омма фаровонлигига қарши ҳаракат қилса, шунчаки ҳокимиятдан четга чиқарилади. Рузвельт жамият учун салбий ҳаракатлар олдини олиш, яхшироғи эса – уларни қилиш имконларини йўқотишга интиларди. Бунинг учун у федерал фикрлаш ва бошқарувни уйғунлаштирди.

Конгресс у тавсия қилган қонунларни қабул қилишни истамаганида тез-тез президентлик фармонларини эълон қиларди. У Америка табиатини асраш ҳамда бизнеснинг йиртқичларча ва монополистларча ҳаракатлари олдини олиш мақсадида президентлик лавозимининг юксак обрўсидан фойдаланарди. Дард билан курашишдан кўра унинг олдини олган тузук. Шунинг учун ўзининг қора ишини қилган йиртқичлар ва эксплуататорларни жазолашдан кўра, уларнинг имкониятини қонун билан чеклаб қўйиш афзалроқ туюларди.

Муаммолар – ҳар қандай ишнинг бир бўлагидир.

Лидер муаммоларни икки йўл: уларни амалга оширганларга диққатни қаратиш ёки муаммоларнинг ўзига эътибор бериш билан ҳал қилади.

Президент Рузвельт одамларни тўғрилаш деярли имконсиз, аммо муаммоларни ҳал қилиш анча самарали эканини англади. Кишиларга улардан нимани хоҳлашингни айт. Уларни иштиёқлантириш ва йўналтириш услубларини топ. Ёвузлик билан курашишнинг энг самарали усули – салбий ҳаракатлар

олдини оладиган механизмларни бунёд қилишдир.
Муаммоларни ҳал қил, одамлар билан курашиб ётма.
Вазиятни ўнгла, одамларнимас.

80-САБОҚ Оқилона иш кўр

Совун Испанияда ишлаб чиқарилмагани учун ҳам кишига ўз совунини «кастилча» деб аташига изн бермаслик аҳмоқлик бўларди.

Қишлоқ хўжалик вазири Жеймс Уилсонга хат,
1906 йил 12 сентябрь

Президент Рузвельт маҳсулотлар ва дори-дармонлар сифатини таъминловчи ҳамда ёрликларда аниқ маълумотларни акс эттириш орқали истеъмолчиларни муҳофаза қилувчи бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилгани билан машхур эди. У ҳамиша қонунни мутлоқ аниқ бажарилишини қатъий талаб қилар, аммо асл қонун руҳини қонун расмиятчилигидан ажрата биларди.

У жамият учун нима фойда беради-ю, нима зарар келтиришини аниқ тасаввур қиларди. Беъманилик бошланган жойда қонунни пеш қилишга нуқта қўйиш лозим.

Чикагодаги улкан гўштни қайта ишлаш компаниясининг асосчиси Томас И. Уилсон қишлоқ хўжалик вазирлиги унга ўз колбасаларини «болонча» дея аташни таъқиқлаганидан шикоят қилганида президент Рузвельт зудлик билан бунга аралашди. «Жаноб Уилсон... унинг колбасалари Болоняда ишлаб чиқарилмагани учун улар номидаги «болонча» сўзини олиб ташлаш талаб қилинаётганидан шикоят қилди, – дея ёзди Рузвельт қишлоқ хўжалик вазирига. – Ўйлашимча, бу ўринда у ҳақ».

Хатнинг давомида у ўз нуқтаи-назарини баён қилади: «Одамлар болонча колбасалар айнан Болоняда, кас-

тилча совун айнан Испанияда ишлаб чиқарилади, дея хисоблашмайди.

Одамлардан совун Испанияда ишлаб чиқарилмагани учун «кастилча» сўзини қўлламасликни талаб қилиш аҳмоқлик бўларди. Агар бу колбаса худди Болонядаги усулда тайёрланган ва худди ўшалардай бўлса, уни «болонча» дея номлашни таъқиқлаш ҳам аҳмоқгарчиликдан бошқа нарсамас. Кўпчилик, шу жумладан мен ҳам Болоня қаерда жойлашганини билмайди».

Президент доимо оқилона иш кўрарди. У савдога майда-чуйда сабаблар билан аралашаверишдан фойда йўқ, дея ўйларди.

Шундай қилиб, жаноб Уилсон ўз колбасаларини «болонча» дея номлашда давом этди.

Компания фойдаси учун ишлайдиган қоидаларни тузиб чиқ ва уларнинг бажарилишини талаб қил.

Агар қоидалар фойда келтиришни бас қилса, уларни алмаштир ёки янгича мазмун бахш эт.

Уларни фақат бажарилиши учунгина бажаришни талаб қилиш бемаънилиқдир. Бу ишни бузади.

Бемахсул фаолиятга вақт, пул ва кучни сарфлаш бемаънилиқдир. Бефойда қоидалардан иложи борича тезроқ воз кечиш кераклиги кундай равшан.

Қандай қарор қабул қилиш кераклигини эса ўзинг биласан.

81-САБОҚ

Мукамалликка интил

Муваффақият – чинакам муваффақият қандай мавқега эга эканингга боғлиқ эмас. Муҳими, бу вазиятда ўзингни қандай тутиш.

Кембриж университетидаги нутқ,
Буюк Британия, 1910 йил 26 май

Теодор Рузвельт штат Қонунчилик мажлиси депутатлигидан Нью-Йорк полицияси бошлиғи, Нью-Йорк штати губернатори, ҳарбий-денгиз флоти вазири ёрдамчиси, Қўшма Штатлар вице-президенти ва президентиғача бўлган йўлни босиб ўтди. Ўзининг учқур фаолиятидаги муваффақиятларини қадрламай иложи йўқ эди.

Аммо Рузвельт рақобатни яхши кўрса ҳам, ғалабалар ҳисобини олиб юришни ёқтирмасди. У олдига мансаб пиллапояларидан кўтарилиш мақсадини эмас, ҳар бир ишида мукамалликка эришишни қўярди. Ўзининг профессионал ҳаётини, худди бошқаларники каби ютуқлар миқдориданмас, сифатидан келиб чиқиб баҳоларди.

Хизматда юқорилаш – бу шахсий ўсиш кўрсаткичи. Ҳа, бу одамга қониқиш бағишлайди, аммо охиरोқибат бу сенинг ўзингагина тегишли. Ҳар лавозимдаги меҳнатинг эса сенинг ютуқларингни янги даражага олиб чиқади. Сен компанияга келтирадиган фойда муҳим. Сен ҳар қандай лавозимда, ҳар қандай босқичда, ҳар қандай вақтда ва жойда мукамалликка эриша оласан. Теодор Рузвельт Қонунчилик мажлисида ва полиция департаментида ҳам худди мамлакатнинг энг юксак лавозимидаги каби самарали ишлаган.

82-САБОҚ

Барчага адолатли бўл

Мен адолатли йўл ҳақида гапирганимда фақат мавжуд қоидалар билан ўйин олиб боришинигина назарда тутмайман. Мен тенг имконларни амалда таъминлаш ҳамда бир хил сифатдаги ишни бирдай мукофотлаш учун бу қоидаларни ўзгартириш тарафдориман.

Осаватомидаги нутқ, Канзас,
1910 йил 31 август

Теодор Рузвельт Тараққийпарвар партия номидан «Адолат йўли» шиори остида сайловолди компаниясини олиб борарди. Бу йўлнинг моҳиятини кўплаб сайловчилар олдида, шу қатори 1910 йилда Осаватомидаги нутқида ҳам очиб берарди.

«Адолатли йўл»нинг концепсияси, қисқача айтганда, соғлом ақл учун кундай равшан ва жалб қилувчи режалар асосида қурилганди. Америкаликлар тенг мукофотланиш ва тенг имкониятларга (тенг меҳнат учун тенг иш ҳақиға) ҳақли эдилар. Рузвельт кўрган муаммо шунда эдики, «ўйин қоидалари» бўлмиш – мавжуд қонунлар бу оддий, мутлоқ равшан концепцияни таъминламасди. Чунки мавжуд қонун оқилона маъно билан қарама-қарши эди. «Адолатли йўл» эса адолат ҳақида амалий оммабоп тасаввурни ўзида жамлаганди – Рузвельт қонунни ўзгартиришни талаб қиларди. Буни на демократик ва на республикачилар партияси қилишни хоҳламагани учун, у сайловчиларга муқобилни – учинчи партияни таклиф қилди. Теодор Рузвельтнинг мақсади оддий эди: ҳар бир америкаликка «адолатли йўл»ни тавсия қилиш! (Бу ҳақда у кейинроқ 1917 йилда ёзганди) Бу Қўшма Штатлар учун ягона хавфсиз йўлдир.

Гап адолат масаласи, айниқса имкониятлар ва ҳақ тўлаш устида борганида, оддийгина соғлом маъно мураккаб фалсафа сўқишлар ва формулалардан кўра кўпроқ кадрга эга бўлади. Ҳар кимга адолатли йўл – «имкониятлар ва бир хил иш учун ҳақ тўлашнинг тенглиги»ни таклиф қилишга ҳаракат қил.

83- САБОҚ

«Бўлар иш бўлди» кучидан фойдалан

Мен ҳудудни (Панама каналини) қўлга киритдим, канал қурилишини бошладим, кейин эса канални эмас, мени

муҳокама қилишлари учун конгрессга мурожаат қилдим. Муҳокамалар ўз маромида борар, каналда ҳам қурилиш ишлари тўхтамай давом этарди.

Берклидаги нутқ, Калифорния
1911 йил 23 март

Теодор Рузвельт 1913 йилда эълон қилган «Автобиография»сида Панама канали ҳудуди «олиниши»га қарор қандай қабул қилингани ва тўрт юз йилдан бери чўзилиб келаётган «торгина бўйинчадан ўтадиган канал» қурилиши ҳақидаги музокараларга (Бальбоа давридан бери музокаралар олиб бориларди)* нуқта қўйилгани ҳақида ҳикоя қилади.

1901 йилда у Буюк Британия билан Хей – Паунсфорт шартномасини маъқуллаганда ҳаракат қилишга имконият туғилганини ҳис қилди. Бу шартнома ва французларга тегишли Панама компанияси билан олиб борилган музокаралар Кўшма Штатларга бу ерда маълум бир ҳолис ҳудудни вақтинча қўлга киритиш ва канал қуриш имконини берди.

Олиб борилган тадқиқотлар Панама бўйинчаси канал қуриш учун энг қулай жойлигини тасдиқлагач, президент шу заҳоти давлат котиби Жон Хейга Колумбия ҳукумати билан (ўша пайтларда Панама Колумбия тасарруфида эди) шартнома тузишни буюрди (Хей–Эрран шартномаси). 1903 йилда Колумбиянинг бўйсинмас сенати Хей–Эрран шартномасини четга суриб қўйиб, тасдиқламади. Шундан кейин АҚШ билан шартнома тузган Панама компаниясидаги (бу компания йигирма йил олдин бу ишга уриниб кўрганди) француз бош муҳандиси Филипп Бюно-Варилья Панама революциясини деярли

*Испан конкистадори Васко Нуньес де Бальбоа 1513 йилда Панама бўйинини европаликлар орасида биринчи бўлиб кесиб ўтади.

ишлаб чиқди. Панама бир ярим соатда мустақилликка эришиб, Колумбиядан ажралиб чиқди. Янги давлатнинг вақтинчалик ҳукумати Бюно-Варильяни ваколатлар билан таъминлади ва Хей-Бюно-Варилья шартномаси тузишга имкон яратилди. Мана шундан кейингина Қўшма Штатлар ўзи назорат қиладиган ҳудудда канал қуриш ҳуқуқини тўлиқ қўлга киритди.

«Биз томонимиздан имиллаш вақти ўтганди, – ёзди Рузвельт. «Атлантика ва Тинч океанлари орасидаги тез ва самарали денгиз алоқаси» учун канал қурилиши унинг наздида жуда долзарб масала эди. Агар Рузвельт бошқача йўл тутганида, у «Қўшма Штатлар манфаатларига хиёнат, Панама манфаатларига бефарқлик ва бутун дунё манфаатларига хиёнатда» айбланарди.

Конгресс эса бунга шубҳа билан қарарди. Сенатда Хей-Бюно – Варилья шартномаси маъқулланса ҳам, барибир президент таклифининг тўғрилиги ва адолатлилиги (халқаро ҳуқуққа мувофиқлигини айтмай ҳам қўяверинг) борасида баҳслар давом этарди. Рузвельт баҳсларда иштирок этмасликка қарор қилди. Қўлида шартнома бор экан, у то Панама канали битиб, бўлар иш бўлгунича, шахсан лойиҳани амалга оширишни бошқариб турди.

Сўзлар қудратли. Аммо энг қудратли сўз ҳам бўлаёган ёки бўлган ишдан кучсизроқдир.

84-САБОҚ

Ҳокимият обрўсини кўтар

Президентлик амалий ҳокимият, президент эса бу ҳокимиятни қўллай оладиган кучли инсон бўлиши керак.

Синглиси Коннига мактубидан,
1908 йил 26 июнь

«Менга президент бўлиш ёқади», – Теодор Рузвельт

1903 йил 2 октябрда ўғли Кермитга шундай деб ёзган-ди. Аммо унинг ҳамма салафлари ҳам бундай нуқтаи-назарга эга бўлмаган. Авраам Линкольнни истисно қилганда, ўтган барча президентлар ўз ҳокимиятини тўлиғича қўлламаган. Теодор Рузвельт ҳақида худди Линкольндек гапиришган ва ҳамон шундай: «У давлат бошлиғини диктаторликдан ажратиб турадиган ингичка чизикдан ошиб ўтишдан уялмасди».

Биз бу фикрни на Рузвельтга, на Линкольнга нисбатан бу ўринда муҳокама қилмаймиз. Аммо тан олиш керак бўлган битта факт мавжуд: Теодор Рузвельт шу пайтгача тор маънода ёки хўжакўрсинга фойдаланилган президентлик лавозимининг обрўсини юксакка кўтарди. У ўз амалини – конгресснинг палаталарида тасдиқланадиган қонуний ҳужжатларига тенгма-тенг муқобил сифатида бошқарув воситасига айлантирди. Оқ уйда ўтган етти ярим йил мобайнида у 1091 президентлик фармонини эълон қилди. Вудро Вильсон 1791 та бундай фармонларни эълон қилган (уларнинг кўпчилиги Биринчи жаҳон уруши муаммоларини тез ҳал қилиш билан боғлиқ эди). Теодор Рузвельтнинг амакиваччаси Франклин Делано Рузвельт – 3723 та фармон эълон қилди (у деярли ўн икки йил президент бўлди, бу давр Буюк депрессия ҳамда Иккинчи жаҳон урушига тўғри келди). Бу пойгани Теодор Рузвельт бошлаб берган дейиш мумкин. Аммо барибир Теодор Рузвельт ўзидан олдин ўтганлардан ўзиб кетди. Унгача ўтган йигирма беш президент эълон қилган фармонлар бор-йўғи 1259 тани ташкил қилади.

Ҳокимиятни нима қилиш керак? Теодор Рузвельт жавобини яхши биларди. Уни қўлла. Уни қўллайвер. Уни қўллашда давом эт.

85-САБОҚ

Ноҳақ кўпчиликка қарши тур

*Кўпчиликнинг мустабидлиги пайдо бўлса,
мен бунга қарши курашаман.*

Сент-Луисдаги нутқ, 1912 йил 28 март

Президент Рузвельт Қўшма Штатлар демократия эмас, демократик республика эканини яхши англарди. Халқ ҳокимиятни ўзини ифодалаши учунмас, ўз манфаатларини оқилона талқин қилиши ва унинг манфаатларини ҳаётга татбиқ этиши учун сайлайди. Рузвельтнинг фикрига кўра республика миллатни баъзан кўпчиликнинг вақтинча янглиш, шу билан бирга, ҳатто зарарли қарашларидан ҳимоя қилолмаслиги ҳам мумкин.

Шунинг учун у ўзи мансуб Республикачилар партиясидаги кўпчиликнинг хато қарашларига қарши курашишига тўғри келарди. Партия ички ва ташқи сиёсат бобида кўпинча ғоят консерватив бўлиб оларди. Шунинг учун у 1912 йилда Тараққийпарвар партия (уни яна «Лослар партияси» ҳам дейишарди) томонидан президентликка даъвогарлик қилди. Бу компания мобайнида у жуда кўп нутқ (шу жумладан Сент-Луисда ҳам) сўзлаб, «кўпчиликнинг мустабидлиги» масаласига ҳам кенг тўхталиб ўтди.

Ҳар қандай лидер учун мураккаб масалалардан бири – лидерлик вазифаларини «издошлик» функцияларидан ажратиб олишдир. Баъзи раҳбарлар – ҳақиқий мустабиддир. Улар на кўпчиликнинг, на камчиликнинг қарашлари билан қизиқади. Айримлари эса ўзини координатор деб ҳисоблайди ва бош вазифасини ходимларнинг фикрини йиғиш, элақдан ўтказиш ва фойдаланишда деб билади. Сенинг вазифанг кўмпаниянг, бизнесинг

характери ва шахсий табиатингга боғлиқ. Бу борада барча ўзига хосликларни бир четга қўйиб, яхшиси Теодор Рузвельтдан ўрнак олиш яхшироқ, дейиш мумкин. Лидер – бу вакил. Аммо Теодор Рузвельт кўпчиликни ҳам, камчиликни ҳам эмас, бутун халқни ифодалашини англади. Лидер ўз компаниясини ифода қилиши ва унинг учун фойдали қарорлар қабул қилиши керак. Мана шу тамойил билан ҳаракат қилар экансан, сенинг ишларинг барча ходимларга катта фойда келтиради.

86-САБОҚ

Ўзини ўзи идора қилиш тизимини ярат

Ҳаммамиз ўзимизни ўзимиз бошқаришни хоҳлаймиз, бошқа биров эмас. Озод ҳукуматнинг маъноси ҳам айнан мана шунда.

Сент-Луисдаги нутқ, 1912 йил 28 март

Теодор Рузвельт ўзининг «Янги миллатчилик» мақоласида ёзганидек (1910), бош мақсади «халқ фаровонлиги» бўлган ҳукуматга қаттиқ ишонарди. Аммо у кўпроқ ўзибошқарув тизимига интиларди. У Виргиния штатининг Жеймстаунида 1907 йил 26 апрелидаги нутқида деганди: «Одамларни доимо кимдир бошқаришидан қочиб бўлмайди. Ё улар ўзини-ўзи бошқариши керак, ёхуд кимдир келиб уларни бошқариши лозим».

Табиийки, энг яхши танлов – ўзибошқарув. Ҳукумат босимсиз ва тазйиқсиз ишлаши учун обрў ташқаридан тикиштирилмаслиги шарт.

Бизлар «ўзимизни ўзимиз бошқаришни истаймиз ва бизни ташқаридан биров бошқаришини хоҳламаймиз». Аммо ўзибошқарув йўлида ҳам буни нотўғри талқин қилиш, асл маъносини тушунмаслик туфайли келиб чиқадиган ғовлар мавжуд.

Кўпчилик «ўз» деган сўзни «индивидуаллик», «мен» га синоним дея ҳисоблаб янглишадилар. Рузвельт «ўз»ни худди «ҳаммамиз, мен ва сен, у – ҳамма» каби дея бегилайди. Бундай ўзибошқарув – жамоавий бошқарув, ҳукумат бўлиб, унинг барча ҳаракатлари бутун жамиятга ҳаммасига қаратилган, у ёки бу одамга эмас.

Лидернинг вазифаси – жамоавий «мен»нинг барча эҳтиёжлари қондирилиши учун ўзибошқарувни йўналтириш, бошқариш ва чеклаб туришдан иборат. Ўзини ўзи идора этувчи ташкилотдаги лидерлик санъати шундаки, ходимлар бошқарув обрўси ташқаридан тикиштирилганини ҳис қилишга изн бермасликдир. «Биз, халқ ўзимизни ўзимиз бошқарамиз, – деганди Рузвельт Сент-Луисда. – Ўз вакилларимиздан ҳам ҳукуматни биз солган йўлларга йўналтиришини ва буни самарали ва фойдали қилишларини истаймиз».

Ҳар қандай ташкилотда ўзибошқарув тизимини яратиш авторитар тизимни яратишдан кўра қийинроқ. Бундай ҳолда уни яратишга не хожат? Бу тизим бир қатор устунликлар беради. У ҳар бир ходим компания бошқарувида қатнаша олиши ва натижага таъсир кўрсатиши мумкин бўлган самарали ҳамкорлик муҳитини яратиши туфайли ходимларга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзибошқарув ташкилотининг ижодий ва ижро кучлари ходимлар миқдорига биноан кўпаяди. Ҳар кимнинг елкасига тушадиган юк ҳам шунга яраша камаяди. Иштиёқланиш ва маъсулият туйғуси кўтарилади, компания манфаатлари шахсийларга қараганда муҳимлашади. Сенга эса лидер сифатида мутлоқ қўмондондан обрўли ташкилотчига, автократ директордан ўзига ишонган ишбошчи-менежерга айланиш учун тер тўкишингга тўғри келади.

87-САБОҚ Йирик фикрла

Халқаро ахлоқ жиҳатидан Россияни Германиядан кўра жиддийроқ дея ҳисоблашга асос кўрмайман. Ғарб тамаддунига ҳурмати ва муносабатига қарамай, Япония ҳам хавф бўлмаса истаганини олиш учун имкон туғилди дегунча бирор ғарб давлатига ҳамла қилишдан ўзини тиёлмайди. Агар Германия мағлуб бўлса, кейинроқ унга Россияни ғарб мамлакатларидан ажратиб турувчи девор сифатида тикланишида кўмаклашиш керак.

The Outlook,
1914 йил 23 сентябрь

Собиқ президент Рузвельт бу мақоласини ёзганида Буюк уруш (Иккинчи жаҳон уруши бошлангунича Биринчи жаҳон урушини мана шундай аташарди) бошланганига икки ой бўлганди. Ўша пайтларда кўпчилик америкаликлар уни «европа уруши» деб атар ва бунда иштирокчи эмасликларидан ўзларини бахтиёр ҳис қилишарди. Америкаликлар орасида «калхат»лар ҳам бўлиб, улар ҳар хил кучларни қўллаб-қувватлашни истарди: Британиядан нафратланадиган ирландлар ва немис мусофирлари Германияни қўллашни истар, бошқалар эса Германия, Франция ва уларнинг иттифоқчиси бўлган Россияга тарафдор эдилар. Айримлар эса урушаётганларнинг ҳеч қайсига тарафдор эмасди. Айримлар умуман урушга эътибор бермасди. Агар 1914 йил кузида АҚШдаги жамовий-сиёсий туйғу кўпроқ Германиянинг Австро-Венгрия билан бирлашганча бошқаларга уруш эълон қилгани, Франция, Британия ва Россия агрессорга қарши адолатли тарзда курашаётганига боғлиқ эди. Япония иттифоқчиларга қўшилди, аммо унинг Германияга қаршилиги жуда ҳам аҳамиятсиз бўлиб, буни ҳозир

биров эслайдиган даражада ҳам эмас: Япония Германиянинг ҳарбий ва савдо кемалари учун Тинч ва Ҳинд океанлари жанубидаги сув йўлларини тўсиб қўйди.

Теодор Рузвельт буларнинг барини англарди. Бошқа кўплаб ватандошларидан, шу жумладан кўзга кўринган сиёсатчилардан фарқли равишда, у эътибор ва катта қизиқиш билан воқеалар ривожини кузатиб борарди. У америка жамиятини қамраб олган туйғуларни англлар, аммо уларга қўшилмасди. Собиқ президент дунёга қандай балолар келтирган ушбу Буюк уруш келажакнинг геополитик оламни шакллантиришини яхши англарди. Рузвельт Иккинчи жаҳон урушига ва ҳатто «Совуқ уруш»га олиб келадиган шарт-шароитларни ҳам яққол кўрарди.

Рузвельтнинг биографиясини тадқиқ қилганлар баъзан уни Қўшма Штатлар учун дунёвий ҳукмронликни таъминлашга интилган «калхат» дея аташади. Бу адолатсиз ҳамда шубҳали фараз.

Рузвельт нафақат жуғрофий, шу билан бирга геосиёсий миқёсдаги уфқлари кенг байналмилалчи эди. У тарихий вазиятни аниқ тасаввур қиларди. Замонасидаги дипломатик ва сиёсий тасаввурлар ҳамда маданий андозалардан миллий иштиёқлар ва манфаатларни кўра биларди.

Унинг фикрича 1914 йилдаги мамлакатнинг хатти-ҳаракатларини кейинги ўн йилликлар учун аниқ башорат (ҳатто кафолат) дея ҳисоблаш хато бўларди. Теодор Рузвельт асосли тарзда тарихий башоратлар қилиши учун зарур маълумотларга эга бўлибгина қолмай, шон-шуҳратини йўқотишдан ҳайиқмай улар ҳақида баралла айтиш учун жасорат ва бутунликка ҳам эга эди.

Албатта айни дамда ҳаракат қилиш керак. Аммо вақт ўтиши билан шарт-шароитлар ҳам ўзгаришини

ҳисобга олиш лозим. Гарчи бизнесни ҳар кун бошқаришга тўғри келсаям, вазиятга кенг қараш ва келажакка ҳам разм солиш лозим.

Юзаки қараш билан кифояланма, атрофдаги ҳаммани ёлғончи деб ҳисоблайдиган риёкорга айланма. Ҳар қандай муҳитда ва ҳар қандай бозорда одамлар ҳамда ташкилотларни ҳаракатлантирувчи иштиёқлар жуда ҳаракатчан, улар вақт ўтиши билан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши мумкин. Муваффақиятли лидерлик айти дам учун ғалабали тактикани ишлаб чиқишга асосланади. Аммо бу билан қаноатланиб қолиш керак эмас. Олдинда кутаётган ҳодисаларни кўра билиш ва уларга мувофиқ келишга интил.

88-САБОҚ

Бизнес тилида гапир

Оқил ва саҳий юракка эга ҳар қандай киши фақат долларда ўлчанадиган муваффақият билан қаноатланиб қолмайди. Бундай ёндошувни қўллаган одам ўзи ва бошқаларни ачинарли омадсизликлар қаърига тортиб кетади.

Ladies Home Journal, 1916 йил, октябрь

Пул Теодор Рузвельт қадриятлари иерархиясида ҳеч қачон биринчи ўринни эгалламаган. Шунга қарамай, пул бу рўйхатдан муносиб жой банд қилганди. 1911 йили Калифорния штатининг Беркли шаҳридаги нутқида у «пул муҳим эмас дейиш нотўғри... ва ахлоқ учун, ҳатто зарарли ҳам», – деганди. Ҳамда шундай исбот келтирганди: «Агар одамнинг пули бўлмаса, унинг аҳамияти қанчалар катта эканлигини дарров англайди».

Идеаллар, бутунлик, жасорат, интилишларнинг олийжаноблиги каби буюк лидер учун ўта муҳим бўлган сифатлар қорин тўйдирмайди, бошпана учун тўлаб бўлмайди ва бизнеснинг гуллаб-яшанашига олиб келмайди. Пул – мана шу бизнеснинг оммабоп тили. Лидер сифатида қайси тилда гапирма – идеаллар, бутунлик, жасорат, интилишларнинг олийжаноблиги ҳам шу тиллар сирасига киради, – биринчи навбатда бизнес тилида гапириш лозим. Буни ҳеч ким Теодор Рузвельтчалик яхши билмасди.

89-САБОҚ

Фикрни ҳаракатга айлантир

Миям ағло даражада эмас, аммо ҳаракат кўрсатиш лаёқатига эгаман деб ўйлайман.

Рузвельтнинг ушбу сўзлари Оуэн Уистернинг «Рузвельт: дўстлик тарихи» китобида келтирилган.
1930 йил

Чинакам дўст – ўзинг ҳақингдаги энг тилга олишга ҳам уяладиган нарсаларни айта оладиган одамингдир. Оуэн Уистер ёки Теодор Рузвельтни билган бошқа бирор киши унинг ўз интеллекти ҳақидаги бу қадар пастназар фикри билан келишолмаган бўларди. Шунга қарамай, буларни Рузвельт айтган.

Самарали лидерга кучли билимдан кўра «ҳаракат кўрсатиш лаёқати» кўпроқ зарур.

Бу жумла кўп нарсалар ҳақида сўзлайди. Рузвельт *ғайрат* ҳақида эмас, *тайёрлик* ҳақида эмас, *интилиш* ҳақида эмас, айнан лаёқат ҳақида айтади. Бу сўз *ҳаракатни* амалга ошириш, бош.бўлиш ва йўналтириш ҳақида мутлоқо ҳаммасини қамраб олади. Рузвельт бун-

дай лаёқатни лидер учун зарур бўлган асосий фазилат дея ҳисобларди. Гарчи кўпчилик ундан кўра ақлироқ бўлса-да, ҳаракат учун қудратли лаёқатга эга одамлар жуда озчиликни ташқил қилади.

Лидерлик – англаш санъати эмас. Авваламбор, бу ижрочилик вазифаси. Лидернинг фаолияти – ижро, ҳаракат англаш эмас. Лидер ниманики ўрганмасин, тадқиқ қилмасин, ўқимасин, ўйланмасин ёки муҳокама қилмасин – биринчи навбатдаги иши аниқ ва қатъий ҳаракат қилиш, барча ўрганганлари ва ўқиганларини самарали натижага айлантириш. Албатта, фикрлаш жараёни ҳаётий зарурат, аммо ҳеч қандай ўй-фикр ҳаракатланишга ҳалал бермаслиги керак.

90-САБОҚ Оқилона бошқарув йўлини танла

Бошқарув моҳияти қонунчилик эмас, маъмуриятчилик.

Рузвельтнинг ушбу сўзлари Жон Мортон Блум томонидан «Рузвельт – республикачи» китобида келтирилади, 1954 йил

Тарих жуда кўп лидерларни ва жуда кам бошқарувчиларни билади – уларга хурмат бажо айлайди. Теодор Рузвельт ўзининг тарихдаги ўрнини жуда яхши тушунар ва бошқарув асосан қонунчиликдан кўра кўпроқ маъмурий ишларга таянишини англади.

Буни англаш эса Рузвельтнинг қонунчиликдаги энг жасоратли ташаббуси – фуқаролар хизматини ислоҳ қилиш учун асос бўлди. У бошқарув тизимидаги коррупция, айниқса «ғолиб ҳаммасини олади»ни йўқ

қилишга интилни. Ишбошқарувчи менежер сифатида у сиёсий иттифоқчиларидан эмас, компитентли мутахассислардан иборат маъмурий аппарат тузишни истарди. Булар давлат бошлиғи сифатида сайланишига хизмат кўрсатган эмас, профессионал сифатлари яхши баҳоланган кишилар бўлиши керак эди.

Ўзингни компаниянинг бошлиғи, президенти ёки вице-президенти деб айтаётган пайтда (ёки шунга умид қилсанг) компитентли, самарали, зийрак, ўта фаол маъмурий бошқарувни ташкил қилишинг лозим.

Энг зийрак бизнес лидерлари оқилона бошқарув солган йўллардан юксак марраларни забт этадилар.

91-САБОҚ

Айни дамга эътиборингни қарат

Дунё тамоман ғойиб бўлди... Ўша дамда уни қизиқтирган ва хавотирга солган мендан бўлак ҳеч нарса йўқ эканини ҳис қилдим.

Эми Бёлл (Сени) Клинтон Рузвельтнинг биографи
Герман Хейгдорнга, 1949 йил 17 январь

Эми Бёлл Сени Оқ уйда президент Теодор Рузвельт билан учрашувини бир умр ёдида сақлади. Бу ҳақда Рузвельтнинг биографи Герман Хейгдорнга қирқ йилдан кейин айтиб берди.

Рузвельтнинг энг жиддий солномачиси Эдмунд Моррис айтишича, Эми Бёлл Сени каби одамлар тоифасига Рузвельтнинг эътибор қаратиш лаёқати на романтик, на сексуал эди. Унинг ўзи истарали, оҳанрабоси кучли шахс. Рузвельт шундай муносабатда бўлардики, у ким билан мулоқотда бўлмасин, бундай туйғулар бошқаларда ҳам

пайдо бўлар, буни Эми Бёлл ҳам пайқаган. Гарчи у Хейгдорнга Рузвельт «уни қизиқтирган ва хавотирга солган ягоналигини» ҳис қилдирган бўлса-да, аммо «ўша дамда» дея аниқлик киритади. Вазиятнинг калити ҳам мана шунда. Рузвельт том маънода жозибали суҳбатдош эди. Шу билан бирга у бебаҳо фазилат – айна дамга бор эътиборини қаратиш ва ўша дамда гаплашаётган кишига ўзини бағишлашни жойига қўярди. Бу эса уни кучли, ишонарли ва эсда қоладиган ҳамсуҳбатга айлантирарди.

Суҳбатдош ва у билан мулоқотга батамом, тўлиғича диққатни жамлаш учун ҳаммининг кўзи сендалигини доимий равишда ҳис қиладиган Қўшма Штатлар президенти бўлиш шарт эмас. Бу давлат бошлиғигинамас, титраётган смартфони, тушаётган электрон почта ва хабарлар чалғитаётган оддий кишиларнинг ҳам қўлидан келадиган иш. Ҳа, бу осон эмас. Аммо жуда зарур! Юзма-юз суҳбатда ёки қўнғироқлашаётганда бошқа машғулотларни унут. Айна дамга батамом ва тўлиғича диққатингни қарат. Шундай қилки, суҳбатдошинг айна шу пайтда энг керакли ва муҳими ўзи эканини англасин.

**СИЁСАТЧИ
БЎЛИБ ЯША**



92-САБОҚ Мулоқотдан лаззатлан

У ҳамма нарса ҳақида шунақа кўп билардики... чунки қаёққа бормасин ҳамиша одамлар билан мулоқотда бўларди.

Уильям Уингейт Сьюэлль «Билл Сьюэллдан
ТР тарихи ҳақида», 1919 йил

Рузвельт Арустук округи ўрмонларида таътилини ўтказётган пайти Мэн штатидаги ёғоч савдоси билан шуғулланадиган Билл Сьюэлль билан танишиб қолади. Сьюэлль бойвачча нью-йорклик олифтани кўришни кутганди. Аммо Теодор Рузвельт барча ёғоч кесувчиларни ўзига жалб қилиб олди. «Теодорга улар жуда манзур бўлишди, – ёзади Сьюэлль. – Биз лагердан кетаётганимизда, менга улар билан танишганидан жуда хурсанд эканини айтди. У ўрмон кесувчилар меҳнати ҳақида ўқигани, аммо бу иш орқали тирикчилик қиладиган, нима ҳақда гапиришни яхши биладиган кишилар билан биринчи бор суҳбатда бўлганини сўзлаб берди».

Билл Сьюэллга Теодор Рузвельт характерининг икки томони дарҳол очилди.

Биринчидан, у одамлар билан, ҳатто сира ўзига ўхшамаганлар билан ҳам табиий алоқа ўрната олади.

У одамларни ҳис қила олади, уларнинг ҳаёти, ташвишлари билан самимий, чин юракдан қизиқади. Рузвельт кузатар, тинглар ва ҳеч кимга баланддан қарамасди. У ҳар қандай одамда ҳайратга сазовор фазилатлар топа оларди.

Иккинчидан, Рузвельт ўқишни яхши кўрарди, аммо у воқелик билан лойқаланмаган, бевосита алоқада бўлишни яна-да юксак кадрларди.

Компьютер экранидан нигоҳингни уз. Столингдан тур. Идорангдан чиқ. Ходимларингга қара, улар-

ни тингла ва қадрла. Улар билан суҳбатлаш. Энг муҳими, улар ўз ишлари ҳақида сенга нималарни айтишини бил. Уларга нима лозим? Уларнинг мақсади қандай? Уларнинг қандай муаммоси бор? Қандай имкониятларни кўрмоқда? Мулоқотдан лаззатлан.

Ҳар кимдан завқланишга лойиқ нарса топишга ҳаракат қил. Шундай қилсанг бошқараётган компаниянг ҳақида ҳаммасини билиб оласан.

93-САБОҚ

Ўзингни ҳеч нарсадан кўрқмайдигандек тут

Дастлаб мен кўрқадиган нарсалар кўп эди дунёда – гризли айиқларидан тортиб «қутурган» отлар, бандитларгача. Аммо ўзимни ҳеч нарсадан кўрқмайдигандек тута бошлагач, кўрқув туйғусини аста-секин сусайтиришни уддаладим.

«Автобиография», 1913 йил

Кўплаб актёрлардан сиёсатчилар, яна муваффақиятлилари чиққани ажабланарли эмас. Рональд Рейган ва Арнольд Шварценеггер шулар жумласидан. Янада ажабланарлиси, сиёсатчилардан жуда кам ҳолатларда актёрлар чиқади. Балки улар штатлар ёки давлатлар чегарасидан бошқа сарҳад бўлмаган саҳнадан пардалар ва рампалар билан чекланган саҳнага ўтишга қийиналишса керак.

Теодор Рузвельт ҳеч қачон профессионал актёр бўлмаган. У ишонарли шоулар ўтказишни аъло даражада эплайдиган жамоат лидери эди. Бундай эътироф этиш жоиз саналмасада, у ҳар жиҳатдан актёр эди. Нью-Йорклик «олифта» Ғарбга ҳақиқий ранчони бошқариш учун отланганида, ўз ролини шу қадар усталик билан бажардики, бунга ўзи ҳам ишониб қолди.

Аутентистлик – лидернинг ўта юқори баҳолаб юборилган сифати. Одамни қўрқув, шубҳа, хавотирлар исканжага олади. Аммо уларни ўтиб кетишини кутишга вақт йўқ.

Рузвельтдан ибрат ол. Олға юр ва қўрқ. Аммо ўзингни ҳеч нарсадан қўрқмаётгандек тут. Тез орада ишончли тарзда ҳаракат қила бошлабгина қолмай, ҳақиқатан қўрқувдан халос бўласан.

94-САБОҚ

Ҳамкорлик алоқаларини ўрнат

Мен оддий, ҳалол республикачиман... Бирорта тўда ёки гуруҳ тугул, бирор одам менга нима қилишим кераклигини ўргатолмайди.

Нью-Йорк Қонунчилик мажлиси спикерига хат,
1883 йил

Нью-Йорк Қонунчилик мажлисига қайта сайланганидан кейин, 1883 йили Рузвельт ўзининг мажлис раисилигини сайлов кампаниясини бошлаб юборди. Бошланишига у ўзини таништириш учун барча мажлис аъзолари – республикачиларга хат тарқатди. Қўшимча маълумот керак бўлганларга у Гарвардда ўқигани, Қонунчилик мажлисида ишлагани, Дакотада ранчоси борлиги ҳақида батафсил ёзди. Рузвельт хатларида ҳеч қандай тўда ёки гуруҳга боғланмаган ўзининг республикачилик позициясини аниқ ифода қилди. Хатлар тарқатилгач, унинг ўзи шахсан Қонунчилик мажлисининг кўзга кўринарли аъзоларини зиёрат қилди. Рузвельт фақат бориб кўриш осон ва қулай бўлган Олбания, Нью-Йорк ёки бошқа йирик шаҳарларда яшайдиганлар билангина чекланмади. У кичик ва узоқдаги шаҳарчаларга ҳам борди. У поездда етиб олар, кейин

араваларга ўтирар, кўпинча пою-пиёда йўл босарди. Рузвельт шахсан учрашган кишигина сарфлаган кучларини қадрлашини биларди.

Бизнесда шахсий алоқалар ҳамиша муҳим аҳамият касб этган. Бугун биз юзма-юз учрашишларни виртуал мулоқотлар, конференц-алоқа, хабарлар ва ҳокозоларга алмашганмиз. Гарчи, технологик жиҳатдан унчалар зарурий бўлмаса-да, аммо юзма-юз ўтган вақт аввалгидан кўра анча бебаҳо ва муҳим.

Шахсий, юзма-юз ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттишга вақт, куч ва маблағни аяма. Мана шу ҳолда кишининг муҳимлиги ва аҳамиятини англатасан. Ўзингни аяма, вақт ўтиб бу ўз меваларини беради.

95-САБОҚ

Мағлубиятдан фойда чиқар

Якка ҳолда, ҳеч қандай қўлловларсиз, қатъий ва самарали курашганим... менинг фракция лидери сифатидаги ҳолатимни мустаҳкамлади. Мағлубиятлар охир-оқибат анчагина нарсаларни қўлга киритишимга ёрдам берди. Буларни спикер лавозимида кўришим гумон эди.

«Автобиография», 1913 йил

Нью-Йорк Қонунчилик мажлисига қайта сайланган Теодор Рузвельт 1883 йилда спикер лавозимига сайланиш учун ажойиб кампанияни олиб борди. У партиядошлари қувватлашларидан фойдаланмасдан, худди мустақил номзод сифатида иш кўрди. У республикачиларга ҳеч қандай гуруҳ, тўда, босс ёки бошқа бир одамга тегишли бўлмаган мустақил спикер ёқади дея ҳисоблаганди. Рузвельт шахсий компаниясини ўтказди, фракциянинг барча аъзоларига хат жўнатди,

уларнинг кўпчилигини, олисдагиларининг аксариятини шахсан зиёрат қилди. Кампания ажойиб, аммо жуда толиқтирадиган чиқди. Аммо барибир Рузвельт партиянинг оддийгина вакили бўлмиш Титус Ширдга ютқазиб кўйди.

Мағлубиятдан сўнг Рузвельт ўзини ғоятда ёмон ҳис қилди. Ҳамиша ўзгаларни ижобий кайфияти билан ажаблантириб келган киши учун ғайритабиий бўлган ҳафсаласизлик уни исканжага олди. Дўстлари ёш «олифта» тажрибадан ақли тўлишган кексага айланиб қолганини илғашди.

Бирок, бу узоқ давом этмади.

Кейинчалик Рузвельт «Автобиография»сида ёзишича, кўп ўтмай у мағлубият худди эҳтимолий ғалаба каби қадрли, ҳатто ундан муҳимроқ эканини англади. Мағлубият уни «спикер лавозими берадиганидан кўра кўпроғига эриштирди». У яхши жанг ўтказди ва бу сезилмай қолмади. Рузвельт сарфлаган кучлари ўзининг Қонунчилик мажлисидаги ҳолатини мустаҳкамлади, дея ҳисоблади. Бу мағлубнинг адашиши эмасди. Спикер Ширд кўмиталардаги лавозимларни тақсимлашга навбат келганида ўз рақибига саҳийлик кўрсатди. Рузвельт арзирли мукофотланди. Тез орада унинг илтимоси билан полиция, банк ва шаҳар кўмиталарига киритилди, охиргисига раислик ҳам қилди. Бу лавозим унга ажойиб ислохотлар ўтказишига имкон берди, штат қолаверса, давлатни бошқариши учун калит бўлиб хизмат қилди.

«Мағлубиятни тан олмагунча, – деганди Иккинчи жаҳон уруши йиллари Жорж С. Паттон, – сиз мағлуб эмассиз. Сира бундай қила кўрманг».

Рузвельт спикер бўлолмагани учун ҳафсаласи пир бўлганди. Аммо қисқагина ҳиссий курашдан кейин

у мағлубиятни атрофдагиларга партия машинасининг қўллаб-қувватлашисиз ҳам, мустақил равишда ҳаракат қилиш лаёқатига эга тажрибали курашчи сифатини кўрсатиш имкониятига айлантирди.

Кўпинча мақсадларга батамом эътиборни қаратиш иштиёқи хаёлни банд қилиб қўяди. Бу одамни воситалар – жуда бебаҳо бойликни эсидан чиқариб қўйишга мажбур қиладиган хато. Натижа кутилганидек чиқмаган тақдирда ҳам, харжланган қувват ҳамиша самара кўрсатади.

Бор кучинг билан кураш ва бу жараёндан фойдалан. Кураш, ўткир ақл, қатъият, ғайрат ва характер – мана шулар сенинг бойликларинг. Уларни намоён қил. «Омадсизлик» ёки «мағлубият» уларни ўчириб ташлашига йўл қўйма.

96-САБОҚ

Оптимал курсни танла

Ҳозир ҳам, аввал ҳам инсон мағлум бир тамойилни мурасасиз ҳимоя қилиши ва одамларни бўйсинишга мажбур қилиши мумкин эди. Албатта, бу жуда жозибадор йўл. Аммо жиддий бўҳрон шароитида бундай йўл хато бўлиши мумкин.

The Century даги луқма, 1900 йил, июнь

Теодор Рузвельт ҳақида ўйларкан, дарҳол тамойил тимсолини, мутлоқ идеал учун курашга тайёр қатъий лидерни кўз олдинга келтирасан. Бу сиёсий фалсафа ҳамда Теодор Рузвельт характеридаги муҳим аспектдир. Айнан мана шу аспектни у энг жозибали деб ҳисобларди. Шунга қарамай, Теодор Рузвельт биринчи навбатда идеалист эмас, сиёсатчи эди ва шундай бўлиб қолди. «Америка тарихини ўрганаётганларнинг бирортасига, – деб

ёзганди у The Century да 1900 йил, – АҚШ конституцияси – бутун бошли муросасозлик тўпламидан иборатлигини эслатиш ортиқча». Жон Мортон Блум «Рузвельт – республикачи» китобида (1954) компромиссларни «буюк майллантирувчи» дея атаган Рузвельтнинг сўзларини келтиради: «машхур кишилар доимо нимагадир эришиш учун муроса кўчасидан юришга мажбур». Ҳақиқатан ҳам Рузвельтнинг ўзи дунёдаги энг букилмас сиёсий лидерлардан бири бўлмиш Оливер Кромвелнинг биографиясида ёзганидек, «ўзларини бошқарадиган озод одамлар зарурат юзасидан маълум муросаларга келишлари, керакли битимларга бориши, қарашларидан, ҳатто тамоийилларидан воз кечиши керак. Ҳар қандай гуруҳ маълум даражада ўз манфаатларини жамиятнинг умумий манфаатларига бўйсиндириши лозим».

Муроса – бу зарурат ва қулай восита. Баъзан у олдга қўйилган мақсадга илгарилаш ва етишиш учун ягона усул бўлиб қолади.

Шубҳасиз, тамойилларга содиқ қолиш афзалроқ, бироқ бунинг ҳамма вақт ҳам иложи йўқ. Баъзан эса тамойилларга садоқат жудаям «жозибали» бўлса-да «хато йўл» бўлиб ҳам чиқади. Бироқ, баъзан муросасозликнинг хавfli йўлларида юраркан, ахлоқий мўлжалларни йўқотиб қўймаслик керак. «Ёмонликка қадам бўлувчи муросалардан воз кечиш керак». Рузвельт баъзан муросага борарди – истаганидан камроқ оларди ёки истаганидан кўпроқ берарди. Аммо у ҳеч қачон ахлоқ билан боғлиқ муросаларга бормасди. Ахлоқни оёқ ости қиладиган муросаларга ҳар қанча бойлик эвазига ҳам йўл қўймасди. «Нима қилиб бўлсаям» деган тушунча унинг учун йўқ эди.

Тамойилларга мутлоқ содиқлик ҳаракатнинг энг юксак тимсолидек туюлади. Аммо бу агар бирор

кафолатсиз яхшиликка эга бўлиш учун бошқа биридан воз кечилиши талаб қилинганида хато йўлдир. Ишончли йўл – ушбу шарт-шароитда мумкин бўлган ҳаракатларни оптимал танлашдир. У тамоийиллар муросасига йўл беради, аммо тамойилни қурбон қилмайди. Муҳими – керакли йўналишда ҳаракатланиш. Қанча номукаммал бўлмасин, ҳаракатлар динамик ва самарали. Мафкура қанча мукаммал бўлмасин, у турғун ва мевасиздир.

97-САБОҚ

Оломондан баланд тур

Сиёсат билан шуғулланадиган одамга ҳеч қачон, ҳеч қачон ва яна ҳеч қачон у президент бўлиши ҳақида эслата кўрманг. Бу уни сиёсий маънода ўлдиради. У тинчлигини йўқотади, ишини яхши бажаролмай қолади, унга бу имкониятни очувчи сифатлардан воз кечади.

Рузвельт ўз дўстлари Линкольн Стеффенс ва Жейкоб Риисга айтган, 1896 йил, ноябрь

Нью-Йорк полициясининг тиниб-тинчимас, азамат бошлиғи Теодор Рузвельтнинг ёрқин фаолияти маҳаллий ҳамда марказий сиёсатчиларни у ҳақда президентлик лавозимига мос номзод, дея гапиришларига мажбур қилди. Журналистлар Жейкоб Риис ва Линкольн Стеффенслар бунини Рузвельтга қувонч билан маълум қилганларида, у қувониш тугул, аксинча даҳшатга тушиб қолди. Агар одамга уни буюк лавозим кутаётгани айтилса, дастлаб у даҳшатга тушади. Бу эса уни президентлик у ёқда турсин, ҳар қандай сиёсий ишга лаёқатсиз қилиб кўяди.

Ҳамиятлилик ва кўркүв – бир-бирини рад этувчи тушунчалардир. Аммо Теодор Рузвельт улар бир-бири билан чиқишиб кетишига ишонарди. Сен ин-

тилаётган мукофот қанчалар юксак бўлса, қўлингда тутиб турганларингдан воз кечиш, ажралиш шунчалар даҳшатли бўлади. Бу қўркув исканжага олади ва ҳаммасини йўқотишга мажбур қилади. Илгарилаш ҳаракатни талаб қилади. Ҳаракатланишдан бўйин товларкан, сен осудалиқда қоласан ва орқага қайтасан. Лидерлар оломондан юксакка кўтариладилар. Осилсанг – баланд дорга осил. Бу сени пайқашларининг ягона усули. Фақат бўйнинг қайрилиб кетишидан эҳтиёт бўл.

98-САБОҚ Бирликка эриш

Уларга «Америка» сўзини қўллашингиз учун қаршилик қилишларига изн берманг. Ўзингизни Америка элчиси деб атанг, «Қўшма Штатлар» ўрнига ҳамиша «Америка» денг.

АҚШнинг Сент-Жеймс саройидаги элчиси
Жон Хейга хат, Лондон. 1897 йил 7 июль

АҚШ фуқаролари азалдан ўзларини америкаликлар, мамлакатни эса Америка дея аташган. Канадаликлар ва мексикаликлар бундан норози бўлардилар, аммо беҳуда. Тедди Рузвельт ўзида нафақат Канада ва Мексика (бугун бу мамлакатлар аҳолиси 146 млн. киши), яна Марказий Американинг етти давлати (41 739 000 киши) ва Кариб ҳавзасининг ўттизга яқин давлатини (40 800 000) ўз ичига олган қитъани ўзлаштиргани учун айбдорлик ҳиссини туймасди. У ҳатто Буюк Британиядаги АҚШ элчисига анчайин аниқ сиёсий атама «Қўшма Штатлар»ни ишлатишга бўлган уринишларга йўл қўймасликни ва ўз мамлакатини, ҳатто элчихонанинг расмий номланишида фақат «Америка» деб аташни маслаҳат берганди.

Рузвельтнинг бу хатти-ҳаракатини манманлик ва ўжарлик дея атаб бўладими? Ёки айримлар таъкидлаганидек, сурбет империализм симптомлари ва америка империясини барпо қилиш истаги дейиш керакми? Эҳтимол. Аммо «Қўшма Штатлар»ни «Америка» ва «америкаликлар»га алмаштириш орқали Рузвельт ўзига ва ўз халқига қудратли миллий ўзликни пайдо қилишни кўзда тутганди. Унинг учун «Қўшма Штатлар» шунчаки расмий, сиёсий ном эди, холос.

Америкача ўзликнинг тарихий, ҳиссий, интеллектуал, руҳий ва ботиний бойлигини тўлақонли тасвирлаш учун бу номга кўламдорлик ва теранлик етишмасди. «Қўшма Штатлар»дан фарқли равишда «Америка» тушунчаси миллат сўзини том маънода ўзида намоён қиларди: тамаддун унсурлари, умумий идеаллар, тақдирлар умумийлиги ва замонавий дунёда қабила тузумининг сақланиб қолган унсурлари деб аташга лойиқ бўлган барча-барчаси. «Қўшма Штатлар» – бу муҳим сиёсий ёрлиқ. «Америка» – сиёсатдан баланд эди. Бу – одамлар томонидан сиёсатни, фуқаролик моҳиятини – америкача фуқароликни тушунишни теранлаштирадиган ва кенгайтирадиган куч.

Теодор Рузвельтнинг буюк ҳаёти маъноси индивидуалликни кенг тарғиб қилиш эди. Аммо унинг сиёсий лидерлик фалсафаси чўққиси – «янги миллатчилик» ҳисобланиб, у 1912 йил мана шу шиор билан учинчи партиядан номзод бўлганча сайлов компаниясида қатнашди. У бир пайтнинг ўзида индивидуализмни тарғиб қилди ва шахсий манфаатларни миллатга бўйсиндириш ғоясини ёйди. Унинг фалсафаси миллий *E pluribus unum* – «Ранг-барангликда бирмиз» шиорининг амалдаги ифодаси эди. Аммо бу бирлик – улкан ва кўламли тарзда чинакамига буюк бўлиши шарт эди.

Фақат ана шундагина у кўплаб индивидуалликларни ўзида жамлаши мумкин. Рузвельт айнан Америка мана шундай буюк деб ҳисоблар, Қўшма Штатлар эса қулоққа норасодек эшитиларди.

Ўз компаниянгни шундай позициялагинки, у барча умумий уринишларни бирлаштиришга лойиқ бўлсин. Ташкилот унинг таркибидаги ўз ривожига ҳисса қўшувчи ҳар кимни кўкка кўтарадиган жамоавий корхонадан кўра йирикроқ бўлиши керак.

99-САБОҚ Олдинги сафда юр

Баъзан ўз давридан ўзиб кетганлар экстремистга айланадилар. Аммо кўпинча улар буюк ҳаракатнинг қайдадир ёнида, ҳатто энг орқада имиллайдилар ёки бошқаларни нотўғри йўлга солиб юборишга уринадилар.

Оливер Кромвель

Дунёда Теодор Рузвельтга экстремист ёрлиғини ёпиштиришга тайёр одамлар етарлича эди. У эса бундай ёрлиқ «вақтдан ўзганлар»га эмас, миллатни нотўғри йўлга бошлаб кетишга тайёрларга мос келишини яхши биларди. Рузвельт эксипемизмни ёқламасди. У ўзини вақтдан ўзмаган, у билан ёнма-ён қадам ташлаган ҳолидаям олдинги сафларда юрадиган чинакам лидер дея ҳисобларди. Агар бундай позиция айримларни Рузвельтни экстремистликда айблашга мажбур қилса, бунда у эмас, ўшалар айбдор.

Албатта, гапнинг пўсткаласини айтанда, ҳар қандай киши каби, Рузвельт ҳам ўзининг чинакам лидерлиги, экстремист эмаслигини исботлаб бериши мумкин эди. Рузвельт ҳеч қачон бу саволга тўғридан-тўғри жавоб бермаган, аммо ҳаётнинг ўзи бунга жавоб бериб туриб-

ди. Лидер ўзининг ҳақлигини *билади*. Экстремист ҳам ўзининг ҳақ эканини билиши ва жаҳонга жар солишини айтиб, эътироз билдириши мумкин. Бунга Рузвельт жўнгина жавоб берарди: «Ҳа, аммо у адашади!»

Сен экстремист ёки ҳақиқий лидер эканингни аниқ кўрсатиб берадиган холис синовни ахтариш беҳуда. Бунинг кўрсаткичи – натижалардир. Аммо уларга эришилгач батамом мағлубиятга учраш ҳам мумкин. Танлаш имкони йўқ – ўз қарашларинг ва компания ривожланиши йўналиши тўғрилигига бўлган ўз туйғингга таянишга мажбурсан. Сен олдинги сафда бўлишинг керак. Аммо жамоанг нафасини кифтингда ҳис қилиш учун улардан кўп олислаб кетма.

100-САБОҚ

Катта тўқмоқни ҳозирлаб қўй

Шундай ибора бор: «Вазмин сўзла, аммо катта тўқмоқингни ҳозирлаб ҳам қўй – шунда ҳаммаси сен айтгандай бўлади». Агар миллат вазмин гапирса ва шу билан бирга ўзининг ҳарбий-денгиз флотини кучайтириб, унинг энг юқори самарадорлигини ушлаб турса, Монро доктринаси ҳаётга тўлиқ татбиқ этилади.

Миннесотадаги нутқ, 1901 йил 2 сентябрь.

Ҳамма Тедди Рузвельт ҳақида: *у вазмин сўзловчи, шу қатори катта тўқмоғи ҳамиша шай президент бўлганини билади, ёки биламан деб ўйлайди.*

Ўткир сарлавҳаларга ўч америкаликлар Рузвельтнинг ташқи сиёсатини кўпинча «урушқоқ» ва «агрессив» дея аташарди. Аммо Рузвельт президентлиги даврига хос фактлар бунинг аксини айтади. Бу давр тарихда энг тинч йиллардан бўлиб қолди. АҚШ ўз тараққиётининг чўққисига чиқди. Президент 1905 йилги қонли Рус-

япон урушига нуқта қўйган музокараларни уюштиргани ва иштироки учун Нобел тинчлик мукофотига лойиқ кўрилди. Рузвельт биринчи бор вазмин сўз ва катта тўқмоқни (кўплар бу жумла ғарбий африка ибораси дея ҳисоблашади) тилга олганида АҚШ вице-президенти лавозимида эди. Орадан тўрт кун ўтгач, президент Мак-Кинли анархист ўқидан яраланди. Аммо 2 сентбрда буни ҳали ҳеч ким билмасди. Вице-президент ўзининг одатдаги ишлари билан машғул эди – президентнинг ўзи келиб нутқ ирод этишдек аҳамиятга молик бўлмаган тингловчилар залида нутқ сўзлади. Рузвельтнинг ўзи ҳам Оқ уйдан бир қадам берида эканини билмасди. У тезда «катта тўқмоқ» ўз дипломатиясининг ажралиб турувчи тимсоли бўлишини ҳам ҳали билмасди.

1905 йил сентябрдаги нутқ мутлоқо аниқ, жуда тор мақсадга эга эди. Рузвельтнинг нутқи америка флотини яратиш ва модернизациялашдаги катта харажатларни оқлашга қаратилганди. Бир неча йиллар олдин, 1897 йил 2 июнда Род-Айленддаги Ньюпортда сўзланган нутқида Рузвельт айтганди: «Куч билан қувватланмаган дипломатия мутлоқо бефойдадир». Қудратли америка флоти америка дипломатияси уринишларининг қўллаб-қувватловчиси бўлиши мумкин эди. Унга эга бўлган Қўшма Штатлар дипломатик саҳналарда «бақириши» ва «тутақиши»га ҳожат қолмасди. Аксинча, мамлакат вазмин ва оқилона сўзлаши мумкин эди. Кучли армия ва яна-да кучли флотдан (қирғоқларини икки буюк уммон ювиб турган Қўшма Штатлар учун бу жуда аҳамиятли) иборат ҳарбий қудратни ошириш – урушқоқликни намойиш қилиш эмас, тинчликни сақлаб қолиш воситаси бўлиб қоларди. Албатта, Америка фойдасига қаратилган шартлар асосидаги тинчликка. Фақат телбагина катта тўқмоқли одамга ҳамла қилади.

Сергап думбулларгина «ҳаққоний» ва «чинга ўхшаш» синоним деб ҳисоблайди. Фарқ шундаки, ростгўй одамнинг сўзи бекорчи эмас, у реал ҳаракатлар билан қўллаб-қувватланган. Улкан флотга қўмондонлик Рузвельтга уруш очиш мажбуриятини қўймасди, аммо бошқа давлатлар Қўшма Штатлар манфаатига зарар келтириш нималарга сабаб бўлишини аъло даражада тушунардилар. Сенда ҳаракат воситалари бўлса, куч кўрсатишингга ҳожат қолмайди. Аммо у воситалар сўзларингга салмоқ беради – сен ўз манфаатларингни ҳимоя қила олишга қодир эканингни атрофдагилар яхши англашади. Қуруқ таҳдид қилма (вазмин сўзла), аммо шундай қилки, захиралар ҳамда ҳокимиятинг кўламини ҳамма аниқ-тиниқ билсин. Шунда товушингни кўтариб таҳдидга ўтишингга ҳожат қолмайди. Ким билан вазмингина гаплашаётган бўлсанг, буни равшан ҳис қилади. «Ҳаққоний»нинг асл маъноси мана шунда.

101-САБОҚ **Яхшилик кўрсат**

Менга дўстлигингиз керак.

Сенатор Марк Ханнага мурожаат,
1901 йил 14 сентябрь

Огайо штатидан бўлган сенатор Марк Ханна худди Теодор Рузвельт каби республикачи эди. Улар орасидаги ўхшашлик шу билан тугарди.

Ханна ташкилот одами, «қироллар ижодкори», гуллаб-яшнаши меҳнатга эмас, капитал билан боғлиқ таниш-билишчиликка асосланган саноатчи эди. Унга ўхшаган одамларни айни дамдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат

қониқтирарди. Республикачилар партияси етакчиси бўлган кекса Ханна Рузвельтда ислохотчи, ҳатто социалистни кўргани туфайли ундан ҳадиксирарди. Мак-Кинли жароҳати туфайли вафот этганини эшитган Ханна ўзини тутиб туролмади: «Кўриб қўйинглар! – хитоб қилди у. – Бу шайтонвачча кавбой Кўшма Штатлар президенти бўлди!»

Янги президент 1901 йил 14 сентябрда халққа қасамёд қилганида, Ханна унга мурожаат қилди. Рузвельт ушбу кекса сенатор президент Мак-Кинлига сиғиниши, унинг ўлиmidан қаттиқ қайғуга чўкканлигини биларди.

Ханна уни ёқтирмаслигини ҳам жуда яхши биларди. Аммо барибир, кекса сенаторнинг фойтуни Оқ уй олдида тўхтагани ва қария ҳассасига таянганча ожиз қадамлар билан зинадан кўтарилаётганини кўрган Рузвельт чаққонлик билан тушиб келди ва қўлини узатди. У Ханнанинг миннатдорчилигига умид қилмаганди. Аммо сенатор бундай эҳтиромни муносиб баҳолади. «Жаноб президент, – деди у. – Мен сизга муваффақият ва омадлар тилайман. Сэр, агар ёрдамим зарур бўлса, бажонудил менга таянишингиз мумкин».

Рузвельт ҳеч кимга «таянмоқчи» эмасди.

«Менга дўстлигингиз керак», – деди у ожиз кекса сенаторга зинадан кўтарилишда ёрдам кўрсатаркан.

Бизнес пуллар, маҳсулотлар ва ғояларни бошқаради. Аммо бизнесдаги муваффақият ёки барбодлик аҳамиятли даражада одамлар орасидаги алоқага боғлиқ. Инсонийлик, англаш, ҳамдардлик, меҳрибонлик, бутунлик, миннатдорчилик ва ҳурмат, бошқача айтганда, яхшилик кўрсатиш – фойдали ва ҳатто кутилмаган натижалар олиб келиши мумкин. Буни унутма.

102-САБОҚ Тўғри сўзларни сўзла

Ушбу оғир, теран миллий йўқотиш онларида мақсадим – президент Мак-Кинли сиёсатини мутлоқ оғишмай давом эттиришдир.

Халққа содиқлик қасамёдини қабул қилиш олдидан айтилган сўзлар, 1901 йил 14 сентябрь

Теодор Рузвельт Мак-Кинли анархист томонидан ўлдирилгач президент бўлди. Унинг ҳаракатларидан Рузвельт кучли, ҳаракатчан ва новатор президент экани дарҳол аёнлашди. Шунга қарамай, у Мак-Кинли ҳукуматидаги мудофаа вазири Илайи Рутнинг маслаҳатига амал қилди ва «Мак-Кинли сиёсатини оғишмай давом эттириш ниятида эканини» эълон қилди. Янги президент бу сўзларни худди ана шундай қайтарди.

Рузвельт айёрлик қилмаётганди. Ёлғон ҳам гапирмади. Унинг сўзлари – ҳақиқатнинг бир қисми. Янги президент испан-америка урушида ғалаба қозонган, мамлакатни тараққиёт ва тинчликка бошлаган президентнинг ўлимидан халқ қаттиқ мотамда эканидан ҳозир кутилаётган ўзгаришлар ҳақида эшитишни унчалар ҳам хоҳламаслигини очик англаб турарди. Теодор Рузвельт ҳамиша чин юракдан, самимий гапирарди. Аммо ўша пайти у мамлакат эшитишни хоҳлаётган тўғри сўзларни айтди.

Рузвельтнинг сўзлари Қўшма Штатлардагина эмас, бутун дунёда қувонч билан қарши олинди. Бироқ қасамёд қилиш вақти келганда Рузвельт ҳеч кимнинг издоши бўлишни истмаслигини ҳаммага англариб қўйди. Гувоҳлар ўша пайтда у мрамор ҳайкалга айланганини эслаб қолишди. У маҳаллий федерал судья айтган қасамёд

сўзларини шунчаки такрорлаб қўймади. Уларни баланд ва аниқ қилиб айтди – тантанани «Мен шунга қасам ичаман!» – дея ўзидан ҳам қўшиб ниҳоясига етказаркан, конституцион қасамёдни безаб ҳам қўйди. Рузвельт салафи сиёсатини давом эттиришга ваъда бераркан, шу билан бирга унинг ўзи ҳам жуда кучли ва мустақил эканини кўрсатиб қўйди.

Лидер сифатида ҳақиқатни айтишинг лозим. Баъзи вақтлар ёлғонгача тушиб кетмасдан тўғри сўзларни тилга оласан. Баъзан ходимларинг эшитиши керак бўлган сўзларни эмас, эшитишни хоҳлайдиган сўзларни айтишга тўғри келади.

103-САБОҚ

Ҳар кишининг лидери бўл

Биз трестлар деб атайдиган йирик корпорациялар аслида давлатнинг зурриёдларидир ва у трестларни назорат қилиш ҳуқуқидагина эга эмас. Давлат йирик корпорацияларни керак пайти назорат ҳам қилади... Айни дамда сувереннинг зурриёди, унга бўйсиниши шарт ҳамда буйруқларини сўзсиз бажариши лозим бўлган трестларни номигагина эмас, реал назоратга олишнинг долзарб зарурати туғилди... Менимча, миллий ҳукумат ана шундай суверен бўлиши шарт.

Провиденсдаги нутқ, Род-Айленд
1902 йил 23 август

Президент Теодор Рузвельт мактаб дарсликларидан трестларга қарши курашган мамлакат раҳбари, ҳаракатлари эркин рақобат тизимининг ҳалокати билан таҳдид солаётган ва муҳим маҳсулотлар ҳамда хизматлар истеъмолчиларини чинакам гаровга олинганларга айлантириб ҳаддидан ошган монополияларга қарши

жангга кирган шахс сифатида кўрсатилади. Президентнинг 1902 йил 23 август куни Род-Айленддаги Провиденсда сўзлаган нутқи федерал ҳукуматнинг трестлар фаолиятини тартибга солиш бўйича ҳуқуқи ва вазифалари ҳақида оммага айтилган биринчи баёноти эди. Ушбу сабоқда келтирилган иқтибос Теодор Рузвельтнинг федерал ҳукуматнинг савдони тартибга солишдаги роли ҳақида айтган ёрқин баёнотларидан биридир.

Айни кунларда бу сўзларни ўқиганларнинг кўпчилиги уларнинг кескинлигидан гангиб қолишлари шубҳасиз. Рональд Рейганнинг икки муддатли президентлик давридан буён Қўшма Штатларда федерал ҳукумат хусусий тадбиркорларнинг ишига аралашувидан воз кечиш анъанасини кўзда тутиб келмоқда эди. Рузвельтнинг замонасида кўплаб мавқеи юксак бизнесменлар ва молиячилар унинг трестларга бўлган муносабатига эътироз билдиришарди. Шунга қарамай, Тедди Рузвельт ҳалигача мамлакатнинг энг машхур лидерларидан бири ва шундайлигича қолмоқда. Бунга у қандай қилиб эришди?

Айримлар бундай машхурликни унинг ёрқин, истарали шахс экани ва ғаройиб ҳаёти туфайли, дея тушунтиришга уринишди. Бунда бир оз ҳақиқат бор, албатта. Аммо фақат Рузвельтнинг жозибадорлиги, истараси билан чегараланиш хато бўлади. Кўплаб қарама-қарши баёнотлар бериш ва федерал ҳукумат фаолиятида ҳамда ролида саноксиз кескин ўзгаришларни таклиф қиларкан, ўзида Қўшма Штатлар халқини намоён қилишини ҳеч қачон унутмасди. У ҳамманинг президенти эди. У катта бизнес президенти эмасди. У меҳнаткаш халқнинг президенти эмасди. У бадавлатларнинг президенти эмасди. У қашшоқлар президенти эмасди. У Қўшма Штатлар президенти эди.

Кўплар ушбу сабоқ бошида келтирилган иқтибосда

Теодор Рузвельтнинг йирик бизнесга қарши қаратилган федералча кайфиятини кўришади. Ҳатто энг холис ўқувчи ҳам президентнинг симпатияси корпорациялар эмас, халқ томонда эканини англаши керак. Аммо бу иқтибос Теодор Рузвельт ўша куни айтганларининг ҳаммаси эмас. Давомида қуйидаги сўзлар келтирилади:

«Бизлар савдонинг бениҳоя гуллаб-яшнаётган даврини бошдан кечирмоқдамиз. Бундай давр, худди жиддий қийинчиликлар давридаги каби, норозилар шиквасига олиб келиши шубҳасиз. Кўпчилик яхши шароитда яшаётган бир пайтда, айримлар ҳашаматга кўмилгандир. Бугун айни Силоам минораси қулаган замонадаги каби: омад нафақат яхшиларга келмайдиган, омадсизлик эса – нафақат ёмонларга насиб қилмайдиган пайт. Агар об-ҳаво яхши бўлса, буғдойгина эмас, ёввойи алафлар ҳам қулф уриб ўсади».

Мана шу ҳолда Рузвельт гап бошида бутун фуқарога мурожаат қилди. У фаровонлик гуллаган даврдаям бойлик бир текис тақсимланмаслиги ҳақида сўзлади. Кимдир яхши яшайди, кимдир эса ҳашаматга кўмилади. Агар бу адолатсизлик бўлса (президент буни таъкидламади), у одамзод пайдо бўлганидан бери мавжуд. Исо Масих даврида Силоам минораси қулаб тушганида бойларни ҳам, қашшоқларни ҳам, яхшиниям, ёмонниям бирдай босиб қолган. Луканинг Инжилида айтилишича, ўн саккиз киши ҳалок бўлган. Фаровонлик кишиларнинг кўрсатган хизматларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳаммага ҳар хил насиб этади.

Шунинг учун президент мутлоқ адолатни таъминлаш учун ўзининг президентлик ҳокимияти ва ҳукумат ҳокимияти сарҳадларини аниқлаштириб олишдан бошлади. Ҳаммага мурожаат қиларкан, унинг ўзи бутун

халқни намоён қилишини айтди. Агар ҳокимият чекланган экан, ҳар бир кишининг ҳокимияти чеклангандир. Тараққий этган ижтимоий ҳаёт айнан мана шундай ривожланади ва ҳамиша шундай бўлади.

Президент тараққий этган жамиятлар ҳақида шундай деди: «Қайдаки кўп одамлар йиғилган ҳолда яшаса, улар бир-бирларидан кўра анча олисларда яшаганларидан кўра кўпроқ биргалиқда ишлашади».

Замонавий шароитлар «иш оламида корпорациялар яратиш заруратини» талаб қилмоқда. Бу билан Рузвельт ўзини корпоратив Америка президенти эканини англатди. Кейин у «ёлланма ишчилар ташкилотлари ва иттифоқларини яратиш» худди шундай зарурат эканини таъкидлади. Бу билан у ўзини меҳнаткаш Америка президенти эканини англатди. Бундай мувозанатлилик Рузвельт нутқларига жуда хос эди.

Низолашган тарафларнинг, бу ўринда трестлар ва ишчиларнинг позициялари бир-бирига мос келмаган вазиятларга дуч келган пайти Рузвельт ҳамиша муроса имкониятларини изларди. Тарафлар баҳслашиши мумкин, корпорация ва ишчиларнинг манфаатлари турлича. Аммо жамият фаровонлиги учун уларнинг иккиси ҳам зарур.

Рузвельт низони яна-да кескин аниқлаштирди, аммо шу билан бир пайтда оралиқ йўл анча қулай ва жозибадорлигини ҳам кўрсатди: «Ҳокимиятга эга ҳар ким бунга эгалиги билан қўшниларига зарар етказиб қўйиши мумкин». Бир томон шунақа. Аммо гап бу билан тугамайди. Бу ерда «аммо» ҳам бўлиб, у одатий мувозанатни таъминлайди: «...аммо биз бундай кишиларнинг, у ўз ҳокимиятини ёмон ниятларда қўллаши мумкин дея, ривожланишини тўхтатиб қўя олмаймиз». Президент огоҳлантирди: «Улкан бойлик етказадиган кўламдор

зарарни уларнинг эгалари эмас, қалбларига ҳасад ва нафрат туйғуларини киритган қўли қисқа кишилар келтиришади».

Рузвельт мана шу ҳолда трестларга нисбатан «кескин» позициясига эҳтиёткорлик билан яқинлашди. У аввал ўзини барча халқнинг президенти деб атади, кейин ижтимоий зиённинг икки манбасини аниқлаб берди. Биринчиси – улкан бойликнинг назоратсиз ҳокимияти. Иккинчиси – тоифалар орасидаги уруш, «қўли қисқа кишиларнинг» юрагига кириб олган «ҳасад ва нафрат туйғулари». Шундан кейин у ўзининг қарори – корпорацияларни («давлат зурриёдлари») давлат томонидан федерал тартибга солишни таклиф қилди.

Бу қарор ижтимоий зиённинг ҳар икки манбасига ҳам қўлланади. Трестлар ишини тартибга солиш бадавлатларни жазоламайди ва «қўли қисқаларни» мукофотламайди. Бундай ёндашув Америка Қўшма Штатлари, яъни даромади ва мавқеидан қатъий назар, ҳаммани муҳофаза қилади.

Сендан мураккаб танловни ҳал қилиб беришни сўрашса, таклиф қилинаётган позицияни эгаллашдан хушмуомалалик билан воз кеч. Бир томоннинг ёнини олган пайтинг, бошқасига ёмон кўриниб қолишинг ҳеч гап эмас. Теодор Рузвельт Оқ уйда айни чуқур маданий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар Қўшма Штатларни емиришга тушган пайти пайдо бўлди. Президент на у, на бу тарафга ўтди. У миллатни бирликка мажбурламади. У шунчаки миллат президенти – ҳар кишининг президенти эканини кўрсатди.

Сен компаниянгни бошқаришинг керак. Барча қарорларни, шу жумладан низолашаётган манфаатлар ва қарама-қарши нуқтаи-назарларни ҳам, бутун корхонанинг жамоавий ранг-баранглигидан келиб чиққан

ҳолда қабул қил. Агар бирор томонни қабул қилишга тўғри келса, ўзингни ҳаммининг вакили сифатида иш тут. Буни қилса бўлади. Буни қилиш зарур.

104-САБОҚ

Кучларнинг идеал мувозанатини ярат

Калондимоғлик, бадгумонлик, омадлиларга қаттиқ ҳасад, омадсизларга қаттиқ лоқайдлик, ўзгалар ҳуқуқини ҳисобга олишни сурбетларча истамаслик, фойдали ҳаракатларни чеклашни тушунишни аҳмоқларча рад этиш, бадавлатларни талон-тарож қилиш ёки қашшоқларни эзиш шаклидаги худбинона очкўзликка оммавий равишда интилиш – шу ва шу каби иллатлардан қутилибгина миллатимиз жамики башарият ичида ўзининг юксак ўрнини сақлаб қолиши мумкин.

Нью-Йорк Савдо палатасидаги нутқ,
1902 йил 11 ноябрь

Теодор Рузвельт президентлик даврида Қўшма Штатларнинг оммавий гуллаб-яшнаши жамиятда янада чуқурлашаётган табақаланишни юзага келтирди. Буни президентдан бўлак ҳеч ким теран англамасди. Рузвельтнинг фаолияти бошида, у ҳали Нью-Йорк полициясини бошқарган маҳаллар орттирган дўстларидан бири Жейкоб Риис мазкур шаҳар харобаларидаги ҳаёт ҳақида очиқ китоб ёзганди. Китобнинг: «Қолган ярми қандай яшамокда», – каби сарлавҳаси миллат табақаланиши моҳиятини ифодалаб турарди.

Тарих дарсликларида Рузвельт Америкада ҳукм сурган иқтисодий адолатсизликлар акс этган бундай китоблардан қаттиқ таъсирлангани жуда ҳаққоний ёзилган. Улар президентни оқилона ижтимоий таъминот

тизимини ишлаб чиқиш, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида, маҳсулотлар ҳамда дори-дармонлар сифати, банклар ва трестлар фаолияти ҳақидаги қонунлар, шунингдек бир қатор ислоҳотларни амалга оширишга туртки берди. Бундан президент Рузвельт «қолган ярим»дагиларнинг толмас ҳимоячиси бўлган, дея тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо бу ҳақиқатнинг ярми – президентдаги лидерлик сифатларининг ярми, холос. Теодор Рузвельт аҳолининг фақат бир қисмига тегишли манфаатлар билан қизиқишдан қониқмаган бўларди.

Нью-Йорк Савдо палатасида 1902 йил 11 ноябрь куни сўзлаган нутқи президент қарашларининг қаймоғи эди. Ҳар бир гап нутқнинг умумий маъноси сингари равон, мувозанатли ва ўйланган. Рузвельт «калондимоғликни, бадгумонлик, омадлиларга қаттиқ ҳасад»ни қабул қиллолмайди. Шу билан бирга, у «омадсизларга қаттиқ лоқайдлик»ни қаттиқ қоралайди. Икки ҳолатдаям у қаттиқ сифатини ишлатади, ҳар икки ҳолатдаям битта «омад»нинг қўшимчасини ўзгартирган ҳолда қўллайди. «Ўзгалар ҳуқуқини ҳисобга олишни сурбетларча истамаслик» идеал тарзда, «фойдали ҳаракатларни чеклашни тушунишни аҳмоқларча рад этиш»га қарши қўйилган. Ҳукумат барчасини тўғрилайди, дея ишонил «аҳмоқона». Демагогиядан кимки фойдаланмасин, у барибир ёмонлик келтиради. Рузвельт «бадавлатларни талон-тарож қилиш ёки қашшоқларни эзиш шаклидаги худбинона очкўзликка оммавий равишда интилиш»ни жуда яхши ҳис қиларди. «Талон қилиш ва эзиш», «бадавлатлар ва қашшоқлар» каби контапунктларни ҳис қилияписизми?

Рузвельт синтаксис ва мазмуннинг идеал мувозанатини таъминлаганча ўзини на у-на бу фракциянинг, Американинг на у-на бу қисмининг эмас, бутун бари-

сининг лидери эканлигини кўрсатди. У мана шундай мувозанат, гарчи қисман хавфли бўлса-да, мутлоқо зарурат дея ҳисобларди. Ҳаммага хизмат қилишга интилиб, ҳеч кимни қониқтирмаслик ҳам мумкин. Кўпинча, *мувозанатни* сақлаб қолишга уринилаётган *мавқе билан* ҳам адаштиришади. Рузвельт бундай сувости тошларини айланиб ўтишни уддаларди. У ҳеч қачон одамларга – на бойларга, на қашшоқларга ташланарди. У низонинг икки томонига мувофиқ бўлган «иллатлар»ни танқид қиларди.

Самарали ўзгаришларни тарафларининг биронтаси ҳисобига амалга ошириб бўлмайди. Умумий туйғулар, иштиёқлар ва қадриятлар ўзгариши керак. Миллатнинг бирор қисмини жазоламай ҳам бунга эришишнинг ягона усули халқнинг – ҳамманинг лидерига айланишдир.

Самарали ривожланиш ва ўзгаришларга компанияни бошқариш мобайнида ходимларни, манфаатларни ва фракцияларни бир-бирига қарши қўймаган ҳолдагина эришиш мумкин.

Ташкилот учун умумий бўлган муаммолар, қадриятлар ва яхшиликларга боғлиқ бўлган саволларни қидириб топ. Мувозанатлаштирилган сиёсат ва самарали мулоқот ёрдамида ходимлар ғайратини бу саволларга ечим топишга йўналтир. Ҳал қилишда ҳамма қатнашиши керак бўлган умумий мақсадларни олдинга қўй.

105-САБОҚ

Жабрдийдалиқдан воз кеч

Агар у мени отганида, осонгина қутилиб кетолмасди...

Ўзим уни ушлаб олардим.

Мак-Кинли ўлими ҳақидаги хабарни олганидан сўнг Рузвельт айтган сўзлар, Эдмунд Морриснинг «Теодор Рекс» китобидан олинган, 2001 йил

Рузвельтнинг гипотетик қотилликка жанговар муносабатини ожизона қаҳр ва мақтанчоқлик уйғунлигига йўйиш жуда осон, тушунарли ва унчалар ҳам нотўғри бўлмасди. Бу сўзларни айтишдан мақсад қандайлигидан қатъий назар, улар инсон ва сиёсатчи Рузвельт учун жуда табиийдир.

У аслида ким эканлигидан сир ясамасди. Журналист ўз мақоласида унга ёқимсиз ёрлиқни ёпиштирмоқчи бўлганми ёки потенциал қотил унга қўрғошинни жойлаб, жабрдийдага айлантирганми, булар муҳим эмас. Рузвельт ташқи томондан унга хос бўлмаган фазилатнинг тикиштирилишини истамасди.

Рузвельт ўзини ўлдиришлари мумкинлигини очик англарди. Мак-Кинли билан, унгача эса Жеймс Гарфилд ва Линкольнлар билан ҳам қотиллик юз берганди.

Рузвельтнинг ўзи ҳам 1912 йил 14 октябрь куни, учинчи партиядан номзод сифатида қатнашган сайловолди компанияси пайтида яраланганди. У қотиллик эҳтимолини рад қилмаган ва шунга ҳозирланиб юрарди. Бироқ қасд қилганни қочиб қолишга улугирмасидан «тутиб олиши»ни (янаям тўғрироғи, у «қарши зарба беришни» назарда тутган бўлиши керак) таъкидлаш билан у жабрдийдалиқдан воз кечишини англамоқда.

У яралангани ҳолда ҳам ўзининг яшашга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилувчи агрессор ва ўзлигидан воз кечмайдиган бўлиб қола оларди.

Агар кимлигингни ўзинг аниқлаштирмасанг, буни бошқалар қилишади. Кимлигингни, ким бўлмоқчи эканингни, атрофдагилар кўзига қандай кўринмоқчи эканингни аниқла. Ўзинг танлаган ўзликдан келиб чиққан ҳолда намоён бўлиш учун барча имкониятларни қўлла. Бу ўзликни ташқаридан ўзгартиришга бўлган уринишлардан ҳимоялан.

Ўз имижингни ўзгартиришга изн бериш билан лидерликдан воз кечган бўласан.

106-САБОҚ

Лидерликни сиёсатдан устун қўй

Бор ҳаёти ва бахти сиёсий салмоқни сақлаб қолишга боғлиқ бўлиши – одам учун улкан фожиадир.

«Автобиография», 1913 йил

Теодор Рузвельт сиёсатни севарди. У биринчи умуммиллат сиёсий кампаниясини Мак-Кинлининг ҳамкори сифатида президентликка даъвогардан ҳам кўра самаралироқ тарзда ўтказди. Бошидаёқ Рузвельтнинг бу жиҳатдан жуда салоҳиятли ҳамда келажаги ёрқин эканлиги равшан бўлди.

Шунга қарамай, уни ҳамиша бир умр сиёсий салмоқни тутиб туриш билан банд бўлиш туйғуси қийнарди. Бундан ташқари, у лидерлик иштиёқи билан сиёсий иштиёқлар ҳамиша бир-бирига мос келмаслигини жуда яхши англади.

1883 йилнинг мартада Нью-Йорк Қонунчилик мажлисида сўзга чиқаркан, у шундай деди: «Мен нотўғрилигини англаганча бу ерда қолганимдан кўра, тўғри қилганимни англаган ҳолда сиёсатдан кетганим афзал». Бунга айтиш орқали Рузвельт лидерликни сиёсатдан устун қўйди.

Муносиб сиёсатчининг белгиси – лидерликни уни ҳокимиятга олиб келган кишига қолдириб, ўзи унинг ҳокимиятини сақлаб қолишидир.

Муносиб лидернинг белгиси – гарчи бу лидерликдан сўнгги ва қатъий тарзда ажралиш бўлса-да, сиёсатни қолдиришга шайлик. Рузвельт айнан мана шундай қадамга тайёр эди.

Сиёсатчи бошқаришга қанчалар тайёр бўлса, эргашигаям шунчалар тайёр туради. У ҳокимиятни сақлаб қолишни қанчалар хоҳласа, шунчалар кўп эргашиб ва камроқ бошқаришга мойил бўлаверади. Лидер эса устунлик ва маъсулиятни ихтиёрий тарзда бериб қўймайди. У саф бошидаги ўрнини сақлаб қолиш учун таваккал қилишдан қўрқмайди. Сен ҳам лидер бўласанми ёки сиёсатчи – ҳозир ҳал қил.

107-САБОҚ

Зарурат туғилганида ультиматум қўй

Биз учун Пердикарис тирик бўлиши ёки Райсули ўлдирилиши лозим.

Давлат котиби Жон Хейнинг Марокашдаги америка консули Сэмюэль Р. Гуммерга телеграммаси
1904 йил, июнь

Ион Пердикарис юнон мусофири Грегори Пердикариснинг ўғли эди. АҚШга келгач, Грегори Жанубий Каролинадаги бой хонадон қизига уйланди, Юнонистондаги америка консулига айланди, кейин Нью Жерси штатидаги Трентонда ўтроқлашиб, у ерда гуллаб-яшанаган газ компаниясига асос солди. Грегорининг ўғли Ион 1862 йилгача бойваччаларга хос ҳаёт кечирди. Конфедератлар ҳукумати Нью-Жерсидаги оила мол-мулкани мусодара қилмоқчи бўлганида, Ион уларга ҳалал беришга уринди. У Юнонистонга қайтди, америка фуқаролигидан воз кечиб, халқаро қонундан ёрдам сўради – Греция фуқароси мулкани мусодара қилиш мумкин эмасди.

Ион АҚШга қайтиб келмади. У Марокашдаги Танжерга жойлашди, ўзига данғиллама қаср – «Булбул уяси»ни

қурдирди ва машхур муҳандис С.Ф. Варлининг собиқ хотини Эллен Варли билан сержанжал ҳаёт кечира бошлади. 1873 йилда Варли ажрашди, шундан сўнг Эллен тўрт фарзанди билан Ион Пердикариснинг «Булбул уяси»га кўчиб келди.

1904 йил 18 майида инқилобчилар Марокаш тахтига ҳақли даъвогар Мулай Аҳмад ар-Райсули (ёки Райсуни) бошчилигида Ион Пердикарис ва Элленнинг ўғли Кромвелни ўғирлаб кетишди. Пердикарисни озод қилиш учун Райсули Марокаш султони Абул-Азиздан етмиш минг доллар ва Марокашнинг икки бой ҳудудини талаб қилди.

Президент Рузвельт америка фуқароси дея ҳисоблаган кишини (кейинчалик бундай эмаслиги маълум бўлди) чет эллик «қароқчи» ва Марокаш султони қўлида кулфатда қолдиришни истамади. У адмирал Френч Энзор Чедвикка етти кемани тўлиқ қуроолантириб Марокаш соҳилларига жўнатишни буюрди. Давлат котиби Жон Хей орқали америка консули Сэмюэль Р. Гуммэрга султонга бериб қўйиши учун ультиматум ва америка шартларини етказди. «Биз учун Пердикарис тирик бўлиши ёки Райсули ўлдирилиши лозим, – қаҳр билан бошланарди ультиматум. – Бундан ташқари, Марокаш ва бошқа давлатлар билан энг паст даражадаги мураккабликларга эга бўлишни истардик. Давлат департаменти томонидан алоҳида кўрсатмаларсиз пиёдаларни соҳилга туширманг ва божхонани эгалламанг».

Президент халқаро низога йўл қўйишни истамасди. Айниқса, июнь бошида Пердикарис америка фуқаролигидан воз кечгани маълум бўлиб қолганидан сўнг президент иккиланиб қолди. Аммо дунё ҳалиям уни америкалик, деб ҳисобларди. Рузвельт масаланинг юридик машмашаларига эътибор қилишни истамади.

Дунё Ион Пердикарисни америкалик деб ҳисоблаётган экан, америка президенти уни қутқаради. Ахир, шунча кема бекорга овора бўлиб қуруқ қайтадими?

Рузвельт ўз тарафдорларини кўпайтириш учун, Буюк Британия ва Францияни ҳам бу тадбирга қўшилишни таклиф қилди. Аммо улар буни рад қилишиб, ҳар бири алоҳида Марокаш султони билан учрашиб, Райсулининг талабини қондиришни илтимос қилишди. 21 июнда султон бу илтимосларни қатъий рад этгач, иш яна америкаликлар тарафида қолди. Жон Хей президентнинг маслаҳати билан Республикачилар конвентида телеграмманинг биринчи жумласини овоза қилди: «Биз учун Пердикарис тирик бўлиши ёки Райсули ўлдирилиши лозим». Айрим делегатлар Рузвельтни жангариликда айблаб, таъна қилишди. Бошқа делегатлар эса ҳукумат телеграммасини конвент ва журналистлар олдида овоза қилиниши, шунчаки қаҳрни намоиш қилиш дея ҳисоблашди.

Аммо делегатларнинг аксарияти Рузвельт ўз партиялари вакили эканидан фахрланиб, бу талабномани жонбозлик билан қўллаб-қувватлашди: «Ҳалқимизга жасорат ёқади, – деди Канзас делагати. – Биз бу одамлар (Хей ва Рузвельт) нималар қилмасин, қўллаб-қувватлаймиз». Рузвельтнинг талабномаси бир овоздан маъқулланди ва Ион Пердикарис ҳамда Кромвель Варли озод этилишди.

Покер ўйинчилари блеф – «арпа-дўқ» ҳар қандай қартабоз арсеналидаги фойдали қурол эканини яхши билишади. Аммо покер столидан ташқарида қуруқ таҳдидлар – беҳуда чиранишдан бошқа нарса эмас.

Бироқ, баъзан сезиларли ва реал оқибатлари ишончли даражада таъминланган «агар-магар»лардан иборат талабномадан кўра фойдалироқ бошқа нарса бўлмаслиги ҳам мумкин.

108-САБОҚ

Ҳаракатларинг орқали ўзингни намоён қил

Кун келиб у президент бўлади. Уни на сотиб олиш, на авраш, на қўрқитиш мумкин.

Брем Стокер. «Сэр Генри Ирвинг ҳақида хотиралар»,
1906 йил

Ирланд ёзувчиси Брем Стокер 1895 йил Нью-Йоркда Рузвельт билан танишиб қолади. Бу пайтда Тедди шаҳар полицияси раҳбари сифатида ўз ишлари билан донг қозониб улгургани. У серғайрат ва сотиб олиб бўлмас киши номини олгани. Бу учрашувдан икки йил ўтиб, Стокер «Дракула» романини ёзди, ушбу асар уни бутун жаҳонга машҳур қилди.

Рузвельт ёзувчида теран таассурот қолдирди ва шуларни ёзди: «Кун келиб у президент бўлади. Уни на авраш, на қўрқитиш, на сотиб олиш мумкин». Бундай эътироф дастлабкиси эмасди. Кўплаб синчков кишилар Рузвельтнинг сиёсий фаолияти аввалидаёқ унинг келажagini аниқ кўришгани. Нью-Йорк Қонунчилик мажлисида ҳам, Дакотада ҳам, Нью-Йоркнинг қўрқинчли тунги кўчаларида ҳам Рузвельтнинг серғайратлиги ва харизмаси эътироф этиларди. Стокер анчайин синчковроқ чиқди. У Рузвельтда кучли шахсий фазилатларнигина эмас, бўлғуси президентга хос муҳим сифатларни кўра билди. У бўлғуси президентнинг иши билан сўзи бир экани ва улар самара бераётганини кўрди. Айнан Нью-Йорк полицияси бошлиғининг сўзлари ва ишлари Стокерда «уни на авраш, на қўрқитиш, на сотиб олиш мумкин» деган таассурот қолдирди.

Агар одамларни буюклигинга ишонтирмоқчи бўлсанг, буюк ишларни амалга оширишни бошла.

Ҳаракатлар орқали ўзингни намоён қил. Бугундан бошла. Бир дақиқа ҳам йўқотма.

109-САБОҚ **Адолатли қарорлар қабул қил**

Бош мақсадимиз – ҳар кимни адолат билан таъминлаш ва ҳар кишини қилган хизматига яраша баҳолашдир.

Ойстер-Бэйдаги нутқ, 1906 йил 18 август

Рузвельт лавозимлар таниш-билишчилик билан тақсимланадиган сиёсий ҳомийликнинг «чириган тизими»га қарши кураш бошлаш орқали обрў орттирди. «Сиз-биз» бор жойда «жиз-биз» бор» деган шиорга амал қилган бу иш сиёсий қарзни сиёсий хизматкорлар билан қайтаришга асосланганди. Асл қилинган ишлар эътиборга олинмасди. Тараққийпарвар партиянинг бошқа аъзолари каби Рузвельт бу тизимни алмаштириш ва лавозим ҳамда мукофотлар аниқ қилган хизматларига кўра тақсимланадиган тартибни барпо этиш керак, дея ҳисобларди. У аввалгидек лавозимларни тақсимлаш тизимида демократия ҳалок бўлади, дея ҳисоблар ва уни асл меритократияга* айлантиришни истарди.

Бундай ислохотларга мавжуд сиёсий тўралар ва уларнинг истеъдодсиз малайлари эътироз билдириши ажабланарли эмасди. Аммо Рузвельтнинг ислохотлари аҳоли томонидан маъқуллаб қарши олинганига ҳам ажа-

* Раҳбарлик лавозимлари кишиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий таъминотидан қатъий назар шунга лаёқатли кишилар томонидан эгалланиши керак, дея ҳисоблайдиган бошқарув тамойили.

бланиш керак эмас. Сиёсатни касб қилиб олганлар норози эди, халққа эса меритократия ғояси содда ва тўғри бўлиб туюларди. Бу эса Рузвельт томонидан 1906 йил 18 август куни Ойстер-Бэйдаги нутқнинг бир қисми эди: «...ҳар кимни адолат билан таъминлаш ва ҳар кишини қилган хизматига яраша баҳолаш». Бу ерда мавҳум назариялар йўқ эди. Баландпарвоз идеализмдан асар ҳам кўринмасди. Бунинг адолатли экани ҳаммага тушунарли тамойилни содда ва амалий қўллашда эди. Рузвельт хизматлар учун мукофот тақсимлашнинг оддий, болаларча жўн тамойилини таклиф қилганди.

Лидерлик лавозимнинг номи билан намоён бўлмайди. Лидерлик тепадан тухфа қилинмайди. Уни сенга ҳар куни олға бошлайдиган кишиларинг беради. Агар сен бунга нолойиқ бўлсанг, қандай лавозимни эгаллаган бўлма, лидерлигингга нуқта қўйилади. Ҳар бир ходим қарорларинг адолатли эканини ҳис қилиши керак. Аксинча бўлса, одамлар сени лидер ўрнида кўрмай қўяди. Адолат биринчи ўринда ва ҳаракатларинг асосида туриши керак – шундагина улар шубҳа-ю баҳсларга сабаб бўлмайди.

110-САБОҚ

Кучингни намоёиш эт ва дўстлик таклиф қил

Тинчлик йўлидаги энг катта ишим – жанговар флотимизни дунё бўйлаб саёҳатга чиқарганимдир.

«Автобиография», 1913 йил

1907 йил 16 декабрда Америка Атлантика флотининг янги қуриб битказилган ўн олти ҳарбий кемаси президент буйруғига биноан 1909 йилнинг 22 феввалида якунига етадиган дунё бўйлаб саёҳатга чиқди. Тинчлик тимсоли сифатида оппоқ қилиб бўялгани учун кема-

лар эскадраси Қўшма Штатларнинг «Буюк оқ флоти» дея номланганди. Ўн тўрт минг денгизчи томонидан бошқарилган кемалар 43 минг денгиз мили масофани босиб, олти қитъанинг йигирмата йирик портларида меҳмон бўлишди. Теодор Рузвельт автобиографиясида ёзишича, флотни жўнатишдан мақсади «худди Атлантика океани каби Тинч океани ҳам бизнинг ҳудудий сувларимиз эканини ўз халқимизгина эмас, бошқа миллатлар ҳам англаб олишларига ишонч ҳосил қилиш эди».

Гарчи Буюк оқ флотни ҳамма ерда дўстона ва жонбозлик билан кутиб олишган эса-да, бу экспедицияни уруш тарғиботи ва қуролни кўз-кўз қилиш, дея баҳолаган танқидчилар ҳам топиларди. Президент бунга эътироз билдирмасди. Шу билан бирга унинг нияти урушқоқликдан нари эди.

Қўшма Штатлар қудратини намойиш қилиш билан Теодор Рузвельт Американинг халқаро манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмай, яна тинчликни мустаҳкамлади ҳам. Эҳтимолий босқинчилар Қўшма Штатларга ва унинг олисдаги манфаатли ҳудудларига босқин уюштиришни мияларидан чиқаришларига тўғри келди. Буюк оқ флот экспедицияси Теодор Рузвельтнинг тарихчилар томонидан «катта тўқмоқ» дея аталган дипломатиясини ёрқин намойиш қилиш эди.

Президент таҳдид қилмади – америка дипломатлари жуда вазмин ва тинч гапиришарди. Аммо у дунёга Америка қудратининг «катта тўқмоғини» намойиш қилиб қўйганди.

Ўн олти ҳарбий кема ўзларидаги улкан қудрат билан дунёга нозик бир юкни элтишди. Жаҳон дипломатлари ва лашкарбошилари оқ ранг – *тинч замон* тимсоли эканини англашди. Кемалар бундай сафарни урушга хос кулранг тусда амалга оширишмади.

Бунинг устига кемаларнинг янгилиги уларнинг фақат уруш қуроли эмас, буларни қурган халқнинг саноати ҳамда иқтисодий қудратининг ёрқин исботи ҳам эди.

Гарчи бу ҳарбий сафар огоҳлантиришдек бўлса-да, шу билан бирга унда қудратли ҳамкордан ўзаро фойдали комерция ва савдо қилиш учун дўстликка таклиф ҳам мавжуд эди.

Яхшилаб ўйланган ушбу сафарда «катта тўқмок» дипломатиясининг асл устаси бўлган Рузвельтнинг қудратли даҳоси ёрқин акс этди.

Кучни кўрсатиб қўйиш агрессия акти бўлмаслиги лозим. Ўз сиёсатининг синчковлик билан ўйлаб чиқ. Эҳтиёткорлик билан ҳаракатлан, қуруқ таҳдид қилма. Огоҳлантиришларининг ижобий таклифлар билан мувозанатла.

111-САБОҚ

Ўз ғояларининг тушунарли қил

Халқ учун улкан табиий захираларимизга узоқни кўзлаган ҳолда муносабатда бўлиш пайти келди. Ҳар қандай тежамкор киши ўзи ва фарзандлари фаровонлигининг гарови бўлган мулкни асраб-авайлаб, оқилона фойдалангани каби иш кўришимиз керак.

Табиий захираларни муҳофаза қилиш бўйича конференцияда сўзланган нутқ, Оқ уй, 1908 йил 13 май

XX аср сарҳадида (айнан ҳозирги XXI асрдаги каби) кўплаб америкаликлар учун табиий захираларни муҳофаза қилиш ғояси шунчаки идеологик тушунча эди, холос.

Уни сақлаб қолиш учун конституцияда муқаддаслаштирилган хусусий мулкка амалдаги сиғинишлар ва

ҳар қандай захираларни қўлга киритиш ҳамда назорат қилишга қодир бойлик ва ҳокимиятга қарши ҳаёт-мамонт жанги олиб бориш керак эди. Тоғлар ва ўрмонлар остида ётган фойдали қазилмаларни қазиб олишдан сўнг улар ўрнида тиклаб бўлмайдиган ўлик табиат қолиши ҳеч кимни қизиқтирмасди. Президент Рузвельт эса табиатан туғма жангчи эди.

У миллатнинг жамоа фаровонлиги табиий захираларни фойдаланиш ва эксплуатация қилиш учун хусусий ҳуқуқларни инкор қилади, дея туриб олиши ҳам мумкин эди. Аммо тажрибали сиёсий лидер ва уста музокарачи мавжуд низога мой сепмаслиги лозим. Вазиятни мураккаблаштирмаслик учун Рузвельт ўз ғоясини шундай шаклантирдики, идеал воқелик касб этиб, анча тушунарли бўлди. Миллий ғояни у оддий одамларнинг ақлига қойим даражага келтирди.

У атроф-муҳит муҳофазаси миллий сиёсатини худди омма фаровонлиги учун хусусий мулк ҳуқуқларини қурбонлик қилиш керак бўлгандек намойиш қилмади. Рузвельт буни оқил одам ўзи ва фарзандлари фаровонлиги йўлида шундай иш кўриши билан тушунтирди.

Теодор Рузвельтнинг «оддий одам»га ўз ғояларини ўткази олиш укувининг моҳияти мана нимада: у ҳар кимга миллат келажаги учун қандай ҳисса қўшаётганини содда тилда тушунтира оларди. Илҳом ва иштиёқлантириш юксак идеализмнинг еттинчи осмонида учиб юриши керак эмас. Ўз ғоянгни соддагина баён қил ва оқилликка чақир. Сенинг идеалларинг одамларга қанчалар оддий кўринса, шунчалар зарур ва исталган бўлади. Сенинг лидерлик вазифанг – ходимларнинг тўғри қарор қилишларига иштиёқлантириш.

112-САБОҚ Холислик сарҳадлари билан келиш

Ҳар гал улар (судялар) шартномалар, мулк ҳуқуқи ва инвестицияларни талқин қилаётганларида... ижтимоий фалсафа тизимининг қонуний унсурларидан фойдаланишларига тўғри келади... Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича суд қарорлари уларнинг иқтисодий ва ижтимоий фалсафасига боғлиқ бўлади.

Конгрессга ҳар йиллик мурожаат,
1908 йил 8 декабрь

Теодор Рузвельт басир судлов идеалини англарди, аммо ўзи кўр эмасди, шунинг учун ҳам бу нарса адолатли судга сўзсиз ишонишига йўл бермасди. Гарчи у, Жон Адамс томонидан «одамлар эмас, қонунлар мамлакати» дея аталган давлатни бошқарса-да, қонунлар одамлар томонидан ёзилиши, талқин қилиниши ва қўлланиши унга кундай равшан эди. У одамларнинг қалби ва онги мутлоқ холисликка лаёқатли эмаслигини жуда яхши англарди. Ҳар қандай, ҳатто энг эзгу ва аниқ маълумотга асосланган мулоҳаза ҳам уни ишлаб чиққан кишининг «фалсафаси»га боғлиқ. Бу айниқса судяларнинг «иқтисодий ва ижтимоий фалсафасига» боғлиқ бўлган «иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича» чиқарилган қарорларида намоён бўларди.

Рузвельт бу ҳақиқатларни инкор этмас ва маломат қилмасди. Улар инсон табиати, жамиятнинг ажралмас қисми ва уни қабул қилиш керак. Шунга қарамай, улар тан олиниши, тасдиқланган ва назоратга олинган бўлиши керак, дея таъкидларди. «Инсон омили»ни назардан қочирмаслик лозим. Агар судлов мутлоқо кўр бўлмаса-да, Рузвельт ҳеч бўлмаганда қонунларни талқин

қиладиган ва ижро этадиганлар уларни ўзидек даражада ҳис қилишларини истарди. Бунинг учун у конституция томонидан ҳокимиятни тақсимлаш сарҳадларини бузиб ўтиш ва ижрочи (президент) ҳокимиятни юридик (судья) ҳокимиятга ҳам татбиқ қилишгача боришга тайёр эди. У холислик ҳақидаги афсонага кўр-кўрона эътиқод ва инсон мулоҳазасини реал баҳолашдан бирини танлашга тўғри келганида сираям кўзини юммасди.

Компания сиёсати, қоидалар ва қонунлар сиёҳ билан ёзилади. Улар эса маълум бир жой ва вақт билан боғлиқ қарашлар, таҳдидлар, истаклар ва имкониятлар билан юраги тўла кишилар томонидан ижро этилади. Бизни ҳаракатлантирадиган мулоҳазалар эса ҳеч қачон мутлоқ холис бўлмайди. Қарор чиқараётган кишиларга ҳам инсонга хос нарсалар ёт эмас. Бу воқелик. Ҳеч қачон афсоналарга дов тикма.

113-САБОҚ

Одамларни эмас, ишни баҳола

Касаба уюшмалар бошқа ҳар қандай ташкилотлар, ҳатто капиталистик ташкилотлар сингаридир. Баъзан улар яхши ҳаракатланишади, баъзан эса – жуда ёмон. Уларнинг тўғри ишларини юксак баҳолашимиз керак, ammo қинғир ишларига қатъий қарши турмоғимиз шарт.

The Outlook даги мақола, 1911 йил

Сиёсатчиларга доимий равишда кимнингдир тарафини олиш, бир гуруҳга бошқасидан кўра кўпроқ ён босишга, бировнинг ҳисобидан бошқасини қондиришга тўғри келади. Теодор Рузвельт бундай турғун иттифоқлар ишига аралашишдан бош тортарди. У ҳар қандай ташкилот

худди инсон ва ижтимоий жонли вужуддай ҳаракатчан бўлиши кераклигини англарди. Маълум бир ташкилотни аниқ баҳолашнинг иложи йўқ. Аммо айнан лидер ташкилот мазкур вазият, жой ва вақтда нима қилиши кераклигини белгилаб беради.

Рузвельт маълум бир вақт ва жойдаги ишлар бир пайтнинг ўзида ҳам иштиёқлантириши, ҳам чеклашини англаган ҳолда қатъий позицияни эгаллашни истарди. Ундан касаба уюшмалар тарафида турганми-йўқлигини сўраганларида, у худди мана шундай жавоб қилди. Бошида у касаба уюшмалари табиий равишда «капиталист ташкилот»га қарши туриши ҳақидаги қарашни рад этди. Рузвельт уларнинг орасида қандайдир умумийлик борлигини кўрсатди: «Баъзан улар яхши ишлайди, баъзан эса – жуда ёмон». Мана шу умумийликдан иборат пойдеворга президент ўз сиёсатини қуради. Касаба уюшмалар худди бошқа ташкилотлар, ҳатто душманлариники каби шунчаки мавжуд эмас. Улар ишлашади. Баъзан яхши ишлашади. Баъзида ёмон. Рузвельт одамларнимас, ишларни баҳолаганча ўз сиёсатини қуриш қарорига тўлибтошганди.

Барча инсоний корхоналар ҳаракатчандир.

Шунга кўра турғунлик фантазиясига асосланган мутлоқ иттифоққа бирлашиш сираям мумкин эмас. Ҳаракатлантир, қўллаб-қувватла ёки гуруҳлар ва алоҳида одамларга эмас, ишларга қарши тур.

114-САБОҚ

Тушун, қарорларни одамлар чиқаради

Овоз бериш худди қуролга ўхшайди. Унинг фойдаси ким ишлатишига боғлиқ.

«Автобиография», 1913 йил

Рузвельт халқ оммаси учун демократия биринчи навбатда овоз бериш имконияти мавжудлиги учун ҳам жозибадорлигини англади. Овоз – бу куч манбасидир. Овоз – одамлар ўз тақдирини бошқариши учун қурол.

Рузвельт шундайлигини тан оларди. Аммо, шу билан бирга бундай ҳам эмас.

Худди ов муваффақияти милтиққа эмас, қандайдир бошқа каттароқ нарсага боғлиқлиги каби, демократиянинг устунлиги овозда эмас, қандайдир бошқа каттароқ нарсдан келиб чиқади. Милтиқ – овчининг, овоз – фуқаронинг қуролидир. Иккала ҳолдаям қурол алмашиб бўлмайдиган аҳамиятга эга, аммо охир-оқибат бари «ундан ким фойдаланишига» боғлиқ.

Рузвельт Қўшма Штатлар конституцияси ва қонунлар демократик республика қуриш учун зарур бўладиган қуроллар билан таъминлашидан қониқиш ҳосил қиларди. Милтиқ ўз-ўзича мўлжалга олиш у ёқда турсин, отилмайди ҳам.

Шу ҳолатда овоз ҳам республика фаровонлиги учун энг шимариб ишлайдиган номзодларга ўз-ўзича овоз бера олмайди. Шунинг учун Рузвельт мактаб, газеталар, журналлар, кутубхоналар, ҳукумат агентликлари ва хусусий бизнес каби миллий институтларга катта эътибор қаратарди. Зеро, улар миллий характерни барпо қилишади.

Ҳукуматнинг яхшилиги уни пайдо қилган ва ҳар икки, тўрт, олти йилда қайтадан сайлайдиган сайловчилар характерининг қанчалар яхшилигига тенг бўлади.

Нима билан шуғулланма, нимани сотма ва қандай хизмат кўрсатма, бизнесингни одамлар пайдо қилади. У ўзини бунёд қилган, қўллаб-қувватлайдиган, ривожлантирадиган ва харакатлантирадиган одамлардан кўра яхшироқ

бўлиши мумкин эмас. Уларга ишни бажаришлари учун қурол бер. Аммо бу қуролларнинг фойдалилиги уларни ишлатадиган одамларнинг характериға боғлиқ. Улар ҳар куни қарор қабул қилишади. Сен бу қарорлар қандайлигини билишинг керак. Янада муҳимроғи эса, уларни ким қабул қилаётганидир.

115-САБОК

Фақат «катта тўқмоққа» ишониб қолма

Агар одам ҳамиша мақтанса, ўзини бетарбия тутса, уни кўнгилсизликдан «катта тўқмоғи» ҳимоя қилолмайди. Аммо, агар куч ва ҳокимият билан қўллаб-қувватланмаган бўлса, салмоқли гаплар ҳам фойда келтирмайди.

Миннесотадаги нутқ, 1901 йил 2 сентябрь

«Вазмин сўзла, аммо катта тўқмоғингни шай тут». Бу Рузвельт томонидан ҳамиша фойдаланадиган энг севимли ва машҳур жумла эди. Шунга қарамай, бундай тўқмоққа ишониб ҳеч қачон хатога йўл қўймаганди. Характер (ёки унинг йўқлиги) ҳамиша унинг учун кучдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга эди. Агар одамда бутунлик ва ғурур етишмаса, тўқмоғи қанчалар катта бўлса-да унинг нафи тегмаслигини тезда англаб қолади. Аммо бутунлик ва ғурурнинг ўзи осуда равнақ топиш учун етарли эмас. У етарли куч ва ҳокимият билан мустаҳкамланиши шарт.

Характерсиз обрў бефойдадир. Аммо обрўсиз характер ҳам ёрдам бера олмайди. Лидер бу тенгламани ечимсиз қолдирмаслиги шарт. Хуллас, иккиси ҳам тенг бўлиши зарур.

**ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ
БЎЛИБ ЯША**



116-САБОҚ Омаддан оқилона фойдалан

Мавжуд бойликларимиз эмас, улардан қандай фойдаланишимиз бизни буюк миллатга айлантиради.

Диккенсондаги нутқ. Дакота, 1884 йил 4 июль

Теодор Рузвельт президентликни ижро ҳокимиятининг янги юксакликларига кўтарди. У федерал ҳукуматни шу пайтгача кўрилмаган тартибга солувчи мавқега айлантирди. У Қўшма Штатларнинг дунёдаги таъсири ва қудратини ғоятда кучайтириб юборди. Аммо кўплаб тарихчилар унинг энг катта бош мероси фақат Америкагамас, АҚШ намунасида бутун дунёга тааллуқли бўлган табиий бойликлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда эканини таъкидлайдилар. Бу ҳақда Рузвельтгача ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Рузвельт Оқ уйга келмасидан анча бурун халққа шодлик бахш этадиган ва улкан бойликка эга Америка ўрмонлари ҳамда даштлари миллий ҳазина эканини яхши анлаганди. Президент бўлгач эса юксак минбардан атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун фойдаланди. У бир қатор махсус қонунлар қабул қилинишини талаб қилди. Унинг қатъий талаби билан 43 миллион акр миллий ўрмонлар коммерция учун фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман қонуний ҳимояга олинди. Бу дастур фермерлар ва саноатчиларнинг конгрессдаги вакиллари томонидан (улар гидроэнергетика ривожланиши учун жон куйдиришарди) қаттиқ қаршиликка учради. 1908 йил бир неча ғарбий штатларда миллий паркларни пайдо қилиш президентнинг эмас, фақат конгресснинг ихтиёрида экани ҳақида қонун кўриб чиқилди. Теодор Рузвельт улардан ўзганча, шу захоти кўплаб фармонлар эъ-

лон қилди ва улар ёрдамида бир қатор табиатни асраш бўйича дастурларни конгрессни айланиб ўтганча қабул қилиб олди.

Теодор Рузвельтнинг табиатни қўриқлашга бўлган қизиқиши унинг лидерликка муносабати билан мос келади. Унинг назарида лидер халқ хизматкоридир. У Америка улкан табиий захираларга эгаллигини яхши англади. Шу билан бирга у яна миллат чекига тушган омадга биноан эмас, ундан қай тартибда фойдаланишига кўра баҳолаш кераклигини яхши тушунарди. Теодор Рузвельтнинг бош ахлоқий императиви ҳамиша шахсий ёки миллий намуна бўлиш ҳисобланган. Табиий захираларни оқилона тасарруф қилиш – мураккаб вазифа, аммо Америка бу борада бутун сайёрага ибратдир.

Агар корпорация ёки уни бошқарувчи лидерлар чекига улкан омад тушса, ҳеч ким қойил қолмайди. Бу омаддан оқилона ва тўғри фойдаланиш билангина ходимлар, инвесторлар, мижозлар ва ҳатто рақобатчиларни қойил қолдириш мумкин.

117-САБОҚ

Самарали меҳнат шароитларини ярат

Бизга ҳалоллик, оқиллик ва оқилона жасорат зарур. Шаҳримиз намунали бўлиши учун бизга энг анъанавий, камтарин, оддий ва фойдали фазилятлар керак. Бу фазилятларсиз ҳеч қандай ақл бу вазифани ечишимизда кўмак бермайди.

Муносиб бошқарув клубидаги нутқ,
Нью-Йорк, 1897 йил 15 апрель

Рузвельт оддий одамларнинг ахлоқи одатда муносиб бўлишига қаттиқ ишонарди. У ҳалоллик, жасорат ва

оқиллик – булар инсоннинг табиий ҳолати дея ҳисобларди. Тўғри бошқарув учун зарур сифатларда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ – улар мутлоқ меъёрийдир. Жиноят ва коррупция тарқалган бўлса-да, улар меъёрдан четлашиш бўлиб, муносиб ахлоқ – бу меъёр. Рузвельтнинг назарида лидернинг бош вазифаси анъанавий фазилатлар устунлик қиладиган шароитларни яратишдир.

Ҳар қандай компанияда улкан муваффақият қозонган кишилар ва бутунлай омадсизлар учрайди. Иккала гуруҳ ҳам чўпнинг икки учидай гап. Оралиқдаги кўпчилик эса шунчаки ишлайди ва яхши натижаларга эришишни истайдилар. Энг оддий фазилатлар – ҳалоллик, оқиллик ва меъёридаги жасорат – уларни мўмай иш ҳақи учун ишлашга ундайди. Улар шахсий муваффақият қозониш учун ҳаракат қилишади ва шунинг учун корхонанинг умумий муваффақиятига интилишади. Ҳақиқий ёмон иш – худди ҳақиқий энг яхши иш каби истиснодир. Компаниянинг муваффақиятга оддий кишиларнинг меъёрида ишлаши олиб кела қолсин. Ҳамиша тинч ва самарали ишлаш учун шароит ярат. Шундан кейин ўртача натижалар кутилганидан анча юксалганини кўрасан.

118-САБОҚ

Воқеалар ривожига шай тур

Давлат, то шунга мажбур қилинмагунича, урушга кирмаслиги лозим. Бироқ доим урушга шай туриши шарт.

Ҳарбий-денгиз коллежидаги нутқ, Ньюпорт
Род-Айленд, 1897 йил 2 июнь

Ҳарбий-денгиз флоти вазири ёрдамчиси лавозимида

ва Қўшма Штатлар президентлик чоғида ҳам Рузвельт доимий равишда мамлакат урушга тайёр турмоғи кераклигини таъкидларди. Тинчликни хоҳласанг – урушга шай тур. Баъзан уни провакатор, уруш қўзғовчи деб ҳам аташарди. Бироқ Рузвельт ҳамиша урушдан жирканиши ҳақида сўзларди. Автобиографиясида у доим урушларнинг олдини олиш учун урушга тайёргарлик кўриши ҳақида таъкидлаганини ёзган. Унинг ҳисобича, мамлакат бутун дунёга жанг қилиш ва ғалаба қозонишга лаёқати ҳамда тайёрлигини намоёйиш қилсагина душманлар унинг халқаро ҳуқуқларига даҳл қилганида муносиб жавоб қайтара олиши мумкин. Уруш – даҳшатли воқелик бўлиб, ундан кўз юмиб бўлмайди. Рузвельт урушга етарлича ҳозирланмаслик агрессорнинг эътиборини тортишига, ҳатто ҳамла қилишига сабаб бўладиган энг ишончли усул, дея ҳисобларди.

Вазиятнинг ёмон тарафга ривожланишини инкор этиш ёқимсиз сценарийнинг олдини олишда ёрдам бермайди. Ёмонликни олдини олиш учун ўз вақтида ҳозирлик кўриш эса кўпинча мағлубиятдан халос қилади. Инкор қилиш эҳтимолларга асосланади, тайёргарлик эса – оқилона баҳолашнинг натижасидир.

119-САБОҚ

Сарҳадларни аниқ ўтказ

Мен қаттиқ чораларга эҳтиёж туғилганида уларга ишонаман. Ҳақиқий мақсад йўлида керагича одамни кинрик қоқмай ўлдираман, аммо...

Рузвельтнинг генерал Жейк Смит истеъфоси олдидан айтган сўзлари, 1902 йил 14 июль

Генерал Жейк Смитнинг иши бўйича ҳарбий-дала

суди мажлиси стенограммасини ўрганиб чиққач, Рузвельт ҳеч иккиланмасдан анчагина таниқли генерални истеъфога чиқарди.

Жейк Смит асосли равишда «Ур ва ёндир» лақабини орттирганди. Испан-америка урушидан кейин Қўшма Штатлар томонидан Филиппин аннексия қилинган бошланган филиппин партизанларига қарши олиб борилган унинг етмишта жанги беқиёс шавқатсизлиги билан ажралиб турарди. Президент филиппин партизанлари қўлига асирликка тушиб қолган америкалик аскарларнинг шавқатсиз равишда қийналгани ва ўлдирилганини рад этмасди. Аввалига Рузвельт ҳарбий-дала суди томонидан Смитга қўйилган «ортиқча уриниб юборганлик» ҳақидаги вердиктни қабул қилмоқчи бўлди. Бу ҳолда генерал фақатгина огоҳлантириш оларди. Аммо иш моҳиятига синчковлик билан назар солганида, генерал аёллар ва болаларни ўлдиришда «ортиқча уриниб юборгани» – буни Смитнинг ўзи «ниггерларни овлаш» дея номлагани Рузвельтда жирканиш уйғотди. Генерал зарурий шавқатсизлик сарҳадидан жиноий геноцидга ўтиб кетганди. Бундай йўл тутиш ўз-ўзидан жирканч бўлибгина қолмай, америка армиясига ҳайвоний хусусият бахш этиши тайин эди. Шунда Рузвельт ҳарбий-дала судининг қарорини бекор қилди ва Смитга зудлик билан нафақат қўмондонликдан, умуман ҳарбий хизматдан истеъфога чиқиш ҳақида буйруқ берди. Президент бу қарорини Смит билан хизмат қилган кўплаб зобитлар маъқуллаганини билиб, қониқиш ҳосил қилди.

Яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, ахлоқ ва ахлоқсизлик орасига аниқ ва қатъий сарҳадлар қўй. Урф-одатлар, сиёсат, андозавий жараёнлар, бўйсиниш ёки қўрқув мажбур қилганида ҳам бу сарҳадлардан ўтма. Бунинг учун на компания

сиёсати, на корпоратив йўриқнома, на менежмент идеологияси керак. Биргина шахсий шаъннинг ўзи етарли.

120-САБОҚ Шаънинг бўлсин

Бажармаслигини билиб туриб ваъда берувчи киши ҳақли равишда таънага лойиқдир. У ҳар қандай одамнинг бебаҳо бойлиги – шаъндан маҳрум бўлади.

Сан-Францискодаги нутқ,
1903 йил

Шаън – бу сўз кенг тарқалганига қарамай Рузвельтнинг бошқа давр кишиси бўлганини кўрсатиб туради. Йўқ, ўша давр бизникидан кўра яхшироқ эмасди – биз ҳам ростгўйлик, бутунлик ва характерни қадрлаймиз. Аммо ўша замонларда кишилар шахсий ва жамоат ахлоқи ҳақида гап кетганида бу қадар совуққон бўлишмаган.

Рузвельт *шаън* ҳақида сўзлаганида, унинг америкалик замондошлари у нимани назарда тутаётганини аъло даражада англашган. Уларга изоҳнинг ҳожати йўқ эди. Бугун эса бу тушунча Рузвельт ва унинг атрофидагилар жаҳл билан рад қиладиган коннотацияларнинг нозик аралашуви билан хиралашиб кетди.

Нима учун бугун бу сўз бизга ясси, протенциоз ва жўн бўлиб туюлади? Биз бир қадар риёкор бўлиб қолганимиз учундир. Йўқ, шунчаки *шаън* концепцияси риёкорлик ва сотқинлик билан уйқашиб кетди. Кўпинча бу тушунчани бутунлик билан эмас, намойишкорона бўйсинмаслик билан боғлашади.

Кишилар анчайин шубҳали қадриятларни ҳимоя қилишни шаъннинг ҳурмати учун деб ўйлашади. Ол-

дига эскироқ идишда таом қўйишда ўзига хурматсизликни кўриб, меҳмондан туриб кетишлар энг оддий мисол. Айримлар шаън деб атайдиган нарсалар аслида қуруқ гижгижлашдир: қани шу чегарани кесиб ўт-чи! Кўпчилигимиз «ўз ҳуқуқимиз» дея атаганларни ҳимоя қиламиз: хоҳлаганимизча хилма-хил қуроолларга эга бўлиш ҳуқуқи; ҳукумат томонидан тартибга солишдан эркин бўлиш ҳуқуқи; давлат бюжетидаги дефицитга қарамай солиқ тўламаслик ҳуқуқи.

Теодор Рузвельт *шаън* ҳақида гапирганида, бу сўз бугунгига қараганда тоза ва мусаффо эди. У ҳақиқатан ҳам ҳар қандай одамнинг буюк ҳазинаси – айтганини қиладиган одамнинг соф обрўси ҳақида гапирганди.

Теодор Рузвельт учун ҳам, 1903 йили Сан-Францискода уни тинглаётганлар учун ҳам «шаън» сўзи юксак ахлоқий қадриятга эга эди. Қатъий меҳнат билан қўлга киритилган шаън мутлоқ ишончга кириш учун асл чипта эди.

Асрлар сарҳадида у тоза тилла танга эди, бугун эса у оддий, вақти ўтиб унчалик қадрга эга бўлмаган валютага айланиб қолди. Биз учун у деярли қуруқ сўз. Ҳа, у қандайдир қадрга эга, аммо биз буни аниқ белгилолмаймиз ҳам. Айтамыз ҳам, қайтамыз ҳам. Рузвельт замонасида бу сўз том маънодаги ижобий таъсирга эга эди, бугун эса у бизга деярли таъсир ҳам қилмайди.

Унга жон бахш эт. Уни тозала. Унга асл қадрини қайтар. Шаънни ўзингнинг асосий қадриятингга айлантир. Одамлар сўзинг билан ишинг бир эканини англашсин.

Ҳамиша бу қоидага амал қил – ўшанда компаниянинг келажаги ва самарадорлиги асл шаън намоён бўлгандаги даражага қадар ортиб кетади.

121-САБОҚ

Адолатли йўналиш тамойилларига амал қил

Ўз ватани учун қон тўкканида яхши бўлган одам урушдан кейин ҳам яхши яшаш учун арзийдиган кишидир. Ҳеч ким ортиғини талаб қилмайди, аммо камига ҳам кўнмаслиги зарур.

Спрингфилддаги нутқ, Иллинойс,
1903 йил 4 июль

Президент Рузвельт ҳамиша фахрий жангчилар ҳуқуқини, шу жумладан нафақаларини ҳам ҳимоя қиларди. Буни у ачинганидан эмас, ўзи кўп гапирадиган адолат туйғуси туфайли амалга оширарди.

Албатта, «алодатли йўналиш»ни у ўйлаб топмаганди. Бу ва шу каби ҳикматона калималар сермаънодир. Инглизчада бу жумла square deal сифатида янграйди. Square – квадратни англатади. Квадратдек жўн шакл йўқ – тўғри бурчак билан боғланган тўртта тенг ён. Унинг бир ёнини узайтиришингиз билан квадрат ғойиб бўлади. Уни талқин қилишда эркинлик йўқ. Ҳеч қандай қўшимча маъноларсиз.

Ахлоқий масалаларга ҳам худди шундай ёндашув керак. Бунда ҳам битта маъно, том маъно зарур. Рузвельт учун «адолатли йўналиш» моҳияти «ҳеч ким ортиғини талаб қилмасин, аммо камига ҳам кўнмасин» эди. Рузвельтнинг сўзлари – математик тенгламадек том маъноликка эга ахлоқий шиордир.

Адолат ва адлия том маъноли ва аниқ талқин қилинади. Агар ўз қароринг ахлоқий асосини аниқ ва маълум қилиб туза олмасанг, демак, у адолатсиздир. «Адолатли йўналиш»да ҳаракатланиш учун ўз қароринг, то унинг маъноси ва ижроси бошқача

талқинларга эга бўлмаган том маъноли бўлмагунича қайта ёз, ақл элагидан ўтказ ва қайта кўриб чиқ.

122-САБОҚ

Йўриқномаларни чекланмаган кутишларга алмаштир

Агар биз уйда ва уйдан ташқарида ўз Бурчини ҳалол бажарган кишига уни қадрлашлари ва ҳурмат қилишларини англата олганимизда эди, миллатимиз беқиёс улкан тараққиётга эришган бўларди.

Жон Хейга хат,
1903 йил 9 август

«Бурч» – Теодор Рузвельт севадиган сўзлардан бири. Шу билан бирга у бурч концепцияси сарҳадларини аъло даражада тушунарди. Бир томондан, бу талаб қилинадиган минимал даражадаги маълум бир иш, фаолият, хизмат ёки оилавий роль (отанинг, она-нинг, ўғилнинг, қизнинг). Аммо бу тушунчанинг тўлиқ бўлмаган аҳамияти. Натижада кўпчилик «бурч»ни «қилиш мумкин бўлган ишнинг энг ками», – дея тушуна бошлашди. Шунинг учун Рузвельт катта ҳарфли ўз Бурчини ҳалол бажарадиганларни ардоқлаш ва ҳурматини жойига қўйиш зарурати ҳақида гапирди. Айнан Бурч миллатни буюкликка олиб келади.

Кадрлар бўлими анъанага кўра ҳар бир ходимнинг вазифалари таърифланган хизмат йўриқномасини тузиб чиқади.

Бундай йўриқномалар мутахассисларга минимал талаблар ҳисобланади. Муаммо шундаки (Рузвельт ҳам буни очиқ аёнларди), биз минимал кутишлар тўпламини бурч деб атаганимизда, бу билан компаниянинг парвозини қўллаб юборадиган иштиёқни сусайтирамиз.

Яхшиси, маълум вазифаларни мажбуриятмас, вазифа дея атаган яхшироқ. Ходимнинг ягона Бурчи: бу вазифаларни бажариш билан бирга мукамалликка интилиш, дея аниқлаштириш керак. Эвазига яна-да юксакроқ иш ҳақи, маъсулият доирасини кенгайтириш, обрўни ошишига умид қилиш мумкин. «Минимал талаблар»дан воз кечиб, уларни чекланмаган кутишларга алмаштир.

123-САБОҚ

Ўз подангни ҳимоя қил

Кўмир бозоридаги вазият уч тарафнинг: кон эгалари, кончилар ва аҳоли манфаатига дахл қилишига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мен кон эгалари томонидан эмас, кончилар томонидан ҳам эмас, аҳоли томонидан қатнашман.

Кончилар иш ташлаши бўйича
Оқ уйдаги конференцияда сўзланган нутқ,
1902 йил 3 октябрь

XX аср сарҳадида ишлаб чиқариш, транспорт ва аҳоли ҳаётининг ўзи кўмирга боғлиқ эди. Темир йўллар ва ишлаб чиқариш юмшоқ ҳамда арзон тошкўмирдан фойдаланарди. Уйлар ва квартираларнинг кўпчилиги қаттиқ, узокроқ ёнадиган ва тутуни камроқ антрацит билан иситиларди. 1902 йили кончилар касаба уюшмаси шарқий Пенсильваниядаги антрацит конларида иш ташлашлар бошлаганида аҳоли учун нақд хавф пайдо бўлди. Қиш яқинлашар, ёнилғи эса етишмаслиги мумкин эди. Рузвельт мураккаб бўҳронга дуч келди. Президентлар илгари ҳеч қачон капитал ва меҳнат орасидаги низоларга аралашишмаганди. Рузвельт бошқача йўл тутиши мумкинмиди? Буни у қонуний тарзда амалга

ошириши мумкинми? Агар аралашадиган бўлса, кимни қўллаши керак: меҳнатними (кончиларни) ёки капитални (кон эгаларини)? Агар ишчилар ва кон эгалари ўз қарама-қаршиликларини ҳал қила олишмаса, келаётган қишда кўмир етишмовчилигини президент ва федерал ҳукумат қандай бартараф қилиши мумкин?

Иш ташлаш 1902 йил 12 майда бошланди. Тез орада Пенсильваниядаги 80% кончи – тахминан юз минг одам ишга чиқмай қўйди. Кўмирчилар ва ёлланма жазоловчилар орасида жанглар бошланганида, кон эгалари полицияга мурожаат қилишди. Улар ҳимоя учун Пинкертон қўриқлаш агентлигидан одам ёллашди. Губернатор ҳатто миллий гвардияни чақирди. Президент Рузвельт бу йўл билан боришни истамасди. У 8 июнда меҳнат вазири Кэрролл Д. Райтга масалани ўрганиш ва ҳолат ҳақида ҳисобот беришни буюрди. Вазир кончилар талабига вақтинча ён босиб, 9 соатлик иш куни жорий этиш, шунингдек жамоа шартномасига ўхшаш ҳужжат тузишни тавсия қилди. Бу тавсиялар ғоят камтарона эди. Аммо Рузвельт худди кончилар томонини олгандек бўлиб чиқмаслиги учун қарорни кечиктиришни маъқул топди. У ўз холислиги ва совуққонлигини кейинчалик низони ҳал қилишда керак бўлишини ҳисобга олиб, қурбон қилишни истамади. Кунлар ўтар, ёнилғи етишмовчилиги хавфи тобора ойдинлашиб борарди. Охир-оқибат, вазиятга Рузвельт шахсан аралашшига тўғри келди. Бош прокурор бунинг учун президентда конституцион ҳуқуқ йўқ, деб ҳисоблади. Аммо 1902 йил 3 октябрда президент ҳукумат, касаба уюшмалари ва кон эгалари вакилларини конференцияга чорлади. Рузвельт бундай вазиятда шундай қилишни афзал деб билди.

Президент конференцияда касаба уюшмалари ёки кон эгаларини эмас, аҳоли манфаатларини ифода қили-

шини айтди. У барибир касаба уюшмаларига доимий комиссия тузиш ва комиссия таклиф қилган чоралар қўллаб-қувватланишини таъминлашга ваъда берганча иш ташлашни тўхтатиш учун ишонтиришга уринди. Касаба уюшмалар бошлиғи Ж.П. Митчелл рад қилди. Барча имкониятлар ишга солиб бўлинганидан сўнг, президент бир пайтлар трестларга қарши қонунчилик доирасида тўқнаш келган молиячи Д.П. Морганга мурожаат қилди. Морган комиссияга иш ташлашни бекор қилиш ва кон эгаларини касаба уюшмалар талабларига сўзсиз ён босишга мажбурламаган ҳолда иккала томонга юзма-юз музокара олиб бориши учун имконият яратишни тавсия қилди. 163 кун давом этган иш ташлаш 1902 йил 23 октябрда тугади. Президент ваъда қилгандек, комиссия соҳадаги ҳолатни ўрганиб чиқди, тингловларни амалга оширди ва кончилар ҳамда кон эгаларини қониқтирадиган муросани тавсия қилди.

Америка тарихида илк марта Қўшма Штатлар президенти меҳнат баҳсларида бевосита иштирок этди. Аммо Рузвельт иштирокчиларнинг ҳеч қайси томонга ён босмай ҳам буни амалга оширишни уддалади. У «бутун аҳоли»нинг манфаатларини ифода қилди ва унинг ягона ўйлагани умумий омма фаровонлиги эди.

Кимнинг манфаатларини ифодалашингни аниқлаб ол. Музокаралар ҳамда қолган барча билан муросага келиш учун имкониятлар топиб уни ҳимоя қил. Сен ишнинг реал ҳолатини аниқ тасаввур этишинг ва адолатли қарорлар қабул қилишинг шарт.

124-САБОҚ

Беҳуда хатарлардан қоч

Агар кураш муносиб бўлса, адабингни ейишингга қарши эмасман. Масалан, Гронтон футбол жамоаси ёки Гар-

варддаги курсинг жамоаси ўйинларида. Аммо иккинчи ёки учинчи таркибда ўйнаб, ўзингни бирор жиддий жароҳат олишдек хатарга қўйишинг, менимча, тентакликдан бошқа нарса эмас.

Ўғли кичик Теодорга,
1903 йил 11 октябрь

Рузвельт ҳамиша «тўлақонли ҳаёт»га чорлар, аммо ҳеч қачон хатар тарафдори эмасди. У жиддий устунлик ваъда қилсагина бунга арзийди. Президент ўғлига мана шу ҳақида ёзганди. Муносиб мақсадсиз хатар – жасорат эмас, тентаклик. «Бир киши футбол ўйнашни бошларкан, – деганди президент 1911 йил 22 март куни Лос-Анжелесдаги Оксидентал-Коллеж талабаларига нутқ ирод этаётиб, – бирор жойи лат емаслигига умид қилса, тез орада ҳафсаласи пир бўлиши аниқ». Бирор жиддий хафли ишга қўл уришдан олдин барча хатарлар ва кутилаётган сийловни ҳисоб-китоб қилиб олиш лозим. Талабалар спорт жамоасида эътибор қозониш учун ўзингни хатарга қўйиш, жароҳат олишда маъно бор. Келажакда бу асл фойда келтириш, спорт – мавқели одамлар оламига рухсатнома бўлиши мумкин.

Теодор Рузвельт ўзини доимо жисмонан ва ментал тарзда синовдан ўтказарди. У онгли тарзда ҳаёт қулайликларидан қочар, «тўлақонли ҳаёт»ни афзал биларди.

Бироқ, нима билан шуғулланмасин, ўзини майда-чуйдаларга сарфламайдиган жиддий одамлигича қоларди. Мана олтин қоида: хатарли вазиятлардан қоч. Ҳар қандай ҳолатда аввал обдон ўйлаб ол. Хатар нақд сийловдан ошиб кетмаслиги керак. Агар у асоссиз тарзда катта бўлса, унга қўл урмай, бошқа имкониятларни изла.

125-САБОҚ Маъсулиятни зиммангга ол

Бизга кўп имкониятлар берилган ва асосли тарзда биздан кўп нарса кутишади. Атрофимиздагилар ҳамда ўз олдимизда бурчларимиз бор, уларга бепарволик қилишга ҳаққимиз йўқ. Буюк халқ бўлдик ва бу ер юзидаги бошқа халқларга муносабатимизни белгилайди. Ўз маъсулиятини ҳис қиладиган инсонлардек иш кўришимиз зарур.

Қасамёд қабул қилишдаги нутқ,
1905 йил 4 март

Теодор Рузвельтнинг Оқ уйдаги салафи Уильям Мак-Кинли конгресс ва халқнинг талабига истар-истамай ён босганча, Куба ва Филиппин учун Испанияга қарши урушга киришади ҳамда Қўшма Штатларни дунёнинг буюк салтанатига айлантирди. Рузвельт президент бўлгач, бу ишни давом эттириб АҚШнинг дунё майдонидаги ҳолатини мустаҳкамлади. 1905 йил ўз президентлигини у давлатнинг дунёдаги янги вазифасини таъкидлаш билан бошлаб, булар катта устунликлар («бизга кўп нарсалар берилган») ва катта маъсулият («бошқалар олдидаги бурч») бағишлашини айтди.

Сиёсий модага боғлиқ равишда президент Рузвельтни 1905 йилдан кейинги ташқи сиёсати учун дам макташади, дам таъна қилишади. Биров унда саҳий ҳукмдорни, бошқалар – шавқатсиз империалистни кўради.

Биз бу масалани муҳокама қилмаймиз, аммо Рузвельт тасаввур қилган ҳукмронликнинг иккиёқлама табиати аҳамиятини англаб олиш муҳим.

Қасамёд қабул қилиш пайти Рузвельт маъсулият – устунликнинг кўз юмиб бўлмас ахлоқий баҳоси эканини айтди. Қўшма Штатлар бу баҳони тўлашга бурчли.

Президент, шак-шубҳасиз, ўзи яратган бу тенгламага самимий тарзда ишонарди. Шунга қарамай, унинг ортига яширинган маълум бир маънони пайқаш қийин эмас. Президент баҳо дея номлаган бурчлар бир пайтнинг ўзида дунёга америка таъсирини теранлаштириш, кенгайтириш ва кучайтириш иштиёқи ҳам эди. Бериш учун кўпроқ олиш зарур.

Давлат ўз мажбуриятларини ижро этиши учун дунёда янада кўпроқ таъсир ва ҳукмронликни қўлга киритиши керак. Теодор Рузвельт тасавурида Американинг халқаро бурчи ҳеч қачон сусаймайди, аксинча вақт ўтиши билан янада кучаяди.

У дипломатик ҳаракатларни чекламасдан, уларни оқлайди. Рузвельт бурчни мажбуриятдан истакка эришиш қуролига айлантирди.

Оқилона иш кўриб, энг самарали фойда олиш усулларини ахтар. Тўғри ҳаракатлар компаниянгни мустаҳкамлаши ва бозордаги ҳолатини барқарорлашига интил.

Имконият ва бурчни бирлаштир – муваффақият қозон.

126-САБОҚ

Сўзларни ҳаракатга айлантир

Кимдир ахлоқий тамойиллар ҳақида сўзлайди, аммо уларга мос келишга уринмайди. Бошқаси тинглайди ва қарсак чалади, аммо ахлоқ масалалари уни ҳам сира ўйлантирмайди. Уларнинг иккисиям айтган ва эшитганларидан хулоса чиқармай, боз устига яна ўз қалбларидаги ожизгина виждон манбасини баттар кучсизлантирганча ўз-ўзларига сезиларли зарар етказадилар.

Гарвард иттифоқидаги нутқ,
Гарвард университети, 1907 йил 23 февраль

Теодор Рузвельт анча маҳсулдор ёзувчи ва буюк нотик эди. Шу билан бирга *буюк арбоб* ҳам эди.

У инглиз тилини ажойиб тарзда эгаллаган, аммо ўзи юқори баҳолайдиган ҳаракат тилини ундан-да моҳирона эгаллаганди. Унинг ишлари овозаси сўзларига қараганда баландроқ эди.

Маъсулиятли амалдорлар ёки амалга ҳозирлик кўраётганлардан ҳам шуни талаб қиларди.

Лидер ўз ортидан эргаштириб кетишни билиши керак. Энг ёрқин ва ифодали тил – ҳаракатлар, қабул қилинган қарорлар, ҳаётга татбиқ қилинган имкониётлар, бартараф қилинган муаммолар ва юритилаётган сиёсат тилидир.

Қадимда денгиз зобитлари оғзаки буйруқларини мутлоқ ҳаракатга айлантириш учун ҳар бирини хитоб билан яқунларди: «Бажарилсин!»

127-САБОҚ

Аълонинг яхшига душман бўлишига имкон берма

Ҳаётда биз қаршилик қилишга ожиз бўлган адолатсизликлар борлиги маълум. Шу билан бирга, тўғрилаш мумкин бўлган адолатсизлик борлигини ҳам биламиз.

Мэдисон-Сквер-Гардендаги нутқ, Нью-Йорк
1912 йил 10 октябрь

Германия империяси биринчи канцлери Отто фон Бисмарк сиёсатни «эҳтимоллик санъати» дея атаганди. Ўзининг бор идеализми ва сиёсий ислоҳотчилик ғайратига қарамай, Рузвельт бундай нуқтаи-назарни мутлоқо тўғри дея ҳисобларди. «Биз қачонки мумкин бўлмаган ишга қўл урсак, – деди у 1900 йилнинг 3 сентябрь куни Чикагода сўзлаган нутқида, – кўпинча бун-

дан ҳеч нарса чиқмайди». Рузвельт хушёр фикрловчи сиёсатчи эди. 1893 йил 26 январда Нью-Йорк штатидаги Буффалода сўзга чиққан пайтидаёқ у «сиёсатга кириб келаётган киши кўз очиб-юмгунча мутлоқо ҳаммасини ислоҳ қилиб ташлашга умид қилмаслиги зарур» деганди.

Рузвельт идеализмни лидер учун зарур сифат дея хисобларди. Аммо идеализм амалий ҳаракатларсиз бефойда. Афсуски, кўпинча яримта билан қаноатланишга тўғри келади. Кўпига умид қилиб, озидан ҳам қуруқ қолиш мумкин.

Аълосининг умидида яхшисидан воз кечган пайтинг имкониятни қўлдан чиқарасан ва бурчингга бепарволик кўрсатасан. Ҳеч нарсага эришмаслик, чунки ҳаммасига эришиш мумкин эмас, – омадсизликнинг аниқ-тиниқ белгисидир.

128-САБОҚ

Ҳокимият сарҳадин кенгайтир

Президентлик пайтим мутлоқ президент эдим.
Сэр Жорж Тревельянга мактубидан, 1908 йил 19 июнь

Оқ уйни тарк этгач, Теодор Рузвельт президентлик лавозимида «ҳокимиятнинг ҳар мисқолигача» фойдалангани ҳақда қониқиш билан иқрор бўлганди. Рузвельт «беш қўлини оғзига тикяпти», – дея танқид қилганларга парво қилмас, зеро бунга вақтиям йўқ эди. Рузвельтнинг таъбирича, «кучни намоён қилиш ва ижро ҳокимиятига куч бахшида этиш билан, (у) муҳим ва фойдали ишни қилаётганди». Унинг мақсади шахсий ҳокимият эмасди – у президентликни ўзи олган пайтидагидан кўра кучлироқ ҳолда қолдириш ниятида эди. «Мен ижро ҳокимияти кучига ишонаман... – таъкидлайди Рузвельт. – У мангу ва букилмас бўлишига ишонаман». Куч лаво-

зимни маълум бир муддатга эгаллаган кишининг эмас, лавозимнинг атрибути бўлиши керак.

Биринчи президент Жорж Вашингтон ва еттинчи президент Эндрю Жексондан кейин илк бор президент ўзининг юксак лавозимида халқ хизматкори эканини айтди. Теодор Рузвельт президентлик ҳокимиятини фақат ўзи учунгина кенгайтириш мақсадида уринмади. У издошларига президентликни ҳар маҳалгидан кўра қудратлироқ тарзда қолдиришни хоҳлади. Охир-оқибат, конституцияда ижро ҳокимияти сарҳадлари ҳақида ҳеч нарса қайд этилмаган. Унгача ўтган Вашингтон ва Жексон сингари, Рузвельт ҳам ижро ҳокимияти сарҳадларини кенгайтиришга қарор қилди. Бунинг учун у барча имкониятларни ишга солиши керак эди. Унинг даврида ижро ҳокимияти Мак-Кинли давридагидан кўра анчайин катта қудрат касб этди.

Раҳбар номигагина бўлмай, лавозим характерини қарорлар ва ҳаракатлари билан белгилаб бериши керак. Сен ўз компаниянг учун ва ўзинг учун ҳам, яхши хизматкор бўлишинг шарт. Теодор Рузвельтнинг тасаввурича раҳбар ҳамиша сарҳадларни кенгайтириши керак.

Ўзингдан кейин лавозимингни кўпроқ ёки камроқ обрўли ҳолда қолдирмоқчимисан? Ҳокимият кўпроқ ижрочи бўлиши керакми ёки маъмурий? Буларга том маънодаги тўғри жавоблар йўқ. Рузвельтнинг кўплаб салафлари, шунингдек издошлари ундан бошқача ишлашган. Аммо ҳақиқий лидер ўзидан кейин ҳам бу лавозимда қоладиган ниманидир яратишга интилади. Ўз компаниянг келажаги учун қиладиган энг яхши ишинг – амалингда онгли ва мулоҳаза билан ишлашдир. Мутлоқ лидер бўлишинг шарт.

129-САБОҚ

Самарадорликни назорат қил

Агар инсоннинг самарадорлиги ахлоқ мезонлари билан йўналтирилмаса ва тартибга солинмаса, у самарали бўлгани сари... давлатга шунчалар хавф солаверади.

Сорбоннадаги нутқ, Париж,
1910 йил 23 апрель

Теодор Рузвельт билан тўқнашган киши ўша ондаёқ ва баъзан бир умрга унинг ғаройиб ғайратидан ҳайратга тушарди. Шифокор ҳамда япон маданияти бўйича мутахассис Уильям Стержес Бигелоу «ҳеч қачон у каби қатъиятга эга кишини кўриш насиб қилмаган»ини айтганди. Рузвельтнинг яна бир дўстининг таъкидлашича, «у ҳатто чоптираётган пайтиям тинч турмасди». Генри Форднинг йиғув конвейри тимсолга айланган саноат асрида, самарадорлик энг кўп кадрланадиган даврда, ҳамма нарсани сиқиб сувини олишга интилган бир пайтда, Теодор Рузвельт идеал инсон бўлиб туюларди. У ҳамиша ҳаракатда, бир дақиқани ҳам бўш ўтказмасди.

Ҳа, у самарадорликни юксак баҳоларди. Аммо самарадорлик йўналтириш ва назоратни талаб қилади, аксинча бўлса у вайронкор кучга айланиши мумкин, дея ҳисобларди. Маъноси самарадорлик бўлмиш давлат «ахлоқ туйғуси»дан ҳоли бўлганида жуда хавфлидир, деган эди Рузвельт. Йиллар ўтди, Адольф Гитлер ва Иосиф Сталин режимлари юзага келди. Улар учун икки сифат: ахлоқнинг бениҳоя тубанлашиши ва самарадорликка чексиз интилиш хос эди.

Бизнес ҳамиша даромаднинг ошиши ва самарадорликнинг ўсишидан манфаатдор. Сен фақат шуларга диққатингни қаратишни истаганингда йиллик балансда

акс этмайдиган муҳим сифатни ёдингга ол. Уни этика, адолат, ижобий корпоратив руҳ, муносиб ҳаракатлар деб аташ мумкин. «Ахлоқ туйғуси» деб атасаям бўлади.

130-САБОҚ **Ахлоқан иш кўр**

Самарасиз қўлланганда ҳеч қандай яхши натижа бермайдиган ахлоқда маъно кўрмайман.

Гарвард университетидаги нутқ,
1910 йил 14 декабрь

Теодор Рузвельт ҳеч қачон бировга: «ахлоқингни тузат», – дея маслаҳат бермаган бўларди. У шунчаки: «Ахлоқан иш кўр», – дерди. У фақат интилишларнинг ўзи етмайди, дея ҳисобларди. Бизнес ўзининг гуллаб-яшнаши йўлида ахлоқнинг самарадорлик билан қўл ушлашиб юришини инновацияларда, меҳнат маҳсулдорлигида, реклама ва савдода кўришини кутади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва **XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги** бизнес учун ахлоқ корпоратив интилиш бўла олмаслигига ўргатди. У корпопотив воқелик бўлиши керак. Хизмат қилиш, бутунлик ва ишонч «бор бўлса яхши»ликдан қутилишди (агар бўлишган тақдирда!). Улар энди ҳар қандай бизнес-режанинг ажралмас қисмидир. Раҳбарлар ва менежерлар корхоналарининг даромадлигини қадрлагандек, ахлоқни ҳам қадрлаши, риоя қилиши, қўллаб-қувватлашлари шарт.

131-САБОҚ **Ҳуқуқлар иерархиясини ўрнат**

Инсон ҳуқуқлари даромадларидан кейинги ўринда туради, дея ҳисоблайдиган фуқаро адашади. Шубҳасиз, шахсий фаровонликни ошириш зурур, аммо ҳар қандай мулк

жамият фаровонлиги талаб қилган даражада тартибга солинади.

«Янги миллатчилик», 1910 йил

Озод мамлакат лидерининг бош вазифасини Теодор Рузвельт шахс ҳуқуқларини жамият ва миллатнинг умумий ҳуқуқлари билан яраштиришда, деб ҳисобларди. У федерал ҳукумат томонидан хусусий мулкдан фойдаланиш жамият фаровонлиги талаб қилган даражада тартибга солиниши керак, дея ҳисобларди. Жамиятда бундай ҳуқуқнинг йўқлигида одамнинг ҳар қандай ҳуқуқи шахсий фаровонлигидан кейин иккинчи даражага тушиб қолади. Агар шундай ҳол юз берса, халқ жамият бўлишдан тўхтади. Демак, йирик мулк эгалари қуллигига тушиб қолишади.

Лидер алоҳида ходимлар ҳуқуқлари ва ташкилотнинг умумий ҳуқуқлари орасидаги мувозанатни топиши шарт. Одатда бунинг учун жамоа мақсадларига хизмат қилиши учун индивидуал ҳаракатларни самарали созлов (раҳбарлик ва йўналиш) талаб қилинади. Бундай созлов шахсий ташаббус ва ижодий ўзакни эзиб ташламаслиги шарт.

Лидернинг вазифаси – барча ходимларнинг кучини аниқ белгиланган мақсадларга эришиш учун йўналтириш ва умумий ишга ҳисса қўшишларига рағбатлантиришдир.

132-САБОҚ **Бош ролни ўйна**

Америка Қўшма Штатлари жаҳон саҳнасида катта роль ўйнай олмайди ёки ўйнамайди. У бош ролни ўйнаши зарур.

The Outlook,
1901 йил 1 апрель

Исо Масих туғилишидан беш юз йил олдин юнон файласуфи эфеслик Гераклит шундай деганди: «Инсон характери – унинг тақдири». Сен ўз хатти-ҳаракатларинг оқибатида ўз «Мен»ингни топасан. Бу фикр билан баҳслашиш мумкин, аммо Теодор Рузвельт худди шундай нуқтаи-назар тарафдори эди. Унинг ёзишича, Америка тақдирини миллий характер белгилайди. Қўшма Штатлар буюк салтанатга айлангач, ўз тақдиридан бўйин товлай олмайди. Мамлакатнинг бошқа танлови йўқ – у жаҳон айвонида «бош ролни ўйнаши» шарт.

Рузвельт Қўшма Штатларни дунё сиёсатида фаол қатнашадиган буюк салтанатга айлантирди.

Рузвельт одам ёки ташкилот характерининг ривожланиши тақдирни белгиладиган ўзига хос брендинг усули дея кўрсатди.

133-САБОҚ

Кучни куч билан созла

*Ишчилар ташкилоти мавжуд бўлиши жуда муҳим...
Капитал ташкилланади – шунга биноан, меҳнат ҳам ташкилланиши шарт.*

Милуокидаги нутқ,
1912 йил 14 октябрь

Учинчи партия номзоди сифатида сайловолди кампания олиб бораётган Теодор Рузвельт кўксидаги ўқ билан кучни бошқариш ҳақида нутқ сўзлади. У демократик жамиятда мувозанат зарурати ҳақида гапирди. Ишчилар нафақат ҳуқуқларга эга, шу билан бирга касаба уюшмаларга ҳам бирлашишлари керак, чунки капитал ташкилот босқичидан аллақачон ўтиб бўлди. Кучлар мувозанати – табиат қонуни. Рузвельт таъбирича, демок-

ратик жамият институтлари мана шу тамойил бўйича ташкил қилиниши керак. Бу зиддиятни оширмайди, аксинча, бирор томон бошқасини эзмаслиги учун муво- занат пайдо бўлишига олиб келади.

Куч – лидерлик воситасидир. Ундан қўрқиш ёки ундан қочиш керак эмас. Компаниянг билан боғлиқ ҳаммаси (ходимлар, ҳамкорлар, инвесторлар, ми- жозлар) кучга эга.

Лидернинг вазифаси – ушбу барча кучлар посанги- сини топиш.

134-САБОҚ **Ҳалол битимлар туз**

Ҳар қандай бизнес одамлар билан ҳалол битимлар тузмоғи шарт. Шунда у ўзига нисбатан адолатли муно- сабатга умид қилиши мумкин.

The Outlook даги мақола,
1911 йил 18 ноябрь

Теодор Рузвельтнинг бешинчи амакиваччаси Франк- лин Делано Рузвельт АҚШ президенти лавозимини 1933 йилдан 1945 йил марти, то ўлимигача бошқарди. У «Янги йўналиш» сиёсатини тарғиб қилди. Унгача Теодор Руз- вельт «Адолатли йўналиш» бўйича Қўшма Штатларни бошлаб борганди. У ички сиёсатни мана шундай ном- лаб, унинг асосий пунктларини табиий захираларни муҳофаза қилиш, йирик корпорациялар фаолиятини тартибга солиш ва истеъмолчиларни федерал ҳимоя қилиш эди. Ўзининг «Адолатли йўналиши» учун Тео- дор Рузвельт «трестлар билан курашчи» лақабига лойиқ кўрилганди. У туғилаётган америка йирик трестлари (корпорация-монополиячилар) плутократиясини жи-

ловлаб туришга йўналтирилган қонунларни жуда фаол ўтказганди.

Ўша йиллардаги кўплаб америкаликлар ва бугунги кўплаб тарихчилар ҳисоблашича, йирик бизнесга қаршилиқ «Адолатли йўналиш»нинг моҳиятига айланганди. Аммо бу «квадрат»нинг ярми. Теодор Рузвельт ҳамisha рақобат ҳамда давлат тартиби томонидан жиловланмаган йирик бизнес ўрта қатламни эзишидан муҳофаза қилишга интиларди.

Шу билан бирга у бизнесни маълум бир касаба уюшмаларининг радикал-кескин талабларидан ҳимоя қилишни ҳам хоҳларди. Рузвельтнинг йирик тадбиркорларга муносабати ўзига ҳар қандай бизнеснинг моҳияти – қадриятни қадриятга алмашлашни жо қилганди. Бизнес давлат бюджетини тўлдирувчи асосий солиқ тўловчи. Бундай ёндашув коммерция тилига таржима қилинган олтин қоидадан кўра на кескин, ёки на мураккаб.

Ҳукумат ва халқ бизнесдан ҳалол битимларни талаб қилишга ҳақли, шунда бизнес ҳам ҳукумат ва халқ томонидан адолатли муносабатга умид қилиши мумкин.

Адолатли йўналиш – бизнеснинг энг яхши модели эмас, аммо ишончли ва умрзоқ дея ҳисобланадиган яғонасидир.

Ҳалол битим (олган қадриятига яраша маълум қадриятни тўлаш нияти ва шунга тайёрлик) тамойилига амал қилмайдиган компанияни бозорнинг легал иштирокчиси деб бўлмади.

Моҳиятига кўра у жинойий ташкилот ҳисобланади. Қадриятни олиб, эвазига ҳеч нарса бермаслик – ўғрилиқдир.

135-САБОҚ Чинакам консерватор бўл

*Ким онгли равишда келажакка интилса,
ўшани ҳақиқий консерватив деб аташ мумкин.*

Рузвельтнинг ушбу сўзлари Жон Мортон Блумнинг
«Рузвельт-республикачи» китобидан келтирилган,
1954 йил

Тарихий шахс сифатида Теодор Рузвельт на юзаки либераллар, на юзаки консерваторларни қониқтирарди. Либераллар уни автократ ва империалист дея ҳисоблашарди. Консерваторлар уни эркин бозорни давлат тарафидан тартибга солувчи сифатида кўришарди. Рузвельт эса ўзини мавжуд тушунчаларга кўра на либерал, на консерватор деб ҳисобларди. У ўзини прогрессист – тараққиётчи ҳисобларди.

Охирги пайтларда чап тушунчадаги сиёсатчилар ўзларини прогрессистлар, дея аташмоқда. Рузвельт дастурининг аҳамиятли қисми бугун ҳам, замонавий сўзнинг либерал маънодасида (ё салбий, ё ижобий жиҳатдан) «прогрессив» дея аталиши мумкинлигини рад этиб бўлмайди.

Рузвельт оригинал президент эди. У атроф-муҳит муҳофазасига чорларди. У ҳукумат вазифаси – «умумий фаровонликни қўллаб-қувватлаш» эканига ишонадиган сиёсий ислохотчи эди. Бу биринчи навбатда – йирик бизнесни тартибга солишни ифодаларди.

Рузвельт ўз «прогрессизм»ини либерал деб ҳисобламасди. У ўзини том маънодаги консерватор деб атарди. Унинг фикрича, консерватив лидер ўзгаришлардан сираям бўйин товламайди, тараққиётга қаршилик қилмайди, ўтмишга ёпишиб олмайди. Аксинча, у «онгли

тарзда келажакка интилади». Унинг бош вазифаси – миллат учун муҳим ва энг фойдали бўлган барча нарсани асраш, ҳимоя қилиш ва ҳаракатга келтиришдир.

Чинакам консерватор ҳаёт ўзгарувчан ва ҳаракатчанлигини англайди. Ҳаёт ҳамиша янги имкониятлар, янги муаммоларни таклиф қилади. Теодор Рузвельт худди оғирлик кучига ёки бошқа бир табиат қонунига қаршилиқ қилиб бўлмаганидек, бундай ҳаракатчанликка қарши туриб бўлмаслигини биларди. У қарши турмасди, бу ҳаракатчанликни эплаш ва уни умум фойдасига ишлатиш усуллари изларди. Президентнинг бош мақсади Американинг гуллаб-яшнаши ва ривожланиши эди.

«Консерватор бўлиш» нимани англатишини ўйлаб кўр. Рузвельт онгли равишда келажакка интилгани ҳақиқий консерватор деб аташ мумкин ва унинг вазифаси – ўз компаниясини гуллаб-яшнатиш дея ҳисобларди. У ўтмишни соғинганча, ўзгаришларга қарши туриш учун чиранмайди.

У келажакка интилганча, таҳдидлар ҳамда муаммолар каби, шунчаки яшаб қолиш эмас, ривожланиш ва гуллаб яшнаш учун янги имкониятларни олдиндан кўра билади.

136-САБОҚ

Ютуқларингни муҳим натижаларга кўра баҳола

Етти ярим йиллик давлат бошқарувидан кейин президентлик лавозимини тарк этдим. Ушбу йиллар мобайнида ташқи босқинчига бирортаям ўқ узилмади. Мутлоқ тинчликда яшадик. Ер юзида бирорта давлатга... ҳамла қилмадик ва ўзимиз ҳам бирортасидан ҳадиксирамадик.

«Автобиография», 1913 йил

Президент Рузвельт Американи буюк қилиш қатъияти билан тўлиб-тошганди. Шу туфайли уни кўпинча империалист, «калхат», ҳатто уруш оловини ёқувчи дея аташарди. У ўзини оқлашни эп кўрмас ва бу сўзларга парво ҳам қилмасди. Бошқаларга ёқиш учун тамойилларидан воз кечмасди. Тажрибали ҳисобчи тариқасида у ўз президентлигига хулоса ясади ва бу натижаларга кўра ҳаммаси президент тарафдорларига ҳам, қаршиларга ҳам равшан бўлди-қўйди.

Тараққиётни кузат, ютуқларни содда ва тушунарли натижаларга кўра баҳола. Нима чинда муҳимлигини аниқла – айнан мана шу фаолиятинг натижасини характерлаб беради.

Теодор Рузвельт ҳаёт саолномаси

1958. 27-октябрь: Теодор Рузвельт Нью-Йоркда туғилди.

1876–1880. Гарвардда таҳсил олди. Рузвельт 1880 йил 30 июнда ўқишни аълога тамомлади.

1877. Рузвельтнинг илк «Адирондак тоғларидаги кўчманчи қушлар» китоби босмадан чиқди.

1878. 9 февраль: Рузвельтнинг отаси, катта Теодор Рузвельт вафот қилди.

1880–1882. Колумбия университетининг юридик факультетида таҳсил олди. Рузвельт диплом ҳимоя қилмасдан университетдан кетди. У ҳеч қачон юрист бўлиб ишламади.

1880. Рузвельт Республикачилар партиясида сиёсат билан шуғуллана бошлади.

27 октябрь: Рузвельт Элис Хэтуэй Ли билан турмуш қурди.

1881. 8 ноябрь: Рузвельт Нью-Йорк Қонунчилик мажлисининг энг ёш аъзосига айланди: у 3490 овоз тўплади; унинг рақиби эса 1989 овоз.

1882. «1812 йилдаги денгиз жанглари» китоби босилиб чиқди. Китоб АҚШ Ҳарбий-денгиз академиясида дарсликка айланди.

1 август: Рузвельт Миллий гвардияда хизмат бошлайди (Нью-Йорк Саккизинчи полки кичик лейтенатига айланади).

1883. 6 ноябрь: Рузвельт катта ғалаба билан Нью-Йорк Қонунчилик мажлисига қайта сайланди. Унинг

рақибидан устунлиги бошқа ҳар қандай қонунчиникидан бағоят катта бўлди. Бу даврда у касаба уюшма лидери Сэмюэль Гомперс билан бирга Нью-Йорк харобаларини тафтиш қилиб чиқишади. Рузвельт ижтимоий таъминот ҳақида қонунларни таклиф қилади.

1883–1884. Рузвельт Дакотада (ҳозирги Шимолий Дакота) ер сотиб олди, «Мальта хочи» ва «Элкхорн» ранчоларини яратди.

1884. 12 февраль: Элис Ли Рузвельт туғилди.

14 февраль: Марта Буллок Рузвельт (Теодорнинг онаси) терламадан вафот этади, орадан бир неча соат ўтиб брайт хасталигидан унинг рафиқаси, Элис Хэтуэй Ли Рузвельт ҳаётдан кўз юмади. Онаси ва хотини қизи туғилган 57-кўчадаги уйда вафот этишди.

Март: Рузвельт Лонг-Айленддаги Ойстер-Бэйда Сагамор-Хилл деб атаган уйини қуради. Уй кейинги йили тўлиқ битказилади.

Июнь: Рузвельт Республикачилар партиясининг конвентига делегат этиб сайланади.

1885. Дакота ҳудудларидаги хатарли ҳаёт ҳақида «Ранчо босқинлари» китоби босилиб чиқади. Рузвельт учинчи муддат ниҳоясига етгач, Нью-Йорк Қонунчилик мажлисини тарк этади.

1886. 2 ноябрь: Нью-Йорк мэри сайловида Рузвельт демократ Абрам С. Хьюиттга ютқазиб қўяди.

2 декабрь: Рузвельт Элит Кермит Кэроуга уйланади.

1887. «Томас Харт Бентон ҳаёти» китоби босмадан чиқади.

13 сентябрь: Сагамор-Хиллда кичик-Теодор туғилди.

1888. «Губернатор Моррис ҳаёти», «Ранчодаги ҳаёт ва овчи сўқмоқлари», «Амалий сиёсат ҳақида очерклар» китоблари нашр этилди.

1889. «Ғарб истилоси» китобининг 1–2 томлари бо-

силиб чиқди (учинчиси 1894, тўртинчиси эса – 1896 йилда нашр этилади).

7 май: Рузвельт Вашингтондаги фуқаролар хизмати комиссиясида ишлай бошлайди (1895 йил 5 майгача).

10 октябрь: Сагамор-Хиллда ўғли Кермит Рузвельт туғилди.

1891. «Нью-Йорк тарихи» китоби нашр этилди.

13 август: Сагамор-Хиллда қизи Этель Кэроу Рузвельт таваллуд топди.

1893. «Прерия овчиси» китоби босилиб чиқди.

1894. 10 апрель: Вашингтонда ўғли Арчибальд Буллок Рузвельт туғилди.

14 август: акаси Эллиот (бўлғуси биринчи хоним Элеонора Рузвельтнинг отаси) ўз жонига қасд қилади.

1895. «Америка тарихидан қаҳрамонлик қиссалари» (ҳаммуаллиф сенатор Генри Кэбот Лож) китоби босилиб чиқди.

5 май: Рузвельт фуқаролар хизмати бўйича ишига нуқта қўйди.

6 май: Рузвельт Нью-Йорк полиция комиссарлар кенгаши президентига айланади ва бу лавозимда 1897 йил 19 апрелгача ишлайди.

1897. «Америка идеаллари» китоби нашр этилди.

19 апрель: Рузвельт полиция кенгашидаги ишидан кетади ва президент Уильям Мак-Кинлининг таклифига кўра ҳарбий-денгиз флоти вазири ёрдамчисига айланади.

19 ноябрь: Вашингтонда ўғли Квентин Рузвельт таваллуд топди.

1898. 6 май: Рузвельт ҳарбий-денгиз флоти ёрдамчиси лавозимини тарк этади ва испан-америка урушида қатнашиш учун Биринчи кўнгиллилар отлиқ полкида подполковникка айланади.

15 май–16 сентябрь: Рузвельт «Учқур чавандозлар» полкида аввал подполковник, кейин полковник бўлиб хизмат қилади.

24 июнь: Кубадаги биринчи Лас-Гуазимас жанги.

1 июль: Рузвельт қўмондонлигида «Учқур чавандозлар» Сан-Хуан-Хилл ёнидаги (Сан-Хуан-Хилл ва Кеттл-Хилл тепаликлари учун) ҳал қилувчи жангларда қийин ғалабага эришади. Рузвельтни Хурмат ордени билан тақдирлашади ва мукофот қаҳрамонни фақат 2001 йилдагина топади).

14 август: Рузвельт АҚШга қайтади ва ўз полки билан олти ҳафталик карантинни Кэмп-Уикоффа (Монток, Лонг-Айленд, Нью-Йорк) ўтказди.

27 сентябрь: Республикачилар партияси уруш қаҳрамонини Нью-Йорк губернатори лавозими сайовига номзод қилишади.

8 ноябрь: Рузвельт сайловларда ғалаба қозонади – у 661 715 овоз тўплайди, рақиб – Огастес Ван Вик 643 921 овоз.

1899. «Учқур чавандозлар» китоби босилиб чиқади.

2 январь: Нью-Йорк губернатори инаугурацияси. Бу лавозимда Рузвельт 1900 йил 31 декабргача қолади.

1900. 6 ноябрь: Рузвельт Республикачилар партиясидан вице-президент, Уильям Мак-Кинли – президент бўлиб сайланади. Мак-Кинли ва Рузвельт жамоаси рақибларига қараганда ғайратлироқ чиқишди. Президент 7 219 530 овоз тўплади. Иккинчи номзод, Уильям Женнингс Брайн (вице-президентликка номзод – Эдлай И. Стивенсон), – 6 358 071 овоз.

1901. 4 март–14 сентябрь: Рузвельт АҚШ вице-президенти вазифасини бажаради.

6 сентябрь: президент Уильям Мак-Кинлига Буффалода ўқ узишди. Президент яшаб кетишига ишонган

Рузвельт Адирондак тизмасидаги Техавус тоғида таъти-
лини ўтказишда давом этди.

14 сентябрь: президент Мак-Кинли вафотидан кейин
Рузвельт Буффалога келади ва қасмаёд қабул қилади. У
йигирма олтинчи АҚШ президенти бўлди. У қирқ икки
ёшда – барча америка президентлари орасидан энг ёши.

1902. 19 февраль: Рузвельт трестларга қарши аёв-
сиз компанияни бошлайди. У бош прокурор Филандер
Ноксга монополист – Шимолий темир йўл компаниясига
қарши даъво қўзғашни буюради. Бунда у сира ишлатил-
маган Шерманнинг трестларга қарши қонунига таяна-
ди. Рузвельт маъмурияти бундай даъволарни яна қирқ
тўрттасини бошқа монополияларга пеш қилади.

22 май: Орегонда Кратер-Лейк миллий парки бунёд
этилди. Бу Рузвельт томонидан ташкил қилинган бешта
паркнинг дастлабкиси. Қолган тўрттаси: Жанубий Да-
котадаги Винд-Кейв, Саллис-Хилл (ҳозир Саллис-Хилл
қўриқхонаси), Шимолий Дакота (1904), Оклохомадаги
Платт (1906) ва Колорададаги Меса-Верде (1906).

17 июн: Рузвельт имзо чеккан ерларни мелиорация-
лаш ҳақидаги қонунга биноан кейинчалик йигирма бит-
та йирик лойиҳа амалга оширилади.

28 июн: Рузвельт Панама бўйинчасида канал қу-
рилиши ҳақида фармонга имзо қўяди.

16 октябрь: Рузвельт АҚШ президентлари орасида
илк бор меҳнат ва капитал орасидаги тортишувга ара-
лашади. У кончиларнинг кўламли иш ташлаши сабабли
музокараларда воситачилик қилади.

31 декабрь: Рузвельт Венесуэла муаммосини ҳал
қилишда «катта тўқмоқ» сиёсатини қўллайди.

1903. 14 февраль: Рузвельт меҳнат ва савдо вазирли-
гини яратади.

19 февраль: Рузвельт темир йўлда эълон қилинган

ташиш таърифларига хилоф иш тутилишини жазоловчи Элкинс қонунига имзо чекди. Бу қонун Рузвельт таклиф қилган «Адолатли йўналиш»нинг тамал тоши бўлди.

14 март: Рузвельт Флорида штатидаги Пеликан оролини федерал аҳамиятга эга қушлар қўриқхонаси, дея эълон қилди.

13 ноябрь: Рузвельт Панаманинг Колумбиядан мустақиллигини тан олди ва бу Панама канали қурилиши ҳақда шартнома тузиш имконини берди.

18 ноябрь: Панама билан канал қурилиши ҳақда шартнома имзоланди.

17 декабр: Рузвельт Куба билан ўзаро ёрдам шартномасини тузади ва Куба АҚШ стеллити мақомига эга бўлади.

1904. 8 ноябрь: Рузвельт президентлик сайловларида демократ Элтон Б. Паркер устидан ғалаба қозонади. У 7 628 834, рақиби эса – 5 084 401 овоз олади.

6 декабрь: Рузвельт Монро доктринасига ўз киритмасини таклиф қилади. У қарзини тўлашга қурби етмайдиган ёки буни хоҳламайдиган лотин америкаси давлатларининг иқтисодий ишларига АҚШнинг аралашини ҳуқуқини тасдиқлайди.

1905. «Америкалик овчи саргузаштлари» эълон қилинди.

1 февраль: Миллий ўрмон хизмати яратилди.

4 март: Инаугурация.

17 март: Рузвельтнинг жияни Элеонора амакиваччаси Франклин Делано Рузвельтга турмушга чиқади.

2 июнь: Оклохомада дастлабки федерал овчилик қўриқхонаси Учита-Форест ташкил қилинди. (1908 йилда Гранд-Каньон овчилик қўриқхонаси, 1909 йилда эса – Аляскадаги Файр-Айленд ва Монтанадаги Нэшнл-Бизон-Рейнж овчилик қўриқхоналари ташкил этилади.)

6 сентябрь: Рузвельтнинг уринишлари шарофати билан Россия ва Япония орасида Портсмут сулҳ шартномаси тузилди ва қонли Рус-япон урушига нукта қўйилди.

1906. Январь: Альхесирасда Марокаш бўйича Франция ва Германия орасида низо ҳал қилинди. Марокаш мустақиллиги ва Европадаги кучлар мувозанати сақлаб қолинди.

17 февраль: Америкада жуда машҳур бўлган Рузвельтнинг қизи Элис билан Огайо штати конгрессмени Николас Лонгвортнинг никоҳ тўйи Оқ уйда бўлиб ўтди.

8 июн: Рузвельт миллий монументлар ҳақидаги актни имзолайди ва ўн саккизта «Миллий монументлар»нинг дастлабкисини яратади. Уларнинг сирасига Девилз-Тауэр (1906), Мьюир-Вудс, (1908), Гранд-Каньон (1908) ва Олимп тоғи (1909) киради.

11 июн: Рузвельт қишлоқ хўжлиги учун алоҳида фойда келтирадиган ўрмонлар фермалар учун ажратилиш мумкинлиги ҳақида қонунга имзо чекади.

28 июн: Рузвельт штатлар орасидаги савдо бўйича комиссия темир йўл тарифларини тартибга солиш имкониятига эга бўлувчи Хепберн актини имзолади.

30 июн: Рузвельт озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситалари сифати ҳақида қонун ва гўшт сифати ҳақидаги федерал қонунни имзолади. Бу қонунлар истеъмолчилар соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича давлат дастурига асос бўлди.

8–26 ноябрь: Рузвельт рафиқаси ҳамроҳлигида Панама каналига боришади. Бу унинг илк хорижий сафари эди.

10 декабрь: Рузвельт Рус-япон урушини тўхтатгани учун Нобель тинчлик мукофоти билан тақдирланади.

16 декабрь: Рузвельт Буюк оқ флотни дунёни айланиб келиш учун юборади ва АҚШ ҳарбий денгиз флоти кудратини оламга намойиш қилади.

1908. 13–15 май: Оқ уйда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича губернаторлар конференцияси ўтказилади.

8 июн: Рузвельт миллий комиссияга Америка табиат захиралари каталогини тузиб чиқиш бўйича топшириқ беради.

1909. 18 февраль: Оқ уйда Шимолий Америка атроф-муҳитини муҳофаза қилиш бўйича конференция бўлиб ўтади.

22 февраль: Буюк оқ флотни дунё бўйлаб сафаридан тантанали қайтиб келиши.

4 март: Рузвельтнинг издоши Уильям Говард Тафт инаугурацияси.

1909–1910. 1909 март–1910 июнь: Рузвельт Африкага ов сафарига отланади. У Смитсон музейи учун экспонатлар йиғиб жўнатади. Африкадан Европага йўл олади ва нутқлар сўзлайди.

1910. 20 май: Рузвельт қирол Эдуард VII дафн маросимида Буюк Британияга алоҳида топшириқ билан келган элчи мақомида қатнашади.

18 июн: Рузвельт АҚШга қайтади. Тезда унинг «Африка овчилик сўқмоқлари» китоби босмадан чиқади.

31 август: Рузвельт Канзас штатидаги Осаватомида «Янги миллатчилик» деб номланган тарихий нутқини сўзлайди.

1911. Рузвельт The Outlook журнали муҳаррири бўлади.

1912. «Кўл етгулик орзулар» китоби босмадан чиқади.

21 февраль: Тафт маъмуриятининг консерватизми Рузвельтни қониктирмайди ва у Республикачилар

партияси томонидан номзод бўлиш учун кураш олиб боради.

18–22 июнь: Рузвельт барча бирламчи сайловларда бир штатдан бошқа барчасида ғалаба қозонган бўлса-да, Республикачилар партияси амалдаги президент Тафтнинг номзодини қўллашади.

5–7 август: Янги миллий Тараққийпарвар партия (Лослар партияси) ўз номзоди сифатида Рузвельтни олға суришади.

14 октябрь: Рузвельт Милуокида нутқига тайёрланаётган пайти Жон Шранк унинг тўғрисиغا келиб, кўрагига ўқ узади. Рузвельтни нутқининг қалин букланган матни ва кўзойнакнинг темир ғилофи сақлаб қолади. Яра унчалар хавфли чиқмайди ва Рузвельт бир ярим соатлик нутқ сўзлайди. Шундан кейингина шифохонага кетади.

5 ноябрь: сайловларда демократ Вудро Вильсон ғалаба қозонади. Рузвельт республикачи Тафтни ортда қолдириб, иккинчи бўлади. У 27,4% овоз тўплайди.

1913. Теодор Рузвельтнинг: «Автобиография» ва «Адабиётдаги тарих ва бошқа эсселар» китоблари нашр этилади.

4 октябрь: Рузвельт Жанубий Америкада нутқлар сўзлайди, кейин жунглига ов учун чиқади.

1914. 27 февраль–27 апрель: Америка табиат тарихи музейи ва Бразилия ҳукумати маблағи эвазига Рузвельт ва Рондон экспедицияси Бразилиядаги Шубҳа дарёсини тадқиқ қилишади. Натижада бу дарё «Рио-Рузвельт» (баъзан уни Рио-Теодоро деб ҳам аташади) номини олади. АҚШга қайтганидан кейин Рузвельт «Бразилия жунглиларида» китобини ёзади ва «Африка ов ҳайвонлари тарихи» китобига ҳаммуаллифлик қилади.

1915. 1 январь: Рузвельт «Америка ва жаҳон уруши» китобини эълон қилади ҳамда АҚШнинг бетарафлик сиёсатини танқид қилади.

1916. «Китобсеварнинг таътили» ва «Яратгандан қўрқинг ва бурчингизни бажаринг» китоблари нашр этилади.

10 июнь: Тараққийпарвар партия («Лослар партияси») Теодор Рузвельт номзодини олға суради, аммо унинг ўзи таклифни рад этиб, республикачи Чарльз Эванс Хьюзни қувватлайди.

1916. 19 май: президент Вудро Вильсон Рузвельтнинг кўнгиллилар бўлинмаси тузиб, урушда қатнашиш таклифини рад этади.

1918. «Буюк саргузашт» китоби нашр этилади.

Июль: Рузвельт Нью-Йорк губернатори сайловида номзодини қўйиш ҳақидаги таклифни рад этади.

14 июль: Рузвельтнинг кенжа ўғли Кавентин Францияда учувчи сифатида урушга қатнашган пайти уриб туширилади ва ҳалок бўлади.

1919. 6 январ: Рузвельт олтмиш ёшида уйқусида вафот этади. Артерияга тикилиб қолган қон лахтаги ўлимга сабаб бўлди.

**Ушбу ўзбек тилида нашр этилган китобни
тўлиқ ёки қисман босиш, электрон шаклини эълон қилиш
ва муаллифлик ҳуқуқини бузиб, бошқа мақсадларда
фойдаланиш қонунга мувофиқ тақиқланади.**

Адабий-бадий нашр

Теодор Рузвельт

Лойиҳа муаллифи: Элзод Султонов

ЛИДЕРЛИК ҚОНУНЛАРИ

«Sharq-ziyo zakovat»
нашриёт-матбаа уйи
Тошкент – 2021

Инглиз тилидан

Муштарий Винерова Шухрат қизи таржимаси

Мухаррир: Алишер Файзуллаев
Бадий муҳаррир: Шаҳзода Султонова
Техник муҳаррир: Нурзоид Султонов

**Нашр лицензияси: АI № 286,
2016 йил 04 ноябрь санасида берилган.**

Босишга рухсат этилди 19.02.2021. Бичими: 60x84 ¹/₁₆,
«PT Serif» гарнитураси. Шартли босма табоғи 18,0. Нашриёт-ҳисоб
табоғи 18,1. Адади: 1000 нусха. 9-сонли буюртма.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Оригинал макет «SHARQ-ZIYO ZAKOVAT» нашриёт-матбаа
уйи таҳририятида тайёрланди. «Sharq-ziyo zakovat»
МЧЖнинг матбаа бўлимида офсет усулида чоп этилди.